

33 м (07)

с - 26

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ




ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛИК ВА
ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
МАРКАЗИ

“ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ” НТМ

Б.Т. САЛИМОВ, М.С. ЮСУПОВ,
А.С. ЮСУПОВ

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ
КИЛИШ



ТОШКЕНТ – 2015

УЎК: 91 (076)

КБК 65.248

С-26

С-26 Б.Т.Салимов, М.С.Юсупов, А.С.Юсупов. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш. Ўқув-амалий кўлланма. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2015, 240 бет.

ISBN 978-9943-4647-4-2

Ушбу ўқув-амалий кўлланма Давлат илмий-техника дастурларининг Ф-1-59- “Ўзбекистон агросаноат мажмуасини жаҳон агарар ва озиқ-овқат бозорларига интеграцияланувишининг назарий-услубий асосларини тақомиллаштириши” мавзуидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Ўқув-амалий кўлланма Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни кўллаб-куватлаш маркази билан ҳамкорлиқда ташкил этилаётган кўп тармоқли фермерлар хўжаликлари раҳбарларининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш” бўйича семинар-тренинги ўқув дастури асосида тайёрланган. Ўқув-амалий кўлланмада экспорт стратегияси, маҳсулотларни экспортга тайёрлап ва амалга ошириш, экспорт шартномасини тузип ва рўйхатга кўйиш, экспорт қилинаётган маҳсулотларга турли сертификатлар олиш ва юкларни сугурталаш, уларни транспортга юкламп ва ташинц, божхона юк декларациясини тўлдириш ва юкни божхона органларида расмийлаштириш, МДҲ ва Европа Иттифоқи мамлакатларига маҳсулотларни экспорт қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини давлат томонидан кўллаб-куватлаши масалалари ўз ифодасини топган.

Ўқув-амалий кўлланма экспорт масалалари билан шугулланувчи мутахассислар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юргарининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, амалиётгилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларга мўлжалланган.

УЎК: 91 (076)

КБК 65.248

Такризчилар:

А.Алимов – Ўзбекистон “Тадбиркорлик ва фермерликни кўллаб-куватлаш маркази” директори;

И.Хотамов – и.ф.н., доц., Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети “Ташкил иқтисодий фаолият” кафедраси.

Ўқув-амалий кўлланма ТДИУ Кенгашининг 2015 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4647-4-2

© “Fan va texnologiya” нашриёти, 2015.

КИРИШ

Агросаноат мажмуасининг таркибий қисмлари бўлган – қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи озиқ-овқат саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқлари хизобланади. Бу тармоқлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондириш билан бирга мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга ва валюта маблағларини ишлаб топишга имкон яратади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз мъарузаларида таъкидлаганларидек: “Барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, ишлаб чиқаришни диверсификация қилмасдан туриб, ташки бозорларга чикиш ва маҳсулотларимизни сотиш борасидаги экспорт дастурини амалга ошириш, валюта даромадлари тушумини таъминлаш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ва иш ўринларини ташкил этиш, пировард натижада ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларимизга эришиш хақида сўз юритиш мумкин эмас.

Биринчи навбатда, жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишининг локомотивига айланниши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда кўллаб-кувватлашни таъминлаш зарур¹⁷.

Ўзбекистон агросаноат мажмуаси улкан экспорт салоҳиятига эга бўлиб, бу серкүёш заминнинг табиий-икклим шароити жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган мева ва сабзавотларни етиштиришга имкон яратади. Саховатли “ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган хақиқий брендга – товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни

¹⁷ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчили давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кеңг йўли очиб бериш – устувор вазифамиздир. // “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 21 январ.

сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатдошлиги билан ажралиб туради.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва ахолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди².

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш борасида халқаро интеграциялашув жараёнларининг кучайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан жаҳон бозорларига кириб бориш учун маълум бир билим ва кўникмалар ҳамда ишончли ахборот каналларига эга бўлишни талаб этади. Шу билан бирга, Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг жаҳон савдо тизими ва аграр бозорларига интеграциялашувининг назарий ва ташкилий-иктисодий асосларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан саналади. Шу муносабат билан турли усуслар ва механизмларни қамраб олган, агросаноат мажмуасининг рақобатбардошлигини таъминлашга имкон берувчи жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув тизимини такомиллаштириш масалалари алоҳида долзарблик касб этиб бормоқда.

Ўкув қўлланмада экспорт тушунчасининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва зарурияти, экспорт стратегиясини ишлаб чиқиши ва маҳсулотларни экспортга тайёрлаш, экспорт каналлари, транспорт турлари ва коридорларини танлаш, экспортни амалга ошириш тартиби ва босқичлари ҳамда экспорт фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими илмий-амалий жиҳатдан очиб берилган.

Ўкув қўлланмада шунингдек, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига, жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (Россия Федерацияси мисолида) ва Европа Иттифоки (ЕИ) мамлакатларига экспортга чиқариш имкониятларига баҳо берилган, бу жараённинг миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун ижобий ва салбий таъсири ўрганилган, зарурий ҳолларда экспортни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича хulosалар ва тавсиялар берилган.

² Каримов И.А. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутки. “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 7 июнь.

І БОБ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ- ИҚТISODIY АСОСЛАРИ

1.1. Экспорт тушунчасининг моҳияти, ўзига хос ҳусусиятлари ва зарурияти

Ўзбекистон агросаноат мажмуаси улкан экспорт салоҳиятига эга бўлиб, бу серкүёш заминда етиштирилаётган мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, мева-сабзавотларни қайта ишлаш натижасида олинган озиқ-овқат маҳсулотлари дунё бозорларида мустахкам ўрин эгаллаши мумкин. Мамлакатимизнинг табиий-иклим шароити жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган мева ва сабзавотларни етиштиришга имкон яратади. Бугунги кунда “биз дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилимокдамиз. Ўзбекистон ўриқ, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киради³”.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш натижасида олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш борасида интеграциялашув жараёнларининг кучайиши мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларидан жаҳон бозорларига кириб бориш учун маълум бир билим ва кўникмалар ҳамда ишончли ахборот каналларига эга бўлишни талаб этади. Шу туфайли агросаноат мажмуаси озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспортга чиқаришнинг назарий ва ташкилий-иқтисодий асосларини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши муҳим вазифалардан саналади.

Муайян бир мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига экспортга чиқариш заруриятини юзага келтирувчи шарт-шароитлар ёнг аввало ҳалқаро савдо назариялари

³ И.А. Каримов. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги ҳалқаро конференцияда сўзлаган нутки. “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 7 июнь.

билин бөгликтен. Россиялык иқтисодчи олимлар И.В.Кокушкина, М.С.Воронинларнинг фикрича: “Халқаро савдо - халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи бўлиб, анча мураккаб ва кўп қиррали ҳолат ҳисобланганни учун унинг турли таърифлари мавжуд. Умум эътироф этилган таърифга кўра халқаро савдо дунёнинг барча мамлакатлари ташқи савдоларининг йиғиндинисини ифодалайди. Халқаро савдо – бу муайян мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси бўлиб, у товарлар, ишлар ва хизматларни мамлакатдан олиб чиқиш (экспорт) ва мамлакатга олиб киришдан (импорт) ташкил топади”⁴.

Е.В.Вавилова ва Л.П.Бородулиналарнинг ёндошуви бўйича: “Халқаро савдо (international trade) – халқаро товар-пул муносабатларининг барқарор соҳаси бўлиб, жаҳондаги барча мамлакатлар ташқи савдоларининг йиғиндинисидан ташкил топади. “Халқаро ёки жаҳон савдоси” термини шунингдек, яна қуидаги маъноларни ифодалаш учун ишлатилиши мумкин: 1) жаҳондаги барча мамлакатлар савдосининг умумий ҳажмини; 2) саноати ривожланган, ривожланаётган мамлакатлар ёки бирор континент, худуддаги мамлакатлар ташқи савдосининг умумий ҳажмини”⁵.

Е.Ю. Сидорова халқаро савдони мамлакатларнинг чегаралар орқали товарлар ва хизматлар билан айрибошлиш жараёни деб қарайди. Унинг фикрича, турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда мамлакатлараро ракобат устунликларидағи (ёки нисбий устунликлардаги) фарқлар халқаро меҳнат тақсимотига асос яратади ва мамлакатлар орасидаги экспорт ҳамда импорт оқимини белгилашиб беради⁶.

Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, халқаро савдо мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига борган сари кучли таъсир кўрсатиб бормоқда. Биргина иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда халқаро савдо тез суръатлар билан ривожланиб, унинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари жаҳон бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларидан 1,5 марта ортиқ бўлди. Натижада, бир томондан, ташқи савдо иқтисодий тараққиётнинг кучли омили сифатида юзага чиқмоқда, иккинчи томондан эса,

⁴ И.В.Кокушкина, М.С.Воронин. Международная торговля и мировые рынки. Учебное пособие. –СПб.: Техническая книга, 2007. -11 с.

⁵ Е.В.Вавилова ва Л.П.Бородулина. Международная торговля. Учебное пособие. –М.: Гардарики, 2006. – 45 с.

⁶ Е.Ю.Сидорова. Международная торговля: курс лекций. Учебное пособие. –М.: Экзамен, 2006. – 8 с.

мамлакатларнинг халқаро товар айрибошлашдан қарамлиги даражаси ҳам сезиларли даражада ошди⁷.

Халқаро савдо турли мамлакатлар ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар) айрибошлаш билан боғлиқ муносабатларни англатиб, у мамлакатларнинг ўзаро нисбий ва таққослама афзалликларига асосланади. Бу борада фанда бир қанча назариялар мавжуд бўлиб, биз улардан айнан жаҳон аграр ва озиқ-овқт бозорларига қўллаш мумкин бўлгандарини кўриб чиқишига ҳаракат қиласиз.

Аввалом бор мамлакатлар ўзларидағи ички истеъмолдан ортиқча ракобатбардош маҳсулотларни халқаро бозорларда сотиш орқали валюта ишлаб топиб, ўзларида ишлаб чиқарилмайдиган товарларни харид қилишига ҳаракат қиласидилар. Турли мамлакатлар турли пул бирликларини ишлатишларини эътиборга олсақ, халқаро бозорларда амалда бўлган валюталарни ишлаб топиш учун маҳсулотларни экспорт қилишига тўғри келади.

Агросаноат мажмуаси озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспорт қилиш зарурияти ва шарт-шароитларини таҳлил қилишдан олдин “Экспорт” тушунчасининг иқтисодий моҳияти ва хусусиятларини ўрганиш лозим бўлади.

“Экспорт” тушунчасига таъриф беришда турли манбаларда бир-бирига яқин ва ўхшаш ёндошувлар учрайди. Хусусан, Россиялик иқтисодчи олимлар Е.В.Вавилова Л.П.Бородулиналарнинг таъриф беришича: “Экспорт деганда товарлар ва хизматларни ташқи бозорларда сотиш учун мамлакатнинг миллий чегараси орқали олиб чиқиши тушунилади. Экспорт предметлари бўлиб мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар (хизматлар) ҳамда ташқаридан мамлакатга олиб кирилиб, қайта ишлаб ташқарига сотишга мўлжалланган товарлар хисобланади. Экпортнинг алоҳида шакли сифатида реэкспорт, яъни мамлакаттага олдин олиб кирилган товарларни қайта ишламасдан ташқарига чиқариб сотиш юзага чиқади⁸”.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Шодмонов ва У.В.Фофуровларнинг фикрича, “экспорт – бу товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатларда ишлаб

⁷ Н.А. Мислашевская, А.В.Хлопов. Международная экономика. Учебник. – М.: Дело и сервис, 2004. – 22 с.

⁸ Е.В.Вавилова ва Л.П.Бородулина. Международная торговля. Учебное пособие. –М.: Гардарики, 2006. – 39 с.

чиқарилган товар мамлакатдан ташқарига чиқарилади⁹”. Бошқа бир иқтисодчи олимларимиз А.Үлмасов ва А.Ваҳобовларнинг таърифича, “экспорт – бу товарларни мамлакат ташқарисига чиқариб сотиш¹⁰”.

Яна бир манбада келтирилишича: “Экспорт – бу товарларни чет эллик харидорларга сотиш бўлиб, бунда ишлаб чиқарилган товар мамлакатдан ташқарига чиқарилади. Экспортнинг иқтисодий самарадорлиги шу билан аниқланадики, мамлакат ишлаб чиқаришнинг миллий харажатлари жаҳон харажатларидан паст бўлган маҳсулотларни четга чиқаради. Бунда экспортдан олинадиган ютуқ ҳажми мазкур товар бўйича миллий ва жаҳон нархларининг нисбатига, мазкур товарнинг халқаро айланмасида иштирок этувчи мамлакатларнинг меҳнат унумдорлигига боғлиқ¹¹”. “Экспорт” сўзи лотин тилидаги “exporto” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, таржимада “чиқараман” деган маънони англатади. Одатда бу сўз замирида бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга товар-моддий қимматликлар, капитал, билим, ишчи кучи ва бошқаларни олиб чиқиш тушунилади¹².

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги 77-II-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ: “Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан уларни қайта олиб кириш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб чиқиб кетилиши, агар қонун хужожатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, товарлар экспортидир”.

Шунингдек, мазкур қонунда ишлар ва хизматлар экспорти тушунчасига ҳам таъриф берилган: “Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиши), уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан қатъи назар, ишлар (хизматлар) экспортидир”.

⁹ Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Убайдуллаев. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: Иқтисод-Молия, -2010. - 610 б.

¹⁰ А.Үлмасов; А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нафри). -Т.: Иқтисод-Молия, 2014. - 392 б.

¹¹ Муалиффлар жамоаси. Ўзбекистон ислоҳотлар стратегиясини изчил давом этириш йўлida. Ўкув кўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси “Молия” нашриёти, 2014. -34 б.

¹² Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. -Ташкент, 2007. - 4 с.

Товарлар экспорти одатда моддий-буюмлашган шаклдаги маҳсулотларни жаҳон бозорларида сотишни ифодаласа, ишлар (хизматлар) экспорти хорижий мижозларга моддий-буюмлашган шаклга эга бўлмаган, аммо тегишили шартнома асосида маълум ҳақ ҳазизга амалга ошириладиган ишлар ва хизматларни кўрсатишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси таркибиغا кирувчи қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати корхоналари томонидан 180 дан ортиқ турдаги хўл, қуруқ ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, озиқ-овқат маҳсулотларини ташки бозорларга экспорт қилишнинг мамлакат ва миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун қуидаги афзалик томонлари мавжуд:

- маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ортган қисмини жаҳон бозорларида сотиш мамлакат учун валюта маблағлари ишлаб топиш, валюта резервларини ошириш ҳамда тўлов балансини мустахкамлашга имкон яратади;

- товар ишлаб чиқарувчилар учун ўз маҳсулотларини экспорт қилиш валюта ишлаб топиш, сотишдан пул тушумлари ва фойданни кўпайиштириш учун қўшимча имкониятлар очади;

- жаҳон бозорлари, айниқса Евropa Иттифоқи каби ривожланган мамлакатлар бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол, сифат ва экологик хавфсизлик жиҳатларига қўйиладиган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария ва экология стандартлари ҳамда талаблари жуда юқори бўлиб, бу ҳолат миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ўз маҳсулотларининг истеъмол хусусиятлари, сифати ва экологик хавфсизлигини мунтазам ошириб боришга мажбур қиласди;

- ички бозор тўйинган шароитда ортиқча маҳсулотларни экспортга чиқариш жаҳон бозорларининг бир қисмини эгаллаш орқали сотувлар ҳажмини ва даромадларни оширишга, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эвазига таъминланадиган “кўлам самарааси” маҳсулотлар таннархини пасайтиришга, сотилмай туриб қоладиган маҳсулотларни йўқотишдан келадиган заарлардан саклашга имкон беради;

- жаҳоннинг турли минтақаларидағи бозорлarda фаолият кўрсатиш иқлимдаги хилма-хиллик ва мавсумийликка боғлиқ ҳолда

маҳсулот турлари ҳамда ишлаб чиқаришни доимо диверсификация қилишга йўл очади;

- ички бозорда йилнинг маълум мавсумида ўз маҳсулотини сотиши мумкин бўлган товар ишлаб чиқарувчilar иқлимдаги хилма-хиллик эвазига жаҳон бозорларида йил давомида маҳсулот сотишига эришишилари мумкин;

- давлатлараро ва фирмалараро товар айланмаси ҳамда кооперацион-ишлаб чиқариш алоқалари кенгаяди;

- ҳалқаро савдо ишлаб чиқариш ресурсларини оптималь тақсимлашга йўл очиб, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиради ва ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиради;

- миллӣ товар ишлаб чиқарувчilar учун жаҳоннинг капитал, товар, хомашё-ресурс, молиявий, меҳнат, илмий ва аҳборот бозорларига кенг йўл очилади;

- жаҳон бозорларида кучли рақобат мухитининг мавжудлиги товарлар ассортименти ва сифатининг яхшиланишига, қўшимча сервис хизматларининг ривожланишига олиб келади;

- ҳалқаро савдо ва иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ўз навбатида инфратузилмалар ҳамда коммуникация тармоқларининг ривожланишига олиб келади;

- миллӣ бозор сиғими кичик бўлган мамлакатлар учун янги бозорларга чиқиш имконияти пайдо бўлади;

- миллӣ ва хорижий товар ишлаб чиқарувчilar ўртасида ўзаро тажриба алмашишга, янги билим ва кўникмаларни эгалашга ҳамда илғор технологиялар ва инновацион ғоялардан биргаликда фойдаланишига йўл очади.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, миллӣ товар ишлаб чиқарувчilar учун жаҳон бозорларига чиқиш ва ўз маҳсулотларини экспорт қилишнинг ҳам давлат, ҳам фирмалар учун манфаатли томонлари жуда кўп.

Озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишда жаҳон озиқ-овқат бозорларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Илмий адабиётларда озиқ-овқат бозорини маҳсулотларнинг тури ва рақобат мухитидан келиб чиқиб қуидаги тўртта турга ажратишган¹³.

Биринчи турга – қайта ишланмасдан тўғридан-тўғри бозорга чиқариладиган ҳўл мева-сабзавотлар, гўшт-сут каби маҳсулотлар

¹³ Е.Н.Киселева, О.В.Власова, Е.Б.Коннова. Рынок продовольственных товаров. Учебное пособие. http://www.plam.ru/uchebnik_rynok_prodomstvennyh_tovarov/p2.php.

бозорлари киради. Бундай бозорларга кириб бориш имкониятлари кенг, нарх талаб ва таклиф нисбатлари асосида ўрнатилади ҳамда ўз характерига кўра соф рақобатлашган бозорга энг яқин келади.

Иккинчи турга – қайта ишлаш корхоналари учун хомашё сифатида бозорга чиқариладиган маҳсулотлар бозорлари киради. Бунга озиқ-овқат саноати корхоналарида қайта ишлаш учун етишириладиган дон маҳсулотлари, мева-сабзавотлар, гўшт-сут ва бошқа маҳсулотларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай бозорларда маҳсулотлар стандарт характерга эга бўлиб, йирик партияларда улгуржи нархларда сотилади.

Учинчи турга – бирламчи ва иккиласмчи қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари бозорлари киради. Бундай бозорларда маҳсулотлар турлари жуда кўп ва хилма-хил, юқори даражада табақалаштирилган. Ҳар бир маҳсулотнинг турли маркалари ва навлари ҳамда сифат кўрсаткичлари учрайди. Шунингдек, ушбу маҳсулотларнинг қадоқланиши ва маркировкаси ҳам турли-туман бўлади. Уларга мева-сабзавот шарбатлари, консервалар, қандолатчилик маҳсулотлари, колбаса ва пишлоқларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу бозорларда ўзаро ўринбосар товарлар кўп бўлгани учун рақобат муҳити ҳам кучли ва нарх орқали рақобатлашиш имкониятлари кам. Шу сабабли нархдан ташқари рақобатлашиш воситаларидан, яъни реклама, дизайн, сервис ва бошқа маркетинг инструментларидан фойдаланишга устуворлик берилади. Бу бозорларда сотувчилар сони кам бўлиб, рақобат нуқтаи-назаридан олигополистик бозорлар сирасига киради. Бозорга кириш имкониятлари ҳам тўсиклар туфайли чекланган бўлади.

Тўртинчи турга – озиқ-овқат сервиси, яъни умумий овқатланишга тегишли кичкина буфет ёки фаст-фуддан тортиб, йирик ресторонларгача бўлган корхоналар киради. Бу бозор ўзига хос ва турли таркибга эга. Бунда хизмат кўрсатиш турлари, даражаси ва нарх бўйича бир-биридан фарқ қиливчи, соф рақобатлашган бозордан олигополия элементларига бўлган турли субъектлар фаолият олиб боради.

Озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ўз даражасига кўра бир неча даражага эга бўлиб, маҳаллий дехқон бозорларидан тортиб, худудий, миллий ёки жаҳон даражасигача фарқ қилиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат бозорини юқори даражада товар таркибига эга бўлган кўп сонли фирмалар ташкил

этади. Бунда бозорда юкори мавқега эга фирмалар гурухи яққол күзға ташланади. Бу бозорларда нарх орқали рақобатлашиш билан бирга нархдан ташқари рақобатлашиш, яъни реклама, товарлар таркибини дифференциациялаш, сифат ва сервис кўрсатиш муҳим ўрин тутади.

Кейинги йилларда жаҳон озиқ-овқат бозорларида маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларига, яъни уларнинг таркибида инсон соғлиғи учун муҳим бўлган фаол биологик моддалар (табиий шакар, амино ва органик кислоталар, микроэлементлар ва витаминлар, ферментлар ва бошқалар) мавжуд бўлиши ҳамда экологик жиҳатдан ҳавфсизлигига (таркибида пестицидлар, ифлослантирувчи моддалар мавжудлиги, гигиеник, фитосанитария талаблари ва бошқалар) эътибор кучайиб бормоқда. Шунингдек, экспортга чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг қадокланишиши (маркировкаси), ташиб ва сақлаш шароитларига ҳам маҳсус талаблар кўйилади. Буларни эътиборга олмаслик кучли рақобат шароитида миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон озиқ-овқат бозорларидаги имкониятларини кескин чеклади.

Хар бир мамлакат ёки экспортчи фирма жаҳон озиқ-овқат бозорларида ўзининг рақобат устунлигидан унумли фойдаланишга интилади. Рақобат устунлиги мамлакат ёки фирманинг табиий, ташкилий-иктисодий, техник-технологик ва бошқа шарт-шароитлари таъсирида унинг маҳсулотларини жаҳон озиқ-овқат бозорларидаги бошқа рақобатчилар маҳсулотларидан устун мавқенини белгилаб беради. Бу эса, ўз навбатида кучли рақобат шароитида ютиб чиқиши ва муваффакиятга эришиш имкониятини таъминлайди.

Ўзбекистон агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспорт қилиш имкониятлари куйидаги омиллар таъсирида шаклланади:

- Ўзбекистон табиий-икклим шароитларининг жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган пахта, мева-сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қулагилиги;

- мамлакатимизда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг ички истеъмолдан ортиқчалиги ва уларни жаҳон бозорларига экспорт қилиш имкониятлари мавжудлиги;

- мамлакатимизда иссиқ кунларнинг эрта баҳордан токи декабр ойигача давом этиши республикамиз товар ишлаб чиқарувчиларини озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига

йил давомида узлуксиз етказиб берадиган ишончли ҳамкорга айлантириш имкониятини бериши;

- республикамизнинг тоғли ва төг олди худудларида қўшимча мевазор ва узумзор боғлар барпо этиш учун етарли ер майдонлари мавжудлиги;

- Ўзбекистон мева-сабзавотлари ва уларни қайта ишлаш асосида олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари хуш тъми, витаминлар ҳамда микроэлементларга бойлиги, шифобахш хусусиятлари ва чиройли кўриниши билан жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги;

- республикамиз аҳолисининг қишлоқ хўялиги маҳсулотлари етиштириш борасида асрлар давомида тўплаган бой билими, тажрибаси, малака ва кўникмалари мавжудлиги;

- МДҲ (айниқса Россиянинг) ва бошقا мамлакатларнинг бозорларида ўзбек мева-сабзавотларига талабнинг юқорилиги ва ушбу бозорлар сифимининг катталиги;

- республикамизда ҳўл ва қуритилган мева-сабзавотлар етиштириш, уларни қайта ишлаш бўйича ҳали фойдаланилмаган имкониятларнинг мавжудлиги;

- мамлакатимизда мева-сабзавотларни етиштириш, саноат усулида қайта ишлаш ва экспорт килишга ҳукумат даражасида берилаётган катта эътибор ва имтиёзларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Кулай табиий-иклим шароитлари, улкан ресурс салоҳияти ҳамда асрлар давомида шаклланган малака ва кўникмалар мамлакатимиз агросаноат мажмуасининг озиқ-овқат (айниқса мева-сабзавотчилик) куйи мажмуасини жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш учун истиқболда кенг имкониятлар очиши мумкин.

1.2. Экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш ва маҳсулотларни экспортга тайёрлаш

Жаҳон озиқ-овқат бозорларига кириб бориш ва унда мустаҳкам ўрин эгаллаш кўп жиҳатдан экспорт стратегиясини тўғри белгилаб олишга боғлиқ. Илмий адабиётларни ўрганиш асосида шундай холосага келиш мумкинки, экспорт стратегияси деганда экспортчи фирманинг ўз маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб кириш ва сотиш борасидаги максадлари, уларни амалга ошириш воситалари ва муддатларини ўз ичига олган комплекс чора-

тадбирлар тизими тушунилади. Мутахассислар фикрига қараганда, “экспорт стратегиясини ишлаб чиқишида фирмада:

- ўзининг экспорт салоҳиятига баҳо бериши;
- экспорт бўйича экспертлар кўмагига таяниши;
- мақсадли бозор ёки бозорларни танлаши;
- мақсадларни аниклаштириб ўз маҳсулотини танланган бозорларга олиб кирилишини таъминлаши зарур.

Экспорт стратегиясини ишлаб чиқишида, одатда қуидаги тўрт омил хисобга олинади:

- 1) Экспортдан кўзда тутилган мақсад – қисқа ва истиқболли;
- 2) Фирманинг аниқ тактикаси;
- 3) Фирманинг белгиланган мақсадларига эришишига ёрдам берувчи чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатларининг режа-графики;
- 4) Экспорт билан боғлиқ фаолиятнинг турли шакллари бўйича ресурсларни таҳсиллаш¹⁴.

Иzlанишлар экспорт стратегиясини шакллантириш ўз ичига бир қатор омиллар ва босқичларни қамраб олиши лозимлигини кўрсатади (1-жадвал):

1. Жаҳон бозорларини таҳдил қилиш асосида экспорт қилиниши мумкин бўлган, яъни талаб юқори бўлган маҳсулотлар турларини ва миқдорини аниқлаш.
2. Жаҳон озиқ-овқат бозорлари конъюнктурасини таҳдил этиш. Бунда жаҳон озиқ-овқат бозорларида мавжуд потенциал рагбатчиларнинг устунлик ва заифлик томонларини чуқур ўрганиш.
3. Экспортта чиқариладиган маҳсулотларнинг рагбатбардошлиқ даражасини таҳдил этиш. Бунда экспортта чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларига жаҳон бозорларида кўйиладиган мажбурий талабларни ўрганиш ва ўз маҳсулотларини уларга мос келишини таҳдил этиш муҳим саналади.
4. Экспорт учун танланган мамлакатда амал қиласидиган ташқи савдо режими ва уни давлат томонидан тартибиға солиш механизмларини ўрганиш.
5. Экспортта чиқариладиган маҳсулотлар сифатига қўйиладиган халқаро талабларни ўрганиш.
6. Маҳсулотларни экспортта чиқариш каналларини ўрганиш.

¹⁴ Д.Дэниэлс, Л.Х. Радеба. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. Пер. с англ., 6-изд. – М.: Дело ЛТД, 1994. -453 с.

Кышлак хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариши стратегиясини ишлаб чиқишда ёътиборга олинадиган асосий омиллар таркиби

<p>Экспорт стратегииинин асосий боскичлари</p>	<p>Экспорт стратегиисинин ишлаб чыкышда эътиборга олинадиган асосий омиллар</p>
<p>1</p>	<p>1. Экспортта чыкариладыган махсулот турлари ва экспорттада салохидаттанин аниказаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жаҳон бозорларыда талаб юкори махсулотлар түрлери ва уларнинг хусусиятлари; - махсулотларнинг экспорт учун мос келишини аниказлаپ; - қайси турдаги махсулоттарни кантча макторлорда экспортта чыкариш иктисадий жиҳатдан масадга мувофиқлигига баҳо бериш; - экспортта чыкариладыган махсулотларнинг ичкиси ва жаҳон бозорларидаги нархлари; - экспортта чыкариладыган махсулотларни ишлаб чыкариши ва экспортта чыкариши харажатлари; - экспорт буйича гунаядиган болж түловларни, йигимлар ва солиқлар; - юкни транспортда ташини ва долистика тезмалари имкониятларига баҳо берип ва экспортга етказиб берип бўйича йўл харажатларини ўрганиши; - экспортта махсулот чыкаришини фирма тутун фойдаси ва рентабеллигини таҳдил килиши.
<p>2</p>	<p>2. Жаҳон оин-овқат бозорлари конъюнктураси таҳлили:</p> <ul style="list-style-type: none"> - товарга бўлган талаб на тақиғи нисбагларни (бозор мувоззанати); - нарх дарражаси ва унинг ўзарини тенденциялари; - бозор сирими ва ҳажми; - бозорни ризоҳланиш тенденциялари ва прогностлар; - бозорнинг очиклиги, ундаги ишбариармонлик мухити; - ракобат мухити ва бозорнинг монополияшув дарожаси; - бозордаги асосий ракобатчилар сони, уларнинг товар ва журрофий таркиби; - ракобатчи фирмаларнинг бозорда этағлалан улущи; - тижорат тавассатчилари (риск); - бозорнинг сиёсий, худудий, демографик ва бопшка хусусиятлари; - бозорнинг ёки маъсумий циклар (тебринишлар) ва башк.

1	2	
3. Экспортта чиқарладыган махсулоттинг жаҳон бозоридаги ракоабаттардойлик даражасин таҳлили:	<ul style="list-style-type: none"> - маҳсулотнинг сифат кўрсакчиглари: нафтилиги, таъм ва истеъмол хусусиятлари; - маркетинг ва реклама-ахборот билан таъминланганик, - дизайни ва кадоқланиши; - маҳсулотни бозор сегментларига кўра табакалаштириш; - маҳсулотни нархи ва танинхии; - кафолатлар билан таъминланни ва кафолат берини муддатлари; - согтидан одинги ва кейинни сервис; - ракобат бозорида товарининг ўз вактида пайдо бўлиши; - мамлакат ёки худуддаги ижтимоий-икисодий ва сиёсий вазият. 	
4. Ташики савдо режимин ва экспортни давлат томонидан тартибга солинишни таҳкиклий-иктисодий асослари:	<ul style="list-style-type: none"> - экспорт фаолигига амал кидаётган кончуний-мезъерий хўжжалгар; - экспорт фаолигитини давлат томонидан тартибга солинишни таҳкиклий-иктисодий асослари; - ТИФ ТН бўйича маҳсулот кодлари; - экспортни тартибга солинишни тарифли ва нотариф усуслари; - экспорт килини таъкидланган ёки маҳсус руҳсат (лицензия, квота ва бопка.) талаб килинадиган товарлар рўйхати; - экспортерларга берилган кафолатлар ва имтиёзлар тизими; - маҳнагаллар ўргасида ўзаро энг кулий савдо режими ва учдан фойдаланиши. 	
5. Махсузот сифатига кўйиладиган ҳалкаро талаблар:	<ul style="list-style-type: none"> - Ҳалкаро стандартлантириш тақиқоти (ISO) доирасида маҳсулот сифатига, экологик хавфсизлигига, техник нормалар ва стандартларга мос келишига талаб; - ISO стандартлари бўйича сертификатлар олини; - ISO 9001:2000 – сифат менемажонни ва ISO 22000-2005 – озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менемажонни бўйича ҳалкаро стандартлар. 	
6. Экспорт каналлари:	<ul style="list-style-type: none"> - тўғридан-тўғри экспорт; - воситачи фирмалар ва экспорта кўмаклашувчи институциялар орқали экспорт; - хорижий фирмалар орқали экспорт; - товар-хоммаш биржалари, кўргазмалар ва ярмаркалар орқали экспорт; - савдо уйиари, ваколатхоналар ва дистрибьюторлар тармоми орқали экспорт; - интернет ва электрон савдо орқали экспорт. 	

7. Махсулотларни экспоррга тайёрланы:	<ul style="list-style-type: none"> - махсулотни экологик, техник, фитосанитария, гигиеник хавфсизлик талабларига хамлашканаро сифат стандартларига мослаштириши; - махсулоттинг ракобагбардопшигини жаҳон бозори талабларига мослаштириши; - махсулоттни бозор сегментлари бўйинча табакалаштириши ва нарх стратегияси тандаси; - махсулоттинг дизайнни, ўрами ва қадоқапшнинг замонавий воситаларидан фойдаланиши; - маркирошка ва брендингни жорий этиши.
--	--

8. Экспорт бўйича музокаралар олиб борини:	<ul style="list-style-type: none"> - музокараларга тайёрларлик ќўриши; - музокара олиб борини этикасига риоҳ этиши; - музокараларни олиб борини технологиясини ўрганиши; - ўзаро ётипималар ва сўровчларга жавоб берини; - хорижлик хамкорлар билан ўзаро манбаётли алоқаларни йўлга кўйини; - экспорт партномасини гузисга келишув.
---	--

9. Экспорт шартномасини ва унга кўйиладиган асосий талаблар:	<ul style="list-style-type: none"> - преамбула, шартнома предмети; - махсулотни етказаб берини бўйича «Инкомтермс» халқаро қоидларни; - товарни етказаб берини муддати; - нарх ва шартнома киймати, махсулотга ҳак тўлаш шарғларни; - товарни қадоқсан, маркаровка килини ва юқсанш тартиби; - товарни топширип-қабул килини тартиби, рекламация, кафолатлар; - товарнин келиб чикини; - санкциялар, форс-мажор холатлари, арбитраж; - шартномани кучга карини ва амал килиш муддати; - томонларнан ревизиялари, шартномати тили, шартномани визалангитирини.
---	---

10. Экспорт махсулотларига сертификатлар олини:	<ul style="list-style-type: none"> - махсулоттинг келиб чикини тўғрисидаги сертификат (СТ-1 шакли ёки А шакл); - гигиеник сертификат; - мувофиқлик сертификат; - фитосанитария сертификати; - ветеринария сертификати.
--	---

1	2
10. Экспорт маҳсулотларига сертификатлар олиши:	<p>“Бољхона итифоюни” худудига киришда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ДСТ ёки техник регламенттаги талабига мувофиқлик сертификати; - ёненидан муҳофазалан сертификати, ёнгинаин мухофизалан декларацияси; - давлат рўйхатидан ултганлиги сертификати.
11. Экспорт юқларини сутурганиш:	<ul style="list-style-type: none"> - юқларни бузилишдан ва шартномани бузилишдан сутурталаш; - южни конфискация келининийлан сутурталаш; - экспорт шартномаси ва юқларини сутурталовчи миллӣ ва халкаро сутурта компаниялари. Халкаро амалиётда экспорт юқларини сутурталашда зарур бўладиган асосий хужжатлар: - сутурга полиси; - сутурга сертификати; - сутурга квитанцияси; - очик полис бўйига декларация.
12. Экспорт учун транспорт коридорлари танлаши:	<p>Энг асосий транспорт коридорлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - шимолий (Тонкент-Рига); - шимолий-тарбий (Тонкент-Брест); - гарбий ёки Трансказак (Тонкент-Актау-Поти); - жанубий (Тонкент-Бандер-Аббос); - жанубий-шаркий (Тонкент-Лян-Юн-Гант); - шаркий (Тонкент-Находка). <p>Асосий юқ ташувчи транспортерлар: автомобиль, темир йўл, авиациянинг юқ ситими, киймати ва бошкадар.</p> <p>Асосий хужжатлар: транспорт-экспедиция хизмати шартномаси, товариҳамроҳлик қилувчи хужжатлар, божхона хужжатлери ва бошха хужжатлар.</p>
13. Юқларни бозхонда расмийлаштириши:	<ul style="list-style-type: none"> - декларан-божхона брокерини ёллаш ва унга такдим этиладиган хужжатлар; - божхона юқ декларацияси, унинг таркиби ва гўдириш шартнари; - божхона юқ декларациясини қабул килинishi ва расмийлаштирилиши; - божхона органига таҳсил килинадиган асосий хужжатлар.

1	2
13. Юстиарни болжхонада расмийлаптарынш:	<ul style="list-style-type: none"> - юкни болжхона назоратидан үтказып; - болжхона органининг юкни чиқаришига рухсат берини.
14. Экспорт болж түлөвлөрі ва солниклар:	<ul style="list-style-type: none"> - болж түлөві; - акциз солни; - күпшілдік киймат солни (ККС); - болжхонада расмийлаптарынш учун болж йинимләри; - болжхона кузағұви учун болж йинимләри; - махсуслотарни болжхона омборида вактинге саклаш учун болж йинимләри.
15. Махсузлотни хорижий бозорға киригинш:	<ul style="list-style-type: none"> - махсузлот экспорт килинаетгандык мамлекеттегің өзгерсілдік болжхона назораты; - махсузлотта күйілділіктен тәжірибелі, санитария, ветеринария, фитосанитария талаблары, экология ва бозор стандарттары, маркировка ва болшактар; - импорттың тарифінде нағарықтұрған тарифтерде солни; - хорижий мамлекеттердегі кириппедегі тұланаңдықтан импорт болж түлөвлөрі, солислар ва йинимлар.
16. Махсузлотни салықтиши ва сотин (маркетинг) стратегиясы:	<ul style="list-style-type: none"> - оммаманай ахборот востигалары, тармоқтарда реклама уюппириш; - халқаро савдо ярнаркалары ва күргазмаларда қатнашып; - бозорни чукур ва комплекс үрганын, истемелтіліктерни түрли мезонларға күра табакаптаптырып; - сотиннин түрли усулиарини күлдеш; - бизнес хамкорлар билан якын хамкорлық алоказаларини йүлті күйинш; - сотин каналдары ва дистрибьюторлар тармоқтарини ривожлантырып; - сотин өнімдердегі нағарықтұрған кейинни сервис; - махсузлотни кафолагтап; - нарых стратегиясына болшактар.

Манба: Экспортта оид тегишли конунчилук хужжатлары, күлләннамалар ва болшқа манбалар ассоциацияның мұалимнің ишшілік мақаласы

7. Махсулотларни экспортга тайёрлашга қўйиладиган талабларни ўрганиш ва махсулотларни экспортга тайёрлаш.
 8. Хориждан харидорларни излаб топиш, улар билан экспорт бўйича музокаралар олиб бориш.
 9. Экспорт шартномаси, унинг бўлимлари, халқаро “Инкомтермс-2010” ҳамда қонунчилик доирасида шартномаларни расмийлаштиришга қўйиладиган асосий талабларни ўрганиш.
 10. Экспортта чиқариладиган махсулотларни давлат стандартлари талаблари бўйича сертификатлаш талабларини ўрганиш.
 11. Экспорт учун транспорт коридорларини танлаш ва махсулот юкландиган транспорт-логистика тизимларини ўрганиш.
 12. Экспорт юкларини ортиб жўнатиш ва сугурталаш тизимини ўрганиши.
 13. Экспортта чиқариладиган махсулотларни миллий божхона постларида расмийлаштириш талаблари ва босқичларини ўрганиш.
 14. Экспорт бож тўловлари, йиғимлари ва соликлар тўлаш тартиби ва қийматларини аниқлаш.
 15. Махсулотни хорижий бозорга киритиш йўллари, воситалари ва усусларини танлаш.
 16. Махсулотларни жаҳон бозорларига олиб кириш, силжитиш ва сотишнинг маркетинг ва нарх стратегиясини ишлаб чиқиши.
- Экспортта чиқариладиган махсулот турлари ва экспорт салоҳиятини аниқлаш куйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилади: жаҳон бозорларида талаб юқори махсулотлар турлари ва уларнинг хусусиятлари; қайси турдаги махсулотларни қанча миқдорда экспортта чиқариш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига баҳо бериш; экспорт махсулотининг ички ва жаҳон бозорларидағи нархлари, уларни ишлаб чиқариш ва экспортта чиқариш харажатлари, бож пошлиналари ва соликлар асосида олинадиган фойдани таҳлил қилиш.
- Ўзбекистон жаҳон озиқ-овқат бозорларига ўзининг ажойиб таъм ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган мева-сабзавот махсулотларини экспортга чиқаради. Мамлакатимиз “...хозирги вақтда биз умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда мева-сабзавот махсулотларини экспорт қилмоқдамиз.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот махсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича

дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киради¹⁵.

Мутахассисларнинг фикрича, “маҳсулот сотиш бозорларини ўрганиш халқаро савдода муваффақиятга эришишин таъминловчи энг асосий омиллардан биридир. Дунёда 200 дан ортиқ мамлакат мавжуд экан, сиз ўз товарларингиз ёки хизматларингиз учун энг сигими катта ва динамик тарзда ривожланаётган бозорни танлашингиз керак¹⁶”.

Бозор конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида экспорт қилиниши мумкин бўлган маҳсулотлар турларини ва микдорини аниқлаш мумкин бўлади. Бозор конъюнктураси қуидаги тамойиллар асосида тадқиқ қилинади:

- бир турдаги бозорларда аниқланган тенденцияларнинг бошقا бозорларга тўғридан-тўғри кўллаш мумкин эмаслиги;

- бозорларнинг ривожланиши динамик характерга эгалиги туфайли уларни доимий ва узлуксиз равишда кузатиб бориши зарурлиги;

- бозорларни ўрганишда маълум бир кетма-кетликка амал қилиш: дастлаб – уларнинг хусусиятларини ўрганиш, сўнgra – зарур бўладиган статистик ва аналитик маълумотларни тўплаш, охириги босқичда – конъюнктурани таҳлил этиши ва прогнозлаш.

Жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларининг конъюнктурасини ўрганиш қуидагиларни таҳлил этишини назарда тутади: бозор кўрсаткичлари – бозорнинг сигими, бозорнинг тўйиниш даражаси ва бошқалар; фирмаларнинг бозорда эгаллаган улуси; товарларга бўлган талаб кўрсаткичлари; бозор таклифини ифода этувчи кўрсаткичлар; нархлар.

Бозор конъюнктурасини баҳолашда конъюнктура индикаторлари деб аталадиган кўрсаткичларга таянилади (1-чизма):

- товарга бўлган талаб ва таклиф нисбатлари (бозор мувозанати);

- бозор нархларининг шаклланиши ва ўзгариши динамикаси;

- бозор сигими ва унинг тўйиниш даражаси;

- бозорнинг истиқболли ривожланиш тенденциялари;

¹⁵ И.А.Каримов. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг мухим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 7 июн.

¹⁶ Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. -Ташкент, 2007. - 23 с.



1-чизма. Жаҳон agrar ва озиқ-овқат бозорлари конъюнктурасини баҳолаш босқычлари

- бозор ҳолатининг барқарорлиги ёки тебраниб туриш даражаси;
- бозорнинг очиқлиги, ундаги ишбилармонлик мұхити ҳолати;
- рақобат мұхити ва бозорнинг монополлашув даражаси;
- рақобатчи фирмаларнинг бозорда әгаллаган улуши;

- тижорат таваккалчиллиги (риски) даражаси;
- бозорнинг худудий ва демографик хусусиятлари хамда ўзига хослик жиҳатлари;
- иқтисодий ёки мавсумий цикллар (тебранишлар) ва бошқалар.

Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорлари глобаллашув, ҳалқаро интеграцион тузилмалар хамда давлатларниң ташқи иқтисодий сиёсати натижасида тез ўзгариб бориш хусусиятларини нағомён этмоқда. Бу эса бозорларниң конъюнктурасини мунтазам равишда кузатиб бориш ва таҳтил қилиш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ўз хусусиятларига кўра соғ рақобатли бозорга энг яқин турадиган бозорлардан биридир. Соғ рақобатлашган бозорда сотувчиларниң барча ҳатти-харакатлари истеъмолчиликнинг ҳоҳиши-истаклари ва талабларини қондиришига йўналтирилган бўлади. Чунки, кучли рақобат шароитида маҳсулотларниң нархи, истеъмолчиликнинг диши, турмуш тарзи, даромадлари, аҳоли сони ва зичлиги, ўринбосар ва тўлдирувчи товарлар нархлари ва бошқалар бозор талабига кучли таъсири кўрсатади. Австрия мактаби вакиллари (Ф.Визер, К.Мингер ва Бем-Баверклар) томонидан илгари сурилган “нафлийлик назарияси”га кўра истеъмолчиликнинг бозордаги ҳатти-харакати ва қарор қабул қилишлари асосида асосан учта омил: товарниң нафлийлиги, нархи ва истеъмолчининг даромадлари ётади¹⁷.

Маълумотларга қараганда, “хозирги кунда жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида рақобат муҳити кундан-кунга кучайиб бормоқда. Айниқса ҳўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, консерваланган маҳсулотлар, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, ун ва ун маҳсулотлари, чой, кофе, цитрус мевалар, сут ва гўшт маҳсулотлари бозорларида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бунда у ёки бу товарга бўлган талаб ва сотувлар ҳажмига унинг ташқи кўриниши, ранги, ҳажми, чиройли қадоқланиши, ишлаб чиқарувчи корхонанинг репутацияси, сотувчининг ҳатти-харакати ва товарни таклиф эта олиш қобилияти, реклама ва бошқа омиллар кучли таъсири кўрсатади¹⁸”.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан чоп этилган “Экспорт фаолияти бўйича кўлланма”да келтирилишича, ҳалқаро

¹⁷ С.С.Ғуломов ва бошқ. Микроиктисодиёт. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2001. - 146 б.

¹⁸ Е.Н.Киселева, О.В.Власова, Е.Б.Коннова. Рынок продовольственных товаров. Учебное пособие. http://www.plam.ru/uchebnik/tupok_prodomolstvennyh_tovarov/p2.php. -15 с.

бозорларни босқичма-босқич ўрганишнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси куйидаги учта асосий босқичдан ўтади¹⁹:

1. Асосий бозорларни умумий ҳолда ўрганиш - бунда: турли мамлакатлар кесимида фаолият олиб борилаётган тармоқ бўйича экспортга чиқарилаётган товарларга ўхшаш ёки ўринбосар бўлган товарлар тўғрисида статистик ҳамда бошқа маълумотлар йигилади; 5-10 та йирик ва кенгайиб бораётган бозорлар танланади; бу бозорлар бир-бири билан таққослама усулда солиштирилади; улардан мос келувчи бир ёки бир нечтаси танланади.

2. Танланган худудий бозорларга (яқин хориж ва МДХ, Европа Иттифоқи, Яқин Шарқ, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка бозорлари, бошқа бозорлар) батафсил баҳо бериш - бозорда экспортга чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаб ва унинг ўзгариш тенденциялари; бозор сифими; унинг товар ва жугофий таркиби; рақобатчиларнинг бозорда эгаллаган улушлари; бозорнинг қанча қисмини эгаллаш мумкинлиги; маҳаллий ва хорижий рақобатчиларнинг заифлик ҳамда устунлик томонлари; муваффақиятли савдо олиб боришига тўқсинглик қиливчи омиллар; тарифлар ва импортни тартибга солиш тизими; у мамлакатларда Ўзбекистон учун энг қулай савдо олиб ёки йўқлиги ва бошқалар.

3. Экспорт учун маъқул бўлган аниқ мамлакат ва бозорларни танлаш ҳамда уларни чукур ўрганиш – танланган бозорлар бўйича аниқ маҳсулотлар турлари ва потенциал харидорлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш (мамлакат, корпоратив ва тармоқлар кесимида йиллик, чораклик ҳисботлар, маҳсус журнallар ва турли манбаларда эълон қилинган маълумотлар, интернет веб-сайтлари, бюллетеңлар, брошюралар, буклетлар, прайс-листлар, статистик тўпламлар ва бошқалардан фойдаланиб).

Озиқ-овқат бозорлари конъюнктурасини таҳлил этишда мавжуд ва потенциал рақобатчиларни таҳлил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу экспортчиларга рақобатчиларнинг устунлик ва заифлик томонларини, уларнинг бозорда эгаллаган улушкини ва рақобат стратегиясини чукур ўрганиш асосида ўз товар сиёсатини шакллантиришига ёрдам беради.

Экспортга чиқариладиган маҳсулотлар ҳамда экспортчи мамлакат ёки фирманинг жаҳон озиқ-овқат бозорларидағи рақобатбардошлиқ кўрсаткичлари халқаро савдода муваффақиятни

¹⁹ Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 23-24 с.

таъминлаб берувчи омиллардан саналади. Махсулотларнинг экспорт салоҳиятини аниқлаш учун бир қатор саволларга жавоб топишга тўғри келади:

1. Экспортга чиқарилаётган маҳсулотга танланган мамлакат ёки бозорларда талаб қандай ва унга қайси омиллар таъсир кўрсатади?

2. Танланган бозорларда маҳсулотларнинг сифати, истеъмол хусусиятлари, экологик хавфсизлиги, ўрами, қадоқланиши, техник нормалар ва стандартларга мос келишига қандай талаблар кўйилган?

3. Сотишдан олдинги, сотиш чоғидаги ва сотишдан кейинги сервис хизматларига кўйилладиган талаблар қандай?

Экспортчиларнинг халқаро бозорларда эгаллаган позицияси мустаҳкамлиги уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари ракобатбардошлиги ҳамда ракобатлаша олиш имкониятлари билан ўлчанади. Рақобатбардошлик биринчи навбатда бозорга таклиф этилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини акс эттиради. Товарнинг истеъмол ва қиймат кўрсаткичлари йигиндиси унга тижорат муваффақиятини таъминлаган тақдирдагина у ракобатбардош хисобланади. Рақобатбардош товар – бу ўзининг сифат ва ижтимоий-иктисодий белгилари билан худди шундай бошقا товардан манфаатли тарзда ажralиб турувчи товардир²⁰.

Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорларига ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чиқарувчилар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – бу маҳсулотларнинг ракобатбардошлик даражасини баҳолай олиш ва тўғри аниқлашдир. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ракобатбардошлигини аниқлашни 2-чизмада келтирилганидек тўртга босқич бўйича амалга ошириш мумкин.

Ривожланган мамлакатларнинг озиқ-овқат бозорларида маҳсулотларга кўйилладиган мажбурий талаблар (техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари, бозор стандартлари, маркировкалаш, қадоқлаш ва бошқалар) жуда юқори бўлиб, уларга мос келмаган маҳсулотлар чегара божхона постлари назоратидан ўтолмайди ва мамлакат ичкарисига киритилмайди.

²⁰ Е.Н.Киселева, О.В.Власова, Е.Б.Коннова. Рынок продовольственных товаров: учебное пособие. http://www.plam.ru/uchebnik/rynok_prodomolstvennyh_tovarov/p2.php. -16 с.

1. Бозор конъюнктурасини ўрганиш (талаф, таклиф, нархлар, бозор сигими, бозорнинг товар ва жуғрофий таркиби, сотиш каналлари, реклама).

2. Махсулотлар рақобатбардошлигининг истеъмол (товарнинг нафлилиги, сифат кўрсаткичлари, дизайн, қадоқланиши, сотишдан олдинги ва кейинги сервис) ва иқтисодий (товар таннахи, материал сигими, меҳнат сигими, энергия сигими, фонд қайтими, фонд сигими, фойда, рентабеллик даражаси ва бошқалар) кўрсаткичларини тизимли таҳлил этиши.

3. Рақобатчиларни ўрганиш ва таққослама таҳлил этиш асосида уларнинг рақобат устунликлари ва заифликлари баҳо бериш.

4. Махсулотлар рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиши.

2-чизма. Махсулотлар рақобатбардошлигига баҳо берииш босқичлари

Шу сабабдан экспортчи фирмалар бу талабларни олдиндан ўрганишлари ҳамда экспортга чиқариладиган махсулотларнинг бу талабларга мос келишини чуқур ва ҳар тарафлама таҳлил этишлари лозим бўлади.

Жаҳон озиқ-овқат бозорларида қишлоқ хўжалиги махсулотлари рақобатбардошлигини белгилаб берувчи бир қанча омиллар мавжуд. Улардан энг асосийлари қуйидаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топган (3-чизма):

- махсулотнинг нафлилиги, таъм ва истеъмол хусусиятлари;
- маркетинг ва реклама-ахборот билан таъминланганлик;
- сифат кўрсаткичлари;
- дизайн ва қадоқланиши;
- махсулотни бозор сегментларига кўра табақалаштириш;
- махсулотни нархи ва таннахи;
- кафолатлар билан таъминлаш ва кафолат бериш муддатлари;
- сотишдан олдинги ва кейинги сервис;
- рақобат бозорида товарнинг ўз вақтида пайдо бўлиши;
- мамлакат ёки ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият.

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлыгини белгилаб берувчи асосий омиллар

Маҳсулотнинг нафлииги
(истемолчи әхтиёжлариниң
қондира олиш даражаси)

Сифат күрсаткичлари
(пипиб етилганлиги,
қүрениши, үлчами, сақлаптап
имкониятлари ва бошқалар)

Таъм ва озуқа хусусиятлари
(ширилигі, витаминлар,
минераллар, бошқа фойдали
микроэлементларға бойлиги
ва бошқалар)

Техник нормалар ва сифат
стандартларига мөс келиші

Инсон саломатлігі учун
фойдалилігі

Экологик хавфсизлиги

Дизайн ва брендинг

Қадоқлаш ва маркировка

Маркетинг ва реклама

Маҳсулотни бозор сегментлари
бүйіча табақалаштырыш

Нархи ва таннархи

Сотишдан олдінгі ва кейінгі
сервис

Кафолатлаш

3-чизма. Қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлыгини белгилаб берувчи асосий күрсаткичлар тицими

Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлыгини таъминлаш учун экспортчилар ўзларининг жаҳон бозорларидаги рақобат стратегияларини аниқ белгилаб олишлари лозим бўлади. Бунинг учун экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон озиқ-овқат бозорларидаги аналогик маҳсулотлардан рақобат устунлигини таъминлаш ва шу орқали бозорларда ўз позициясини мустахкамлаш мумкин бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон озиқ-овқат бозорларига экспортга чиқариш стратегиясини ишлаб чиқишида маҳсулотларнинг рақобат афзалликлари ва имкониятлари, уларнинг заиф томонлари ҳамда хатарларни аниқлашга қаратилган SWOT таҳлилидан фойдаланиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда етиштирилётган мева-сабзавот маҳсулотларини жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида ракобатбардошлигининг SWOT таҳлили

STRENGTH - КУЧЛИ ТОМОНЛARI	WEAKNESS - КУЧСИЗ ТОМОНЛАРИ
- Ўзбекистонда сабзавот, полиз, мева ва узум етиштирип бўйича тўпланинг кагта тажриба, билим ва салоҳият мавжудлиги;	- жаҳон бозорларида мева-сабзавот маҳсулотларига кўйиладиган сифат стандартлари, техник, санитария, гигиеник, фитосанитария, ветеринария, экологияк ва бўшка талабларни ISO 9001:2000 ва ISO 22000:2005 стандартлари доирасида жорий этиш етари эмаслиги;
- Ўзбекистоннинг камдан-кам учрайдиган ноёб тупроқ иқлим шароити, юртимиздан куёшли кунларнинг бир йилда ўргача 320 кун бўлиши, барча тўрт фаслининг изчили алмашинуви кенг турдаги юкори сифатли мева-сабзавотларини асосий навзарини етиштириши учун кўйиммаганлиги;	- экспортга чиқиш коридорлари ва ўйларда инфраструктура объектлари ва сервис хизматлари етегри йўлга кўйиммаганлиги;
- мамлакатимизда мавсум янни кўзгаллар табиий шароитда етиладиган март ойининг дастлабки кунларидан бошланниб, бутун йил мобайнида бозорирага узум, ковун, хурмо ва беҳининг кечки навлари етказиб бериладиган декабрь ойининг бошига кадар давом этиши, Ўзбекистонни шу маҳсулотлар билан барқарор ташминлайдиган ишончли базага эга мамлаката айлантириши;	- транспорт-долистика гизимларининг ривожланиши холати таъаб деражасида эмаслиги;
- Ўзбекистон кадимдан ўзининг ўрик, шафторли, олхўри, ног, гилос, анжир, анор, бехи, узум, помidor, бодринг, пиёз ва бопка кўплас мева-сабзавотлари, беккес мазаси ва хушбуй хиди билан ажралиб турадиган ковуналари билан машҳурлиги;	- божхона постларининг техник курорланиши, юк ўқасилини ва маҳсулотларни саклаш, хизмат кўрсатилиши;
- дизайннини яхшиланнишларига таъинланадиган маҳсус техникалар етилпамаслиги;	- мева-сабзавотчilikни механизмилаш даражасининг имкониятлари настаниги;
- дизайннини яхшиланнишларига таъинланадиган маҳсус техникалар етилпамаслиги;	- мева-сабзавотлар хосилдорлиги ривожланган хорижий мамлакатларга ишбетан паст дарражада колаётганлити;
- дизайннини яхшиланнишларига таъинланадиган маҳсус техникалар етилпамаслиги;	- мева-сабзавотларнинг узоқ вақт саклаш ва узок масофаларга таъинланадиган юкори бўлган навлари, ургичлар етилпамаслиги;
- дизайннини яхшиланнишларига таъинланадиган маҳсус техникалар етилпамаслиги;	- киншук хўжалини маҳсулотларни каджоҳлаш ва фойдаленнишламаётганлиги;

STRENGTH - КУЧТИ ТОМОНДЛАРИ	WEAKNESS - КУЧСИЗ ТОМОНДЛАРИ
<ul style="list-style-type: none"> - мева-сабзаводарнинг дунё селекциясида ўхшали бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлари, бетакор сифати мавжудлиги; - мамлакатимизда етилтириладиган мева-сабзавотларнинг бисбахо истеммол кусусиятлари, яъни гаркибида габий шакар, амино ва органик кислоталар, самоматик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационалида ўрнини алмаштириб бўлдайтидан турли биологик модаларга бойлиги нағизасида дорнворлик кусусиятларга эталиги; - жаҳонда камдан-кам учрайдиган табий ва тупроқ-иклим шароитларининг уйгунлиги туфайли дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзаволар факат бизнинг минглакамизда етилтиришини мумкинлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - мева-сабзавотиарни бир хил температурада сақлаоб берувчи маҳсус совукчли омборлар сигими етари эмаслиги; - мева-сабзавотларни рефрежираторлар ёрдамида узоқ масорфаларга ташин тизими яхши ўйла кўйилмаганилиги; - кўпчилик фермерлар ва дехконнадар жаҳон бозорларидаги нарх-навололар, контокстура ва ракобат мухити, экспорт операцияларини амалга ошириш тартиблари, менёрий-хукукий хужжаглар түррисида керакли билам ва кўниммалар хамда ишончилик ахборотларга эта эмас; - республикада кишок хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқарилига кўмаклашувчи консалтинг ва сервис хизметлари, инфратузитматлар етарили ривожланмаганлиги ва болшкалар.
OPPORTUNITIES – ИМКОНИЯТЛАР	THREATS - ХАТАРЛАР
<ul style="list-style-type: none"> - мамлакатимизда етилтириладиган кишлоп хўжалиги ва бошса озиқ-овқат бозорларидаги барқарор ривожланниш истеммолдан ортиқчалиги ва уларни жаҳон бозорларига экспорт қилиши имкониятлари; - МДХ (айникича Қозогистон ва Россиянинг) ва болшка мамлакатларнинг бозорларида ўзбек мева-сабзавотларига таъабнинг юкорилини ва улубу бозорлар сигарманинг катталиги; - Россия Федерациясига Европа Итифоқи ва АДС томонидан санкциялар кўпнанинг Россиянинг жавобсан санкциялари Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини опиришга кўл келиши, 	<ul style="list-style-type: none"> - жаҳон озиқ-овқат бозорларидаги барқарор ривожланниш тенденциялари кузатилмаётгани, кўп холларда айрим мамлакатлар ёки уларнинг турухлари ўзларининг сиёсий ва лоббистик мағфиятларини кўзлаб, бозорлардаги барқарор холатни издан чиқараётгани хамда ички бозорни турии протекционистик чоралар, тарифли ва нотариф усуслар ёрдамида химояланашга ўтгани; - ривожланган мамлакатлар ўзларининг кишлоп хўжалиги маҳсулотлари экспортёриарини субсидиялар ва болшка воқитлар ёрдамида кўллаб-кувватлаб, ични бозордан импортга турли тўсиклар кўйини бизнинг милий экспортёрларимизни хотенг шароитда ракобатланшига мажбур кинанди.

ОПРОРТУНИТЕС – ИМКОНИЯГЛАР

THREATS - ХАТАРЛАР

- Республикамизда хўл ва курилган мева-сабзавотлар етишириш, уларни кайта ишлани бўйича хали фойдаланимиздан имкониятларини мавжудлини,
- мамлакатимиздан имкониятларини мавжудлини, саноат учустидаги мева-сабзавотларни етишигирини, саноат учустидаги мева-сабзавотларни етишигирини, тукумат даражасида давлат дастурлари доирасида сакланаш ва экспортга чиқарини йил давомида сакланаш ва экспортга чиқарини йил давомида солиниши;
- киплек хўжалини маҳсулотларини йил давомида сакланаш ва экспортга чиқарини учун маҳсус советчили омборлар тизимишини давлат дастурлари доирасида кенгайиб бораётганини;
- республикамизнинг тогли ва тоғ одди худудларида кўпимча меваазор ва узумзор боғлар барро этиш учун етарли ер-сув ва меҳнат ресурслари мавжудлини;
- интенсив боғлар барро этиш, ишлаб чиқаришни модернизацияланаш чора-гадоблари мева-сабзавотлар жосидорлигини ва сифат кўрсаткичларини янада опиришга олиб келини;
- киплек хўжалини ишлаб чиқаришнига инвестициялар жадоб килин имкониятларини кенгайини;
- юқни болжона постларида расмийлаштиришда “ятона дарча тамойили”ни кўлдан уларни расмийлаштириш муддатларини кискартираб, туриб колишларини опидни оғлётани ва болкаплар.
- мева-сабзавот экспортида йирик хамкор саналадиган Россия Федерацияси ва Қозогистон каби мамлакатларга Хитой, Озарбайжон, Жануби-Шаркий Осиё, Хиндистон, Логин Америкаси ва башка мамлакатлардан мева-сабзавотлар экспортининг ошиб борилиши хатари, - кўпчилик МДХга азъо мамлакатларнинг Жахон савдо таниклигига (ЖСТ) азъо булаётганилиги утарининг озиқ овқат бозорларида ракобат муҳитини кучайтириб юборили ва ЖСТ талаблари додрасида экспортининг тартибиба солиниши;
- Европа Итирофки ва башка ривюжланган мамлакатлар бозорларидаги озиқ-овқат маҳсулотларига кўйилётгани сифат стандартлари, техник, санитария, гигиеник, фитосанитария, ветеринария, экологик ва башка талабларнинг кундак-кунга кучайиб бораётганилиги оқидагитида бу мамлакатларга экспорт килиш имкониятларини кийинлашиб борилиши;
- жахон озиқ-овқат бозорлари йирик экспортёр хисобланадиган АҚШ, Нидерландия, Хитой, Испания, Туркия, Франция, Италия, Германия, Эрон, Бельгия, Мексика, Хиндистон, Польша, Жанубий Африка, Чили, Перу, Канада, Аргентина, Гречия, Малайзия, Таиланд, Иордания, Саудия Арабистони, Озарбайжон ва Миср каби мамлакатларнинг тутган ўрни ва позицииси мустаҳкамланаб бораётганилиги ва болкаплар.

Манба: Президент И.А.Каримовининг “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалда оширишнинг мухим заҳиралари” мавzuysidagi xalqaro konferejnchiyada сўзлаган нутки ва башка маноалар асосида муаллифлар ишланмаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги ҳалқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нуткида мамлакатимиз мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларининг ракобат афзалликлари сифатида қўйидагилар келтирилган:

- Ўзбекистонда сабзавот, мева ва узум етиштириш бўйича асрлар давомида тўпланган ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган катта тажриба ва салоҳият мавжудлиги;

- Ўзбекистоннинг камдан-кам учрайдиган ноёб тупроқ-иқлим шароити, мамлакатимизда күёшли кунларнинг бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, барча тўрут фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун кулагай имкониятлар яратиши;

- мамлакатимизда етиштириладиган мева-сабзавотларнинг бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги натижасида дориворлик хусусиятларга эгалиги;

- Ўзбекистон қадимдан ўзининг ўриқ, шафтоли, олхўри, нок, гилос, анжир, анор, бехи, узум, помидор, бодринг, пиёз, саримсоқ пиёз ва бошқа кўплаб мева-сабзавотлари, бекёс мазаси ва хушбуй хиди билан ажralиб турадиган қовунлари билан машҳурлиги;

- мева-сабзавотлар, полиз ва узумнинг дунё селекциясида ўхшаши бўлмаган хилма-хил навлари, бетакрор сифати мавжудлиги;

- мамлакатимизда мавсум янги кўкатлар табиий шароитда етиладиган март ойининг дастлабки кунларидан бошланиб, бутун йил мобайнида, бозорларга узум, қовун, хурмо ва бехининг кечки навлари етказиб бериладиган декабрь ойининг бошига қадар давом этиши, Ўзбекистонни мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан йил давомида барқарор таъминлайдиган ишончли базага эга бўлган мамлакатга айлантириши;

- жаҳонда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иқлим шароитларининг ўйғунлиги туфайли дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар факат бизнинг минтақамиизда етиштирилиши мумкинлиги²¹.

²¹ И.А.Каримов. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги ҳалқаро конференциядаги нутки. “Ҳалқ сўзи” газетаси, 2014 йил 7 июнь.

Маълумотларга қараганда “мева-сабзавот маҳсулотлари тар-кибидаги турли-туман, баъзан ўрнини босиб бўлмайдиган ва ҳаётий зарур биологик актив моддалар (витаминалар, органик кислоталар, ферментлар ва бошқ.) мавжуд бўлиб, улар озиқ-овқатлар орқали инсон организмига тушади.

Кўпчилик мева ва сабзавотлар бактерияга қарши ҳамда шифобахш хусусиятларга эгалиги учун инсонлар овқатланиш рационининг ажралмас қисмига айланган²². Ўзбекистонда етиштириладиган асосий меваларнинг истеъмол хусусиятлари ва фойдали З-жадвалда жиҳатлари келтирилган.

Мевалар инсонлар ҳаётий фаолияти учун катта аҳамият касб этади. Улар қимматли шакар, органик кислоталар, оқсил, ёғлар, минерал тузлар, витаминалар, ферментлар, коллоидлар, пектин моддалар, хушбуй ва бошқа моддаларга бой. Мамлакатимиз табиий-иклим шароитининг мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун қулайлиги, яъни вегетация даврининг узоқ давом этиши, қуёшли кунларнинг кўп бўлиши ва бошқа омиллар бунга имкон яратади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов республикамида етиштилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг шифобахш хусусиятлари ҳамда фойдали жиҳатлари хусусида шундай фикр билдиради: “Барчамиз ҳам ўз юртимизда етиштириладиган мева-сабзавотларни хуш кўрамиз, албатта. Бироқ, дунёнинг ҳар бир гўшасида ҳам шундай қулай об-ҳаво, иклим, тупроқ шароитлари мавжуд эмас. Бундан ташқари, бу борада олимлар ҳозиргача аниқ таърифлаб бера олмайдиган кўпгина бошқа бир-бираига боғлиқ омиллар ҳам борки, уларнинг ҳар қайсиси ўзгача таъсирга эга. Бу маҳсулотлар фойдали микроэлементларга жуда бой ва қадимда Ибн Сино турли касалликларни даволаш учун айнан мева ва сабзавотлардан фойдаланган, чунки у замонларда кимёвий дори-дармонлар мавжуд бўлмаган, беморлар табиий воситалар ёрдамида даволангандиган. Бу эса энг аввало сабзавот, мева, турли гиёҳ ва ўсимликлардир.

Бугунги кунда ҳам қишлоқларимиздаги ҳалқ табиблари бундай воситалардан қандай фойдаланиш, баъзи бир хасталикларни қай усулда даволашни яхши биладилар. Мен сизларни бизнинг мева-сабзавотларимизни татиб кўришга таклиф қиласман, эканман, аввалимбор, уларнинг ана шу хусусиятларини назарда тутаман.

²² Р.Гулямов, А.Салимов, Ш.Шукуров и др. Потенциал и перспектива развития плодоовощеводства и виноградарства в Узбекистане. -Т.: Ўзбекистон, 2014. – 24 с.

Ўзбекистонда етиштириладиган асосий мевааларнинг истебъмол хусусиятлари ва фойдалари

Жихатлари

Махсузлуг тури		Таркибида озиқ модаллар, биологик фаол модаллар ва бошкадар мавжудлини	Фойдали жиҳатлари
1	2	3	4
Ўрик	ёқимли ифорга эга, ўта пирин ва пирин	Канд микдори - 8,4-19 %, Кислота дарражаси - 0,32-1,7 %; Куруқ модаллар - 20-25 %; Витамин С - 2-5 мг/%. Органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, пектин, опшловчи, минераллар: калий ва темир тузлалари, витаминлар: B ₂ , B ₁₂ , B ₁₅ , C ва каротин, осил моддаси, углеводлар, эмульсиян ферменти, амигдалин гликозиди ва бошкадар мавжул.	Пифобахш, опкозон, лихорадкада, юрак-кон томирлари, тери касалликарида, бўлантирувчи, пешоб хайдовчи, кон босимини туплирувчи, конни кўлтайтурувчи, ел хайдовчи, авитаминоз, гижжага карпли, бронхит, трахеит, ларингит, кўк йутал ва нефрит касалликларда исплатилиди.
Нок	ёқимли ифорга эга, ўта пирин ва пирин	Канд микдори - 10,8-12,7 %, Кислота дарражаси - 0,13-0,30 %, Куруқ модаллар - 16-22 %; Витамин С - 5-13 мг/%. Фитонцидлар, ферментлар, пектин, витамин C, B ₁ , B ₂ , B ₆ , PP, E хамда каротин, биотин ва пантотен кислоталар, фенол бириклилари, минерал бирискалардан, темир, калий, магний, натрий, кальций, рух, молибден, никель, ванадий, йод, фтор ва билишлар мавжуд.	Пифобахш, сафрони нормаллантишида, яранарни даволап ва ич кетишда, сийдик ва ўт хайдовчи, иситманни пасайтрувчи, дезинфекцияловчи, ўтулни даволалла, юрак-кон томирлари деворларини мустаккамлаша, склероз ва яллигјанинга карпли ва болшка хусусиятлари бор.
Шағфогли	ёқимли ифорга эга, ўта пирин ва пирин	Канд микдори - 7,3-12 %, Кислота дарражаси - 0,33-0,95 %, Куруқ модаллар - 20 %; Витамин С - 12,5 мг/%. Пектин, сахароза, органик кислоталар, A, E, C, B ₁ , B ₂ , B ₆ , B ₁₅ сингари витаминлар, калий, калций, натрий, фосфор каби мальданлар ва боликатар мажкуд.	Пифобахш, ингахла очувчи, мирен, кулок оғригина даво, юрак, мельда ва опкозон-хазм органиларни яхшиловчи, кайт килишини тўхтатувчи, молда алмашинувини яхшиловчи, танани зарарни моддалардан тозаловчи.

			4
1	2	3	1
Гылос	серсүв, ёкимли ифорга эга, ширин ва нордон ширин	Канд миңдори - 12,2 %; Кислота даражаси - 0,23 %; Куруқ моддалар -20%; Витамин С - 1,92 мг%.	Пиофобахш, бүйрак ва жигтар фаолиятни, кон айланнини яхшилаиди, артрит, гипертония, ревматизм ва подаграда фойдали, ичак фаолияти сусайини, колиг (қабзият) ва болшка ички хасталикларида даво.
Беҳи	ёкимли ифорга эга, ширин ва нордон ширин	Канд миңдори - 9,7-13,7 %; Кислота даражаси-0,36-1,0 %; Куруқ моддалар - 13-18 %; Витамин С - 8-14 мг%.	Пиофобахш, сарик хикиточ, корин оғизентерия, сарик хикиточ, корин оғизентерия, сарик хикиточ, корин оғизентерия, бронхиал астма, дармонцизлик, органик кислоталар, эфир молдайри, пектин, опловчи моддалар, витамин С, темир, мис, кальций тузлар, уруги таркибила 20 %га кадар шиллик молда, гликозид амигдалин, мой, бүйек моддалари мавжуд.
Олма	серсүв, ёкимли ифорга эга, ширин ва нордон ширин	Канд миңдори-9,6-14 %; Кислота даражаси-0,31-0,91 %;	Пиофобахш, юрак-кон томирини мусаткамлайди, конда темир моддаласини опшыради, опкозон-ичак ярасини даволайди, холестеринни камайтиради, табиий антиоксидант, юлда бүлган эхтийжини конидиради, оргтикая вазидан хаюс бүлүпша ёрдам беради ва болшка хусусиятлари кўп.
Олхўри	ёкимли ифорга эга, ширин ва нордон ширин	Канд миңдори - 9,5-15 %; Кислота даражаси - 0,15-1,35 %;	Пиофобахш, кон босимини пасайтишрип ва кон томирларини мустажемланда, опкозон-ичакни фаолигитини яхшилаштира, иштагаха очувчи, бўлшаптирувчи, ўт ва пептоб хайдовчи, танаҳароратни пасайтирувчи, лихорад-кала фойдали.

1	2	3	4
Хұрмо	Серсүв, ширин ва ўта ширин	Қанд міңдөри - 20-25 %; Кислота даражаси – 0,33-0,69 %; Күрүк молдалар – 21-25 %; Витамин С – 9,49 мг/%. A, C, D да Р витаминлар, пектин, йод, бета ва альфа каротин, әртөн кислотасы ва ликопен молдаси, фенол ва антиодоран молдалари, хлорофилл пигменттер, кальций, темир, магний, фосфор, глюкоза ва болшқалар мавжуд.	Шифобахш, бўқок касалишида, анесмияда, атеросклероз, ишлакха бузилишда фойдади, иммунитетни мусатхамлайди, асаб тизимини тинчлантиришда, буйрак-тош касаликлари, милкни даволаш ва косметик восита сифатида ишлаталиди.
Анжар	ёдымли ифорга эта, ширин ва нордон ширин	Қанд міңдөри - 20-25 %; Кислота даражаси – 0,2-0,59 %; Күрүк молдалар – 20-30 %; Витамин С – 4-5 мг/%. Органик кислоталар, оксид, минерал бирикмалар: калий түзи, кальций, темир, магний, фосфор, витаминлар: C, B ₁ , B ₂ , E, PP, каротин, кумарин, пектин ва болшқалар мавжуд.	Шифобахш, организмни тозаловини, сүриувчи, озиқ молдаларга бой, юрак-кон тизими касаликлари, тутканок, асаб ва ичак касаликсидири, күкрап ва ўтика йўтулини бартараф этицида, балғам кўчипшида, кўз чилиннипишида, чипконни пиширишида фойдалайдир.
Анор	ёдымли ифорга эта, серсүв, нордон ширин ва ширин	Қанд міңдөри - 12-19 %, Кислота даражаси – 1,2-1,6 %; Күрүк молдалар – 15-16 %; Витамин С – 5,12 мг/%. Аминокислоталар, K, C, D, A, P ₁ , B ₆ , B ₉ ва B ₁₂ витаминлар, йод, мис, калий, марганец, фосфор, кремний кальций, темир, кремний каби минералар болшқалар мавжуд.	Шифобахш, камкоңник касалишида, гемоглобинни кўяришида, иммунитетни мустахмалантида, агеросклерозда, бронхиал астмада, ангинада, дизентеријда ва диабетда фойдали, юкори босимни секин-аста тушибига ёрдам беради, юрак хасталиклари ва аёллар кўкрап ракини олдини опишса фойдади, косметик восита сифатида ишлаталиди.

1	2	3	4
Узум Узум	серсув, ширин ва ута ширин ва	Канд миқдори - 20-35 %; Кислота даражаси – 0,5-1,4 %; Курдук молдалар – 30-35 %. Витамин С – 0,5-1,5 мг/%. Органик кислоталар, Р, С, PP, В ва К витаминашар, рункали опкозон-ичак, ўлга, пнев- тимир, магний, мис, кобалиг, йод, Флавоноидлар мониз, бронхиал астма ва плеврит, (кверцетин ва бишкаплар), ошловчи молдалар, гипер ва гипотонияда, бол касал- уругида— 20 % гаря ёт, ванилин, кверцетин, иноцит, ликнарида фойданли, косметик воси- холин, бетулин, каротин, никотин ва фоли кислоталар, та сифатида фойдаланилади. катехинлар ва бошке молдалар мавжуд.	Шифобахш, конни кўлайтиради, кам- конликда, белуптилисиз, атония, су- юрак-кон тизими, жигар, ўт коли, су- рункали опкозон-ичак, ўлга, пнев- мониз, бронхиал астма ва плеврит, гипер ва гипотонияда, бол касал- ликнарида фойданли, косметик воси- та сифатида фойдаланилади.

Манбаҳар: Р.Гулъяров, А.Салимов, Ш.Шукуров и др. Потенциал и перспектива развития плодовоощеводства и виноградарства в Узбекистане. -Т.: Узбекистон, 2014. - 24-27 с.; М. Исаимидинов. Махсулотларни совуклонада сакланаш. Кўлланимма /БМТ ТДнинг Узбекистондаги вакоъвхонаси, Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисадий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги. -Т.: Бактрия пресс, 2013. www.udrp.uz/fuidownload/index.php?ture=publications&id = 14-33 б; Б.Т.Салимов, М.С.Юсупов, А.С.Юсупов. Жаҳон агарар ва озиқ оқват бозорларига интеграциялашув шароитида мева-сабзавот махсулотлари ражобагардолилигини ошириш. Монография. -Т.: Иктисадийёт, 2014. -73-80 б; http://xabardor.uz/meva-va-sabzavotlardagi-foydali-moddalar; http://www.sugdiyona.uz/index.php/sog-bulning/ uzim/hurma-mevalarining-foydali-xususiyatlari-xaqida; http://uzmed.zn.uz; http://soglim.mz/navoiy.html; http://soglim.mz/turfa-olam/3873-targaldod-oriklar-yurak-shifosi.html; http://forum.havoyni.com/2106-darmondori-oziq-qoqtalar-alifbos; http://soglim.mz/navoiy.html; http://soglim.mz/turfa-olam/1611-gilos-shifobaxsh-tabit-nemati.html; http://navoyni.com/press.uz/publ/analiz/1234-ohri-shifoning-zri.html манбалар асосида муаллифлар томонидан тузилган

Экспертларнинг маълумотларига кўра, бизнинг шароитимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амино ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юкори туради²³.

Хусусан, биз севиб истеъмол қиласидиган олма таркибида қанд микдори - 9,6-14 %га, кислота даражаси – 0,31-0,91 %га, қуруқ моддалар – 16 %га ва С витамин – 1,5-11 мг/% га тенг. Булардан ташқари унинг таркибида пектин моддалар, каротин, аллицин, биотин, А, С, Н, В₁, В₂, В₆, Е, РР витаминлари, органик фосфор бирикмалари, эфир мойи, калий, флавоноидлар, полифенол, темир, калий, кальций, натрий, фосфор, марганец, мис, кобальт ва бошқалар мавжуд.

Олма ниҳоятда шифобахш бўлиб, у табиий антиоксидант, тиббиётда юрак-қон томирини мустаҳкамлаш, қонда темир моддасини ошириш ва холестеринни камайтириш, ошқозон-ичак ярасини даволашда ишлатилади, организмнинг йодга бўлган эҳтиёжини қондиради, ортиқча вазндан халос бўлишга ёрдам беради ва бошқа кўплаб ижобий хусусиятларга эга.

Ўрик ёқимли ифорга эга ширин мева бўлиб, унинг таркибида қанд микдори - 8,4-19 %га, кислота даражаси – 0,32-1,7 %га, қуруқ моддалар – 20-25 %га, витамин С – 2-5 мг/%га тенг. Унда органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, пектин, ошловчи, минераллар: калий ва темир тузлари, витаминлар: В₂, В₁₂, В₁₅, С ва каротин, оқсил моддаси, углеводлар, эмульсин ферменти, амигдалин гликозиди ва бошқалар мавжуд.

Узум шифобахш бўлиб, у ошқозонга, лихорадкада, юрак-қон томирлари, тери касалликларида, бўшаштирувчи, пешоб ҳайдовчи, қон босимини туширувчи, қонни кўпайтирувчи, ел ҳайдовчи, авитаминоз, гижжага қарши, бронхит, трахеит, ларингит, кўк йўтал ва нефрит сингари касалликларни даволашда ишлатилади. Бундай фойдали ва шифобахш хусусиятларни нок, бехи, шафтоли, гилос, олхўри, хурмо, анор, анжир, узум бошқа меваларда ҳам кўплаб учратиш мумкин.

²³ И.А.Каримов. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутки. “Ҳалқ сўзи” газетаси, 2014 йил 7 июн.

Илмий манбаларда республикамиизда етиштирилаётган сабзатотларнинг фойдали истеъмол хусусиятлари ва таркибидаги биологик фаол моддалар туфайли инсон организми учун ниҳоятда фойдалилиги хусусида ҳам қимматли фикрлар учрайди. Хусусан, мутахассисларнинг таъкидлашича, “кўпчилик сабзавотлар – паст калорияли маҳсулотлар бўлиб, таркибида ёғлар деярли учрамайди. Уларнинг таркибига бошқа маҳсулотларда учрамайдиган шакар, крахмал, оқсил, турли витаминлар, органик кислоталар, минераллар ва бошқа фойдали моддалар киради. Уларда овқат ҳазм қилишига ижобий таъсир кўрсатувчи тез сўриладиган углеводлар (глюкоза, фруктоза, сахароза) ҳам, секин ҳазм бўладиган пектин моддалар ҳам нисбатан кўп учрайди²⁴”.

Ўзбекистондан ҳўл сабзавотлар: помидор, карам, бодринг, сабзи, шолғом ва бошқалар, полиз маҳсулотларидан тарвуз ва қовун экспортга чиқарилади. Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, “Ўзбекистонда етиштириладиган сабзавот ва полиз маҳсулотлари навлари таркибида кўп миқдорда шакар, аскорбин кислотаси ва бошқа биологик қимматли моддалар мавжудлиги билан хориждаги шундай маҳсулотлардан устун туради²⁵”.

Ўзбекистонда етиштириладиган энг асосий сабзавот ва полиз маҳсулотларининг озиқа қиммати ва фойдали хусусиятлари 4-жадвалда келтирилган. Хусусан, жадвал маълумотларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, помидор таркибида 5,4-8,7 %гача куруқ моддалар, 2,7-3,6 % гача қанд миқдори, 1,4 %гача каротин, аҳамиятли миқдорда органик кислоталар, витаминлар, 316 мг/%гача калий, темир, крахмал, клетчатка, пектин, турли ферментлар, алколоидлар ва бошқа фойдали моддалар мавжуд. Унинг таркибига киравчি антиоксидантлар қаришни олдини олиш, рак ва инфарккка қарши хусусиятларга эгалиги эътироф этилган.

Республикада етиштирилаётган бодринг навларида 4-6 %гача куруқ моддалар, 1,4-20 %гача қанд миқдори, 6-7 %гача аскорбин кислотаси, 196 мг/%гача калий, булардан ташқари фосфор, магний, натрий, темир, бир қатор микроэлементлар ва бошқа фойдали моддалар мавжудлиги аниқланган бўлиб, у овқатланиш рационининг ажралмас қисмига айланган.

²⁴ Р.Гулямов, А.Салимов, Ш.Шукуров и др. Потенциал и перспектива развития плодоовоощеводства и виноградарства в Узбекистане. -Т.: Ўзбекистон, 2014. – 24 с.

²⁵ Р.Гулямов, А.Салимов, Ш.Шукуров и др. Потенциал и перспектива развития плодоовоощеводства и виноградарства в Узбекистане. -Т.: Ўзбекистон, 2014. – 31 с.

**Ўзбекистонда етиштириладиган асосий сабзавот ва полиз
маҳсулотларининг озиқлик қиммати**

Экин тури	Куруқ модда, %да	Қанд миқдори, %да	Аскорбин кислотаси, мг,%да	Клетчатка, %да	Каротин, мг/%да	Минерал моддалар
Помидор	5,4-8,7	2,7-3,6	24-30	0,8	1,4	316 мг/%гача калий
Бодринг	4-6	1,4-20	6-7	196 мг/%гача калий
Патиссон	0,7-0,8	4,3	23,0	1,3
Карам	6,1-8,2	3,5-4,3	30-70	0,9-1,0	0,04
Бошииёз	9,4-12,0	9,0-12	11-15	0,8-0,9	18 хил кимёв. элементлар
Саримсок	40 %гача	20-21	5,5	1,0
Лавлаги	10-14	8-10,0	10	0,9	286 мг/100 г. гача калий, 48 мг/100 г магний
Сабзи	10,2-12,2	6,5-70	5-6	1,7	15-17	18 хил кимёв. элементлар
Қовок	5-25	1,7-14	8	0,7-0,95	38	222 мг/100 г. гача калий
Тарвуз	8,4-13	7,6-12	16-18	0,5	224 мг/100 г магний
Қовун	16-20	13,4-18,0	15,2-20	0,6	120 мг/100 г. гача калий

Манба: Р.Гулямов, А.Салимов, Ш.Шукуров и др. Потенциал и перспектива развития плодоовощеводства и виноградарства в Узбекистане. -Т.: Узбекистон, 2014. – 31 с.

Янги узилган бодринг иштаха очувчи, овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, сафро ажралишини кўпайтирувчи, оксили ва бошқа моддаларни сўрилишига ёрдам берувчи, организмдан заҳарли моддалардан тозалашга кўмак берувчи, ошқозонни тозаловчи ва ундаги касал кўзғовчи бактерияларни қиравчи хусусиятлари туфайли азалдан тибиётда доривор восита сифатида ишлатиб келингани маълум.

Маълумотларга кўра, “яшил сабзавотларда хлорофилл ва фолий кислотаси кўп, олов ранг мева ва сабзавотлар альфа-каротин, бета-каротин, геспередин (антиоксидант таъсирга эга flavоноидлар), бета-криптоксантин (сариқ-олов ранг пигмент, юрак касалликлари, йўғон ичак саратонининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди), flavонол, терпеноид, фталидларга бой. Сабзавотларнинг ёрқин ранги уларнинг мазасини ёқимли қилибгина қолмай, турли касалликларга қарши курашадиган фойдалари фитонутриентлар ҳақида ҳам дарак беради. Кўпчилик одамлар фитонутриентларни керакли микдорда истеъмол қилмайди. Бу “рангли танқислик” юрак касалликлари, остеопороз, саратон, диабет ва бошқа касалликлар хавфини оширади²⁶. Бу каби фойдалари ва шифобахш хусусиятларни республикамизда етиштирилаётган барча сабзавот ва полиз маҳсулотларида топиш мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг жаҳон бозорларига экспорт қилишда маҳсулот сифатига кўйиладиган қуйидаги ҳалқаро талабларни эътиборга олиш ўта муҳимdir:

- Ҳалқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) доирасида маҳсулот сифатига, экологик хавфсизлигига, техник нормалар ва стандартларга мос келишига кўйиладиган талаблар (ISO стандартлари) бўйича сертификатлар олиш;

- ISO 9001:2000 – сифат менежменти ва ISO 22000:2005 – озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти бўйича ҳалқаро стандартларга риоя этиш.

Агар маҳсулотининг сифат параметрлари экспорт учун танланган мамлакатнинг сифат стандартлари ва хавфсизлик нормаларига мос келмаса, қуйидаги қарорлардан бирини танлашга тўғри келади:

- сифати ва ракобатбардошлигини ошириш устида иш олиб бориш;

- маҳсулот сифатига камроқ талаб кўядиган бошқа бозорларни излаб топиш;

- маҳсулотни арzonроқ нархда таклиф қилиш.

Экспортга чиқараётган маҳсулотларимиз жаҳон озиқ-овқат бозорларида барқарор талабга эга бўлишини ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун маҳсулотларимизнинг ҳалқаро сифат стандартларига мос келишини таъминлаш зарур бўлади. Чунки, жаҳон

²⁶ <http://xabardor.uz/meva-va-sabzavotlardagi-foydali-moddalar>.

бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол, сифат ва экологик ҳавфсизлиги жиҳатларига қўйиладиган фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, техник ва экологик ҳавфсизлик талаблари кундан-кун кучайиб бормоқда.

Маркетинг тадқиқотлари олиб борувчи фирмалар, наслчилик ва нав-селекция илмий тадқиқот муассасалари, тажриба-синов лабораторияларида фаолият олиб борувчи товаршунос олимларимиз ҳамкорликда жаҳон озиқ-овқат бозорларидаги конъюнктуравий ўзгаришлар ва уларнинг ривожланиши тенденцияларини кузатиш ҳамда чуқур таҳлил этиш асосида миллий маҳсулотларимизнинг сифат параметрларини яхшилаш, уларни ҳалқаро сифат стандартларига, санитария ва фитосанитария, экологик ҳамда техник ҳавфсизлик талабларига мослаштириш устида изланишлар олиб боришилар лозим.

Маҳсулотларни экспортга тайёрлаш фирманинг экспорт стратегиясини ишлаб чиқишида алоҳида ўрин эгаллайди. У ўз ичига куйидагиларни олади:

- маҳсулот дизайнни, ўрами ва қадоқлашнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш;
- маркировка ва брендингни жорий этиш;
- маҳсулотни бозор сегментлари бўйича табақалаштириш.

Озиқ-овқат маҳсулотларини экспортга мослаштириш нафақат маҳсулотнинг ўзи тўғрисидаги, балки хорижий бозорларнинг хусусиятлари ҳамда конъюнктураси тўғрисида муайян билим ва кўнимкамаларни билиш талаб қилинади. Жаҳон бозорларини ўрганиш ҳамда хорижий ҳамкорлар маҳсулотларни экспортга мослаштиришда ёрдам бериши мумкин. Экспертларнинг фикрича, ички бозорларда юқори талабга эга бўлган маҳсулотларни хорижий бозорларда осонлик билан сотиш мумкин деб ўйлаш хатодир. Бошқа экспортерлар ҳар қандай бозорда сотиш мумкин бўлган универсал товар образини яратишга уринишидаи. Афсуски, ҳар иккала ёндошув хатодан холи эмас²⁷.

Ташки бозорларга кириб бориши учун маҳсулотларни хорижий мамлакатларнинг меъёрий-конунчиллик талабларига мослаштириш, уларнинг сифат стандартлари, техник нормалари, жуғрофий, демографик, худудий, иқтисодий, маданий-маиший ва бошқа

²⁷ Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 25 с.

хусусиятларини эътиборга олган ҳолда фаолият олиб боришимиз мақсадга мувофиқ.

Гарчи республикамизда етиштирилаётган мева-сабзавотлар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ўзларининг истеъмол хусусиятлари, шифобахшлиги ва бошқа фойдални хусусиятлари билан жаҳон озиқ-овқат бозорларида рақобат устунлигига эга бўлса-да, уларни ички бозорда қандай сотилса, шундайлигича жаҳон бозорларига чиқариш кутилган натижани бермаслиги мумкин. Хорижий мамлакатларда мева-сабзавотлар йирик супер ва гипермаркетларнинг маҳсус жиҳозланган бўлимларида ёки ихтиослашган озиқ-овқат дўконларида сотилади. Республикамиздаги сингари дехқон бозорлари Европа ва бошқа ривожланган мамлакатларда камдан-кам учрайди. Улардаги озиқ-овқат савдосининг ўзига хослиги шундаки, маҳсулотлар, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари ҳам чиройли ва турли оғирликдаги ўрамларда, кадоқланган ҳолда сотилади. Бу истеъмолчилар вактини тежаш, гигиена-санитария қоидаларига риоя этиш, чиройли дизайн орқали уларнинг эътиборини тортиш, уларнинг диди ва эҳтиёжларидағи товарларни етказиб беришга бўлган интилишларда намоён бўлади.

Маҳсулот сифатини таъминлаш билан бир қаторда уларни бозорбоп ҳамда харидоргир қиласидан маркировка, реклама ва брендинг каби ташкилий-иқтисодий дастаклардан ҳам унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, ўзбек мева-сабзавотларининг ички ва ташки бозорларда ўзига хос имиджи ва обрў-эътиборини таъминлашда, уларнинг машҳур сифат ва товар белгиси сифатида танилишида брендингдан унумли фойдаланиш мухимдир. Бренд (ингл. *brand*, — товар белгиси, савдо маркаси, клеймо, яъни товарнинг маркаси) – бу маркетингда янги инновацион товар ёки хизматни ифодаловчи термин; у ёки бу товар ишлаб чиқарувчининг машҳур, тез таниладиган ва хукукий жиҳатдан ҳимояланган белгисидир²⁸.

Брендни аниқлашда иккита ёндошув учрайди:

1. Маҳсулот ёки фирманинг индивидуал атрибулари: номи, логотипи ва бошқа визуал элементлари (дизайн, рангли тасвиirlар, чизмалар ва белгилар) - булар маҳсулот ёки компанияни

²⁸ www.wikipedia.org/wiki.

рақобатчилардан ажратиб кўрсатиш ва қиёслаш учун хизмат қиласди.

2. Маҳсулот, хизмат ёки компаниянинг жамоатчилик, ҳамкорлар ва мижозлар кўз ўнгидаги обрўси, имиджи ва шаъни.

Брендни англаб етишда хукуқий ва психолигик ёндошувларни ажратиб кўрсатиш муҳим: Хукукий жиҳатдан бренд товар ёки компанияни ёки унинг маҳсулотини ифодаловчи товар белгиси, савдо маркаси бўлиб, хукукий жиҳатдан химояланган бўлади. Истемолчи психологияси жиҳатидан бренд истемолчининг хотирасида товар тўғрисида сақланган ахборот, образ ёки тасаввурни англатади.

Хар қандай “маҳсулот бозорда пайдо бўлганда ўзи тўғрисида истемолчида дастлабки тасаввурни хосил қиласди. Бу тасаввур ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Товарнинг имиджи ёки брендни унинг барча афзалликлари ҳамда камчиликларини кўрсатади, маҳсулотни таклиф этилаётган шу турдаги ёки ўринбосар товарлардан ажратиб кўрсатади”²⁹.

Истемолчи учун товарнинг факат ўзи эмас, унинг сифати, таркиби, экологик хавфсизлиги, ташки кўриниши, товар белгиси, дизайнни, қадоқланиши, яроқлилик муддати, кафолат муддати, сотиш чоғидаги ва ундан кейинги сервис хизматлари кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, маҳсулот этикеткаси ва ўрамида қандай ранглар ҳамда тасвирлардан фойдаланиш, уларни қайси тизларда чоп этиш масалаларига ҳам эътибор қаратиш талаб этилади. Аммо, брендни ривожлантириш ва реклама учун катта маблағ сарфлашга тўғри келади.

Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотлари, уларни қайта ишлаш натижасида олинган озиқ-овқат маҳсулотлари дунё бозорларида ракобатбардош бўлган, юқори брендли маҳсулотларни яратишга имкон яратади. Бошқача ифодалаганда, “...саҳоватли ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга – товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юқсан ракобатдошлиги билан ажралиб туради”³⁰.

²⁹ Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 25 стр.

³⁰ И.А.Каримов. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишининг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиши маросимида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 7 июн.

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари собиқ Иттифоқ давридан ҳозирги МДҲ давлатлари озиқ-овқат бозорларида яхши танилган ва биз бу брендан унумли фойдаланишимиз зарур.

Озиқ-овқат маҳсулотлари экспортида бир турдаги маҳсулотга боғланиб қолиш ҳам кутилган натижани бермайди. Чунки, жаҳон бозорида у ёки бу маҳсулотга талабнинг кескин тушиб кетиши ҳолатлари ҳам кўп кузатилган. Хусусан, “Ўзбекистон жаҳон бозорида хомашё ресурсларининг, масалан, пахта ва бошқа турдаги хомашёларнинг нархи кескин тушиб кетган ҳолатларни кўп маротаба бошидан кечирган³¹”.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товар ва хизматлар рўйхатининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хомашё) улушкининг катта бўлишига барҳам берилиши маҳсулотлар экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтиради, экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзгаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради. Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушкининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб кисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир ахволга солиб кўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг кисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий ахволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади³².

Юқоридагилардан келиб чиқиб республикамизда нафақат ҳўл ва қуритилган мева-сабзавот маҳсулотларини, балки уларни чуқур қайта ишлаш асосида олинган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг товар ассортиментини кенгайтириш, жаҳон бозорларидаги конъюнктуравий тебранишлар шароитида йўқотишларни минималлаштириш ва фойданни максималлаштириш имкониятини беради деган фикрдамиз.

³¹ И.А.Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздид. // “Халиқ сўзи” газетаси, 2015 йил 21 январ.

³² Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўлида. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг “Молия” нацириёти, 2014. -34 б.

Фикримизча, юқорида көлтирилған механизмларни чукурүйгөнмай ва таҳлил этмай туриб, жағон бозорларын мұваффақияттағы шақырылған стратегияны шаклантириб бўлмайди. Шуни унутмаслик лозимки, мамлакатларнинг ташки савдони тартибга солиш механизмлари бир-биридан тубдан фарқ қилиши ҳам мумкин ва бу экспорт жараёнида эътиборга олиш лозим бўлган мухим ҳолатлардан бири хисобланади.

1.3. Экспорт каналлари ва уларнинг ҳусусиятлари

Кейинги пайтларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқаришда экспорт каналларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Кўпчиллик дехқон ва фермер хўжаликлари ўз маҳсулотларини қайси каналлар орқали жағон озиқ-овқат бозорларига чиқариш бўйича етарли маълумотга эга эмаслар. Ташки бозорларга кириб бориш ва ўрнашиш – бу маҳсулотни танланган бозорларга етказиб бориш ва тарқатишининг энг самарали усуслари ҳамда воситаларини танлашни англатади. Бу эса экспортчининг мақсади ва экспорт стратегиясига боғлиқидир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жағон озиқ-овқат бозорларига экспортга чиқаришнинг каналлари кўп бўлиб, улардан куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин (4-чизма).

Экспортга чиқариш каналлари:

тўғридан-тўғри экспорт;

воситачилар ва хорижий фирмалар

товар-хомашё биржалари орқали;

ваколатхоналар ва дистрибьюторлар

интернет ва электрон савдо орқали.

4-чизма. Маҳсулотларни экспортга чиқариш каналлари

Тўғридан-тўғри экспорт қилиш деганда озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспортчи фирманинг ўзи сотиш учун олиб чиқилиши тушунилади. Бизнингча, тўғридан-тўғри экспортнинг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Унинг ижобий томонлари сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

- маҳсулотни сотиш ва силжитиш бўйича барча қарорларнинг мустақил қабул қилиниши;
- воситачиларга тўланадиган ортиқча харажатларнинг тежалиши;
- маҳсулот нархини арzonлаштириш орқали сотиш ҳажмини ошириш имконияти мавжудлиги;
- хорижлик шериклар билан яқин ҳамкорлиқда ишлаш мижозлар талабига тез мослашиш имкониятини яратиши ва бошқалар.

Аммо, бизнинг назаримизда тўғридан-тўғри экспорт муайян камчилик ва қийинчиликлардан холи эмас. Жумладан:

- халқаро бозорларда ишлаш бўйича профессионал кўникма ва билимлар етишмаслиги;
- маҳсулотларни силжитиш (реклама, маркировкалаш, қадоқлаш, дизайн ва брэндинг) бўйича харажатларнинг юқорилиги;
- жаҳон бозорлари конъюнктураси ва истеъмолчилар дидидаги ўзгаришларни доимий кузатиб бориш бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориш имконияти чекланганлиги;
- маҳсулот сотиладиган хорижий мамлакатда доимий мижозлар орттириш ва танилиш кўп ваqt талаб қилиши;
- маҳсулотларни жаҳон бозорларига етказиб бериш (божхонада расмийлаштириш, транспорт учун ҳақ тўлаш, тарқатиш тармоқларини шакллантириш ва бошқа) ва силжитиш тартибларининг қийинлиги ва серҳаражатлиги;
- халқаро бозорларга киришда озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол, сифат ва экологик хавфсизлиги жиҳатларига қўйиладиган фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, техник ва экологик хавфсизлик талабларини яхши билмаслик ва бошқалар.

Кўпчилик миллий товар ишлаб чиқарувчилар жаҳон бозорларида профессионал даражада фаолият олиб бориш бўйича билим, кўникма ва етарли тажрибага эга мутахассисларга эга эмас. Бундай ҳолларда маҳсулотларни жаҳон бозорларга олиб киришда воситачилар ва хорижий фирмалар хизматидан фойдаланиш ҳам мумкин. Мутахассисларнинг фикрича: “Маҳсулотни экспорт

қилишда нафақат бу масалада етарли тажрибага эга бўлмаган тадбиркорлар, балки бир неча йиллардан бери ташки бозорларда иш юритиб келаётган компанияларга ҳам ўзимизнинг ва чет эллардаги божхона қонунларининг кўп жиҳатлари номаълум.

Бу масаларни ҳал этиш учун юқори билим, юридик маълумот ва ташки иқтисодий фаолиятдаги тажриба талаб этилади. Шунингдек, молиявий харажатлар, вақт ва кучнинг сарфланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай ҳолатда “экспорт аутсорсинг” – муаммонинг оптимал очими хисобланади. Шу сабабли кўплаб экспорт қилувчи корхоналар “аутсорсинг”дан фойдаланадилар, яъни бошқа юридик шахсга муайян ишни бажаришни топширадилар.

Экспортда аутсорсинг хизматидан фойдаланишининг муҳим ижобий жиҳатларидан бири бу – танилмаган соҳа билан ишлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартиришдир. ТИФ соҳасида ишларни ушбу соҳа мутахассисига топширган тадбиркор нафақат молиявий томондан ютади, балки бу билан ўз вақти ва кучини бошқа муҳимроқ ишлар учун тежайди³³.

Маҳсулотларни жаҳон бозорларига экспортга чиқаришда профессионал воситачи фирмалар хизматидан фойдаланишининг яна қуидаги афзаллик томонлари мавжуд:

- улар айнан экспорт-импорт операцияларини амалга оширишга ихтисослашган бўлиб, юқори малакали мутахассис кадрларга эга;

- бундай фирмаларнинг хорижий мамлакатларда доимий мижозлари мавжуд ва маҳсулотни тезда сотиш имконияти юқори;

- улар маҳсулотларни экспортга тайёрлаш, турли сертификатлар олиш, юкларни суғурталаш, божхонада расмийлаштириш, транспортда ташиш, хорижий бозорларга киритиш ва силжитишида профессионал ёрдам кўрсатиши мумкин ва бу экспортчи фирмаларни турли расмиятчиликлар ва қийинчиликлардан ҳалос этади;

- воситачи фирмалар жаҳон бозорлари конъюнктурасидаги ўзгаришларни доимий равишда кузатиб боради ва талаб ҳажми, истеъмолчилар дидидаги ўзгаришлар ҳамда нархлар борасида кенг ахборот-маълумот базасига эга бўлади;

³³ А.О.Олимхонов, Ж.М. Имамназаров. Маҳсулот кандай экспорт қилинади? Ўз маҳсулотини экспорт қилишни режалаштираётган тадбиркорлар учун амалий қўлланма. –Т.: Бактрия-пресс, 2013. -37 б.

- улар маҳаллий ва хорижий божхона органлари, транспорт-экспедиция компаниялари, маркетинг ва консалтинг фирмалари, банклар ҳамда бошқа инфратузилмалар билан мустаҳкам алоқага эга.

Юкорида келтирилган омиллар ташки савдо бўйича воситачи компанияларни маҳсулотларни экспортга чиқаришда ишончли ҳамкорга айлантириши мумкин. Аммо, экспортчи фирма воситачилар хизмати учун ҳақ тўлаши талаб этиладики, бу харажатларни ошириб маҳсулот нархининг қимматлашувига олиб келиши мумкин.

Республикамида Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (ЎЗТИАИСВ) тизимида бир қатор давлат акциядорлик ташки савдо компаниялари (ДАТСК) экспорт-импортга ихтисослашган бўлиб, юкори профессионал даражада фаолият олиб бориш имкониятига эга (5-чизма).



5-чизма. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тизимидағи экспортга қўмаклашувчи ташки савдо компаниялари.

Уларга “Ўзинтеримпэкс”, “Ўзпроммашимпэкс” ДАТСК, “Ўзмарказимпэкс” ДАТСК, “Марказсаноатэкспорт” ДАТСК ва “Ўзтадбиркорэкспорт” Ихтисослашган ташки савдо компаниясини (“Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК) киритиш мумкин. Бугунги қунда уларнинг сонини ва кўрсатадиган хизматлари турини кенгайтириш борасида изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тизимидағи ташки савдо

компанияларининг аксарияти саноат маҳсулотлари экспортiga ихтисослашган бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортি билан шуғулланувчи ихтисослашган ташки савдо компаниялари етарли эмас. Бу йўналишда фаолият олиб бораётган асосий компаниялардан бири “Ўзтадбиркорэкспорт” ихтисослаштирилган ташки савдо компаниясидир (“Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК-UzTE).

“Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСКнинг республикамизнинг барча вилоятларида вакилликлари мавжуд бўлиб, бевосита вилоятларнинг ўзида тадбиркорларга экспорт-маслаҳат хизматларини кўрсатади.

“Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК (UzTE) маҳсулотлар экспорти бўйича қуидаги аутсорсинг хизматларини кўрсатади:

- тадбиркорларни қизиқтирган бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўtkазиш;

- маҳсулотнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини баҳолаш;

- маҳсулотга хориждан мижозлар, бизнес ҳамкорлар излаш ва топиш;

- чет эллик мижозлар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш ва расмийлаштириш;

- маҳсулотлар экспорти учун тегишили рухсатномалар ва турли сертификатларни олишга кўмаклашиши;

- маҳсулот учун хориж валютасида тўловлар олишга кўмаклашиши;

- юкларни божхонада расмийлаштириш ва товарларни энг қулай етказиб бериш схемасини тузиш.

“Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК экспортга чиқарилаётган маҳсулотларни халкаро бозорларда реклама килишда қуидаги каналлардан фойдаланади:

- халқаро кўргазма, ярмарка ва кооперацион биржалар орқали;

- интернет сахифаларида реклама килиш (www.uzte.uz интернет сахифаларида 1000 дан ортиқ маҳсулотлар каталоги мавжуд);

- www.1st-uztrade.com интернет дўконидаги эълонлар тахтаси орқали (900 дан ортиқ товарлар);

- халқаро савдо майдонлари орқали.

Ўзбекистон Ташки иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги тизимидағи “Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК – UzTE билан ҳамкорликнинг афзалликлари 5-жадвалда келтирилган.

“Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК – UzTE билан ҳамкорликнинг афзалликлари

ТЕЗКОРЛИК:

- ишлаб чиқарувчидан ариза олиш ва қайта ишлап (1 кун ичида);
 - потенциал хорижий харидорни аниқлап (5 кун ичида);
 - хорижий харидорга сўровнома юбориш ва ундан эҳтиёж борлиги ҳакида жавоб олиш (3 кун ичида);
 - маҳсулот намуналарини олиш ва жўнатиш (5 кун ичида);
 - потенциал хорижий харидорлар билан музокаралар ўтказиш (3 кун ичида);
 - шартномалар тузилиш ва уларни ваколатли органларда рўйхатдан ўтказиш (2 кун ичида);
 - маҳсулотга бирингирилган ҳужжатларни расмийлаштириш (2 кун ичида);
- Жами қўли билан 10 кун ичида

ҲАММАБОПЛИК:

- ишлаб чиқарувчи жойлашган вилоятнинг ўзида маҳсулот экспорти масалалари бўйича батафсил маълумот ва профессионал маслаҳат олиш;
- компания веб-сайти орқали маҳсулот экспорти шарт-шароитлари ва талаблари ҳакида батафсил маълумот олиш;
- хорижий харидорларни 1000 хил турдаги маҳсулотлар каталоги орқали ахборот билан таъминлаш.

ИШОНЧЛИЛИК:

- “UzTE” компанияси экспортолди молиялаштириши ҳисобига экспортолди харажатлар билан боғлик хатарларнинг камайиши;
- экспорт шартномаларининг юридик жиҳатдан тўғри тўлдирилиши ҳисобига хатарларнинг камайиши;
- ишончли хорижий харидорларни излаш ва топишдаги хатарларнинг камайиши;
- жаҳон бозорларидаги нарх маркетингини ўтказиш йўли билан хорижий харидор томонидан маҳсулот нархининг тушириб юборилиши хатарини камайтириш;
- мустақил юклашолди ва юқ тушириш мониторингини ўтказиш ҳисобига товар сифати ва миқдорига зътиrozларни камайтириш ва эҳтимолий муаммоларнинг олдини олиш.

Манба: А.О.Олимхонов, Ж.М. Имамназаров. Маҳсулот қандай экспорт килинади? Ўз маҳсулотини экспорт килишини режалаштираётган тадбиркорлар учун амалий кўлланма. –Т.: Бақтрия-пресс, 2013. -41 б. асосида тузилган

“Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидаги жадвалда келтирилган (6-жадвал).

**“Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК фаолиятининг асосий
йўналишлари, (2015 й.)**

Фаолият турлари	- тадбиркорлик субъектларига маҳсулотларни экспорт қилишда кўмаклашиш; - экспортни қўллаб кувватлаш, маркетинг ва информацион консалтинг хизматларини кўрсатиш; самарали молия тизимларини яратиш; - маҳалий ишлаб чиқарувчилар учун янги технологияларни импорт қилишда кўмаклашиш; - халкаро кўргазмалар ташкил этиш ва иштирок этиш.
Экспортга чиқарадиган маҳсулот турлари	хўл ва куритилган мева-сабзавотлар, дон маҳсулотлари, текстиль ва саноат маҳсулотлари
2015 йилда экспортга чиқарилган маҳсулот турлари ва қиймати	1,9 млрд. АҚШ доллари қийматига эга 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар.
Экспорт географияси	дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатлари.

Манба: “Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК мальумотлари

“Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК хорижий корхоналар ва уларнинг ваколатхоналарига, Ўзбекистон Республикасининг хорижда жойлашган ваколатхоналарига, халкаро тендерларга тадбиркорлар номидан тијорат таклифларни жўнатиш билан ҳам шугуулланади.

Компания шунингдек, чет эллик харидорларга маҳсулот расми ва намуналарини жўнатиш, барча ҳужожатларни чет тилига таржима килиш, маҳсулотнинг ТИФ ТН кодларини аниқлаштириш, товарларнинг сифат, келиб чиқиши ва мувофиқлик сертификатларини олиш, товар нархини аниқлаш, чет эллик ҳамкорлар билан савдо уйлари орқали учрашувлар ташкил қилиш ва олиб бориш, экспорт шартномаларини тузиш ва руйхатга олиш, юкни божхонада расмийлаштириш ва логистика-транспорт тизимлари орқали жўнатиш соҳаларида ҳам малакали хизмат кўрсатади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур хукуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташкил бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавфхатарларидан ишончли химоя қилишни таъминлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги ПК-2022-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-кувватлаш борасидаги кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан “Ташки иқтисодий фаолият миллий банки” хузурида республика минтақаларида ҳудудий филиаллари бўлган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-кувватлаш жамғармаси” ташкил этилди. Мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ, куйидагилар “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-кувватлаш жамғармаси” фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди:

- талаб-эҳтиёжга бўлган жорий ва истиқболдаги конъюнктурани ўрганиш юзасидан ташки бозорларнинг чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда мамлакатимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни экспорт қилиш учун потенциал имкониятларни аниқлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ассортименти ва турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташки бозорлардаги рақобатдошлик даражасини аниқлаш, тегишили маълумотлар базасини шакллантириш, бунинг асосида экспортга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги талаб-эҳтиёжга мос келишини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини ташки бозорларга чиқаришда, эҳтимол тутилган харидорларни излашда, шартномаларни тайёрлаш ва тузишда, экспорт операцияларини амалга оширишда, экспорт қилувчиларни эҳтимол тутилган хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилишда, шунингдек хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар, сертификатлар ҳамда бошқа рухсатнома ва йигимларни олиш ва тўлашда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чет эллардаги тендер савдоларидағи иштирокини кенгайтиришга, шунингдек, ярмаркалар, “давра столлари” ва бошқаларни ташкил этиш йўли билан мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан хорижий харидорларнинг мулокотларини ташкил этишга кўмаклашиш.

Мазкур қарорнинг 3-бандига асосан Жамғарма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишдан халқаро амалиётда умумқабул қилинган миқдорларда - шартнома қўйматининг 3 фоизигача бўлган комиссион ажратмалар тарзида ҳақ олиши белгилаб қўйилган.

Жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларига:

- экспортга мўлжалланган маҳсулотнинг мамлакатимиз брендларини ривожлантириш, экспортга етказиб беришни олға сижитиш, жумладан, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига мувофиқ зарур лицензиялар, руҳсатномалар, сертификатлар, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг халқаро тендер савдоларида иштирок этиши билан боғлиқ рўйхатдан ўтиши йигимлари ҳамда бошқа тўловларни тўлаш;

- экспорт шартномаларини тузган, янги бозорларга чиқиш ва янги маҳсулот турларини экспорт қилишни таъминлаган ҳолда чет эллардаги кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш учун бегараз молиявий ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилиган.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-кувватлаш жамғармаси”, жумладан унинг худудий филиаллари 2019 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар, йигимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан (ижтимоий тўлов бундан мустасно) озод қилинган.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-кувватлаш Жамғармаси” тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда кўмаклашиш, дехқон ва фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш жараёнида вужудга келаётган муаммоларни чуқур ўрганган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши мақсадида соҳавий давра сухбатларини ўтказмоқда. Жумладан, 2015 йил давомида Жамғарма томонидан 3 213 та тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда хизматлар кўрсатилган ва 1 045,0 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Шу жумладан, озиқ овқат ва қишлоқ

хүёзалиги маҳсулотлари бүйича қиймати 373 миллион АҚШ долларлик 1217 та экспортни амалга оширишда күмак күрсатилган (7-жадвал).

7-жадвал

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-кувватлаш Жамғармаси” томонидан тадбиркорлик субъектларига экспорт соҳасида күрсатилган хизматлар, (2015 й.)

Кўрсатилган хизматлар турлари	Хизмат кўрсатилган тадбиркорлар сони
Ташқи бозорларни ўрганиш ва хориждан ишончли ҳамкор излаб топишда	2 894 (шу жумладан 90 тасига хорижий ҳамкор топишда)
Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркалар, тендерларда қатнашишда, хорижий давлатларнинг қонунчилигидан келиб чиқиб талаб қилинадиган рухсат берувчи хужжатлар, сертификатлар ва лицензиялар олиш ҳамда божхона расмийлантирувида	203
Экспорт шартномаларини тузиш, уларни тегисли давлат органларида рўйхатга кўйишда ҳамда сугурта полиси орқали маҳсулотларни экспорт қилишда	116
ЖАМИ:	3 213

Манба: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-кувватлаш Жамғармаси” маълумотлари - www.nbu-export.uz.

Шунингдек, ташқи бозорларни ўрганишда 2894 та (шундан чет эллик ҳамкорларни топишда 90 та), халқаро кўргазмаларда иштирок этишда, халқаро сертификатлар олиш ва божхона расмийлантирувида 203 та, шунингдек, экспорт шартномаларини тузиш ва маълумотларни ташқи савдо айланмасининг ягона тизимиға киритишда 116 та тадбиркорга ёрдам берилган.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-кувватлаш Жамғармаси” томонидан 2015 йилда 192 та тадбиркорларга халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишга амалий ёрдам кўрсатилган. Хорижий ҳамкорларни республикамизга таклиф этиш натижасида 400 дан ортиқ тадбиркорлар Россия, Латвия, Литва ва бошқа давлатларнинг ишбилармон доиралари билан музокаралар ўтказишган. Натижада,

481 миллион долларлик экспорт келишувлари имзоланган ва улар доирасида 56 миллион долларлик экспорт амалга оширилган³⁴.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги “Сертификатлаштириш жараёнларини такомиллаштириш ва сифат менежменти тизимини жорий этишига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 122-сонли Қарорига асосан “Ўстандарт” агентлиги қошида маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ташкил этилган. Унинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланган:

- экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларга стандартлар, сертификатлаштириш, ёрлиқлаш, қадоқлаш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талаблар юзасидан бепул консультация хизматлари кўрсатиш;

- ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда стандартлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талабларни жорий этиш ва улар даражасига эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий бозорларга киритиш бўйича зарур маълумотларни олиш учун ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ахборот-консультация ёрдами кўрсатиш;

- стандартлар, сертификатлаштириш, маҳсулотларни ёрлиқлаш, қадоқлаш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талабларнинг доимий равишда янгилаб бориладиган маълумотномасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кейинчалик уни Интернет тармоғидаги “Ўстандарт” агентлиги сайтига жойлаштириш.

Халқаро сифат стандартларини жорий этган корхоналар учун мамлакатимиз қонунчилигида қуидаги солиқ имтиёzlари кўзда тутилган :

- юридик шахсларнинг солиқка тортилувчи даромад (фойда) базасини сифатни бошқариш тизимининг ривожланишига йўналтирилган инвестиция миқдорида камайтириш;

- синов лабораториялари томонидан тадқиқотлар ва тестлар ўтказиш мақсадида олиб кирилган технологик ускуналарни бож ва қўшимча қиймат солигидан озод қилиш.

“Ўстандарт” агентлиги кўмагида 2015 йилда 2227 та корхонада халқаро стандартларга мос сифатни бошқариш тизими жорий этилган ва 2323 та мувофиқлик сертификатлари, ш.ж. 234

³⁴ www.nbu-expotr.uz.

таси енгил саноатга (24%) ва 414 таси озиқ-овқат саноатига (18,6%) берилган. 2016 йилда 752 та, 2017 йилда эса 470 та корхонада сифатни бошқариш тизими жорий этилиши режалаштирилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мамла-катимизда қулаги ишбилиармонлик мухитини шаклантириш орқали экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни кўллаб-кувватлашни кучайтириш борасида изчил ва тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётта боскичма-боскич жорий этиб борилмокда. Бу чора-тадбирлар истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ва дехқон хўжаликлари ҳамда бошқа экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятини янада ривожлантиришга мустаҳкам замин яратади.

Маҳсулотларни экспорт қилиш каналларидан бири сифатида товар-хомашё биржаларини келтириш мумкин (8-жадвал).

8-жадвал

Республика Товар-хомашё биржаси орқали товарларни экспорт қилишда талаб қилинадиган ишлар кетма-кетлиги

Кўрсаткичлар	Хусусиятлари
1	2
1. Товар биржада қандай шартларда сотилишини олдиндан аниқлаш.	Аниқлаш талаб этилади: - мазкур товар экспортга рухсат этилган маҳсулотлар категориясига кирадими? - конунчилик билан қандай валютада биржа орқали экспорт рухсат этилган – ўзбек сўми ёки ЭҚВда.
2. Биржадаги савдоларда қатнашиш шаклини танлантиш.	Эътиборга олиш талаб этилади: - биржа савдоларида фақат унда брокерлик жойларига эга биржа аъзолари қатнашади; - экспортчи шартнома имзолаб, ёки брокерга маҳсулот сотишни топширади, ёки брокердан унга тегишли жойда маҳсулотини сотиш хукукини кўлга киритади; - биржа орқали экспорт қилинадиган экспортчи тариф бўйича биржа ва брокер хизматларига ҳақ тўйлади.
3. Биржа бюллетенида чоп этиш учун товар тўғрисида ахборот тақдим этади.	Шу билан бир вақтда биржага тақдим этади: - брокер билан тузилган шартномани; - товарнинг экспортга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни; - товарнинг мавжудлиги ҳақидаги омбор маълумтономасини; - товарнинг бюллетенда турган вақтida уни биржадан ташқарида сотмасликка кафолат хатини.

1	2
4. Савдода товар сотилгандан сўнг уни харид қилинган импорт-чи билан шартнома тузиш.	<p>Биржада тузилган шартнома:</p> <ul style="list-style-type: none"> - биржада рўйхатдан ўтказилади ва ундан сўнг ҳисобга олиш учун божхона ва тегишили органларга жўнатилади (сўмга тузилган шартномалардан ташқари); - юк ортиб жўнатиладиган божхона постига топшириладиган Божхона юк декларацияси (сифат, мувофиқлик ва товарнинг келиб чиқиши сертификатлари нусхалари, биржанинг ҳисоб-клиринг палатаси томонидан берилган тўланган битим реестри ва жўнатиш талабномаси нусхалари, товарнинг экспортёрга тегишилиги ва омборда мавжудлиги тўғрисидаги хужжатлар билан бирга) учун асос бўлади; - товар ортиб жўнатилгандан сўнг ва бопка талаблар бажарилгандан сўнг ҳисобдан чиқарилади; - келиб тушган валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотиш амалга оширилади (экспорт ЭКВда амалга оширилганда, ўз ишлаб чиқаришидаги товарларни (хизматларни) экспортга чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари).

Манба: Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 28 с.

Товар-хомашё биржалари маҳсулотларни улгуржи тарзда сотишга ихтиослаштирилган бўлиб, уларда биржа иштирокчиларининг (брокерлар) товарларни олди-сотдиси белгиланган тартибда амалга оширилади. Мутахассисларнинг фикрича, “экспортнинг бу ўзига хос шакли шуниси билан кулайки, унда кичик бизнес субъектларидан потенциал импортёrlарни топиш учун вақт ва маблағ талаб этилмайди. Экспортчи ўз товарини агар у белгиланган тур ва сифатга эга бўлса биржа савдосига ёки товар харидор томонидан олдиндан кўриқдан ўтказилиши талаб қилинганда кўргазма-ярмарка савдосига кўйиши мумкин. Бундай савдоларда кафолат хати билан таъминланган ва ва олдиндан биржа ҳамда кўргазма-ярмарка бюллетинига киритилган барча турдаги маҳсулотлар ўрнатилган тартибда экспортга сотилиши мумкин³⁵”.

³⁵ Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 27 с.

Маҳсулотни экспорт қилинда сотиш бўйича вакиллар, агентлар ёки дистрибьюторлар хизматидан ҳам фойдаланиш мумкин. Маълумотларга кўра “халқаро экспорт воситачиларининг бир неча тури мавжуд, масалан, агентлар ва савдо вакиллари.

Уларнинг фарқи шундаки, агент сизни буюртмалар портфели билан таъминлайди ва бу учун комиссион ҳақ олади, савдо вакили – бу ихтинослашган агент бўлиб, маълум бир жуғрофий худудда ишлайди ва муайян товарлар ҳамда хизматлар турини сотади.

Уларнинг иккаласи ҳам сизнинг номингиздан товарларингиз ва хизматларингизни сотиш бўйича сотувчилар ҳамда харидорлар билан шартнома битимлари тузиш ваколатига эга бўлади. Сиз одатда сотиш амалга оширилгандан сўнг уларга комиссион ҳақ тўлайсиз.

Экспорт агентлари ва вакилларидан фарқли равишда экспорт дистрибьютори сиздан товарлар ва хизматларни сотиб олади ҳамда маҳаллий истеъмолчиларга сотади. Кўпинча дистрибьюторлар товарлар ва хизматларга ўзи нарх белгилайди, ултуржи сотувчилар учун учун молиялаштиришни ташкил этади, кафолатли ва сотишдан кейинги сервисни амалга оширади. Хорижий дистрибьюторнинг энг асосий устунлиги мана шунда намёён бўлади – сотищдан кейинги сервис учун жавоб беради. Камчиликлар бу ерда иккита – сиз ўз товарингиз ва хизматингиз устидан назоратни йўқотасиз ҳамда сизнинг кўрадиган фойдангиз сезиларли пасаяди³⁶.

Савдо вакиллари, агентлар ва дистрибьюторлар хизматидан фойдаланишда уларни тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, бунинг учун уларни чукур ўрганиш ва қуйидаги жиҳатларига ёътибор қаратиш мақсадга мувофик:

- воситачи, агент ёки дистрибьюторнинг ўзи ишләётган худудда эгаллаган мавқеи, имиджи ва ишончлилиги;
- уларда ишловчи ходимлар сони ва уларнинг профессионаллик даражаси;
- кейинги йиллардаги товар айланмаси ҳажми ва келгуси йилларда уни ошириш истиқболлари;
- бизнесни кенгайтириш бўйича истиқбол режалари мавжудлиги;
- улар ишлайдиган жуғрофий худудлар ва бозорлар ҳамда улардаги талаб ва таклиф хусусиятлари;

³⁶ Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 28-29 с.

- сотилаётган товарлар тури ва ассортименти;
- товарларни сотишгача сақлаш учун маҳсус омборлар ва ускуналар мавжудлиги, уларнинг сифими;
- сотиш чоғидаги ва ундан кейинги сервис хизматлари мавжудлиги;
- сизнинг маҳсулотингизни танланган бозорга киритиш ва силкитиши учун маркетинг режалари мавжудлиги;
- уларнинг веб-сайтлари мавжудлиги ва бошқалар.

Хориждан маҳсулот учун потенциал харидор ёки воситачи излаб топиши ва улар билан алоқа ўрнатиш анча мураккаб вазифа саналади. Кузатишлар ва манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бу йўналишда куйидаги каналлардан фойдаланиш мумкин:

- бизнес соҳасидаги таниш ҳамкорлардан суриштириш орқали;
- халқаро савдо ярмаркалари ва кўргазмаларда, бизнесфорумларда хорижий фирма вакиллари билан танишиш орқали;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда унинг хузуридаги ихтинослашган ташқи савдо компаниялари орқали;
- Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари орқали;
- тармоқ вазирликлари, Фермерлар Кенгаши ёки уюшмалар орқали;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари, савдо уйлари ва ваколатхоналари орқали;
- хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи элчихоналарининг савдо бўлимлари ва миссиялари орқали;
- халқаро ёки хорижий ахборот агентликлари, ассоциациялар, савдо палаталари томонидан чоп этиладиган фирмалар тўғрисидаги ахборотномалар, бюллетенлар орқали;
- хорижий мамлакатлар компанияларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, савдо уйлари ва дистрибуторлари орқали;
- йирик компаниялар рейтинги тўғрисидаги маълумотлар;
- хорижий савдо компанияларнинг эълон қилинган йиллик ҳисобот маълумотлари;
- умумиқтисодий, тармоқ ва савдо соҳасидаги маҳсус газеталар ва журналларда эълон қилинган маълумотлар;
- хорижий фирмалар иштирокидаги халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларнинг каталоглари ва бюллетенлари;

- ихтисослашган консалтинг фирмалари, банклар ва бошқа бизнес тузилмалари томонидан бериладиган маълумотлар;
- жаҳондаги етакчи савдо компанияларининг интернет сайлари, интернетдаги узок ва яқин хорижнинг таниқли савдо майдонлари.

Экспортга чиқарилаётган маҳсулотни хорижий бозорларга олиб кириш ва силжитиш кўп жиҳатдан экспорт маркетингини тўғри йўлга қўйиш билан боғлиқ. Мутахассисларнинг таъриф беришича, “экспорт маркетинги деганда миллий тадбиркорлар жаҳон бозорларига чиқаришни режалаштираётган товарларни хорижда сотиш имкониятлари ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда баҳолаш тушунилади. Экспорт маркетингининг энг асосий тамойили экспортчининг бутун фаолияти бошиданоқ ташки бозор талаби ва уни истиқболда ўзгариши прогнозларига қаратилиши билан боғлиқ. Агар экспортчи сифатида товар ишлаб чиқарувчи ёки савдо фирмаси чиқса, улар бор имкониятларини шунчаки ўзларида мавжуд товарларни хорижда сотишга эмас, балки муайян бир мамлакатдаги аниқ импортчи томонидан талабга эга бўлган товарларни сотишга қаратишлари муҳимдир³⁷”.

Экспорт маркетингини амалга оширишда муайян малака, вакт ва маблағ талаб қиласидан турли-туман усуслар ҳамда воситалардан фойдаланилади. Табиийки, кўп ҳолларда микрофирма ва кичик корхоналар, айниқса дехқон ва фермер хўжаликлари бундай имкониятларга эга бўлмайди. Шу туфайли кўп ҳолларда ташки савдо соҳасида маркетинг хизматлари кўрсатувчи ихтисослашган компаниялар хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Экспортга кўмаклашувчи ва маркетинг тадқиқотлари олиб боришига ихтисослашган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, “Ўзинкоммарказ” ОАЖ каби миллий компанияларни ажратиб кўрсатиш мумкин (9-жадвал).

Маҳсулотни хорижий бозорларга экспорт қилишда муваффақиятни таъминлаш учун коммуникация воситалари ва рекламанинг мумкин бўлган барча воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилиш лозим. Энг муҳими улар воситасида хорижлик истеъмолчиларни маҳсулотнинг юқори нафлийк хусусиятларига ва шу турдаги маҳсулотлар ҳамда ўринбосар товарлардан афзаллигига ишонтириш керак.

³⁷ Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 30 с.

Экспортга кўмаклашувчи ва маркетинг тадқиқотлари олиб боришга ихтисослашган миллий компаниялар хизматлари

Компаниялар номи	Кўрсатадиган хизмат турлари
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси	Миллий ва хорижий ишбилармонлар ўртасида машифатли алоқалар ўрнатиш учун кооперацион биржалар, кўргазма ва ярмаркалар ташкил этиш; жаҳоннинг таникли савдо майдонларида доимий равиша маҳаллий компаниялар ва экспортчилар тўғрисида ахборотларни жойлаштириш; экспортчилар учун www.exim.uz интернет-майдони фаолиятини қўллаб-куватлап; Ўзбекистон экспортчи корхоналари тўғрисида каталоглар чоп этиш ва уни хорижий ишбилармонларга тарқатиш; миллий экспортчиларимиз республикамизда ва дунёнинг 165 мамлакатида ўтказиладиган тендерлар тўғрисида маълумот оладиган www.dgmarket.uz тендер майдонига йўл очиш; миллий тадбиркорларнинг халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирокини ташкил этиш; ўзбек товарларини йирик миқдорда импорт қиласидаган мамлакатларда савдо-инвестиция уйларини ва ваколатхоналарини ташкил этиш.
“Ўзинкоммарказ” ОАЖ	Хорижий бозорларни комплекс ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш, потенциал импортёрларни излаш, каталоглар чоп этиш ва тарқатиш, экспорт фаолиятини ривожлантиришга оид семинарлар, тақдимотлар, пресс-конференциялар ўтказиш
“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий сугурта компаниясининг “Ўзбекинвест экспимахборот” маркетинг агентлиги	Корхоналар буюртмаси бўйича мақсадли маркетинг тадқиқотларини олиб боради, жумладан маҳсулотга хориждан мижозлар топиш, экспорт шартномаларини тузишда тавсия этиладиган нархларни хисоблаш, миллий товарларнинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини баҳолаш ва бошқалар.

Манба: Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007.– 30-31 с. асосида тузилган.

Бу механизмлар ўз ичига қуидагиларни олади:

- турли оммавий ахборот воситаларида маҳсулотни реклама килиш;
- потенциал харидорлар ва воситачи компанияларга буклетлар, каталоглар ва бошқа реклама материалларини жўнатиш;
- товарлар сотилиши мумкин бўлган потенциал савдо марказларида харидорлар билан учрашувлар ва тақдимотлар уюштириш ҳамда товар тўғрисида анкета сўровлари ўтказиш;
- маҳсулот сотилиши мўлжалланган хорижий мамлакатлардаги савдо ярмаркалари, кўргазмалар ва бизнес-форумларда иштирок этиш;
- интернет ва электрон савдонинг чексиз имкониятларидан унумли фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси мутахассислари хорижий бизнес доиралари ва истеъмолчиларда компаниянингиз тўғрисида ижтимоий фикрни шакллантириш ва реклама қилиш учун қуидаги инструментлардан унумли фойдаланишни тавсия этишади:

- ташриф қоғозлари;
- брошуналар ва каталоглар;
- харидорлар ва мижозларнинг гувоҳлиги;
- журналлар ва газеталардаги мақолалар;
- видео материаллар;
- веб-сайт.

Бу инструментларни профессионал даражада тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш учун ўзига хос талаблар мавжуд бўлиб, уларни эътиборга олмаслик кутилган натижани бермайди (10-жадвал).

Кейинги йилларда глобаллашув ва ахборот-коммуникация тармоқларининг жадал суръатлар билан ривожланиши экспортда электрон савдо ва интернетдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтироқда. Халқаро савдода интернетдан фойдаланиш имкониятлари жуда кенг ва хилма-хил.

Бу экспортчилар учун бир қатор қулайликлар яратади:

- товарлар ва хизматлар тўғрисидаги зарурий ахборотни тез ва арzon нархларда узатиш имконини беради;
- хориждан ҳамкорлар ва харидорлар излаб топиш, маркетинг ва рекламамани амалга оширишда тезкорлик ва мослашувчаникнинг таъминланиши;

Экспортчи компания тўғрисида ижтимоий фикрни шакллантириш ва реклама қилиш инструментлари

Ташриф қоғозлари	<ul style="list-style-type: none"> - сифатли ва профессионал даражада тайёрланган бўлиши керак; - компаниянгиз тўғрисида миллий, инглиз ёки бошқа хорижий тилларда мукаммал маълумот бериши зарур; - барча ходимларда ташриф қоғози бўлиши шарт, ташриф қоғози ягона шаклда бўлиши керак.
Брошюралар ва каталоглар	<ul style="list-style-type: none"> - сифатли тайёрланган бўлиши керак; - кисқа, ахборга бой ва кўриниши жалб этадиган бўлиши зарур.
Харидорлар ва мижозларнинг гувоҳлиги	<ul style="list-style-type: none"> - товарларингиз ва хизматларингизни қатъий тавсия этиши керак; - энг яхши ва содик мижозлар томонидан берилиши, юқори звенодаги раҳбар ходимлардан бўлиши мақсадга мувофик; - бу гувоҳликлар реклама брошюраларига киритилиши лозим.
Журналлар ва газеталардаги мақолалар	<ul style="list-style-type: none"> - компаниянгиз тўғрисида бозордаги энг етакчи сифатида ахборот бериши керак; - брошюраларингизга киритилиши керак; - офисда кўринарли жойда осиб кўйилиши лозим; - потенциал харидорлар ва мижозларга жўнатилиши мақсадга мувофик.
Видео материаллар	<ul style="list-style-type: none"> - профессионал даражада тасвирга туширилган бўлиши; - қизиқарли, ахборотга бой ва осон тушуниладиган бўлиши керак; - товарлар ва хизматларнинг энг яхши томонларини очиб бера олиши керак; - кисқа, аник ва манзилли реклама гоясига эга бўлиши лозим.
Веб-сайт	<ul style="list-style-type: none"> - мазмун бўйича чукур ва ахборотга бой бўлиши, эътиборни жалб этадиган кўринишга эга бўлиши лозим; - профессионал даражада тайёрланган бўлиши ва мунтазам янгиланиб туриши мақсадга мувофик; - электрон тарзда саволлар ва ахборотлар билан алмашиниб туриш имкониятига эга бўлиши лозим; - он-лайн режимида буюртмалар бериш ва харид этиш имкониятини таъминлапи мақсадга мувофик.

Манба: Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. –31 с.

- йилнинг 365 куни ва 24 соатида потенциал харидорларга маҳсулот тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги;
- буюртмалар ва талабга тез эътибор қаратиш мумкинлиги;
- буюртмаларни тез ва самарали бериш ҳамда бажариш, шунингдек, улар учун ҳақ тўлаш ва хизмат кўрсатиш жараёни;
- жаҳон бозорлари конъюнктураси, сигими, товар ва жутрофий таркиби, нархлар, потенциал харидорлар ва рақобатчилар тўғрисидаги катта ҳажмдаги ахборотларни тез ва осон, кам маблаг эвазига олиш имкониятлари ва бошқалар.

Ҳозирги кунда экспорт фаолиятида фойдаланиш мумкин бўлган интернет манбаларининг қўйидаги турлари учрайди:

1. Экспортчи корхоналарнинг корпоратив веб-сайтлари.
2. Воситачи ҳалқаро савдо компанияларининг веб-сайтлари.
3. Савдо-саноат палаталари, ассоциациялар, экспортга кўмаклашувчи бошқа давлат ва нодавлат тузилмаларининг веб-сайтлари.
4. Жаҳоннинг таникли электрон савдо майдонларининг веб-сайтлари.

Жаҳоннинг таникли электрон савдо майдонларига қўйиладиган турли-туман товарлар тўғрисида www.etrade.com, www.amazon.com, www.ebay.com каби интернет-сайтлардан ахборот олиш мумкин.

Ўзбекистоннинг миллий экспорт майдони www.exim.uz, миллий тендер майдони www.dgmarket.uz ва бошқалар орқали миллий ва хорижий мамлакатлардаги потенциал харидорлар тўғрисида маълумот олиш мумкин.

Ҳозирги кунда экспортчи корхоналар экспорт каналларини кенгайтириш ва интернетнинг чексиз имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида ўзларининг корпоратив веб-сайтларини яратишга эътибор қаратмоқдалар. Шунингдек, электрон савдо турларидан бири сифатида интернет-дўконлар ташкил этиш ҳам оммалашшиб бормоқда.

Интернет дўконда экспортчи корхоналар ўзларининг маҳсулотлари тўғрисида батафсил ахборотни жойлаштиришлари мумкин. Интернет-дўкон орқали маҳсулотни экспортга чиқариш экспортни божхона ва бошқа ваколатли органларда расмийлаштириш билан боғлиқ одатдаги тартибларни бекор қилмайди. Аммо, унинг воситасида экспортни амалга ошириш билан боғлиқ ишларни сезиларли даражада енгиллатиш мумкин. Масалан,

экспортга чиқариладиган товарларни декларация килиш, ташки савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимиға маълумотлар киритиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги 199-сонли “Ўзбекистон Республикасида ташки савдо операциялари мониторингини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида экспорт шартномаларини ваколатли банқда рўйхатга қўйиш 2014 йил 1 сентябрдан бекор қилиниб, унинг ўрнига ушбу тартиб киритилган) каби ишларни он-лайн тарзда интернет орқали киритиш маҳсулотларни экспортга чиқариш имкониятларини оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқаро бозорлардаги конъюнктуравий ўзгаришлар бекарор тенденцияни намойиш этаётганилиги ва рақобат мухити кундан-кунга кучайиб бораётганилиги оқибатида уларда мустаҳкам ўрин эгаллаш қийин вазифага айланмоқда. Шу туфайли хорижий шериклар билан мустаҳкам, узоқ муддатли ва истиқболли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш орқалигина муваффақиятга эришиш мумкин.

1.4. Транспорт турлари ва коридорларини танлаш

Экспортни амалга ошириш каналлари билан биргаликда экспорт учун транспорт коридорлари ва транспорт воситалари турларини танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, тўғри танлов юкни тез ва арzon нархларда ҳамда ишончли тарзда хорижий бозорларга етказиб беришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотларига қараганда мустақилликдан олдин Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий алоқалари асосан 3 дengiz порти - Ильичевск (Кора дengизга чиқиши йўли - масофа 3000 км), Санкт-Петербург (Балтика дengизига – масофа 4300 км), Владивосток (Узоқ Шарқ портларига чиқиши – масофа 8000 км) орқали амалга оширилган. Мустақиллик давридан бошлаб давлатимизнинг мақсадли сиёsat юритиши ва фаол чора-тадбирлари, масъул вазирлик ва идораларни ташки савдо юкларини ташиш учун алтернатив транспорт коридорларини топиш ва ундан самарали фойдаланиш йўналишлари борасида иш олиб боришлари

натижасида халқаро транспорт коридорлари түри яратылды ва ҳозирги кунгача ривожланиб келмоқда³⁸.

Айни вактда, Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқалари куйидаги асосий транспорт кооридорлари орқали амалга оширилмоқда:

1-чи коридор – Болтиқбўйи мамлакатлари йўналишидаги портлар (Қозогистон ва Россия орқали транзит) – Клайпеда (Литва), Рига, Лийепая, Вентспилс (Латвия) ва Таллинга (Эстония) – масофа 4 354 км;

2-чи коридор – ЕИ мамлакатлари йўналиши, Беларус ва Украина орқали (Қозогистон ва Россия орқали транзит) Чоп чегара ўтиш жойи (Украина) ва Брестга (Беларус) – масофа 4 257 км;

3-чи коридор – Украинанинг Ильичевск порти (Қозогистон ва Россия транзити) орқали Қора денгизга - масофа 4 236 км;

4-чи коридор – Транскавказ коридори йўналиши орқали (Туркманистон, Қозогистон, Озарбайжон транзити орқали) Қора денгизга чиқиш, бу коридор ТРАСЕКА номи билан ҳам машҳур - масофа 2 050 км;

5-чи коридор – Бандер-Аббос Эрон портига (Туркманистон транзити орқали) Форс Кўрфазига чиқиш - масофа 2 909 км;

6-чи коридор – шарқий йўналишда, қозоқ-хитой чегара ўтиш жойи орқали (Достик/Алалашанъқоу) токи Хитой портигача, шунингдек, Находка, Владивосток Узок Шарқ портларига - масофа 8 730 км;

7-чи коридор – Хитой портларига (Қирғизистон транзити орқали) Сариқ, Шарқий-Хитой ва Жанубий-Хитой денгизига чиқиш;

8-чи коридор – афғон конфликтини йўлга солиши муносабати билан жанубий алтернатив транспорт коридорларига айнан Эрон ва Покистон Бандар-Аббос, Чахбахар (ИРИ), Гавадар ва Карабига (ИРП) Афғон транзити орқали янги истиқболли йўналишлар очилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотларига кўра халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш борасида куйидаги тадбирлар амалга оширилган:

- 1996 йил 12 майда Ўзбекистоннинг фаол иштирокида узунлиги 320 км бўлган Теджен-Сераҳс-Машҳад темир йўл

³⁸ www.mfer.uz/uz/export/transportation.

магистралини ҳаракатта киритилгани, бу йўл Марказий Осиё мамлакатларига Эрон ва Туркия орқали жаҳон бозорларига чиқишида янги трансосиё коридорини очди (Сераҳсада Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия ва Туркманистон томонидан имзоланган “Темир йўл транспорти фаолиятини йўналтириш тўғрисида”ги ва “Иштирокчи давлатлар орасида транзит ташувни йўлга солиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим);

- 2005 йил май ойида Эрон ҳудудида Бафқ-Машҳад темир йўлнинг Машҳад-Бандар-Аббос йўналиши бўйича Бандар-Аббос портигача қурилиши 800 км. дан ошикроқ йўлнинг қисқаришига ёрдам берди;

- 1998 йил сентябр ойида Озарбайжон, Грузия ва Ўзбекистон ташаббуси ва Европа Иттифоқи кўмагида Бакуда ўтказилган “ТРАСЕКА - қадимий ипак йўлини тикланиши” мавзусидаги халқаро конференцияда 12 мамлакат, ш.ж. Ўзбекистон томонидан имзоланган “Европа-Кавказ-Осиё халқаро транспорти коридорини ривожлантириш бўйича Келишув” юзасидан халқаро темир йўл транспорти, халқаро автомобил транспорти, халқаро савдо кемачилиги, божхона тартиби ва хужжатлар юритиш борасида Техник Илова.

“Европа-Кавказ-Осиё” (ТРАСЕКА) транспорт коридори Европадан Қора денгиз орқали Марказий Осиё республикаларига Кавказ ва Каспий денгизи орқали ўтадиган қуруқлик ва денгиз маршрутлари тўрини қамраб олади.

ТРАСЕКА йўналиши Европа ва Осиё орасидаги савдо муносабатларини ривожлантиришда ва Европага маҳсулот етказиб беришда жуда катта аҳамият касб этади. Негаки, Ёкогама трансокеан йўналишидан токи йирик Фарбий Европа портларигача (Роттердам, Гамбург, Анверпен ва бошқалар) бўлган масофа ТРАСЕКА йўналишига қараганда 2 марта узуироқ.

Маҳсулотларни экспортга чиқаришида янги йўналишлардан бири бўлган “Трансафғон” коридори истиқболли хисобланади. Бу йўналишга 2003 йил 18 июнда Техронда (Эрон) Ўзбекистон Республикаси, Афғон Ислом Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси томонидан “Халқаро трансафғон транспорт коридорини яратиш тўғрисидаги Келишув” имзоланиши билан асос солинган эди. Бу йўналиш республикамиздан Эрон портларига юкларни ташишни 1500 км масофага қисқартиришга имкон беради.

Шунингдек, 2011 йил март ойида кучга кирган “Покистон ва Ўзбекистон ўртасида транспорт ва товарларни транзити соҳасидаги ҳамкорлик борасидаги Келишув” Эрон ва Покистон портларига экспорт юкларини ташиш йўналишларини диверсификация қилишга имкон яратади ҳамда Афғонистон худуди орқали Ўзбекистондан ташки савдо юкларини ташиб ўтиш учун янги истиқболлар очади.

Барча Марказий Осиё республикалари учун Афғонистонда 75 км. узунликдаги Ҳайратон-Мозори Шариф темир йўл линиясининг 2010 йил ноябр ойида куриб фойдаланишга топширилгани муҳим аҳамият касб этди. Бу лойиҳа ИТБ кўмаги билан “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акционерлик темир йўл компанияси томонидан амалга оширилди.

Бундан ташкари 2011 йил 25 апрелда “Ўзбекистон ва Туркия темир йўл администрациялари ўртасида вагонлардан фойдаланиш тўғрисидаги Шартнома”нинг кучга кирганлиги, бу темир йўл линияси орқали куляй шароитларда Туркияга савдо юклари ташиш имконини бермоқда. Шунингдек, Баку-Тбилиси-Ахалкалаки-Карс темир йўл иўналиши курилишининг ниҳоясига етганлиги, ушбу йўналиш бўйича Жанубий ва Марказий Европа, шунингдек, Ўрта Ер денгизи орқали Мерсин портига ва Яқин Шарқ мамлакатларининг бозорларига чиқиш имконини яратмоқда.

Мамлакатлараро халкаро савдо алоқаларини ривожлантириш ва турли минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2011 йил 25 апрел куни Ашхобод шаҳрида “Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Омон – Қатар” транспорт-коридорини ташкил этиш тўғрисида давлатлараро келишув имзоланди. Ушбу транспорт коридори Марказий Осиё, Форс Кўрфази ва Омон денгизига мамлакатлараро пассажир ва юкларни ташиш имкониятини беради. Мазкур лойиҳасининг муваффақиятли амалга оширилиши унда иштирок этувчи мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиради ва мустаҳкамлайди шунингдек, юқ ташуви ҳажмини оширади, жаҳон бозорларига янги транспорт коридорлари орқали чиқиш имкониятини беради.

Мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини ошириш мақсадида, Ўзбекистонда темир йўл магистрали коммуникациясини шакллантиришга катта эътибор қилинмоқда, бунга, 2001 йилда 341 км узунликдаги “Навоий-Султонуиздоғ-Учқудук” ва 220 км

узунликдаги “Тошғузор-Бойсун-Қумқұрғон” темир йүллари линияси қурилишининг якунлангани мисол бўла олади.

Юкорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибиди, маҳсулотларни экспорт қилишда фойдаланиладиган транспорт коридорлари сони йил сайин кенгайиб бормоқда. Экспортчилар учун транспорт коридорлари билан бирга транспорт турларини тўғри танлашнинг ҳам аҳамияти катта. Чунки, экспортта чиқарилаётган юкнинг тури, ортиш ва сақлаш хусусиятлари, йўлнинг узоқлиги ҳамда транспорт харажатларидан келиб чиқиб транспорт турини танлаш маҳсулот нархини ошиб кетиши ҳамда фойданинг камайиши олдини олади. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари учун юк транспорти турини тўғри танлаща товарни тез, қисқа муддатларда ва энг муҳими бузилмасдан мижозларга етказиб беришнинг аҳамияти катта.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда экспорт юкларини ташишда фойдаланиладиган асосий транспорт турлари куйидагилардан иборат:

- автомобил транспорти;
- темир йўл транспорти;
- ҳаво (авиация) транспорти.

Бу транспорт турларининг юк сиғими, ортиш ва сақлаш ҳамда бошка характеристикалари 11-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистоннинг жуғрофий жойлашуви шароитида мамлакатлараро сув йўлларига тўғридан-тўғри чиқиши имкони йўқлиги ёки дунёning йирик сув йўлларидан узоқда жойлашганлиги асосий транспорт йўллари сифатида темир йўл, автомобил ва ҳаво (авиа) траспортидан фойдаланишни тақозо этади.

Хозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини йирик партияларда ва нисбатан арzon нархларда етказиб беришда темир йўл транспорти кўл келади. Йирик ҳажмдаги юкларни узоқ ва ўрта масофаларга ташишда темир йўл транспорти кенг фойдаланилади.

Темир йўл транспортида ташишда:

- экспорт шартномаси талаблари юкни шошилинч етказиб беришни кўзда тутмайди;
- экспортга чиқарилаётган юкнинг транспортда ташиш хусусиятлари темир йўлда ташиш учун оптимал ҳисобланади;
- юкни ортиш ва жўнатиш жойи темир йўл тармоғига ёки ортиб тушириш учун етарли кувватга эга ускуналар билан жиҳозланган.

Махсулотларни экспорт килинча фойдаланиладиган асосий транспорт воситаларининг техник-иктисодий характеристикалари

11-жадвал

		ЮК ТАПУЧИ АВТОТРАНСПОРТ ТУРЛАРИ:	
Тент (мато) бизан ўралан боргли	Кенг таркалган юк тапиш автотранспорти. Аксарият юк турлари учун яроқли. Яримприцептентининг ечилиши юклашни тепа, орка ва ёнбошдан амалга ошириш имконини беради. Юк күттарип даражаси: 20 тоннадан 25 тоннагача. Фойдалы майдон яхми: 60 дан 92 м ³ гача. Юк күттарип даражаси 20 тонна ва хажми 82 м ³ га тенг бўлган юкоминиалари кенг таркалган бўйлиб юк тапишда кўп фойдаланилади.	Озиқ-овқат маҳсулотлари хамда тапиш жараёнида маъдум даражадаги ҳароратни, талаб киладиган маҳсулотларни тапишда ишлатилади. Одатда, рефрижераторлар ҳароратни + 12 С° дан – 20 С° гача гамминиаб бера олади. Юк күттарип даражаси: 12 тоннадан 22 тоннагача. Фойдалы майдон яхми: 60 дан 92 м ³ гача. Музлаткичли юк машинанидандан фойдаланиши оддий юк машиналари нисбатан 10-30 % кимматарок бўлали, бу музлаткичининг доимий равишда ишлаб туриши билан боғлик.	
Рефрижератор яримприцепт- музлаткич:	Тапшки тасирларга бардошли, яъни контейнерлар, бетон блоклар, курилши конструкциялари ва бопка юқларни тапишда кўпланилади. Бесўнакай юқларни тапишда хам ишлатилади. Юк күттарип даражаси: 15 тонна дан 25 тоннагача.		
ПЛАТФОРМА-КОНТЕЙНЕР ТАПУЧИ АВТОТРАНСПОРТ КОНТЕЙНЕРЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ:		ПЛАТФОРМА-КОНТЕЙНЕР ТАПУЧИ АВТОТРАНСПОРТ КОНТЕЙНЕРЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ:	
20-Футли стандарт контеинер:	Контеинер оғирлиги – 2,2 т. Юк вазни..... – 21,7 т. Хажми..... – 33,3 м ³ .	Тапки ўлчами..... – 6,06 x 2,44 x 2,59 м. Ички ўлчами..... – 5,9 x 2,35 x 2,4 м. Эпик ўрни..... – 2,34 x 2,29 м.	
40-Футли стандарт контеинер:	Контеинер оғирлиги – 3,98 т. Юк вазни..... – 26,5 т. Хажми..... – 67,2 м ³ .	Тапки ўлчами..... – 12,19 x 2,44 x 2,59 м. Ички ўлчами..... – 12,03 x 2,35 x 2,4 м. Эпик ўрни..... – 2,34 x 2,29 м.	

ПЛАТФОРМА-КОНТЕЙНЕР ТАШУВЧИ АВТОТРАНСПОРТ КОНТЕЙНЕРЛАРИНИН АСОССИЙ

ТҮРЛӘРДІКІ		АСОССИЙ ВАГОН ТУРЛАРИ	
40-футтың high-cube контеинер (сагта-лаштырылған хәмми):	ТӨМЕР ЫЛТ ТРАНСПОРТИДА ФОЙДАЛАНЫЛАДЫГАН АСОССИЙ ВАГОН ТУРЛАРИ:		
Вагон түри: вагон-хоппер:	Юкхонаси: - узунлігі (ММ) - эни (ММ)..... - баландығы (ММ)..... - ұажми (М.куб)..... - юклап нормаси (т.).....	Вагон-хоппер темир Ылдаға гана ва шунға үшшап сочиулучан озиқ-овқат маҳсулоттарнан вагоннинг тела кисмидән люклардан гравитациян усул билан юклап оркали тапшины таьминлады. Түпнериш механизмді приводы күл воситасыда амалда оширилады. Ушбу вагон минерал үтигларни тапшиша ҳам ишпелтилады. Бу холда вагон кузовининг лак-бүек қопшамаси сифаттада элекенд елемли асосида тайёрланған әмаль ишпегилады.	Ташки үтчами..... – 12,19 x 2,44 x 2,59 м. Ички үтчами..... – 12,03 x 2,35 x 2,7 м. Ёник үрни..... – 2,34 x 2,29 м.
Вагон түри: платформа:	Юкхонаси: - узунлігі (ММ) - эни (ММ)..... - баландығы (ММ)..... - ұажми (М.куб)..... - юклап нормаси (т.).....	Узун ва бесүнәккәттә ётөч, күрилген материалдар, кон-тейнерлар, вагон гасаритига мос гидрорасы транспорт вое-ситетари каби ёттың артикликардан сакланып жеткесеңдеган юкхария тапшыла мүлжапланған. Амалдагы «Юклап ва махкамалаш техник шарттарынча мұворифк жойлаштырылған махкамалаш имкөннөти ҳамда қабул көлиш за тушириш вое-ситетари мавжуд бўлған пунктларда гүлшарип шарғи билан.	Ташки үтчами..... – 13300 Ички үтчами..... – 2770 Баландығы (ММ)..... 500 - ұажми (М.куб)..... - юклап нормаси (т.)..... 70
Вагон түри: ёник 4-үккүш:	Юкхонаси: - узунлігі (ММ) - эни (ММ)..... - баландығы (ММ)..... - ұажми (М.куб)..... - юклап нормаси (т.).....	Ёник вагон, ёнин-сочиндан химия қылдинини лозим бўлған, лекин маҳсус шарт-пароити гана кілмайдыган турни хий (донали), пакетланған, сочиулучан (талья қабы) юкларни темир йул оркали ташшаша мұжкалланған универсал транспорт воситаси хисобланади.	13800 2760 2790 120 - юклап нормаси (т.)..... 68

11-ЖАДВАЛ ДАВОМИ

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ФОЙДАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ВАГОН ТУРЛАРИ

Вагон турни: Усти очик вагон	Юкхонаси: - узунлий (мм) 12076 - эни (мм) 2876 - баландлии (мм) 2060 - хажми (м.куб) 74 - юклап нормаси (т.) 69	Егин-сочиндан хамоя тараб китмайдиган ноаррессив, сочиуичан ва конланмаган (кумир, тахта ва шуга ухшаш) хамда юклап ва маңгансапп коидаларига мувофиқ донали юкнари тапишса ишлатлади.
Вагон турни: Чистерна:	Юкхонаси: - узунлити (мм) - - эни (мм) - - баландлиги (мм) - - хажми (м.куб) 88,6 - юклап нормаси (т.) 62	15-869 модели бензин ва тиник нефт маҳсулотлари учун мўлжалланган 4-үчли темир йўл чистернаси.
АСОСИЙ ТУРДАГИ САМОЛЁТЛАРНИНГ ЮК БЎЛIMЛАРИНИНГ ЖОЙЈАШИННИ ЧИЗМАСИ ВА ГАБАРИТ ЎЛЧАМЛАРИ		
ИЛ-76	Тикорат юкнинг максимал миқдори: 45 т. Юк бўлими хажми: 180 m^3	Юклап локи ўлчами: 3,45 x 3,40 м. Яхлит юкнинг максимал вазни: 10 - 20 т.
Тавсифлари: AIRBUS A300:	Тикорат юкнинг максимал миқдори: 45 т. Юк бўлими хажми: 223 m^3	Одд томондаги юк бўлими хажми: 2,7x1,78 м. Орка томондаги юк бўлими хажми: 1,8x1,75 м. Оргидаги юк бўлими (Bulk): 0,95 x 0,95 м.
Тавсифлари: AIRBUS A320-200 (A320A):	Юклап локи ўтгами: Асосий юк майдони: 3,58 x 2,59 м. Тикорат юкнинг максимал миқдори: 1 т. Одд томондаги юк бўлими: - юк бўлими хажми: 13,28 m^3 - юклап локи ўтгами: 2,02 x 1,85 м.	Орка томондаги юк бўлими: - юк бўлими хажми: 18,26 m^3 - юклап локи ўтгами: 2,02 x 1,85 м. Оргидаги юк бўлими (Bulk): - юк бўлими хажми: 5,88 m^3 - юклап локи ўтгами: 1,20 x 0,94 м.

**АСОССИЙ ТУРДАГИ САМОЛЁТЛАР ЎҚ БҮЛМІЛІРИННИҢ ЖОЙЛАШИННИ ЧИЗМАСИ ВА
ГАБАРИТ ЎЛЧАМЛАРИ**

BOEING 757: Тавсифлари:	Тікжорат юқиннің максимал мөкдори: 1,5 т. Олд томондағы юқ бүлшемі: - юқ бүлшемі хажмі: 47,6 м ³ - юқлаш локи үтчамы: 3,40 x 1,75 м. BOEING 767: Тавсифлари:	Тікжорат юқиннің максимал мөкдори: 12 т. Олд томондағы юқ бүлшемі: - юқ бүлшемі хажмі: 47,6 м ³ - юқлаш локи үтчамы: 3,40 x 1,75 м.
		<p>Орка томондағы юқ бүлшемі: - юқ бүлшемі хажмі: 47,6 м³ - юқлаш локи үтчамы: 1,78 x 1,75 м. Ортилагы юқ бүлшемі (Bulk): - юқ бүлшемі хажмі: 12,2 м³ - юқлаш локи үтчамы: 0,97 x 1,14 м.</p> <p>Орка томондағы юқ бүлшемі: - юқ бүлшемі хажмі: 47,6 м³ - юқлаш локи үтчамы: 1,78 x 1,75 м. Ортилагы юқ бүлшемі (Bulk): - юқ бүлшемі хажмі: 12,2 м³ - юқлаш локи үтчамы: 0,97 x 1,14 м.</p>

Манба: А.О.Олимхонов, Ж.М.Имамназаров. Максудот кандай экспорт кишинади? Үз мажеулотини экспорт кишинини рөжалаштыраётпен табииркорлар утун амалий күлшама. –Т.: Бактрия-пресс, 2013. -144-149 б. ассоциация түзилген

Темир йўл транспортида юк ташишнинг афзаликлари кўйидагилардан иборат:

- об-ҳаво ва табиий-иқлим шароитларига боғлиқ бўлмасдан йилнинг барча фаслларида узлуксиз юк жўнатиш имконияти;
- йирик хажмли юкларни жўнатиш имконияти;
- юк ташиш қийматининг нисбатан арzonлиги.

Унинг камчиликлари сифатида темир йўл тармоқлари ва коммуникациялари ривожланганлигига боғлиқлик, юкни нисбатан узоқ муддатда етиб бориши кабиларни келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган хусусиятлар, бугунги кунда темир йўл транспортидан фойдаланишни энг истиқболли йўналишлардан бири сифатида эътироф этишга сабаб бўлмоқда (12-жадвал).

Қисқа масофаларга, масалан Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон каби қўшни мамлакатларга озик-овқат маҳсулотларини автомобил транспортида ҳам харидорларга етказиб бериш мумкин. Аммо, айрим тадбиркорларнинг республикамиздан мева-сабзавот маҳсулотларини божхона постларини айланиб ўтиб, юкларни суғурта қиласдан экспорт қилишга уринаётганлиги бу ишларни тартибга солишини кучайтиришга олиб келмоқда.

Хусусан, мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиши, экспорт контрактларини суғурта қилишининг амалдаги механизмини такомиллаштириш, шунингдек маҳсулотларнинг кўрсатиб ўтилган турларини экспорт қилишга доир контрактларни божхонада расмийлаштиришнинг янада очиқ-ошкоралигини таъминлаш ҳамда уларнинг республика божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 августдаги 249-сонли “Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиши механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори билан 2015 йил 1 сентябрдан бошлаб мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни (ТИФ ТН коди 07-08) экспорт қилиш фақат темир йўл ва ҳаво транспортида амалга ошириладиган бўлди. Мазкур қарорнинг амалга киритилиши муносабати билан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга юк жўнатувчиларнинг буюртманомалари бўйича талаб қилинадиган изотермик ва универсал харакатланадиган таркибни белгиланган тартибда ўз вақтида берилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

**Озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишда
фойдаланиладиган транспорт турларининг хусусиятлари**

Транспорт тури	Хусусиятлари
1	2
Темир йўл транспорти	<p>Мўлжалланиши: Узоқ ва ўрта масофаларга йирик ҳажмдаги юкларни ташипда фойдаланилади.</p> <p>Шартлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - экспорт шартномаси талаблари юкни шопилинч етказиб беришни кўзда тутмайди; - экспортга чиқарилаётган юкнинг транспортда ташини хусусиятлари темир йўлда ташини учун оптимал хисобланади; - юкни ортиш ва жўнатиш жойи темир йўл тармоғига ёки ортиб тушириш учун етарли қувватга эга ускуналар билан жиҳозланган. <p>Афзалликлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - об-ҳаво ва табиий-иклим шароитларига боғлиқ бўлмасдан йилнинг барча фаслларида узлуксиз юк жўнатиш имконияти; - йирик ҳажмли юкларни жўнатиш имконияти; - юк ташини қийматининг нисбатан арzonлиги. <p>Камчиликлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - темир йўллар ва коммуникациялар мавжуудлигига боғлиқлик; - юкни нисбатан узоқ муддатда етиб бориши.
Автомобил транспорти	<p>Мўлжалланиши: Кам ҳажмли, қимматбаҳо ва тез бузиладиган юкларни қисқа ва ўрта масофаларни ташипда фойдаланилади.</p> <p>Шартлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - экспорт шартномаси талаблари юкни ўз муддатида, «эшикдан эшиккача» етказиб беришни кўзда тутади; - экспортга чиқарилаётган юкнинг транспортда ташини хусусиятлари автомобилда ташини учун оптимал хисобланади. <p>Афзалликлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қўшимча ортиш-тушириш пайтида юк ва унинг ўрамини (упаковкаси) шикастланиши эҳтимоли юқори бўлганда кўл келади; - тез бузиладиган ёки чуқур музлатилган озиқ-овқатларни нисбатан тез муддатда етказиб бериш имконияти; - юкни ортиб жўнатиш ва етиб бориши манзиллари темир йўл тармоқларидан узоқда жойлашган худудларда кўл келади.

1	2
	<p>Камчиликлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - об-ҳаво ва табиий-иклиим шароитларига боғлиқлиги; - юк тасиши тарифларининг темир йўлга нисбатан қимматлиги; - автомобилни йўлда сервис пунктларидан узокда бузилиб қолиш ва ишдан чиқиш хавфи.
Ҳаво (авиа) транспорти	<p>Мўлжалланинни: Тор доирада ихтисослашган, кичик ҳажмли, тез бузиладиган ва қимматбаҳо юкларни етказища фойдаланилади.</p> <p>Шартлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - экспорт шартномаси талаблари юкни шошилинч етказиб берипни кўзда тутади; - экспортта чиқарилаётган юкнинг транспортда тасиши хусусиятлари авиаотраслотда тасиши учун оптималь ҳисобланади. <p>Афзалликлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - нозик, қимматбаҳо ва тез бузиладиган озиқ-овқатларни шошилинч тарзда етказиб берип имконияти; - юкларни дунёнинг исталган йирик ахоли пунктлари ва бошқа транспортда бориши қийин жойларга етказиб берип мумкинлиги. <p>Камчиликлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - об-ҳаво ва табиий-иклиим шароитларига боғлиқлиги; - юк тасиши тарифларининг бошқа транспорт турларига нисбатан анча қимматлиги; - катта ҳажмдаги юкларни ташишига имкон бермаслиги; - юкларни авиаотраслотта ортишдан оддин ва етиб боргандан сўнг мижозга етказиш учун кўпимча транспортга ортиши-тушириши ишлари мавжудлиги.

Манба: Выбор транспорта при экспорте товаров в Российскую Федерацию и Республику Казахстан: Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014. www.nbu-export.uz асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига 2015 йил 1 октябрдан бошлаб мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишда ноҳалол экспорт қилувчилар ва уларнинг муассислари реестрини юритиш механизмини жорий этиши ва юритиш вазифалари юклатилди.

Саноат усулида қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини яқинроқ масофаларга экспорт қилишда автомобил транспортидан фойдаланиш мумкин. Аммо, хўл мева-сабзавотлар, полиз ва узум экспорт қилишда темир йўл ёки ҳаво транспортидан фойдаланишга тўғри келади.

Ҳаво транспортида юкларни узок масофаларга тез ва сифатли етказиш имконияти юқори бўлса-да, унинг юқ ташиш тарифлари анча қимматлиги унинг имкониятларини чеклашиб мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларини экспортга чиқаришда автомобил, темир йўл ва ҳаво (авиация) транспортларининг афзаллик ва камчилик томонларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Мутахассисларнинг фикрича, “юкларни исталган транспорт, автомобил ва темир йўл, шунингдек, ҳаво транспорти орқали ташиш нархи ташилаётган масофанинг узунлиги, юқ тури, шунингдек, юқ олиб борилаётган мамлакатларга боғлиқ. Халқаро юқ ташиш хизмати (экспорт, импорт, транзит) тарифини юкнинг тури, ташиш масофасининг узоқлиги, вагоннинг харакатдаги состави ва юқ вазни, тоифасига кўра аниқлаш учун “Ўзбекистон темир йўллари” ДАКнинг тариф сиёсатида 10-01 Прейскуранти ставкалари кўлланилади. Бу тарифлар халқаро битимларга мувофиқ МДҲнинг барча давлатларига тадбик этилади. Юкларни давлат ичкарисида умумий йўллар бўйича ташишда 0,9 коэффициент билан пасайтирилган 10-01 Прейскуранти ставкалари кўлланилади³⁹.

Юкларни универсал харакатланувчи составда ташиш тарифлари 13-а-жадвалда келтирилган. Унга кўра юкларни универсал харакатланувчи составда ташиш тарифлари вагоннинг тоифалари (10 тоннадан 60 тоннагача бўлган 11 та тоифа бўйича) ва юкнинг вазнига (12 тоннадан 56 тоннадан юқоригача бўлган 11 тоифа бўйича), 1 тонна юкни вагонларда ташиш учун Швейцария франкида тоифалар ва вазнларга қараб турлича қийматни ташкил этади. Мисол учун, вазни 35 тонна бўлган юкни 40 тонналик вагонда ташишнинг ҳар бир тоннаси учун қиймати 2012 йил 1 январ ҳолатига масофа 1-50 км бўлганда 4,57, 101-110 км да 8,04, 1001-1050 км да 44,23, 1401-1450 км да 49,18, 2001-2050 км да 56,57 ва 2401-2450 км да 61,49 Швейцария франкини ташкил этган.

³⁹ А.Рафиев, Ж.Абдурахимов. Ўзбекистонда бизнес юритиш харажатлари. –Т.: Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзинвест, БМТ ТД, 2012. -42 б.

13-а-жадвал

Темир йүлдө юкчиларни вагондарда универсал харакатлантируучи составда ташин тарифлари,

(2012 йил 1 январь холатига)

Масофы, км	1 тонна юкни вагондарда ташин учуун Швейцария Франкидеги тариф:					
	12 тоннаганда	13-16 тоннна	17-23 тоннна	24-26 тоннна	27-31 тоннна	32-36 тоннна
	тоннана	тоннана	тоннана	тоннана	тоннана	тоннана
10	15	20	25	30	35	40
15	20	25	30	35	40	45
20	25	30	35	40	45	50
25	30	35	40	45	50	55
30	35	40	45	50	55	60

Транзит ва импорт йүналишлары:						
1-50	Вазн тоифасы:					
	тоннана	тоннана	тоннана	тоннана	тоннана	тоннана
1-50	9,57	7,94	6,42	6,09	5,66	5,05
101-110	17,01	14,16	11,31	10,73	9,98	8,90
1001-1050	93,17	77,62	62,14	58,97	54,84	48,94
1401-1450	103,53	86,28	69,03	65,58	60,99	54,43
2001-2050	119,09	99,27	79,40	75,43	70,15	62,61
2401-2450	129,51	107,93	86,35	81,99	76,25	68,05

Экспорт йүналишларыда:						
1-50	Вазн тоифасы:					
	тоннана	тоннана	тоннана	тоннана	тоннана	тоннана
1-50	9,57	7,94	6,42	6,09	5,66	5,05
101-110	13,25	11,03	8,81	8,36	7,77	6,94
1001-1050	96,80	80,65	64,56	61,27	56,98	50,85
1401-1450	107,57	89,65	71,72	68,13	63,36	56,55
2001-2050	123,73	103,14	82,49	78,37	72,88	65,05
2401-2450	134,56	112,14	89,72	85,18	79,22	70,70

*) пасайтаришкан коэффициент хисобга олиңандатылган тарифлар

Манба: А.Рафисев, Ж. Абдурахимов. Ўзбекистон. Ўзбекистонда бизнес юрттыш харажатлари. -Т.: Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзининформвест, БМТ ТД, 2012.-43 б.

-Т.: Ўзбекистон Савдо-саноат

Юкларни 20-футли, 30-футли ва 40-футли контейнерларга ортилган юкларни ташиш тарифлари 13-б-жадвалда көлтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, юкларни 20-футли, 30-футли ва 40-футли контейнерларга ортилган юкларни ташиш тарифи Ўзбекистон темир йўлларининг “Халқаро йўллардаги юк ташишлари тариф сиёсати”га мувофиқ ставкалар бўйича хисобкитоб килинади. Хусусан, 2012 йил 1 январ ҳолатига 30 тоннали универсал рефконтейнерда экспорт йўналишида 1 контейнер учун тўланадиган хақ масофага қараб 50 км.гача 162, 101-110 км.да 189, 501-510 км.да 741, 1001-1050 км.да 1461 ва 2001-2050 км.да 1583 Швейцария франкини ташкил этган.

Юкларни ташиш бўйича транспорт операцияларининг қиймати экспорт килинаётган товарлар нархига сезиларли таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда товар сифати юкори ва таниархи паст бўлған тақдирда ҳам транспорт тарифи қимматлиги туфайли харажатлар ошиб кетиб, фойда нормасига жиддий салбий кўрсатиши мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни экспортга чиқаришга куляй шарт-шароитлар яратиш мақсадида транспорт-коммуникация тизимларини яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, халқаро юк ташишда темир йўл транспортининг катта аҳамиятта эгалигини эътиборга олиб, мамлакат ичидан ўтадиган темир йўл тармокларини кенгайтиришга, бир қатор йўналишлар бўйича эса бутунлай янги йўналишларни очишга муваффақ бўлинди. Булар жумласига “Навоий-Султонуиздоғ-Учкудуқ”, “Тошигузор-Бойсун-Кумкўргон” темир йўллари линияси курилишининг якунлангани, Қамчиқ довони орқали ўтадиган 19 километрлик туннель курилишини 2016 йилда якунига етказиш Ангрен – Поп йўналиши бўйича темир йўл қатновини йўлга кўйиш ҳамда Фарҳона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа худудлари ўртасида темир йўл орқали юк ташиш имконини яратишни киритиш мумкин.

Аммо, Ўзбекистон савдо йўлларининг жуғрофик биқиқлиги ва денгиз йўлларидан олислиги ҳамда бир нечта кўшни давлатлар чегарасидан транзит орқали ўтишга тўгри келиши транспорт харажатларининг ортиб кетишига олиб келаётганини эътиборга олмасдан бўлмайди. Бу вазиятда экспортчи корхоналар, фермер ва дехкон хўжаликлари олдида энг қисқа ва арzon транспорт тури ҳамда коридорини танлашдек муҳим вазифа туради.

13-б-жадвал

Темир йўлда юкларни катта тоннажли контейнерларда ташиниши тарифлари,
(2012 йил 1 январ холатига)

Масофа, км	Тариф, Швейцария Франкшида/ 1 контейнер учун									
	Универсал контейнерлар					Контейнер-цистерна				
	ГНГ позициялардан ташкиари					ГНГ позициялари				
10	20	30	40	20	30	40	20	30	40	20
Транзит ва импорт йўналишларда:										
50 гача	44	86	120	154	120	168	216	112	156	200
101-110	88	176	246	317	246	344	444	229	320	412
501-510	227	454	635	817	636	889	1144	590	826	1063
1001-1050	374	748	1047	1346	1047	1466	1885	972	1361	1750
2001-2050	405	810	1134	1458	1133	1587	2041	1052	1474	1895
Экспорт йўналишларидা:										
50 гача	44	86	120	154	120	168	216	112	156	200
101-110	50	100	140	180	140	196	252	130	182	234
501-510	196	392	549	706	549	768	988	510	713	918
1001-1050	387	723	1083	1392	1082	1516	1949	1005	1407	1810
2001-2050	419	837	1172	1507	1172	1641	2110	1088	1524	1960

*) амалдаги норматив ҳужжатларда контейнерларга кўйиладиган табобларга жавоб бермайдиган юкларни транспорт тарасида ташиниши ёкилар ва гаралар вазинини ўз ичига олувчи унверсал харакатлардан саставда вагонлар ва майдада жўннамалар учун кабул килингандай умумий тариф сиёсати бўйича анисланади.

Манба: А. Рафиев, Ж. Абдурахимов. Ўзбекистонда бизнес юритиш харажатлари. – Т.: Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзинфонинвест, БМТ ГД, 2012. -44 б.

Бундай шароитда транспорт коридорлари ва воситалари билан биргаликда ишончли транспорт-экспедиторлик компаниялари билан ҳамкорлик қилишининг аҳамияти катта. Ўзбекистондаги асосий транспорт, транспорт-экспедиторлик компаниялари ва улар билан ҳамкорлик шартлари 14-жадвалда келтирилган.

14-жадвал

Транспорт, транспорт-экспедиторлик компаниялари ва улар билан ҳамкорлик шартлари

Кўрсаткичлар	Хусусиятлари
1	2
Транспорт ва транспорт-экспедиторлик компанияларининг йирик бирлапшамалари	<ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистон халқаро экспедиторлари Ассоциацияси; - Ўзбекистон халқаро автомобил юк ташувчилари ассоциациялари.
Асосий транспорт компаниялари	<ul style="list-style-type: none"> - “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллӣ авиакомпанияси; - “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти; - халқаро автомобил юк ташувларини амалга оширувчи компаниялар.
Транспорт ва транспорт-экспедиторлик компаниялари томонидан экспортчиларга кўрсатиладиган хизматлар турлари	<ul style="list-style-type: none"> - транспорт воситалари, маршрутлари ҳамда рақобатбардош транспорт компанияларини таниш бўйича маслаҳатлар бериш; - транспорт-экспедиторлик хужжатларини расмийлаштириш; - юкларни ортиб жўнатиш пунктлари, омборлар, терминаллар, логистик марказлар ва портларда қайта ишлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш; - экспорт юкини йўналишнинг бутун маршрути давомида кузатиб борилиш; - тўловлар, тарифлар ва бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш; - экспортчига юклаш учун контейнер ажратиб бериш; - экспортчининг транспорт тарасини қайтариш; - юкларни саралаш, қадоқлаш, ўрап, маркировка қилиш, товарга ҳамроҳлик қилувчи хужжатларни тайёрлаш; - бошқа транспорт-технологик хизматлар.
Транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатишга асос	<ul style="list-style-type: none"> - транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш шартномаси; - шартнома асосида экспортчининг талабномаси ва транспорт-экспедиторлик компаниясининг ёзма кафолати.

1	2
Транспорт-экспедиторлик компанияси томонидан бериладиган экспортчига бериладиган асосий ҳужжатлар	<ul style="list-style-type: none"> - транспорт компанияси-оператор номидан: темир йўл юк хати СМГС ёки халқаро автортранспорт юк хати CMR ёки авиа юк хати “Air Way bill” ёки денгиз коносаменти “Liner Bill of Lading”; - транспорт-экспедиция компанияси томони-дан: экспедиторлик тилхати, айланма мультимодал транспорт коносаменти FBL (аралаш юк тапишларда), юкни ташишга экспедиторлик сертификати.
Экспортчи томонидан юкни топширип чоғида бериладиган асосий ҳужжатлар	<ul style="list-style-type: none"> - транспорт компаниясига - инвойс (счет-фактура); - транспорт-экспедиторлик компаниясига – экспедиторлик йўрикномаси (экспедитор топшириги билан), интермодал юк далолатномаси, хавфли юкларни ташиш тўғрисида декларация.
Хизматлар учун ҳақ тўлаш	<ul style="list-style-type: none"> - транспорт компаниясига - халқаро юк ташиш тарифларига асосан, шунингдек кутилаётган харажатлар ва тегишли хизматлар бозоридаги конъюнктурани эътиборга олган ҳолда. - транспорт-экспедиторлик компаниясига – транспорт-экспедиторлик хизмати шартномаси асосида, экспортчининг аниқ топшириклари ва кутилаётган харажатлардан келиб чишиб.

Манба: Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 44 с.

Экспортга чиқариладиган юкларни етказиб бериш бевосита экспортчи ёки импортчи, шунингдек транспорт-экспедиторлик компанияси томонидан амалга оширилиши мумкин. Дунёда транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш лицензиясига эга бўлган минглаб компаниялар фаолият кўрсатади. Транспорт ва транспорт-экспедиторлик компанияси томонидан кўрсатиладиган хизматлар мажмуасини “экспорт логистикаси тизими” деб аталади.

Мутахассисларнинг фикрича, “транспорт-экспедиторлик компаниясини танлаш юкнинг тури ва ҳажмига, транспортда ташиш усули ва узоқлигига, юкнинг ўрами ва жойланишига, етказиб бериш муддатига, шунингдек юкни сугурталашни ўз ичига олган хизматлар ҳажми ва пакети қийматига боғлиқ.

Юкни ташишда минимал харажатларга эришиш учун экспортчи кўп нарсаларни ҳисобга олиши зарур. Агар, шартнома шартлари бўйича экспортчи товарни етказиб бериш мажбуриятини

зиммасига олган бўлса, унинг учун транспорт-экспедиторлик компанияси билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик муносабатларини йўлга кўйиш ҳамда экспорт логистикасининг деталларини ишлаб чиқиш учун маслаҳатлашиш мухимдир. Бунда экспорт товарини транспортда ташиш қийматини, етказиб бериш муддатларини ва бошқа омилларни ҳисобга олган холда бир неча вариантларни аниқлаш ва солишириш зарур⁴⁰.

Мамлакатимиздан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқаришда юкларни ташишга ихтисослашган транспорт-экспедиторлик компанияларининг тарифлари танланган транспорт тури, юкнинг ҳажми ва оғирлиги, етказиб бериш манзилининг узок-яқинлиги ва бошқа бир қатор хусусиятларга фарқ қиласди. Масалан, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-кувватлаш жамғармаси”нинг www.nbu-export.uz веб-сайтида жойлаштирилган маълумотларга қараганда “Silkway Logistics Ltd” масъулияти чекланган жамиятি Ўзбекистондан Россия Федерацияси, Козоғистон ва Болтиқбўйи республикаларига темир йўл транспорти орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш хизматларини қўрсатади. Маҳсулотни Тошкент-Москва йўналиши бўйича Москванинг Павелецкая станциясигача темир йўл вагонида ташиш тарифи битта вагон учун (юк ҳажми 40 тоннагача) 9612,5 АҚШ долларини ёки бир кг маҳсулотга нисбатан 0,24 долларни, Тошкент-Рига йўналишида ташиш тарифи 14625,5 АҚШ долларини ёки бир кг маҳсулотга нисбатан 0,4 долларни ташкил этади.

Мазкур веб-сайтда айрим транспорт-экспедиторлик компанияларининг маҳсулотларни автомобил транспортида ташиш тарифлари хам келтирилган. Хусусан, “Eurasia Logistics Service” масъулияти чекланган жамият шаклидаги кўшма корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Россия Федерацияси, Козоғистон, Латвия ва Германия йўналишларида ташиш учун турли тарифларни таклиф этган. Масалан, 20 тонна маҳсулотни Тошкент-Иванова йўналиши бўйича автомобилда ташиш тарифи 2300 АҚШ долларини ёки бир кг маҳсулотга нисбатан 0,12 долларни, Тошкент-Рига йўналиши бўйича 2900 АҚШ долларини ёки бир кг маҳсулотга нисбатан 0,15 долларни, Тошкент-Франкфурт йўналиши бўйича 5700 АҚШ долларини ёки бир кг маҳсулотга нисбатан 0,3 долларни ташкил этади (15-жадвал).

⁴⁰ Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 43 с.

15-жадвал

Ўзбекистондан айрим транспорт компаниялари томонидан кишилек хўжалиги маҳсулотларини ташин харажатлари тарифлари (АҚШ долларида), 2015 й.

Темир йўл транспорти:					
Йўналиш	Маршрут	Транспорт тури	Сигими, тонна	Киймати, доллар/тонна	
Топкент-Рига	Чукурсой станицаси- Рига-Красна станцияси	4 вагонни реф. Секция +1 мех. вагон 5 вагонни реф. Секция +1 мех. вагон ёник вагон платформа МПС/ 40' контейнер МПС	25 тонна ва ундан ортиқ 25 тонна ва ундан ортиқ 60 тонна 26 тонна	407,3 346,9 140,2 198,1	
Йўналиш	Маршрут	Транспорт ва юклаш тури	Юк гашниш тарифи, АҚШ доллар/вагон	АҚШ доллар/кг	
“Silkway Logistics Ltd” МЧЖ					
Топкент-Москва	Топкент (станция коди 72240) - Павелская (станция коди 193504)	вагонга юклаш- 40 тоннагача	9 612,5	0,24	
Топкент-Иванова	Топкент (станция коди 72240) - Иваново (станция коди 318505)	вагонга юклаш- 40 тоннагача	9 786,25	0,25	
Топкент-Алмата	Топкент (станция коди 72240) - Алмата (станция коди 700007)	вагонга юклаш- 40 тоннагача	2 537,5	0,06	
Топкент-Рига	Топкент (станция коди 72240) - Рига-Пречу (станция коди 094309)	вагонга юклаш- 40 тоннагача	14 652,5	0,4	

1	2	3	4	5
Автомобил транспорти:				
Йўналиш	Маршрут	Транспорт ва юқланинг тарифи, АКПП долл./машина	Юк ташини тарифи, АКПП долл./машинада	АКПП долл. /кг
Тошкент-Рига	Ўзбекистон -Қозогистон-Россия	автотрейлер (20 тонна) рефрижераторли яримприцеп (20 тонна) контейнер ташувчи 40' контейнер (20 тонна)	5 500 6 500 5 500	0,28 0,33 0,28
“Eurasia Logistics Service” МЧЖ ҚҚ				
Тошкент-Москва	Ўзбекистон (Даут-Ата орқали) – Қозогистон – Россия	автомобил (20 тонна)	2 300	0,12
Тошкент-Иванова	Ўзбекистон (Даут-Ата орқали) – Қозогистон – Россия	автомобил (20 тонна)	2 300	0,12
Тошкент-Алматы	Ўзбекистон (Дилама орқали) – Қозогистон	автомобил (20 тонна)	2 500	0,13
Тошкент-Рига	Ўзбекистон (Даут-Ата орқали) – Қозогистон – Россия	автомобил (20 тонна)	2 900	0,15
Тошкент – Франкфурт	Ўзбекистон –Қозогистон – Россия – Беларусь – Польша	автомобил (20 тонна)	5 700	0,3
“EGS Group” компанияси				
Тошкент-Москва	-	автомобил (20 тонна)	3 000	0,15
Тошкент-Иванова	-	автомобил (20 тонна)	3 500	0,18
Тошкент-Алматы	-	автомобил (20 тонна)	2 500	0,13
Тошкент-Франкфурт	-	автомобил (20 тонна)	13 000	0,7
Тошкент - Санкт Петербург	-	автомобил (20 тонна)	4 000	0,2

1	2	3	4	5
Ташкент - Екатеринбург	-	автомобил (20 тонна)	3 900	0,19
Ташкент - Красноярск	-	автомобил (20 тонна)	4 500	0,23
Ташкент - Новосибирск	-	автомобил (20 тонна)	4 200	0,21
“Interlink Logistics & Transportation” компанияси				
Ташкент-Москва	-	автомобил (20 тонна)	2 500 /трак 88 куб	0,13
Ташкент-Иванова	-	автомобил (20 тонна)	2 500 /трак 88 куб	0,13
Ташкент-Рига	-	автомобил (20 тонна)	4 000 /трак 90 куб	0,2
Ташкент - Франкфурт	-	автомобил (20 тонна)	6 500 /трак 88 куб	0,33
Ташкент - Иран	Ташкент - Техран	автомобил (20 тонна)	2 500 /трак 88 куб	0,13
Ташкент - Санкт-Петербург	-	автомобил (20 тонна)	3 500 /трак 88 куб	0,18
Ташкент-Сеул	Ташкент - порт Бусан	авто/контейнер (20 тонна)	3 000 / 40HQ контейнер	0,15
Ташкент-Дубай, Паржа,	Ташкент - Порт Джебел Али (20 тонна)	авто/контейнер (20 тонна)	3 500 / 40HQ контейнер	0,18
Ташкент - Пекин	Ташкент - порт Тянцзин	авто/контейнер (20 тонна)	3 000 / 40HQ контейнер	0,15

Манбаб: www.tbyz-export.uz. “Китик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўлаоб-кувнатиш жамгармаси” маълумотлари асосида тузишан.

Махсулотларни экспорт қилишда авиация транспортидан фойдаланиш тарифлари темир йўл ва автотранспортга нисбатан қимматроқ бўлсада, бу транспорт турида юкни маизилга тез ва сифатли етказиш имконияти юкори. Айниқса, тез айнийдиган ва бузиладиган қишлоқ хўжалиги махсулотлари учун бунинг аҳамияти катта.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги махсулотларини авиация транспорти орқали экспортга ташувчи асосий компания “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси (МАК) ҳисобланади. Компания томонидан юклашнинг минимал меъёри 1000 кг бўлганда юкни ташиши харажатлари бир кг.га нисбатан Тошкент-Москва йўналишида 0,8, Тошкент-Рига йўналишида 0,97, Тошкент-Лондон йўналишида 1,43, Тошкент-Шаржа, Дубай йўналишида 1,08, Тошкент-Пекин йўналишида 0,97 АҚШ долларини ташкил этади (16-жадвал).

16-жадвал

**“Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК томонидан Ўзбекистондан
кишлоқ хўжалиги махсулотларини ташиши харажатлари
тарифлари, (АҚШ долларида)**

Йўналиш	“Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК	
	АҚШ долл./кг + 500 кг	АҚШ долл./кг + 1000 кг
Тошкент-Москва	-	0,8
Тошкент-Рига	-	0,97
Тошкент - Франкфурт	1,65	-
Тошкент - Санкт Петербург	-	0,86
Тошкент - Екатеринбург	-	0,74
Тошкент - Киев, Симферополь	-	0,86
Тошкент - Сеул	-	1,08
Тошкент - Лондон	-	1,43
Тошкент - Тель-Авив	-	1,31
Тошкент - Шаржа, Дубай	-	1,08
Тошкент - Пекин	-	0,97
Тошкент - Куала Лумпур	-	1,43
Тошкент - Красноярск	0,86	-
Тошкент - Новосибирск	0,86	-
Тошкент - Милан	1,65	-
Тошкент - Рим	1,65	-
Тошкент - Нарита	1,57	-

Манба: www.nbu-export.uz. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-куватлани жамғармаси” маълумотлари.

Навоий эркин индустриал иқтисодий зонаси логистика марказидан Жанубий Кореяниң “Korean Air” авиакомпанияси томонидан Ўзбекистондан мева-сабзавотларни ташиш харажатлари бир кг маҳсулотга нисбатан Навоий-Сеул йўналишида 1,2, Навоий-Гонг Конг йўналишида 1,8, Навоий-Токио йўналишида 1,8, Навоий – Дубай йўналишида 0,8, Навоий-Дехли йўналишида 1,5 АҚШ долларига тенг бўлмоқда (17-жадвал).

17-жадвал
“Korean Air” авиакомпанияси томонидан Ўзбекистондан мева-сабзавотларни ташиш харажатлари тарифлари,
(АҚШ долларида)

Йўналиш	«Korean Air»
	АҚШ долл./кг. +1000 кг
Навоий – Сеул	1,2
Навоий – Гонгконг	1,8
Навоий – Шанхай	1,8
Навоий- Токио	1,8
Навоий – Дубай	0,8
Навоий – Дехли	1,5

Манба: www.nbu-export.uz. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамгармаси” маълумотлари.

Истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга ташиш тарифларининг арzonлашуви транспорт-экспедиторлик хизматлари кўrsatiш соҳасида рақобат муҳитининг шаклланиши ва транспорт-логистика тизимларининг ривожланишига боғлиқ бўлади.

1.5. Экспортни амалга ошириш тартиби ва босқичлари

Экспортчилар учун экспортни амалга ошириш шарт-шароитлари ва босқичлари билан яқиндан танишиш ва бу жараёнда талаб қилинадиган хужжатларни тўғри расмийлаштириш мухимdir. Энг аввало қонун хужжатлари билан экспорт қилиниши таъкидланган, ваколатли давлат органларининг лицензияси ёки руҳсатномаси асосида экспортга чиқариладиган маҳсулотлар рўйхати билан танишиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чоралар тўғрисида”ги ПҚ-1871-сонли қарорига биноан 12 турдаги маҳсулотларни республиқадан ташқарига экспорт қилиш таъқиқланган бўлиб, улардан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига тегишиллари 9 хилни ташкил этади (18-жадвал).

18-жадвал

Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилиш таъқиқланган предметлар ва маҳсулотлар рўйхати

№	Қисқача номланиши
1.	Дон: буғдой*, жавдар, арпа, сули, гуруч, маккажўхори гречиха
2.	Нон-булка маҳсулотлари* (ўзи ишлаб чиқарган, хамирдан тайёрланган қандолат маҳсулотлари, пиёржийлар, печенъелар, сухари, қовурилган бурда нон ва шунга ўхшаш қовурилган маҳсулотлардан ташқари)
3.	Ун*, ёрма*
4.	Ҳайвонлар, күшлар
5.	Гўшт ва унинг озиқбоп қўшимча маҳсулотлари Уй паррандасининг* озиқбоп қўшимча маҳсулотлари
6.	Шакар
7.	Бадний, тарихий, илмий ёки маданий аҳамиятга эга бўлган қадимги буюмлар (картиналар, скульптура ва бошқалар), (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг хуносасига кўра)
8.	Ўсимлик ёғи*
9.	Тери хом ашёси* (ностандарт терилар ҳам), тери-мўйна хомашёси*, шужумладан қоракўл* (ностандартларини ҳам қўшган ҳолда)
10.	Рантли металл парчалари ва чиқиндилари*
11.	Чувашга ярокли ипак қурти пилласи*, хом ипак* (ўралмаган), ипак чиқиндилари* (чувашга яроқсиз пилла, ипак или чиқиндилари ва юмшатилган чиқиндиларни ҳам қўшган ҳолда)
12.	Полиэтилентерефталат чиқитлари, қийқиндалари*

*) бу маҳсулотларни экспорт қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки ҳукумати қарорига асосан амалга оширилиши мумкин.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чоралар тўғрисида”ги ПҚ-1871-сонли Қарорига 4-илова асосида.

Уларга дон (буғдой, жавдар, арпа, сули, гуруч, маккажўхори гречиха), нон-булка маҳсулотлари, ун, ёрма, ҳайвонлар, күшлар, гўшт ва унинг озиқбоп қўшимча маҳсулотлари, уй паррандасининг

озиқбоп кўшимча маҳсулотлари, шакар, ўсимлик ёги, тери хомашёси (ностандарт териilar ҳам), тери-мўйна хомашёси, шу жумладан қоракўл (ностандартларини ҳам кўшган ҳолда), чувашга яроқли ипак қурти пилласи, хом ипак (ўралмаган), ипак чикндилари киради. Мазкур маҳсулотлардан буғдой, нон-булка маҳсулотлари, ун, ёрма, тери хомашёси, тери-мўйна хомашёси, шу жумладан қоракўл, ипак маҳсулотларини экспорт қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки хукумати қарорига асосан амалга оширилиши мумкин.

Экспорт товарлар хажми ва номенклатурасини янада кенгайтириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқараётган корхоналарни рағбатлантиришини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 авгуустдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4747-сонли Фармони билан 2015 йилининг 1 сентябридан товук панжаларини, шунингдек ўзи ишлаб чиқарган сухари, қовурилган бурда нон ва шунга ўхшаш қовурилган маҳсулотларни экспорт қилишга руҳсат берилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг қолган турлари, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари ҳам ваколатли давлат органларининг маҳсус руҳсатномаси билан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига щартномаларни рўйхатдан ўтказгандан сўнг экспорт қилинадиган товарлар сирасига кирмайди. Шундан келиб чиқиб уларни тадбиркорларнинг хоҳишига кўра, зарурий божхона расмийлаштирувларидан сўнг эркин экспортга чиқариш мумкин.

Экспорт фаолиятини амалга оширишда мамлакатимиз қонунчилиги билан белгиланган тартиб ва қойдалар мавжуд бўлиб, А.О.Олимхонов ва Ж.М.Имамназаровлар ўзларининг “Маҳсулот қандай экспорт қилинади: ўз маҳсулотини экспорт қилишини режалаштираётган тадбиркорлар учун амалий кўлланмана”сида уларни кетма-кетлиги ва мазмунига кўра 12 та боскичга бўлганилар. Мазкур кўлланмада чоп этилган материаллар ва ундан кейин қонунчиликка киритилган ўзгаришлар асосида экспортни амалга ошириш кетма-кетлигини кўйидаги жадвалда жамлашга ҳаракат килдик (19-жадвал).

Экспортни амалга ошириши боскиччари, мазмунни ва зарурини хужжатлар⁴¹

Экспорт боскиччари	Боскиччар мазмунни ва таълаб этилдиги ан хужжатлар
1	<p>Махсулотни ташкинлаштиришни учун экспорт бераладиган асосий жижхатлар:</p> <p>A) Махсулот бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - махсулотниң рагбагачилардан афзал хусусиятлари ва хос жижхатларини таърифлани; - махсулотниң афзали томонларини курслагувчи кадок ва/ёки төврөв бешисини ишлаб чиқсанни; - харидорниң эҳтёйёхлари хусусиятларига этилбор берини. <p>B) Бозор бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - кўпини мамлекатлар бозорларини ўрганиши; - чет эл веб-сайтиларини кузатни оркадан шунга ухшам товариар юзасидан маркетингни; - тадқиқотлари ўтказини; - зарур холидарда консалтинг компанияларига мурожаат этиши. <p>B) Харидор топини бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - махсулотни турли усуллар ёрдамида кўпроқ реклама келини; - савдо-сотни/экспортга алоқадор веб-сайтиларда маҳсулот хакидада маълумот жойлантирини; - халқаро садо ярмаркалари ва кўргазмаларда иштирок этиши; - алоқа воситалар орқали таҳкорет таклифлари тарқатиш; - рекламада олмавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланини; - кўпимчча кўмак олиш учун ихтисослашган ташкилотларга (масалан, “Узтадбизор экспорти” ИТСК www.uztib.uz, “Кочик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кўллашиб кувлаган Жамгармаси” www.pnb-export.uz) мурожаат этиши.
2	<p>Гашкотни бозорларда муваффакиятли сотини учун экспорт бераладиган асосий жижхатлар:</p> <p>A) Махсулот бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - махсулотни рагбагачилардан афзал хусусиятлари ва хос жижхатларини таърифлани; - махсулотниң афзали томонларини курслагувчи кадок ва/ёки төврөв бешисини ишлаб чиқсанни; - харидорниң эҳтёйёхлари хусусиятларига этилбор берини. <p>B) Бозор бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - кўпини мамлекатлар бозорларини ўрганиши; - чет эл веб-сайтиларини кузатни оркадан шунга ухшам товариар юзасидан маркетингни; - тадқиқотлари ўтказини; - зарур холидарда консалтинг компанияларига мурожаат этиши. <p>B) Харидор топини бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> - махсулотни турли усуллар ёрдамида кўпроқ реклама келини; - савдо-сотни/экспортга алоқадор веб-сайтиларда маҳсулот хакидада маълумот жойлантирини; - халқаро садо ярмаркалари ва кўргазмаларда иштирок этиши; - алоқа воситалар орқали таҳкорет таклифлари тарқатиш; - рекламада олмавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланини; - кўпимчча кўмак олиш учун ихтисослашган ташкилотларга (масалан, “Узтадбизор экспорти” ИТСК www.uztib.uz, “Кочик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кўллашиб кувлаган Жамгармаси” www.pnb-export.uz) мурожаат этиши.

⁴¹ А.О.Олимжонов, Ж.М.Имамназаров. Махсулот кампай экспорт килинди. Уз меккулутини экспорт кампанияни режалаштирибетсан тадбиркорлар учун амалий кўлланма. –Т.: Бактрия-пресс, 2013. -533 б. Ва кенинги йилларда конуентинка юз берини ўзгаришлар асосида муалифлар томонидан тузиланган

1	2	
<p>2 - кадам: Чет эллик харидорлар билан музокаралар ёрдамида унинг имкониятлари, талаблари билан якиндан таниниш:</p> <p>A) Музокараларни олиб бориш усууллари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - телефон орқали (соатлар орасидаги фаркни эътиборга олиб); - интернет орқали (skype, viber ва бошқа бевосита алока воситалари ёрдамида); - бевосита учрашув давомидা. <p>B) Музокараларга тайёртарлик кўришида оддиндан тайёрлаб кўйиладиган маълумотлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - маҳсулот тўгрисида маълумот (унинг истеммол, сифат, техник ва болшка кўрсаткичлари); - маҳсулотнинг нархи; - фирма (МЧЖ, фермер хўжалини ва бошқ.) ва маҳсулотга тегинли бўлган хўжоатлар (сертификатлар ва бошқа); - маҳсулотнинг ГИФ ТН даги коди; - маҳсулотни олиб чиқиб келиш шартлари ва муддати (Инкомтермс-2010 бўйича); - тўлов шартлари ва муддатлари; - экспорт шартномаси мазмуни ва шартлари. 	<p>Харидор маҳсулотга кизикиш билдириша бошлаши билан, музокаралар ёрдамида унинг имкониятлари, талаблари билан якиндан таниниш:</p> <p>A) Музокараларни олиб бориш усууллари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - телефон орқали (соатлар орасидаги фаркни эътиборга олиб); - интернет орқали (skype, viber ва бошқа бевосита алока воситалари ёрдамида); - бевосита учрашув давомидা. <p>B) Музокараларга тайёртарлик кўришида оддиндан тайёрлаб кўйиладиган маълумотлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - маҳсулот тўгрисида маълумот (унинг истеммол, сифат, техник ва болшка кўрсаткичлари); - маҳсулотнинг нархи; - фирма (МЧЖ, фермер хўжалини ва бошқ.) ва маҳсулотга тегинли бўлган хўжоатлар (сертификатлар ва бошқа); - маҳсулотнинг ГИФ ТН даги коди; - маҳсулотни олиб чиқиб келиш шартлари ва муддати (Инкомтермс-2010 бўйича); - тўлов шартлари ва муддатлари; - экспорт шартномаси мазмуни ва шартлари. 	
<p>3 - кадам: Экспорт шартномасини имзолаш</p>	<p>Харидор маҳсулотни харид килишга розилик билдирга, экспорт шартномаси тузин лозим.</p> <p>Тижорат банкига хорижий валютада хисоб раками очишига ариза берилади.</p> <p>Шартнома гузиншида кўйилатиларга эътибор берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - шартномада иккى мъянили иборалар, ноанлик ифодалар ва тушунарсанг атамалар бўлмаслиги; - шартномадаги хар бир банд амалга оширилишининг анник механизми мавжудлиги; - бўйича томонларнинг барча хукук ва мажбурликларини ёзиш; - маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва тартибини "Инкомтермс-2010" атамаларида ёзиш; - маҳсулотнинг тасолифий нобуд бўлиши ёки шикасланиши хатарининг ва бу тифайли юзага келиши мумкин бўлган харражастарнинг согувчидан харидорга ўтиши пайтини белгилаш; - ўзро келишмовчиликларни хал этиши тартиби жакдаги банднинг бағасини ёритилиши ва уларни курбик чиқувчи хўжалик судини анник кўрсатиш, бунда сутувчи учун келишмовчиликларни ўз мамлакати конунчилиги бўйича ва худудида хал этилиши макбулилига эътибор каратиш; 	

1	3 - кадам: Экспорт шартномасини имзолап	<ul style="list-style-type: none"> - чет эллик шериккниң ноконүй хатын-харқаттаридан химояланиш мақсадыда экспорт шартномасини имзоланишдан олдин юридик экспертизасын үтказып за юридик хулоса ошиш, факс ёки электрон почта орканды олинган шартномалар худи асъ нусхалари каби хаккий хисобланады.
2	4 - кадам: Ташки савдо операциялай- рининг ягона электрон ахборот тизимига малжумоттар киритиш	<p>Ташки савдо контракттаринин ваколатты бекор килинниши муносабати болан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тадбиркорлик фасолияти суъбъектлари ташки савдо контрактлари бўйича маълумотларни электрон шаклда Интерактив давлат хизматлари ягона портали оркали, электрон раками имзолан фойдаланган холда киритадилар; - ташки савдо фасолияти суъбъектларига контрактлар бўйича маълумотларни электрон раками имзолан фойдаланган холда Интернет тармолги оркали киритиш имконини берилади. <p>Ташки савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилдиган маълумотлар:</p> <p>a) Контракт бўйича умумий ахборот*:</p> <ul style="list-style-type: none"> (Ўзбекистон Республикаси Базирилар Махкамасинин 2014 йил 21 июндаги 199-сонни Карори асосида киритилган) - экспорт килувчинын номи ва реквизитлари, шу жумладан СТИР; - хорижий шериккниң номи ва унинг реквизитлари, - контрактнинг санаси ва тартиб раками; - контрактнинг турли: - контракт (товар, иш, хизмат)нинг мавзуси; - контрактнинг умумий суммаси; - контрактнинг валютаси; - тўлов валилотаси; - товарни етказиб берип шартлари ва муудлатлари; - тўлов шартлари; - кўпимчаги битимлар; - контрактни бонка банкка ёки товар-хоммате биржасига беринш; - контракт бўйича операцияларни куталаш.

1	2
<p>4 - кадам:</p> <p>Тапкик савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига маълумотлар куритиши</p> <p>(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 21 ийодаги 199-сонии Каорри асосидаги киритилган)</p>	<p>б) Мабллаглар ҳаракати тўғрисидаги ахборот**:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тўлов санаси ва суммаси; - тўлов тоғишларининг санаси ва тартиб раками; - мажбурий сотинамалга оширилганлиги санаси; - мажбурий сотув суммаси; - аккредитив очиш санаси, тартиб раками, суммаси ва мууддати хамда унинг бажарилиши тўғрисидаги ахборот; - берилган кафолатнинг санаси, тартиб раками, суммаси ва мууддати, кафилининг номи ва кафолат бажарилгандиги тўғрисидаги ахборот; - берилган суғурга полисининг санаси, тартиб раками, суммаси ва мууддати, суғурга компаниясининг номи; - контрактлар ўтрасидаги ўзаро хисоб-китоблар; - лебиторлик ва кредиторлик қарзларни хисобдан чиқарниш; - жазо жарималари ва норезидентларни даромадига солик тўлаш; - хорижий банкнинг воситачелик хаки. <p>в) Товарлар юклаб жўнатилинлиги ва тушганлиги тўғрисидаги ахборот***:</p> <ul style="list-style-type: none"> - товарнинг номи ва ТИФ ТН бўйича код; - товарнинг миқдори; - товар келиб чиқкан маъмлакат; - божхона юқ декларацияси рўйхатдан ўтказилган сана ва унинг тартиб раками; - товар юклаб жўнатилип/тушган сана; - товар божхона чегарасини кесиб ўтган сана; - товарни божхонада расмийштирли санаси; - тушган товарнинг фактура, божхона ва статистика қиймати; - юклаб жўнатилип ёки тушган товарнинг болжона режими; - ўчлашнинг қўнимча бирлиги, коди (зарурат бўлганда); - товарнинг оғирлитети.

1	2	
<p>Из х:</p> <ul style="list-style-type: none"> * Малъумотлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан киритилади. ** Ваколатли банкслер томонидан киритилади. <p>5 - қадам: Шартномаларини божхона түрдаганда ариза берадиган ўзбекистон Республикаси Адми вазирлигидан 1999 йил 15 октябрда 832-рекам билан рўйхатдан назоратини ташкил этиш бошкормасининг бўлинмалари томонидан киритилади</p> <p>Узбекистон Республикаси Адми вазирлигидан 1999 йил 15 октябрда 832-рекам билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси божхона организаридга контрактлар (шартномалар) ва бўлимларни хисобга кўйил тартиб” асосида божхона идораларидага хисобга олинади. Жумладан, меваҳаб сабзавотлар маҳсулотларини олиб чиқиш экспорт шартномалари ариза божхона идораларига келиб тунганидан сўнг 2 исп куни давомида хисобга олинади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсисийарни бараграф этиши ва тадбиркорлик фаoliyati янада ошириши чорагодлабрлари тўсисида”ги ПК-1604-сонли карорига мувофиқ 2011 йилнинг 1 октябрдан боплаб товарлар, гўрисида ва хизматларни экспорт қиливчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун экспорт ишлар ва хизматларни экспорт қиливчи шартномаларни божхона идораларидаги тартиблаштиришга расмийлантиштирув жараёнида божхона постларда хисобга кўйитилиши белгилаб кўйилган.</p> <p>Товарларни “экспорт”га расмийлантириш учун божхона йиними ставкаси 0,2% дан 0,1%га тушпирлиган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПК-1604-сонли карори).</p> <p>Шартномаларни божхона идораларидаги хисобга олинини учун кўйидаги хужжатлар тақдим этилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - шартномани хисобга кўйини хакида ариза; - хўжалик юритувчининг КТУТ карточкасидан кўтирилган нусха (божхона идорасига биринчи марта мурожат килинганида ва КТУТ коди ўзгарганда тақорор тақдим этилади); - Ваколатли идоралар томонидан рўйхатта олинган ва расмийлантиришган шартноманинг асл нусхаси ва унинг кўтирима нусхаси; - ваколатли банкнинг идентификация раками; - юридик хулоса. 		

1	<p>5 - кадам: Шартномаларни болжона постидиа рўйхатдан ўтказиш</p> <p>Божхона назоратчиси шартноманинг хар бир саҳифасига рўйхатта олинганинг хакида имзо ва божхона постининг штампини кўяди хамда шартномага рўйхат раками берилади.</p> <p>Маълумотлар Ташки савдо операциярининг ягона электрон ахборот тизимида (базасида) хам тасдиқинади. Шартнома асл нусхаси маҳсулот экспорт киливчига кайтарилади.</p> <p>Шартномага кўпшмчалар хам шартнома хисобда турган божхона постидиа рўйхатдан ўтказилади.</p> <p>Экспорт шартномасида кўпшмчаларни рўйхатдан ўтказиш учун ариза, шартнома нусхаси, шартномага кўпшмчанинг асли ва нусхаси хамда юридик хуносаси тақдим этилади.</p> <p>Божхонада шартнома ёки унга кўпшмчалерни рўйхатдан ўтказиш белул амалга оширилади.</p>
2	<p>6 - кадам: Тўловларни кабул килиши</p> <p>Маҳсулотга тўлов кабул килиш учун чет эзлик харидорга тўловнома (инвойс) юборилиши лозим.</p> <p>Харидор имкониятига кўра тўловнориниң кўйидиги турлари мавжуд:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 100 % одиндан тўлов (тавсия этилади); - банк аккредитиви; - муалдати узайтирилган тўлов (сутурта полисси орқали); - консигнанция (бунда маҳсулот, ишлаб чиқарувчанинг чет элдаги савдо уйига, оциндан тўлов кабул килимасдан юборилади). <p>Валотга маблаглари келиб тупландан сўнг ваколатги банк уларни экспорт киливчининг хисобракамига ўтказади ва банк бу хадда валотга маблаглари келиб тушанидан кейнинг иш кунидан кечикмай белгиланган тартибда согузнига хабар жўнатади.</p> <p>Экспорт шартномасини божхонада расмийлантитриш учун вакоатлии банк томонидан согувчинни, сўровига асоссан “Тапки савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида” келиб тушсан валотга хакида маълумот киритади.</p>
3	<p>7 - кадам: Экспорт килинганинг тўловномасига сертификатларни ўтказиш</p> <p>Маҳсулотни божхонада расмийлантитриш, шуниндек харидор унни чег элда тўсисиз божхонада расмийлантитриши учун кўйилдаги сертификатлар олиш талаб килилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Маҳсулот келиб чиқини тўгрисидаги сертификат (СТ-1 шакл ёёғи А шакл). <p>Сертификат “Узбекэкспретиз” ОАЖ томонидан маҳсулотнинг бутун шартнома хажмита ёки тўловномага (инвойста) биноан маҳсулотнинг юкландиган кисмiga берилади.</p>

1	7 - кадам:	(сертификат- <p>ларни олиш</p> <p>утун болжхона</p> <p>назорати пост-</p> <p>лерига топши-</p> <p>риладилан хуж-</p> <p>жатлар рўйхати</p> <p>“Экспорт опе-</p> <p>раториини</p> <p>“бир дарча”</p> <p>тамомилии</p> <p>бўйича амалга</p> <p>олишрип</p> <p>тартиби”ни</p> <p>ёритишида</p> <p>келитирилган</p>	<p>Сертификатни олиш учун ариза топширилади, тариф бўйича тўлов амалга оширилади ва 1 иш куни давомидан сертификат расмийлантириледи.</p> <p>2. Сотиладиган махсулотнинг турига караб олинадиган сертификатлар:</p> <p>а) Гигиеник сертификат. Сертификат Давлат санитария-эпидемиология назорати органлари томонидан берилади. Ариза берилади, намуна (1-2 кг, дона) тақдим этилади, тариф бўйича тўлов амалга оширилади ва агар махсулот сертификатлантирилиши лозим бўлса, 3 иш кунида юкландиган тозварга сертификат расмийлаштирилади.</p> <p>б) Мувофиқлик сертификати. Сертификат Ўзбекистон Стандартлантириш, метрология ва сертификатлантириш агентлиги (“Ўстанцард” агентлиги) томонидан берилади. Ишлаб чиқарувчи корхоналар учун кулай шароитлар яратип максадида, экспорт учун ишлаб чиқариладиган махсулотни сертификатлантириш истиёрӣ равишда амалга оширилади.</p> <p>в) Фитосанитария сертификати. Сертификат Ўзбекистон Республикаси Капиток ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон Республикаси ӯсимликлар карантини давлат боп инспекциясининг (“Ўзбопшавкарантин” ДИ) махаллий болшармаси томонидан берилади. Ариза топширилади, намуна (1-2 кг, дона) махсулот тақдим этилади, тариф бўйича тўлов амалга оширилади ва 3 иш куни ичida юкландиган махсулот учун сертификат берилади. Транспорт кўздан кечирилади, бу хакда ӯсимликлар карантини бўйича инспектор томонидан карантин кўдан кечириши далолатномаси тузилади. Транспорт ичи томони мажбурий равинцида фумигация</p> <p>г) Ветеринария сертификати. Сертификат Ўзбекистон Республикаси Кышлок ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Давлат ветеринария боп болшармаси томонидан берилади. Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги маҳсулотларни олиб чиқкип максадида ветеринария бўйича мурожаат килинади. Тариф бўйича тўлов амалга оширилади. Давлат ветеринария хизматига ариза томонидан сертификат берилади.</p> <p>Харидорга ушбу сертификатларнинг асл нусхалари жўнатилиади.</p>
---	------------	---	--

<p>1</p> <p>8 - кадам: Юк тапшыла- -диган транс- -порт түрүнни тандалып ва транспорту компанийсі</p>	<p>Махсусологияның жұнатыншындағы транспорт түрлеридан фойдаланып мүмкін:</p> <ul style="list-style-type: none"> - автотранспорт (автомопина, фура, рефрижератор) - Үзбекистон Республикасы Базылар Махкамасының 2015 йыл 28 аугусттагы 249-сондық Карорига асоған 2015 йыл 1 сентябрдан баштағ мева-сағзабын махсусология, картопка, полиз махсусологияри ва узумна (ГИФ ТН коды 07-08) экспорт қылыш факат темир йүл ва хаво транспортида амалға оширилди; - темир йүл конейнери ва темир йүл вагони; - авиатранспорт. <p>Транспорт түрі таннанғандан сұнг кейин экспедитор (транспорт компаниясы) билан шартнома түзилді. Юк солиштаға тайёр бүліппі билан транспорт беріліләрдің учун буюртма ішүлнеді.</p> <p>Авто. Юк (мева-сағзабын ва узумдан ташқары) ортىнда автотранспорт олини учун буюртма юбориши лозим. Транспорт компаниясынан гүлдіріліп учун авто юкхаты (CMR, TIR) бланкасы олинады.</p> <p>Темир йүл. Говарни вагонаға ортىнда гүлдіріліп учун темир йүл болшармасы билан шартнома түзиліп, тариф лозим. Говарни вагонаға ортىнда гүлдіріліп учун темир йүл болшармасын олини лозим. Юк бүйінча юк ташып хизметін хаккин тұлап да вагон ажратып учун буюртма беріліп көрек ортишыдан бир неча күн олдап станция болылғы номига вагон ажратып учун буюртма беріліп көрек бўлади. Станцияда гүлдіріліп учун темир йүл юк хаты бланкасы олинады.</p> <p>Авия. Говарни самолёт орқами ташып көрек ортап да гүлдіріліп учун авиакомпанияның юк ташы бланкасы олинади. Авивакомпанияда түлдіриліп учун авиа юк хаты мурожагат килинеді ва шартнома түзилади.</p>
<p>2</p> <p>9 - кадам: Махсусология</p>	<p>Транспорт тақдым этилтәч, махсусологияның мұлжалланған мәнзилдегі шартнома тақдымни тақдымнандағы олардың учун транспорт хажми ва үлчамдарини үрганған чиқаш лозим.</p> <p>Этаппапда олардың учун транспорт хажми ва үлчамдарини ортап да инспектори, кинолог, декларант ва фирма вакилини шытариесінде амалға ошириліп лозим. Бу буйича махсусологияның болжона кузатувидан үтказып далалатномасы түзилади. Юк ортап якунланғанча, транспорт ишшаб чыгаруучы ва болжона органы (инспектори) сургутанады (пломба). Узумий ва соғ оғирлігінің хамда ўрнаның сони хайдагы маълумот түловномага (хисоб-фактура) ва транспорт юк хатига кирилтилади.</p>

10 - кадам:
Махсулотни
декларацияни
кишин

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Ташки савдо операцияларини амалга ошириш билан болжон тартиботларни либералаштиришга доир кўнимча чора-тадбирлар түррисида”ги 379-сонни Қарорлига асоссан 2013 йил 1 январдан бошлаб товарларни декларациялаш уларни божхона худудига олиб келинини шайтигача божхона органларига дастлабки декларация тақдим этиш билан аманга оширилади. Божхона расмийлантируви учун барча юқ ортиш хужжатларини партнома асосида божхона брокери тайёрлайди. Махсулот юқлаб бўлинганидан кейин декларантга куйдаги хужжатларни тақдим этиши керак:

1. Шартноманинг асл нусхаси.
 2. Транспорт юқ хати (төмпир йўл, автомобиль, хаво тарнспорти).
 3. Хисоб-фактура (инвойс).
 4. Махсулотнинг келиб чиқини тўргисида сертификат.
 5. Сертификатлар (ТИФ ГН кодига биноан мажбурий бўлган кўшимча сертификатлар, жумладан: Мувофиклик, Сифат ва Кадоклапи варраги).
 6. Тўлов тошлиринганинг асл нусхаси, божхона божхори тўлданнанини хайдиги банк белгиси билан (квитанция).
 - 6.1. Говарлар ва транспорт вошигарини “Экспорт” божхона режимидаги расмийлантирганилик учун божхона кийматининг 0,1 фойзи мискорида, лекин энг кам ойлик иш хакининг 50 фойзидан кам бўлмаган божхона йигими.
 - 6.2. Ўзбекистон Республикаси худудида битта транспорт воситасини божхона томонидан куйдаги масофаларга кузатиб борганилик учун:
 - 200 км. гача 50 ёврола тенг мискорда;
 - 200 км. дан ортик 120 ёврола тенг мискорда.
 - 6.3. Божхона ходими томонидан “Экспорт” божхона режимига жойлантирилаётган товарларни белгилангандан жойдан ташкиарида божхона расмийлантирувидан ўтказганилик учун, бигта ходимнинг бир соатлик иш хисобидан энг кам ойлик иш хакининг 10 фойзи мискорида.
 7. Божхона кузатуви далолатномаси.
 8. Фитосанитария сертификати.
- Мева-сабзавот ва озик-овқат махсулотлари учун:**

1 10 - қадам: Махсулотни түрлүүсүнүү дөлөттөмөсү. 10. Зарарсызлатырыш түрлүүсүнүү дөлөттөмөсү. Давлат ветеринария назораты остидаги юклар учун: 11. Егерниария сертификати. <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 31 декабрдагы 376-сонын карори ошан тасдиқтандын “Товарларнинг электрон шаклдагы болжона декларацияланиши тартиби түрлүүсдеги Низом”га мувофиқ товарларнинг электрон шаклда декларацияланып амалга оширилди.</p> <p>Электрон декларацияланыштарбыи учта боскىчдан тапкил жолынан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - биринчи боскىчда ваколатын органлар томонидан амалдагы конунчилукка күра ва белгиланган муддатда электрон ракамли имзо (кейинчалик ЭРИ) билан тасдиқланган хамда идерлараро көлгүпштап тартибда рухсат берүүчү хүжжаттар берилди ва улар электрон декларациялап автоматталғанда ахборот тизимдига (ЭДААТ) киргизилди. Низомдада рухсат берүүчү хүжжаттар хамда уларни берип ша киритип учуу ваколатын ишоралар рүйхати иловажилинган, - иккинчи боскىчда болжона расмийлаштыруу бүйнчага мутакассис томонидан тайёрланган болжона юк декларацияси ва унга тегелгүн бүлтән барча хүжжаттарнинг электрон шакллари учининг электрон ракамли имзо билан интэрнетдеги ЭДААТ оркада болжона организарыга иборорлады. Агарда, БЮДГа төнүшүү болса хүжжаттарнин электрон шакллари мавжуд бўлмаса, уларнинг сканер килинган нусхасини тақдим этиши мумкин, - учичини боскىчда Болжона органы ходими томонидан бир иш күннү давомидаги электрон декларация түрүн түлдиргилгүн күздан кечирилди ва хүжжаттарни давлат божхона күмтаси томонидан белгиланган форматтарга мөслиги текширилди. <p>Товарларни болжона күрттидан үтказып хаккида карор кабул килган болжона ходими уч соат давомидаги уни үтказып вакти ва жойы хаккдагы маълумотлар, шунингдек, камтиликлар аникланган холаттарда уларни бартараф этиш учун хатопиклар рүйхатини ўз ичига олган электрон хабар юборилди. Электрон декларацияда күрсатылган маълумотлар болжона күрттидан магъжиларига мос келганина, расмийлаштырылган жараба тартибларда якунчига етказилади. Яъни, электрон декларация маълумотлар базасында рүйхат раками берилтиб, жайдында вишуен болишада Уюридик ахамиятта эга хүжжатта айналади.</p>		

1	11-кадам. Боъжона расмийлаштири- уни	<p>Юридик шахсилар томонидан товарларни боъжона расмийлаштируви Ўзбекистон Республикаси Вазирияр Мажхамасининг 2015 йил 20 июндаи “Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда Давлат боъжона хизмати органлари тақдим этиладиган хужжатлар рўйхатини тасдиқланти тўғрисида”ги 197-сонлий Карорида келтирилган рўйхатга асосан амалга оширилади.</p> <p>Унбу рўйхатга асосан товарларни “экспорт” бўжхона режимига расмийлаштируvча юқарни расмийлаштируvчи юридик шахс боъжона оранинга кўйидаги хужжатларни тақдим этади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Контракт (шартнома, битим), тегипши ваколатли органларда рўйхатдан ўказиган биржга контрактлари буддан мустасно. 2. Боъжона юқдекларияси. 3. Транспорт хужжатлари (транспорт турига караб юхати) ва товарга итова килинадиган хужжатлар (инвойс). <p>Тадбиркорлик субъектлари томонидан ташки иктисадий фаолиятни амалга оширишида давлат боъжона хизмати органинци томонидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ушбу карорда назарда тутилмаган; - давлат боъжона хизмати органинци ёки давлатнинг бопка органлари ва давлат хизматлари кўрсатувчи болпка тапкилоллар тасарруфидаги кўплимта хужжатларни талаб этиш тақисланади. <p>Товарларнинг электрон шакидаги боъжона расмийлаштируви Вазирияр Мажхамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сонлий карори билан тасдиқланган “Товарларнинг электрон шакидаги божхона декларацияланиши тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ амалга оширилади.</p> <p>Товарларнинг, шу жумладан электрон шакидаги божхона расмийлаштируви хизмат кўрсалувчи бандлар (газнатчиллар) томонидан тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Ягона автоматлаништирилган тизимида тўловчининг шахсий хисоб раками бўйича боъжона тўлонлари тўланганини чўтрасидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақидида амалга оширилади (боъжона тўловчалирини тўлани кечикирилиши ёки бўлиб бўлиб тўйлашга рухсат берилши холлари бўйдан мустасно).</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат боъжона кўмитасининг Ягона автоматлаништирилган ахборот тизимида рухсат берувчи тусдаги тегипши хужжат мавжуд бўлмаган тақидида давлат божхона хизмати органлари боъжона расмийлаштируvни ради этип хукуқида эгалди.</p>
---	--	---

1	2
11- кадам: Боххона расмийлаптуруви <p>Ташки иктисолий фаолият катнапчисининг хоъхини бўйича расмийлаптуруви учун барча зарур хужжатлар, шу жумлайдан ваколатли оррганларни хужжатлари котозда тақдим этилиши мумкин.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Шартнома ва унга кўшишмачалар. 2. Боххона юк дескарацияси. 3. Транспорт хужжатлари (транспорт турига караб юкхати) ва товарга илова килинадиган хужжатлар (инвойс). 4. Сертификатлар (ТИФ ТН кодига биноан мажбурий бўлган кўшимча сертификатлар, жумладан: Мувофиқлик, Гигиена, Ветеринария, Сифат ва қадоклаш враги). 5. Боххона туловлари тулантанигини тасдиқловчи тўлов хужжатлари (тўлов тошпирини, квотания, солиштирма далолатнома ва болпеклар). 	<p>Хужжатларни бўйича расмийлаптуруви учун барча зарур хужжатлар, шу жумлайдан ваколатли оррганларни хужжатлари котозда тақдим этилиши мумкин.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Шартнома ва унга кўшишмачалар. 2. Транспорт хужжатлари (транспорт турига караб юкхати) ва товарга илова килинадиган хужжатлар (инвойс). 3. Транспорт хужжатлари (транспорт турига караб юкхати) ва товарга илова килинадиган хужжатлар (инвойс). 4. Сертификатлар (ТИФ ТН кодига биноан мажбурий бўлган кўшимча сертификатлар, жумладан: Мувофиқлик, Гигиена, Ветеринария, Сифат ва қадоклаш враги). 5. Боххона туловлари тулантанигини тасдиқловчи тўлов хужжатлари (тўлов тошпирини, квотания, солиштирма далолатнома ва болпеклар).
12- кадам: Мансупотни жўнатилиш <p>Юк ташини учун транспорти юк хати олингач (темир йўл юк хати, авто юк хати (CMR, TIR) авия юк хати), белгилантан нуқтагача юкни етказиб берилса учун мансупотга илова килинган хужжатларининг асли ёки нусхасини транспорт компаниясига тошпирини тобар-кассира.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Темир йўл транспорти билан экспорт килинганда – темир йўл станицисининг тобар-кассира. 2. Автотранспорти билан экспорт килинганда - автотранспортиг хайдовчисига. 3. Хаво транспорти билан экспорт килинганда – юк ташини бўлами нозимига. <p>Мансупот белгикаси етуб боргандили гасликландан ва шартномада кўрсатилган хажмдаги мансупот тўзлик жўнатилишдан кейин шартноманинг якуннiga етганлиги түррисида далолатнома тузади.</p>	<p>Мансупот кандай экспорт килинади. ўз маҳсулотини экспорт килишни рехалантираётган тадбиркорлар учун амалий кўплама. –Т.: Бактрия-пресс, 2013. -9-33 б. ва кейинги йилларда конунишлика юз берган ўзтаришлар асосидаги муаллифлар томонидан тузиленган.</p>

Экспортни амалга оширишнинг дастлабки босқичида маҳсулотни экспортга тайёрлаш жараённида реклама қилиш ва маркетинг тадқиқотлари мазкур ҳисоботнинг 1.3. - параграфида ёритилган лиги боис унга ортиқча тўхталиб ўтирамаймиз.

Экспорт бўйича музокаралар олиб бориш, яъни музокараларга тайёргарлик кўриш, музокараларни олиб бориш ва хорижлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга кўйиш бу жараёнда амалга ошириш зарур бўлган кейинги қадамдир. Мутахассисларнинг таъриф беришича музокаралар, сизнинг устун томонларнингиз ва камчиликларнингизни аниқ кўрсатиб берувчи жараёндир. Музокаралар – бу шундай жараёнки, унда бошланғич қарашлари, талаблари ва якуний натижадан умиди турлича бўлган ҳамкорлар шартнома имзолаш тўғрисида ягона қарорга кела-дилар⁴².

Музокараларда муваффакиятга эришиш учун олдиндан тайёр гарлик кўриш мақсадга мувофиқ. Музокаралар жараёни учта босқичдан иборат:

1. Музокараларга тайёргарлик кўриш.

2. Музокараларни ўтказиш.

3. Музокараларга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва унда эришилган натижаларни таҳлил қилиш ҳамда тегишли хуносалар чиқариш.

Музокаралар олиб боришига тайёргарлик кўриш босқичида экспортчилар ўз мақсадларини аниқ белгилаб олишлари, экспорт стратегияси бўйича асосий ва муқобил варианtlарга эга бўлишлари, музокараларда иштирок этувчиларнинг вазифаларини аниқ таксимлаб олиши ва хорижлик ҳамкор тўғрисида атрофлича ахборот тўплаши лозим бўлади.

Маълумотларга қараганда “одатда жаҳон бозорларида муваффакиятга эришган сотувчилар:

- сўровларга аниқ ва ўз вақтида жавоб қайтарадилар;

- хорижий мижозларни мустақил баҳолашни амалга оширадилар;

- товарларни ички ва ташқи бозорларда сотиш чегараларини аниқ белгилаб оладилар;

- харидорлар ва мижозлар билан ижобий алоқа ўрнатадилар.

Кўпчилик экспортчилар дастлабки экспорт битимишини ўзларининг ташаббуслари билан эмас, балки хорижлик ҳамкорларнинг

⁴² Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 32-33 с.

сўровларига жавоб бериш орқали амалга оширганлар. Дунёдаги жуда кўп фирмалар экспортга оид сўровлар оладилар, аммо уларнинг барчаси ҳам муваффақиятли экспортчига айланолмайди.

Кўпчилик экспорт сўровлари хорижий тилларда жўнатилиди. Уларда халқаро савдода ишлатиладиган маҳсус терминлар ҳам учрайди ва профессионал таржимонлар ёрдамида матнни керакли тилга ўтириш максадга мувофиқ. Кўпинча потенциал харидорлар маҳсулотнинг хусусиятлари ва нархи тўғрисида маълумотлар сўраши мумкин. Сўровлар бевосита харидорларнинг ўзларидан ёки сизнинг маҳсулотингизни сотишдан манфаатдор бўлган восита-чилар ва дистрибуторлар томонидан келиши ҳам мумкин. Сўровларнинг шаклидан қатъий назар, сизда уларга оператив тарзда жавоб бериш тартиби ишлаб чиқилган бўлиши керак⁴³.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси мутахасислари экспорт шартномасини тузиш жараёнида амал қилинадиган 5 та босқични тавсия этишган⁴⁴:

1. Потенциал харидорни ҳамкорлик учун таклиф этиш. Бу жараёнда у билан доимий алоқада бўлиб туриш.

2. Ҳамкорга оферта – тижорат таклифи жўнатиш. Оферта жўнатишда қуйидагиларга риоя этиш:

- бўлгуси шартнома шартларидан (маҳсулот номи, тури, истеъмол хусусиятлари, нархи, етказиб бериш йўллари ва восита-лари, тўлов шартлари ва бошқалар) келиб чиқиб пухта шакллантирилган бўлиши;

- импортчи ҳамкорга оферта хати билан биргаликда товарга тегишли хужжатлар ва шартноманинг дастлабки варианти ҳам жўнатилиши;

- шартноманинг ҳамкор учун манфаатли эканлиги чуқур далиллар ва асосли ракамлар орқали исботланган бўлиши;

- таклифни амал қилиш муддати, уни якуний эканлиги ёки ўзгартириш мумкинлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

3. Офертага хорижий ҳамкор томонидан қизиқиши билдирилганда музокара жараёнини давом эттириш ёки бунинг учун ишончли шахсни вакил қилиш.

⁴³ Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 33 с.

⁴⁴ Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 33-34 с.

4. Бўлгуси шартноманинг турли жиҳатларини чуқур муҳокама қилишга киришиш ва экспорт шартномасининг аниқланган вариантини хорижлик ҳамкор билан келишиб олиш.

5. Асосий масалалар юзасидан томонларнинг қарашлари мос келганда музокаралар олиб бориш ва шартномани имзолаш.

Хорижлик ҳамкорлар билан узоқ муддатли ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун улар билан доимий алоқани таъминлаб туриш, зарур ҳолларда норасмий учрашувлар уюштириш, байрамлар ва туғилган кунларда табриклар юбориш воситаларини ҳам ишга солиш яхши натижга беради.

Экспорт ташки иктисадий фаолиятда қатнашувчи томонлар имзолайдиган шартнома асосида олиб борилади. Шу туфайли экспорт фаолиятининг энг асосий элементларидан бири – бу экспорт шартномасини тузиш ва имзолашдир. Мутахассисларнинг эътироф этишича, “экспорт шартномаси миллий фирмалар ўргасида тузиладиган шартномалар қоидаларига асосан шакллантирилади. Аммо, халқаро савдода умумэътироф этилган қоидалар, республикамизнинг қонунчилик ва норматив хужжатлари талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар олдида қабул қиласиган мажбуриятларидан келиб чиқиб экспорт шартномасининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд.

Жаҳон савдо тизимида амал қиласиган тижорат шартномаларининг умумий қоидалари “Халқаро тижорат шартномаларининг тамойиллари”да (УНИДРУА кенгашининг 2004 йилдаги 83-сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган) келтирилган. У томонлар шартномани ушбу тамойиллар асосида тартибга колинишига келишган ҳолларда кўлланилади⁴⁵.

Ҳар бир давлатнинг экспорт шартномасини тузишга қўядиган талаблари мамлакатда амал қиласиган қонунчиликдан келиб чиқиб шаклланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида ташки савдо операциялари мониторингини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 199-сонли Қарорига мувофиқ экспорт шартномасига қўйиладиган энг кам талаблар тасдиқланган (20-жадвал).

⁴⁵ Маиба: Как правильно составлять экспортный контракт? Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. Ташкент-2014. www.nbu-export.uz.

Ўзбекистонда ташқи савдо контрактларига қўйиладиган энг кам талаблар

Ташқи савдо контракти бўлимлари	Бўлимлар мазмуни ва қўйиладиган талаблар
1	2
Муқаддима	<p>Контрактнинг кириш қисмидаги контрактнинг тартиб рақами, контракт тузилган жой ва сана, юридик шахсларнинг тўлиқ номи, контрактни тузган шахсларнинг лавозими, фамилияси ва исми. Агар шахс контрактни ишончнома асосида тузса, бу контрактнинг муқаддимасида кўрсатиласди.</p>
Контрактнинг мавзуси	<p>Ушбу бўлимда товарлар, ишилар ва хизматларнинг номи, шунингдек битишув тури кўрсатиласди. Товарнинг номи билан биргаликда унинг тавсифи ҳамда миқдори ва сифати бўйича ассортименти кўрсатиласди.</p> <p>Товарнинг миқдори қабул қилинган ўлчовларнинг метрик тизимида ҳалқаро бирликларда ифодаланади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ўлчов ва оғирликлар тизими миқдорларини белгилаш тартибига мувофиқ ўлчов бирлигини аниқлаш мумкин.</p> <p>Товарнинг сифат тавсифи товардан фойдаланиш учун унинг яроқлилигини акс эттирувчи хоссалар жамини белгилайди. Шунингдек, ТИФ ТН бўйича товарнинг кодига ҳавола ҳам зарур.</p> <p>Қўйидагилар товарнинг сифатини белгилашнинг асосий усуллари ҳисобланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - стандарт бўйича: умумий қабул қилинган ҳалқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи ГОСТлар; - спецификация бўйича: техник параметрларни кўрсатиш; - асосий моддалар мавжудлиги бўйича: кўрсаткич-минимум, арадапшалар бўйича-кўрсаткич-максимум берилади; - товарнинг хусусияти бўйича: тип, модель, марка, нав, тур. <p>Машиналар, асбоб-ускуналар ва технологик линияларни етказиб бериш учун контрактда уларнинг янгилиги ёки улардан фойдаланганлити ҳолати кўрсатиласди (фойдаланилганлари учун — эскириш фоизи ёки фойдаланиш муддати).</p>

1	2
Етказиб беришнинг басис шартлари	<p>Товарни етказиб бериш бўйича сотувчи ва харидорнинг куйидаги асосий мажбуриятлари аниқланади (“Инкотермс” халқаро қоидалари бўйича):</p> <ul style="list-style-type: none"> - товарни етказиб бериш бўйича контрактни тузувчи томонларнинг мажбуриятлари ва харажатларни тақсимлаш; - товарни харидорга бериш тартиби ва жойи; - товарни олиб кирип-олиб чиқиши бўйича расмиятчиликларни бажариш; - товарни сугурталаш; - товарнинг тасодифий йўқолини ёки шикастланиши таваккалчилигининг сотувчидан харидорга ўтиши. <p>“Инкотермс”дан фойдаланилганда етказиб бериш жойи (темир йўл станцияси, порт, аэропорт ва бошқаларнинг номи) кўрсатилиши керак (кискартирилган сўзларнинг бош харфлари билан биргаликда).</p>
Товарни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни муддати	<p>Контрактда товарни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни муддати ёки санаси кўрсатилади. Товарни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни муддати вактингчалик даврни англатади, бу давр мобайнида товар (ёки унинг туркуми) сотувчи томонидан кўрсатилган жойга етказиб берилиши, кўрсатилган жойда ишлар ва хизматлар бажарилиши керак.</p> <p>Товарни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш санаси дейилганда сотувчи томонидан контрактларда кўрсатилган товарни етказиб берип, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларининг бажарилиши тушунилади.</p>
Контрактнинг нархи ва умумий суммаси	<p>Товарнинг нархини белгилашда контрактда товарнинг ўлчов бирлиги, товар бирлиги нархи ва контрактнинг умумий суммаси кўрсатилади.</p> <p>Товарнинг ўлчов бирлиги ТИФ ТНдаги ўлчов бирлигига мувофиқ белгиланади.</p> <p>Контрактнинг умумий суммаси сотилаётган товар, ишлар ва хизматларнинг қийматини англатади. Ишларни бажаришга ва хизматлар кўрсатишга контрактни тузиш пайтида контракт суммасини белгилаш имкони бўлмаган ўзига хос контрактлар тузилган тақдирда контрактнинг умумий суммаси кўрсатilmайди.</p> <p>Етказиб берувчилар томонидан монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созланиши ишлари амалга опирилишини, улар томонидан ходимларни ўқитиш хизматлари ва бошқалар.</p>

1	2
Контрактнинг нархи ва умумий суммаси	Хизматлар кўрсатилишини, роялти тўланишини назарда тутувчи асбоб-ускуналар, курилмалар, механизмлар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар харид қилишга (сотишга) ташқи савдо контрактлари бўйича контрактларда (спецификацияларда) бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар ва роялти суммаси алоҳида кўрсатилади.
Тўлов шартлари	Контрактдаги тўлов шартларида валюта, тўлов шакли ва муддати белгиланади. Агар тўлов валютаси контракт валютасидан фарқ қилса, у ҳолда валютанни қайта ҳисоблаб чиқиши курси ва ушбу курсни аниқлани манбай кўрсатилади. Ташқи савдо контрактларида тўлов валютаси хорижий валютада кўрсатилади (конун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно).
Товарнинг келиб чиқиши, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи	Контрактда етказиб берилаётган товар келиб чиқкан мамлакат ва ишлаб чиқарувчи, шунингдек ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи (мамлакати) кўрсатилади.
Томонларнинг жавобгарлиги	Қабул қилинган мажбуриятларнинг томонлар томонидан бажарилишини таъминловчи шартлар сифатида контрактда, қоидага кўра, контракт мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар тўлайдиган пени ва/ёки жарима шаклидаги жазо назарда тутилади. Айборд томонга зарар кўрган томоннинг талабига кўра унга неустойка тўлаш мажбурияти юкланади.
Томонларнинг реквизитлари	Контракт матни томонларнинг реквизитларини кўрсатиш билан туталланади. Почта реквизитлари, манзил, банк реквизитлари ва юклаб жўнатиш реквизитлари кўрсатилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг имзолари контрактда муҳр билан тасдиқланади.
Контракт тили	Ташқи савдо контрактининг матни давлат тилида ёки рус тилида баён қилинини керак. Агар контракт матни бошқа тилда тузилган бўлса, контракт давлат тилига ёки рус тилига таржима қилинини ва белгиланган тартибда тасдиqlаниши керак.
Контракт шартларига киритиладиган ўзgartiriши ва кўшимчалар	Контракт шартларига киритиладиган ўзgartiriши ва кўшимчалар тўгрисидаги маълумотлар кўшимча битим билан кайд этилиши керак ҳамда контрактлар билан бўлгани сингари тартибда тизимга киритилади.

1	2
Контракт тўғри тузилиши учун масъул	Контракт тўғри тузилиши талабларига риоя этилиши учун масъулият хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек контракт шартларининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқлиги юзасидан юридик хулоса берган шахсга юкландади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги 199-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида Низом” асосида тузилган.

Аммо, халқаро тижорат амалиётидан келиб чиқиб, экспорт шартномалари таркиби қўйидагилардан иборат бўлиши тавсия этилади: преамбула, шартнома предмети, маҳсулотни етказиб беришнинг базис шартлари, товарни етказиб бериш муддатлари, нарх ва шартноманинг умумий суммаси, маҳсулотга ҳақ тўлаш шартлари, товарни қадоқлаш ва маркировка қилиш, товарни юклаш тартиби, товарни топшириш-қабул қилиш тартиби, рекламация, кафолатлар, товарнинг келиб чиқиши, санкциялар, форс-мажор холатлари, арбитраж, шартноманинг кучга кириш ва амал қилиш муддати, томонларнинг реквизитлари, шартнома тили, шартномага розилик белгисини қўйиш ва бошқа шартлар (21-жадвал).

Экспорт шартномасини тузища тадбиркорнинг билими, тажрибаси ва малакаси етарли бўлмаса, шу соҳага ихтисослашган малакали хукуқшунослар ёки консалтинг фирмалар хизматидан фойдаланган маъқул. Бу экспортчими миљий ва халқаро ташқи савдо қонунчилигини бузишдан, шартномани бажарилмаслик ёки йўқотишлар хатарларидан ҳимоялайди.

Экспорт шартномасини тузища эътибор талаб қиласидан асосий шартлардан бири – бу “Инкотермс” халқаро қоидалар бўйича товарни етказиб бериш ва унга ҳақ тўлаш шартлари. “Инкотермс” халқаро қоидалари бўйича товарни етказиб бериш бўйича сотувчи ва харидорнинг қўйидаги асосий мажбуриятлари аниқланади:

- товарни етказиб бериш бўйича контрактни тузувчи томонларнинг мажбуриятлари ва харажатларни тақсимлаш;
- товарни харидорга бериш тартиби ва жойи;
- товарни олиб кириш-олиб чиқиш бўйича расмиятчиликларни бажариш;

Халқаро тијорат амалиётида қўлланиладиган экспорт шартномасининг намунавий таркиби

Ташки савдо шартномаси бўлимлари	Бўйимлар мазмуни ва қўйиладиган талаблар
1	2
Преамбула (Муқаддима)	<p>Шартноманинг кириш кисми бўлиб, қўйидагилардан изборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> - контрактнинг тартиб рақами, контракт тузилган жой ва сана; - юридик шахсларнинг тўлиқ номи; - контрактни тузган шахслар лавозими, фамилияси ва исми.
Шартнома предмети	<ul style="list-style-type: none"> - товарнинг номи ва асосий хусусиятлари, микдори ва сифати; - битим тури.
Етказиб берининг базис шартлари	<ul style="list-style-type: none"> - “Инкомтермс-2010” халқаро қоидалари бўйича товарларни олиб кириш-олиб чиқиш тартибини белгилайди; - сугурталаш, товарни фавкулодда йўқотип/шикарстланиш рискини кимга ўтишини аниқлаб беради.
Товарни етказиб берин муддати	<ul style="list-style-type: none"> - шартномада товарни етказиб берини санаси ва муддати кўрсатилади.
Нарх ва шартноманинг умумий суммаси	<ul style="list-style-type: none"> - товарнинг ўлчов бирлиги; - нархнинг базис даражаси ва ўзгаришиш шартлари; - ТИФ ТН коди бўйича товар бирлигининг нархи; - сотиладиган товарнинг умумий қиймати.
Ҳақ тўлаш шартлари	<ul style="list-style-type: none"> - ҳақ тўланда фойдаланиладиган валюта тури; - ҳақ тўлаш шакли ва муддати; - шартнома тарафлари ўргасида ҳисоб-китоб усувлари ва шакллари.
Товарни ўраш ва маркировка қилиши	<ul style="list-style-type: none"> - тара ва ўрамнинг (упаковка) шакли, сифати ва ҳажмлари; - шартнома номери, жўнатувчи томон, қабул қилувчи томон, юк оғирлиги, ўлчамлари вобоц.
Товарни юклаш тартиби	<ul style="list-style-type: none"> - сотувчининг товарни бутлиги, юклашга тайёрлик даражаси тўгрисидаги ахборотни етказиш усувлари ва муддатлари бўйича мажбуриятлари; - товарни етказиб берин муддатлари.
Товарни тошириш-қабул қилиши тартиби	<ul style="list-style-type: none"> - шартнома шартлари бўйича кўрсатилган микдор, оғирлик ва сифатдаги товарни харидор мулкига берин; - товарни тошириш-қабул қилишни амалга ошириш тартиби.

1	2
Рекламация	<ul style="list-style-type: none"> - етказиб берилган товар міндори ёки сифатининг шартнома шартларига мос келмаслиги ҳолатларида харидорнинг сотувчига эътиrozлари; - рекламацияни билдириш муддатлари, кўриб чиқиш ва тартибга солиш тартиби.
Кафолатлар	<ul style="list-style-type: none"> - мувофиқлик бўйича сертификатланадиган товарнинг сотувчи томонидан бериладиган кафолатлари.
Товарнинг келиб чиқиши	<ul style="list-style-type: none"> - етказиб бериладиган товар келиб чиқсан мамлакат ва ишлаб чиқарувчи тўгрисидаги ахборот.
Санкциялар	<ul style="list-style-type: none"> - шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаганилик учун томонлар жабрланган томонга тўлайдиган жарима ва пеня кўринишидаги санкциялар.
Форс-мажор ҳолатлари	<ul style="list-style-type: none"> - енгиг бўлмайган фавқулодда ҳолатлар туфайли шартнома шартларини бажарип имкони бўлмаган ҳолатларда томонларнинг шартнома мажбуриятларидан озод этилиш имкониятлари.
Арбитраж	<ul style="list-style-type: none"> - томонлар ўргасида юзага келиши мумкин бўлган даволарни икки томонлама тартибга солиш мумкин бўлмаганда уларни ечадиган арбитраж органи ва унинг жойлашган жойи.
Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиши муддати	<ul style="list-style-type: none"> - шартнома кучга киришини таъминлайдиган асосий шартлар; - шартнома ўз кучини сақладайдиган вақт оралиғи.
Томонларнинг реквизитлари	<ul style="list-style-type: none"> - томонларнинг почта манзили, банк, ортиб жўнатиш ва бошқа реквизитлари; - мансабдор шахсларнинг мухр билан тасдиқланган имзоси.
Шартнома тили	<ul style="list-style-type: none"> - одатда тапқи савдо шартномалари икки тилда сотувчи ва харидор тилида тузилади (экспертиза ёки рўйхатдан ўтказип мақсадлари учун ўзбек ёки рус тилида, бошқа ҳолатларда ўзга тилдан тасдиқланган таржима).
Шартномага розилик белгисини кўйинш	<ul style="list-style-type: none"> - шартноманинг ҳар бир бетига шартнома томонларининг имзоси кўйилади.
Бошқа шартлар	<ul style="list-style-type: none"> - одатда бу бўлимда шартномага ўзгартиришлар ва кўпимчалар киритиш шартлари кўрсатилади.

Манба: Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 9 с.; Как правильно составлять экспортный контракт? Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014. www.nbu-export.uz асосида тузилган.

- товарни сұғарталаш;
- товарнинг тасодиғий йўқолиши ёки шикастланиши таваккалчилигининг сотувчидан харидорга ўтиши.

“Инкомтермс-2010”нинг аҳамиятли томони шундаки, бунда маҳсулотни етказиб бериш, уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш бўйича томонларнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб кўйилган бўлиши туфайли турли келишмовчиликларнинг олди олинади.

Товарни етказиб бериш бўйича шартнома шартларини шарҳлашни бирхилаштириш мақсадида Халқаро савдо палатаси томонидан “Инкомтермс-2010” бўйича халқаро юк етказиб беришнинг учта ҳарф белгиси бўйича базис шартлари ишлаб чиқилган. Бунда юк етказиб бериш бўйича томонларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларидан келиб чиқиб, тўрт хил категориядаги терминлар фарқ қиласи (22-жадвал):

1. “E” – EX WORK термини: сотувчи товарни ўз худудида таклиф этади ва харидор уни сотувчининг омборидан олиб кетади, экспорт божи харидор ҳисобидан ундирилади.

2. “F” – FCA, FAS ва FOB терминлари: сотувчи товарни харидор белгилаган манзил бўйича юк ташувчига етказиб беради, экспорт божи харидор ҳисобидан тўлайди.

3. “C” – CPT, CIP, CFR ва CIF терминлари: сотувчи товарни харидорга ёки у белгилаган юк ташувчига белгиланган манзилда топширгунча бўлган ташиш харажатлари, зарур ҳолларда мамлакатдан олиб чиқиши бўйича божхона расмийлаштируви ва товарларни йўқолиши ёки шикастланиши рискини ўз зиммасига олади.

4. “D” – DAT, DAP ва DDP терминлари: сотувчи товарни харидор томонидан белгиланган манзилда бўлган ташиш харажатлари ва барча рискларни ўз зиммасига олади.

Шартнома тузища қўлланиладиган ҳар бир категориядаги терминларнинг ўз маъноси ва амал қилиш талаб этиладиган хусусиятлари мавжуд. Масалан, CIP (ингл. carriage and Insurance Paid to – юк ташиш ва сұғуртагача тўланган) термини қўлланганда сотувчи юк ташувчига ёки харидор томонидан вакил қилинган бошқа шахсга юкни келишилган жойгача етказиб бериш, юк ташиш бўйича шартнома тузиш ва ташиш харажатларини тўлаш мажбуриятларини олади. Бундан ташқари сотувчи, юкни ташиш чорига товарни йўқолиши ёки шикастланишидан минимал даражада сұғарталаш бўйича шартнома тузишни ҳам ўз зиммасига олади.

“Инкомтермс – 2010” бўйича товарни етказиб бериш шартлари

“Инкомтермс – 2010” термини	Терминлар бўйича олинадиган мажбуриятлар
1	2
	Юк ташишнинг ҳар қандай транспорт турида юллаш мумкин бўлган қоидалар:
EXW (ингл. ex works - франко-омбор, франко- завод)	Экспортчи юкни етказиб бериш бўйича хеч қандай мажбурият ва рискни ўз зиммасига олмайди, факат харидорга ўрамга жойланган (қадоқланган) ва маркировкаланган товар “качон” ва “каерда” юклапга тайёр бўлишини хабар қиласди. Юклаш жойи экспортчи белгилаган худудда (унинг омбори, цехи, дала ва бошқа) амалга оширилади.
FCA (ингл. free carriage - франко-ташувчи)	Экспортчи товарни ўз ҳисобидан божхонада расмийлаштириш, ўзининг худудида ёки импортчи белгилаган бошқа манзилгача етказипни ўз зиммасига олади. Аммо, сотувчининг харидор олдида юк ташиш ва уни сугурталаш бўйича шартнома тузиш мажбурияти йўқ. Сотувчи харидорнинг илтимосига кўра харидор ҳисобидан юк ташиш ва сугурталашга шартнома тузishi мумкин. Товарни харидор мамлакатига олиб кириш божхона харажатлари харидор томонидан амалга оширилади.
CPT (ингл. carriage Paid to – юк ташишгача тўланган)	Сотувчи юк ташувчига ёки харидор томонидан вакил қилинган бошқа шахсга юкни келишилган жойгача етказиб бериш, юк ташиш бўйича шартнома тузиш ва ташиш харажатларини тўлаш мажбуриятларини олади. Шартномада кўзда тутилган бўлса товарни олиб чиқишда божхона расмийлаштируви харажатлари сотувчи ҳисобидан амалга оширилади. Аммо, сотувчининг харидор олдида юкни сугурталаш бўйича шартнома тузип мажбурияти йўқ. Товарни олиб кирища божхона расмийлаштируви ва импорт божи тўлаш импортчи ҳисобидан амалга оширилади.
CIP (ингл. carriage and Insurance Paid to – юк ташиш ва сугуртагача тўланган)	Сотувчи юк ташувчига ёки харидор томонидан вакил қилинган бошқа шахсга юкни келишилган жойгача етказиб бериш, юк ташиш бўйича шартнома тузиш ва ташиш харажатларини тўлаш мажбуриятларини олади. Сотувчи шунингдек, юкни ташиш чогида товарни йўқолиши ёки шикастланишидан минимал даражада сугурталаш бўйича шартнома тузишни ўз зиммасига олади.

1	2
CIP	Шартномада кўзда тутилган бўлса товарни олиб чиқишида божхона расмийлаштируви харажатлари сотувчи ҳисобидан амалга оширилади. Товарни олиб киришида божхона расмийлаштируви ва импорт божи тўлаш импоргчи ҳисобидан амалга оширилади.
DAT (ингл. delivered at terminal – терминалга етказиб бериш)	<p>Сотувчи товарни келишилган порт ёки бошқа мўлжалланган жойдаги терминалга етиб келган транспорт воситасидан туширилган ҳолда харидорга етказиш мажбуриятини олади.</p> <p>“Терминал” ҳар қандай ёпик ёки очиқ бўлган кема тўхтайдиган жой, омбор, контейнер ҳовлиси ёки автомобиль, темир йўл ва авиа карго терминални бўлиши мумкин. Сотувчи товарни етказиб бериш ва мўлжалланган терминалда тушириш билан боғлик барча харажатларни зиммасига олади.</p> <p>Шартномада кўзда тутилган бўлса товарни олиб чиқишида божхона расмийлаштируви харажатлари сотувчи ҳисобидан амалга оширилади. Товарни олиб киришида божхона расмийлаштируви ва импорт божи тўлаш импоргчи ҳисобидан амалга оширилади.</p>
DAP (ингл. delivered at place – белгиланган жойга етказиб бериш)	<p>Сотувчи товарни келишилган жойга етиб келган транспорт воситасидан туширишга тайёр ҳолда етказади, бу билан боғлик харажатлар ҳамда рискларни зиммасига олади. Аммо, сотувчининг юкни сугурталаш бўйича шартнома тузиш мажбурияти йўқ.</p> <p>Зарур ҳолларда товарни олиб чиқишида божхона расмийлаштируви харажатлари сотувчи ҳисобидан амалга оширилади.</p>
DDP (ингл. delivered duty paid – божни тўлаш билан етказиб бериш)	<p>Сотувчи товарни келишилган жойга етиб келган транспорт воситасидан туширишга тайёр ҳолда етказади, бу билан боғлик барча харажатлар, рисклар, товарни олиб чиқиши ва олиб киришга оид рухсатномаларни (лицензияларни) олиш, божхона расмийлаштируванини бажариш ва унда ҳар қандай йигимлар ва тўловларни тўлашини зиммасига олади. Аммо, сотувчининг харидор олдида юкни сугурталаш бўйича шартнома тузиш мажбурияти йўқ.</p>
<p>Денгиз ва ички сув йўллари транспортида юк тапшиша қўлиниладиган қоидалар:</p>	
FAS (ингл. free alongside Ship – кема борти бўйлаб эркин)	Сотувчи товарни харидор томонидан юкни ортиш портидаги кема борти бўйлаб (яъни причал ёки баржага) жойлаштиргандан сўнг етказиб бериш бўйича мажбуриятини бажарган ҳисобланади.

1	2
FAS (ингл. free alongside Ship – кема борти бўйлаб эркин)	<p>Ташиш чоғида товарларни йўқотиш ёки шикастланиш билан боғлиқ рисклар юк кема борти бўйлаб жойлаштирилгандан харидор зиммасига ўтади ва харидор барча харажатларни зиммасига олади.</p> <p>Зарур ҳолларда товарни олиб чиқишида божхона расмийлаштируви ва тўловлари сотувчи ҳисобидан амалга оширилади.</p>
FOB (ингл. free on board – кема бортида эркин)	<p>Сотувчи товарни харидор томонидан юкни ортиш портидаги кема бортига етказиб ва ортиб беради. Товарларни йўқотиш ёки шикастланиши билан боғлиқ рисклар юк кема бортига жойлаштирилгандан бошлаб харидор зиммасига ўтади ва шундан бошлаб харидор барча харажатларни зиммасига олади.</p> <p>Зарур ҳолларда товарни олиб чиқишида божхона расмийлаштируви ва тўловлари сотувчи ҳисобидан амалга оширилади.</p>
CFR (ингл. cost and freight – қиймат ва фрахт)	<p>Сотувчи товарни кема бортига етказиб беради ёки шу тарзда етказилган товарни тақдим этади. Товарларни йўқотиш ёки шикастланиш билан боғлиқ рисклар юк кема бортида бўлгандан бошлаб харидор зиммасига ўтади. Сотувчи товарни мўлжалланган портгача етказиб берини бўйича шартнома тузади, ташини ва бортга ортиш бўйича барча харажатларни тўлайди. Зарур ҳолларда товарни олиб чиқишида божхона расмийлаштируви ва тўловлари сотувчи ҳисобидан амалга оширилади. Аммо, сотувчининг харидор олдида юкни сугурталаш бўйича шартнома тузиш мажбурияти йўқ.</p>
CIF (ингл. cost, insurance and freight – қиймат, сугурта ва фрахт)	<p>Сотувчи товарни кема бортига етказиб беради ёки шу тарзда етказилган товарни тақдим этади. Товарларни йўқотиш ёки шикастланиш билан боғлиқ рисклар юк кема бортида бўлгандан бошлаб харидор зиммасига ўтади. Сотувчи товарни мўлжалланган портгача ташини бўйича шартнома тузади, ташини ва бортга ортиш бўйича барча харажатларни тўлайди, ташини чоғида йўқотиш ёки шикастланиш билан боғлиқ рисклардан минимал қоплаш бўйича сугурталаш шартномасини тузади. Зарур ҳолларда товарни олиб чиқишида божхона расмийлаштируви ва тўловларини тўлайди.</p>

Манба: Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 9 с.; Как правильно составлять экспортный контракт? Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014. www.nbu-export.uz асосида тузилган.

“Инкотермс-2010” бўйича товарни харидорга етказиш тартибини қўйидаги 6-чизмади кўриш мумкин.



6-чизма. “Инкотермс-2010” бўйича товарни харидорга етказиб бериш чизмаси

“Инкотермс-2010” бўйича товарларни харидорга етказиб бериш тартиби ва унга қўйиладиган талабларни яхши билиш экспортчиларни юкларни ташиш, ортиш ва тушириш жараёнларида юзага келиши мумкин бўлган рисклар ва бу жараёнлардаги харажатларни, юкни олиб чиқиш ва олиб киришда божхона расмийлаштируви ҳамда тўловларини сотувчи ва харидор ўртасида тўғри тақсимланишига ёрдам беради. Шунингдек, томонлар ўртасида шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги оқибатида юзага келадиган даволарни икки томонлама ёки арбитраж орқали тартибга солишида асос сифатида хизмат қиласди.

Экспортни амалга оширишда шартнома бўйича тўловларни амалга ошириш турлари ва шартларини тўғри белгилаб олиш ҳамда ўз вақтида қабул қилишнинг аҳамияти катта. Та什қи савдо алоқаларида қатнашувчи томонлар сифатли товарни етказиб бериш ва у бўйича ўз вақтида ҳисоб-китобни амалга ошириш бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришлари лозим.

Мутахассисларнинг фикрича, “ташқи савдо шартномасининг ўзи хорижга етказиб берилган товар ёки кўрсатилган хизмат учун тўловни ўз вақтида ва тўлиқ олиш кафолатини бермайди. Шартнома экспортчи ва импортчи ўртасида азалдан шаклланган ва

йиллар давомида синовдан ўтган ўзаро ишонч мавжуд бўлган тақдирдагина мустаҳкам ва етарли кафолат бериши мумкин⁴⁶.

Экспорт шартномалари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг куйидаги шакллари мавжуд:

- 100 % олдиндан тўлов;
- банк аккредитиви (23-жадвал);
- муддати узайтирилган тўлов (суғурта полиси орқали);
- консигнация.

Экспорт шартномалари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг энг кулаги ва манфаатли шакли – бу маҳсулот учун 100 % олдиндан тўлов ҳисобланади. Бунда импортчи маҳсулотни етказиб беришдан олдин шартноманинг тўлиқ қийматига тенг маблағни экспортчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Экспорт шартномалари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг яна бир манфаатли шакли қайтириб олинмайдиган аккредитив очиш ҳисобланади. Қайтириб олинмайдиган аккредитивда импортчининг топшириғига кўра аккредитив очган банк номига банк аккредитиви очилган шахсга шартлашилган муддатда аккредитивда кўрсатилган хужжатлар тақдим этилгандан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Ўзбекистонда суғурта полиси мавжуд бўлганда муддати узайтирилган тўлов ҳам кўлланилади. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги 199-сонли “Ўзбекистон Республикасида ташки савдо операциялари мониторингини такомиллаштиришига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Ташки савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ унинг қуйидаги муддатлари белгиланган:

- муассислар томонидан чет элдаги корхоналарнинг (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуъба корхоналар, фирма дўйконлар, дилерлик тармоклари ва консигнацион омборлар) манзилига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг аъзолари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Савдо-саноат палатасининг савдо-инвестиция уйлари манзилига олиб чиқиладиган товарларнинг амалда экспорт килинган кунидан бошлаб 180 кундан;

⁴⁶ Виды расчетов по экспортным контрактам. Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014. www.nbu-export.uz

Банк аккредитиви шакллари

Турлари	Хусусиятлари
1	2
Қайтариб олинадиган аккредитив	Хусусияти:
	- импортчининг банки томонидан экспортчи огоҳлантирмасдан ўзгартирилиши мумкин.
	Афзаллиги:
	- банк хизматларини тўлаш харажатларининг минималлиги.
Қайтариб олинмайдиган тасдиқланмаган аккредитив	Камчилиги:
	- экспортчига тўловнинг ишончли кафола-тини бермайди.
	Хулоса:
	- тўловнинг бу шакли фақат ишончли, синалган ҳамкорларга қўлланishi мумкин.
Қайтариб олинмайдиган тасдиқланган аккредитив	Хусусияти:
	- импортчининг банки томонидан экспортчи огоҳлантирилган ва ёзма розилик берган тақдирда ўзгартирилиши мумкин;
	- экспортчига тўлов кафолатини импортчинг банки беради.
	Афзаллиги:
Қайтариб олинмайдиган тасдиқланган аккредитив	Камчилиги:
	- қайтариб олинмайдиган тасдиқланган аккредитивга нисбатан тўлов кафолатининг юқорилиги;
	- банк-корреспондентнинг комиссиян йигимиға тежам.
	Хулоса:
Қайтариб олинмайдиган тасдиқланган аккредитив	Хусусияти:
	- импортчининг банки томонидан экспортчи огоҳлантирилган ва ёзма розилик берган тақдирда ўзгартирилиши мумкин;
	- экспортчига тўлов кафолатини нафақат импортчи банки, балки корреспондент-банк, яъни биринчи классли хорижий банк беради.
	Афзаллиги:
Талаб бўйича тўлов килинадиган аккредитив	Камчилиги:
	- корреспондент-банкка тўланадиган комиссиян кўшимча харажатлар.
	Хулоса:
	- бу шаклни қўллашга тўлов кафолати баланси ва банк хизматларига харажатлар кийматини эътиборга олиб қарор қабул қилиш.
Талаб бўйича тўлов килинадиган аккредитив	Хусусияти:
	- экспортчи билан ҳисоб-китоб аккредитив шартларига риоя этган ҳолда юкни ортип бўйича зарурий ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда дарҳол амалга оширилади.

1		2
Тўлов кечикти- рилган аккредитив	Изоҳ:	- аккредитивнинг энг кўп тарқалган шакли. Хусусияти: - экспортчи билан хисоб-китоблар аккредитивда кўзда тутилган кечиктирилган муддатда амалга оширилади.
	Изоҳ:	Ўзбекистон Республикасида: - муассислар томонидан чет элдаги корхоналарнинг (савдо уйлари ва ваколатхоналари, фирма дўконлар, дилерлик тармоқлари ва консигнацион омборлар) манзилига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг аъзолари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Савдо-саноат палатасининг савдо-инвестиция уйлари манзилига олиб чиқирадиган товар-ларнинг амалда экспорт қилинган кунидан бошлаб 180 кундан; - белтиланган тартибда экспорт контракти сугуртаси бўйича полис мавжуд бўлганда олдиндан ҳак тўламасдач, аккредитив очмасдан ёки банк кафолатисиз хорижий валютага товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини амалга оширувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 180 кундан; - бошқа экспорт қилувчилар учун - товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак.
“Қизил шартли” аккредитив	Хусусияти:	- экспортчи шартлаштилган суммада аванс (олдиндан тўлов) олади.
	Изоҳ:	- бу шаклининг қулийлиги шундаки, экспортчига товарни ишлаб чиқаришни молиялаштиришга имкон беради.
Реольверли аккредитив	Хусусияти:	- тўловвлар қисмларга бўлиб, товар етказиб бериш партиялари кийматини қоплайдиган тартибда амалга оширилади.
	Изоҳ:	- товарларни маълум вақт давомида қисм-ларга бўлиб етказишга экспортчининг розилиги бўлганда кўлланилади.

Манба: Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана.
–Ташкент, 2007. – 41-42 с.

- белгиланган тартибда экспорт контракти сугуртаси бўйича полис мавжуд бўлганда олдиндан ҳақ тўламасдан, аккредитив очмасдан ёки банк кафолатисиз хорижий валютага товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини амалга оширувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 180 кундан;

- бошқа экспорт қилувчилар учун — товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак.

“Ташки савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида Низом”а белгиланганидек, чет элдан валюта тушуми 30 банк кунидан ортиқ кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун — 60 банк куни) белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин:

- валюта тушуми белгиланган муддатлардан 180 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасининг 10 фоизига тенг;

- валюта тушуми белгиланган муддатлардан 180 кундан 365 кунгача кечикканда - қўшимча равишда тушмаган валюта маблағлари суммасининг 20 фоизига тенг;

- валюта тушуми тушиши белгиланган муддатлардан 365 кундан ортиқ кечикканда - қўшимча равишда тушмаган валюта маблағлари суммасининг 70 фоизига тенг жарима тўлайдилар.

Ташки савдо операцияларида хужжатли аккредитивдан ташқари тўловнинг банк кафолати ҳам кўлланилади. Банк кафолати:

- банкнинг тасдиқланган ва қайтариб олинмайдиган мажбурияти хисобланади;

- экспортчининг мулкий манфаатлари ишончли ҳимоялашишини таъминлайди;

- экспортчи томонидан товарни етказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятлар тўлиқ бажарилган тақдирда, белгиланган муддат келгандан сўнг импортчи томонидан тўлов амалга оширилмаганда банк кафолати экспортчига тўловни кафолатлади;

- кафолат берган банк ўзининг тўлов мажбуриятларини бажариши учун экспортчининг ёзма аризаси (эътирози) етарли эканлигини кўзда тутади;

- Ўзбекистонда муайян номенклатурадаги товарларни экспортга чиқариш шартномаларида мажбурий бўлган тўлов шаклларидан бири ҳисобланади;

- импортчининг ўз банкига кафолат берганлиги учун комиссиян тўлов тўлаши билан боғлик маълум харажатларни талаб этади.

Экспортчи шуни эътиборга олиши жоизки, банк кафолатини ундан ҳам талаб қилишлари мумкин. Бу ерда гап экспортчининг банки томонидан импортчига:

- аванс тўловларини қайтариш учун кафолат (экспортчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда аванс тўловларини қайтаришни назарда тутади);

- шартноманинг бажарилиши бўйича кафолат (экспортчи томонидан белгиланган муддатда зарур сифатда ва миқдордаги товарларни етказиб бериш бўйича мажбуриятларни бажармаслик ҳолатида) тақдим этиш ҳақида бормоқда⁴⁷.

Кузатишлар шуни кўрсатади, экспорт шартномалари бўйича нотўловларнинг олдини олишда экспорт шартномасини тузиш бўйича музокаралар олиб борилаётган пайтдаёк эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун хорижлик ҳамкорнинг (импортчининг) молиявий ҳолатини акс эттирувчи кредит ва тўлов тарихини ҳамда тўловга қобиллик даражасини ўрганиш, шунингдек тўлов бўлмаслик хатарини пасайтирувчи бошқа усуслар ёрдамида унинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилишга ҳаракат қилиш лозим.

Музокаралар самара келтирмагандага эса:

- ўзининг банкига, малакали ҳукуқшунослар ва мутахассисларга;

- Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлик ва фермерликни кўллаб-куватлаш маркази, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-куватлаш жамғармаси каби тузилмаларнинг мутахассисларига;

- арбитражга (масалан, Халқаро савдо палатаси арбитражи) ёки судга мурожаат қилиш орқали муаммони ечишга уриниши мумкин.

Одатда экспортчи корхоналар ташки савдо шартномасини тузишдан бошлаб, товарларни жўнатгунга ёки қабул қилгунга

⁴⁷ Манба: Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. -Ташкент, 2007. - 42 с.

қадар тегишли рухсатномалар олиш учун бир нечта давлат органларига мурожаат қилишлари ва хар бир идора учун алоҳида ҳужжатлар тўпламини тайёрлаб тақдим этишларига тўгри келарди. Бу эса муайян даражада ортиқча вакт сарфланишига ва молиявий харажатларнинг кўпайишига олиб келар эди. Мазкур муаммони бартараф этишда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги “Экспорт операцияларини “бир дарча” тамойили бўйича амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 305-сонли Қарори муҳим рол ўйнамоқда. Қарорда 2011 йил 1 октябрдан бошлаб “бир дарча” тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш белгилаб берилди.

“Бир дарча” тамойили - давлат божхона хизмати органларида контрактларни ҳисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш (кейинги ўринларда сертификациялаш ва божхона расмийлаштируви деб юритилади) учун экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга оширишининг соддалаштирилган механизми, бунда аризачи аризанинг ягона шаклини тўлдиради ва уни зарур ҳужжатларни илова қылган ҳолда “бир дарча” тамойили бўйича экспорт тартиботларини расмийлаштириш жорий этиладиган ташки иқтисодий фаолият божхона постларида (кейинги ўринларда ТИФ божхона постлари деб юритилади) фаолият юритувчи манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ваколатли вакилларига тақдим этади.

Қарорда мазкур механизмни жорий қилиш учун масъул орган этиб Давлат божхона қўмитаси белгиланган ҳамда “Бир дарча” механизми жорий этиладиган 14 та ташки иқтисодий фаолият божхона постлари рўйхати, шунингдек, “Бир дарча” тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисидаги вақтинчалик Низом” тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий банки томонидан тегишли сертификатларни бериш учун ва “бир дарча” тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ

тартиботларни амалга ошириш механизми жорий этиладиган ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида тұловларни қабул қилиш бүйича ваколатли банклар бўлимлари учун камида икки нафар ваколатли вакилнинг фаолият юритишини таъминланиши белгилаб берилди.

Авваллари божхона расмийлаштируви жараёнида хужжатлардаги аниқланган арзимас хато ва камчиликларни тузатиш учун сертификат ёки тегишли руҳсатнома берган идорага қайтиб бориш, навбатда туриб тузатиш киритиш, тузатилгач, яна қайтиб келишларига тўғри келар эди. Эндиликда бундай хатоликларни ТИФ божхона постларининг ўзида тузатиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу эса тадбиркорнинг ҳам вақтини, ҳам маблагини тежашга олиб келиб, ортиқча сарсонгарчилик ва қоғозбозликдан халос этмоқда. Ушбу тизим амалиётта жорий этилгандан сўнг сертификатлаштириш ва руҳсат берувчи идораларда тегишли хужжатларни расмийлаштириш учун кетадиган вақт 15 кундан 3 кунгача, божхонага барча хужжатлар тақдим этилгандан сўнг божхона расмийлаштируви жараёни 10 кундан 1 кунгача кисқартирилди.

Мазкур “Бир дарча” механизмини жорий этилиши натижасида республикамизда экспорт операцияларини амалга оширишда тегишли давлат органларининг ягона ахборот тизими орқали зарур сертификат ва руҳсатномаларни “реал вақт” режимидә узатиш ва божхона расмийлаштируви учун сарфланадиган вақтни имкон қадар кисқа фурсатда амалга оширилишига имконият яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг барча ташқи иқтисодий фаолият божхона постларига 2012 йил 1 апрелдан бошлаб онлайн режимида электрон шаклдаги хужжатларни тақдим этган ҳолда “бир дарча” тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизмини жорий этиш топширилган.

“Бир дарча” тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисида вақтингчалик Низом” бир вақтнинг ўзида давлат божхона хизмати органларида контрактларни хисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва божхонада расмийлаштириш билан бирга, “бир дарча” тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботлар механизмини белгилайди (7-чизма).

Бос- кич- лар	Субъект- лар	Тадбирлар	Бажариш муддати
	Аризачи	Оладиган сертификат турига қараб ТИФ божхона постларида ваколатли сертификация органига белгиланган рўйхатта мувофиқ хужжатларни иловга қиласкан ҳолда ягона шаклдаги аризани тақдим этади	Аризачи- нинг хоҳишита кўра
1- бос- кич	ТИФ божхона постла- ридаги вако- латли серти- фикация орган- лари	<p>Тақдим этиладиган хужжатларнинг тўлиқлиги ва уларда учрайдиган номувофиқликни аниқлаш учун кўриб чиқадилар;</p> <p>Тақдим этилган хужжатлар белгиланган талабларга мос келгандан уларни қабул қила- дилар;</p> <p>Камчиликлар аниқланганда аризачига ягона шаклдаги аризада камчиликларни кўрсатган ҳолда камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни қайтарадилар.</p>	Дарҳол
	Аризачи	Аризачидан қабул қилинган хужжатлар бўйича экспорт учун мўлжалланган товарлардан белгиланган тартибда намуналар оладилар ва товарлар намуналарини ҳамда хужжатларни тегишили синов лабораторияларига ва/ёки ваколатли органларга юборадилар.	Кун мобай- нида
	Аризачи	Тегишли сертификатларни бериш учун экспорт қилинадиган товарларнинг лаборатория синовларидан ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайдилар.	3-5 иш кунида
	Аризачи	Лаборатория синовлари якунлари бўйича ижобий натижа олинган тақдирда ваколатли сертификация органлари вакиллари бир иш куни мобайнида аризачига бевосита ТИФ божхона постида тегишли сертификатларни берадилар	1 иш куни мобай- нида
2- бос- кич	Аризачи	Божхонада расмийлаштириш учун зарур хужжатларни тақдим этади.	Аризачи хоҳишита кўра

		Тақдим этиладиган хужжатларнинг тўлиқлиги ва уларда учрайдиган номувофикликни аниклаш учун кўриб чиқадилар;	
		Тақдим этилган хужжатлар белгиланган талабларга мос келганда уларни қабул қиласдилар;	
Давлат божхона хизмати органи		Камчиликлар аниқланганда аризачига ягона шаклдаги аризада камчиликларни кўрсатган ҳолда камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни қайтарадилар.	Дарҳол
		Экспорт контрактини ҳисобга қўйишни амалга оширади.	Кун мобайнида
		Экспорт қилинадиган товарларни ва транспорт воситаларини текширишдан ўтказади.	Юклаб-жўна-тишга тайёрлигига кўра
		Экспорт қилинадиган товарларни ва транспорт воситаларини божхонада расмийлаштиришни амалга оширади.	1 иш куни мобайнида

7-чизма. Экспорт товарларини “Бир дарча” тамоили бўйича сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш тартиби

Ушбу Вақтингчалик низом қонун хужжатларида белгиланадиган товарларнинг алоҳида тоифаларини экспорт қилиш учун қўшимча рұксатнома хужжатлари (лицензия, рұксатнома) олиш билан боғлиқ бўлган экспорт тартиботларини амалга ошириш механизмига жорий этилмайди.

Аризачи экспорт қилинадиган товарларни сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш учун ўрнатилган ягона шакл бўйича аризани тўлдиради. ТИФ божхона постларида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги, “Ўзбекэспертиза” ОАЖ (кейинги ўринларда ваколатли сертификация органлари деб аталади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг вакиллари доимий равишда фаолият юритадилар.

Махсулотни экспортга чиқаришда миллый ва хорижий мамлакат божхонасида тўсиксиз расмийлаштириш учун қуидаги сертификатлар олиш талаб қилинади:

1. Товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат (СТ-1 шакл ёки А шакл).

2. Сотиладиган махсулотнинг турига қараб олинадиган сертификатлар:

- а) Ветеринария сертификати;
- б) Фитосанитария сертификати;
- в) Гигиена сертификати;
- г) Мувофиқлик сертификати.

“Бир дарча” тамойили бўйича сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда аризачи оладиган сертификатнинг турига қараб ТИФ божхона постларидаги ваколатли сертификация органларига қуидаги хужжатларни илова қилган ҳолда ягона шаклдаги аризани тақдим этади:

а) товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Таъзи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги “Ўзэкспертиза” ОАЖ):

- экспорт контракти нусхаси;
- юкландиган товарга счёт-фактура нусхаси;
- экспорт қилинадиган товарни тайёрловчи, ишлаб чиқаришда фойдаланилган хомашёнинг келиб чиқиши ва компонентлари (хомашё етказиб беришга шартномалар, счёт-фактуралар) тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайдиган хужжатларнинг нусхалари;
- технологик жараёнларни тартибга солувчи хужжатларнинг нусхалари.

Товарлар келиб чиқсан мамлакатни, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган импорт қилинган компонентлар, хомашё -материаллар, бутловчи ва эҳтиёт кисмларни аниқлаш бўйича мурожаат килинган тақдирда - юқорида кўрсатилган хужжатларга кўшимча равишда қуидаги хужжатлар тақдим этилади:

- юкнинг божхона декларацияси нусхаси;
- материаллар ва кўшилган қийматнинг фоиздаги улушкини аниқлаш учун товарнинг таннархи ҳисоб-китоби;

- товар позициясининг товарни қайта ишлаш натижасида юзага келган биринчи түртта белгисидан бири даражасида ТИФ ТН бўйича ўзгаришини асослаб бериш;

- сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов хужжати;

б) ветеринария сертификатини олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси):

- экспорт қилишга Давлат ветеринария бош бошқармасининг руҳсатномаси;

- назоратдаги юкни транзит қилишга ветеринария руҳсатномаси;

- ветеринария гувоҳномаси;

- сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов хужжати;

в) фитосанитария сертификатини олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат бош инспекцияси):

- импорт қилувчи мамлакатнинг (алоҳида мамлакатлар учун ҳукуматлараро битимга асосан) импорт қилишга карантин руҳсатномаси;

- транзитга руҳсатнома (алоҳида мамлакатлар учун);

- фитосанитария карантин сертификати;

- зарарсизлантириш тўғрисидаги далолатнома;

- сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов хужжати;

г) гигиена сертификатини олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази):

- Давлатлараро стандарт (ГОСТ), Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти (O'zDSt)га мос бўлган товарни сертификациялашни тартибга соладиган норматив хужжат нусхаси;

- сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов хужжати.

Ваколатли сертификация органлари вакиллари:

- тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги ва уларда учрайдиган номувофиқликни аниқлаш учун уларни дархол кўриб чиқадилар;

- тақдим этилган хужжатлар белгиланган талабларга мос келганды уларни қабул қыладылар;

- камчиликлар аникланганда аризачига ягона шаклдаги аризада камчиликларни күрсатған ҳолда камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни қайтарадылар.

Ваколатли сертификация органлари ариза қабул қилинган кун мобайнида, экспорт учун мұлжалланган товарлардан белгиланған тартибда намуналар оладылар ва товарлар намуналарини ҳамда хужжатларни тегишли синов лабораторияларига ва/ёки ваколатли органларга юборадылар.

Экспортта мұлжалланған товарлар учун лаборатория синовлари, экспертизадан үтказиш ва тегишли сертификатлар беріш муддаты, қишлоқ хұжжатларни маҳсулотларидан ташқари, күпі билан 3 иш кунини ташкил этади.

Қишлоқ хұжжатларни маҳсулотини экспорт қилишда:

- товарнинг келиб чиқиши сертификатини беріш муддати 3 иш кунидан ошмайды;

- лаборатория синовларини үтказиш ва бошқа тегишли сертификатларни беріш муддати 5 иш кунидан ошмайды.

Лаборатория синовлари якунлари бүйічә ижобий натыжа олинған тақдирда ваколатли сертификация органлари вакиллари бир иш куни мобайнида аризачига бевосита ТИФ божхона постида тегишли сертификатларни берадылар.

Иккінчи боскічда аризачи экспортта мұлжалланған товарларнинг экспорт контрактини ҳисобға қўйиш ва божхонада расмийлаштириш учун давлат божхона хизмати органлари ходимига куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- экспорт контракти;

- юкнинг божхона декларацияси;

- транспорт ва товарларга илова хужжатлари (контейнер ва вагоннинг тартиб рақами, темир йўл юк хужжатлари ва бошқалар);

- товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат, ветеринария, фитосанитария ва гигиена сертификатлари (зарур ҳолларда);

- божхона тўловлари тўланғанлигини тасдиқлайдиган тўлов хужжати (тўлов топшириқномаси, квитанция, таққослаш далолатномаси ва бошқалар).

Давлат божхона хизмати органи ходими:

- тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги ва уларда учрайдиган номувофиқликни аниқлаш учун уларни дарҳол кўриб чиқади;
- тақдим этилган хужжатлар белгиланган талабларга мос келганда уларни қабул қиласди;
- камчиликлар аниқланганда аризачига ягона шаклдаги аризада камчиликларни кўрсатган ҳолда камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни қайтаради.

Давлат божхона хизмати органи ходими товарларни экспортга етказиб берадиган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг экспорт контрактларини бир кун мобайнида ҳисобга қўяди. Экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси. Давлат божхона кўмитасида ва худудий божхона бошқармаларида, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат божхона хизмати органи ходими экспорт қилинадиган товарларнинг юклаб жўнатишга тайёрлигига қараб, уларни ва транспорт воситаларини божхона текширувидан ўтказади, шунингдек, экспорт қилинадиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувини бир иш куни мобайнида амалга оширади.

Маҳсулотларни экспортта чиқариш жараёнларини соддалаштириш ва тадбиркорларнинг ортиқча вақти ва маблағларини тежаш мақсадида товарларни электрон шаклда декларациялаш тизими жорий этилгани анча қулийликлар туғдирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон қарори билан тасдиқланган “Товарларнинг электрон шаклдаги божхона декларацияланиши тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ товарларнинг электрон шаклда декларациялаш амалга оширилади (8-чизма).

Электрон декларациялаш тартиби учта босқичдан ташкил топган:

- биринчи босқичда ваколатли органлар томонидан амалдаги қонунчиликка кўра ва белгиланган муддатда электрон рақамли имзо (кейинчалик ЭРИ) билан тасдиқланган ҳамда идоралараро келишилган тартибда рухсат берувчи хужжатлар берилади ва улар электрон декларациялаш автоматлашган ахборот тизимига (ЭДААТ) киритилади. Низомда рухсат берувчи хужжатлар ҳамда уларни бериш ва киритиш учун ваколатли идоралар рўйхати илова қилинган;

1-бос-кич	Ваколатли органлар	Идоралараро келишилган тартибда рухсат берувчи хужжатлар ва бошқа хужжатларни ЭДААТга киритилади	Аризачи хужжатларни бергунча ёки хужжат билан бир вақтда
		Аризачига рухсат берувчи ва бошқа хужжатларни беради	
2-бос-кич	Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис	Электрон декларацияни ва унга тегиши бўлган барча хужжатларни тайёрлайди, электрон ракамли имзо билан интернетдаги ЭДААТ орқали божхона органларига юборади	Тайёр бўлиши билан
		Товарни электрон шаклда божхона расмийлаштирувидан ўтказадиган ходимига электрон декларацияни юборади	
3-бос-кич	Божхона органи ходими	Электрон декларация тўғри тўлдирилганлигини, ЯААТ ва ЭДААТда рухсат берувчи, ҳамроҳлик қилувчи ва бошқа хужжатлар мавжудлигини дастлабки текширувдан ўтказади	Бир иш куни давомида
		Камчиликлар аниqlанган ҳолатларда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисига уларни бартараф этиш учун хатоликлар рўйхатини ўз ичига олган электрон хабар юборади	
		Текширишлар ижобий натижа берганда электрон декларацияни маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказади	Дарҳол
		Товарларни электрон шаклда божхона рўйхатидан ўтказишни амалга оширади	
			Уч иш куни давомида

8-чизма. Экспорт товарларини электрон декларациялаш тартиби

- иккинчи босқичда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис томонидан тайёрланган божхона юк декларацияси ва унга тегишли бўлган барча хужжатларнинг электрон шакллари унинг электрон рақамли имзоси билан интернетдаги ЭДААТ орқали божхона органларига юборилади.

Агарда, БЮДга тегишли бошқа хужжатларнинг электрон шакллари мавжуд бўлмаса, уларнинг сканер қилинган нусхасини тақдим этиш мумкин;

- учинчи босқичда Божхона органи ходими томонидан бир иш куни давомида электрон декларация тўғри тўлдирилганини кўздан кечирилади ва хужжатларнинг Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган форматларга мослиги текширилади.

Товарларни божхона кўригидан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган божхона ходими уч соат давомида уни ўтказиш вақти ва жойи ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, камчиликлар аниқланган ҳолатларда уларни бартараф этиш учун хатоликлар рўйхатини ўз ичига олган электрон хабар юборилади. Электрон декларацияда кўрсатилган маълумотлар божхона кўриги натижаларига мос келганида, расмийлаштириш жараёнлари ўрнатилган тартибда якунинг етказилади. Яъни, электрон декларация маълумотлар базасида рўйхат рақами берилиб, қайд қилинади ва шу вактдан бошлаб у юридик аҳамиятга эга хужжатга айланади.

Юридик шахслар томонидан товарларни божхона расмийлаштируви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 20 июлдаги “Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда Давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган хужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 197-сонли Қарорида келтирилган рўйхатта асосан амалга оширилади.

Ушбу рўйхатта асосан товарларни “экспорт” божхона режимига расмийлаштирувда юкларни расмийлаштирувчи юридик шахс божхона органига кўйидаги хужжатларни тақдим этади:

1. Контракт (шартнома, битим), тегишли ваколатли органларда рўйхатдан ўтказилган биржа контрактлари бундан мустасно.

2. Божхона юк декларацияси.

3. Транспорт хужжатлари (транспорт турига қараб юхати) ва товарга илова қилинадиган хужжатлар (инвойс).

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда давлат божхона хизмати органлари томонидан ушбу қарорда назарда тутидмаган, давлат божхона

хизмати органлари ёки давлатнинг бошқа органлари ва давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа ташкилотлар тасарруфидаги кўшимча хужжатларни талаб этиш тақиқланади.

Товарларнинг электрон шаклдаги божхона расмийлаштируви Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон қарори билан тасдиқланган “Товарларнинг электрон шаклдаги божхона декларацияланиши тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ амалга оширилади.

Товарларнинг, шу жумладан электрон шаклдаги божхона расмийлаштируви хизмат кўрсатувчи банклар (газначиликлар) томонидан тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида тўловчининг шахсий ҳисоб рақами бўйича божхона тўловлари тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади (божхона тўловларини тўлаш кечиктирилиши ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилиши ҳоллари бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида рухсат берувчи тусдаги тегишли хужжат мавжуд бўлмаган тақдирда давлат божхона хизмати органлари божхона расмийлаштирувини рад этиш хукукига эгадир.

Экспорт фаолиятида юкларни сугурталашнинг аҳамияти катта. Суѓурга “иқтисодий фаолиятнинг жисмоний (юридик) шахслар (суѓурга қилдирувчилар) ва ихтисослашган ташкилотлар (суѓурга қилувчилар) ўргасида рискларни пасайтириш ёки қайта тақсимлаш билан боғлиқ ўзига хос шаклидир”⁴⁸.

Экспортга чиқарилаётган юкларни сугурталаш уларни харидоргача етказиб бериш, яъни уларни ортиш-тушириш, ташиш ва сақлаш жараёнларида қисман ёки тўлиқ йўқотишлилар ҳамда шикастланишлар билан боғлиқ зарарлардан ҳимояланиш мақсадида қўлланилади. Суѓурга экспорт билан боғлиқ турли хатарлар таваккалчилигини пасайтиришга ва қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қисман қоплаш орқали камайтиришга имкон беради.

Халқаро стандартлардан келиб чиқиб, суѓуртанинг қўйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин (24-жадвал).

⁴⁸ Как страховать экспортный груз? Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014. www.nbu-export.uz

Сұғурта хизматининг турлари ва хусусиятлари

Экспорт шартномасини бекор қилинишидан сұғурталаш	<p>Товарни ортиб жүннатышгача бўлган даврда рискларни қоплаш мақсадида кўлланилади. У экспортчига импортчи шартномани товарни ортиб жүннатышдан оддин бузиши билан боғлиқ заарларни қоплашга имкон беради. Сұғурта ишлаб чиқарилган товар таннархига тенг харажатларни қоплайди.</p>
Экспорт шартномасини комплекс сұғурталаш	<p>Товар ортиб жүннатилгандан сўнг сиёсий ёки тижорат рисклари туфайли импортчининг экспорт шартномаси бўйича тўловни ўз вактида амалга ошириш бўйича мажбуриятларини бажара олмаслиги натижасида юзага келадиган заарларни экспортчига қоплаб бериш учун кўлланилади.</p>
Конфискация, экспроприация ва национализациядан сұғурталаш	<p>Ўзбек инвестори мулкининг хорижда мусодара, экспроприация ва национализация (давлат фойдасига олиб кўйилиши) қилиниши ёки унинг ўз капиталини инвестиция қилган мамлакатдан олиб чиқиб кета олмаслиги оқибатида юзага келган заарларни қоплаш учун кўлланилади.</p>

Манба: Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 34 с.; Как страховать экспортный груз? Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014. www.nbu-export.uz асосида тузилган.

Халқаро амалиётда сұғурта хужжатлари сифатида куйидагилар тан олинади:

- сұғурта полиси;
- сұғурта сертификати;
- сұғурта квитанцияси;
- очиқ полис бўйича декларация.

Экспорт юкларини сұғурталашда жавобгарликнинг сұғурта қилдирувчи ва сұғурталовчи ташкилот ўртасида тақсимланиши мухим аҳамиятга эга ҳисобланади. Экспорт юкларини сұғурталашда жавобгарликнинг сұғурта қилдирувчи ва сұғурталовчи ташкилот ўртасида тақсимланиши 25-жадвалда келтирилган. Бу мажбуриятлар сұғурта шартномасида қатъий белгилаб кўйилиши мақсадга мувофиқ.

Экспорт юкларини суғурталашда мажбуриятларнинг тақсимланиши

Юкни суғурталаш учун маъсъул тараф	- экспортчи ва импортчи ўртасидаги келишувга мувофиқ шартномада кўрсатилади.
Экспортчи олдида юкни нобуд бўлиши, йўқолилини ёки шикастланиши учун жавобгар томон	<ul style="list-style-type: none"> - транспорт ташкилоти (йўқотиш ёки шикастланиш транспорт ташкилоти олдини ололмаган ва уни бартараф этиш унга боғлиқ бўлмаган вазиятлар туфайли юзага келганилиги исботланган ҳоллар бундан мустасно); - экспортчи билан тузилган шартномага асосан юкнинг бутлигини саклаш мажбуриятини олган транспорт-экспедиторлик компанияси (юкорида келтирилган холатлар бундан мустасно).
Юкнинг суғурталанганини тасдиқловчи дефакто хужжат	<ul style="list-style-type: none"> - экспортчининг суѓурта компанияси билан юкларни суѓурталаш бўйича тузган шартномаси асосида бериладиган суѓурта полиси.
Суѓурта шартномасини тузишда суѓурта килдирувчининг аризасида кўрсатиладиган маълумотлар	<ul style="list-style-type: none"> - товарнинг номи, оғирлити, ўринлар сони, юкни жойлаш шакли (ўрами, қадоғи); - транспорт тури ва ташин усули (доналаб, кутиларда, пакетларда ва бошқа); - юкни жўнатиш вақти; - юк ташин хужжатлари; - юкнинг суѓурта суммаси; - суѓурталаш шартлари (барча рисклар ёки уларнинг бир кисми учун мажбуриятлар).
Суѓурта килдирувчнинг эътироziга (давосига) илова қилинадиган хужжатлар	<ul style="list-style-type: none"> - суѓурта полисининг асл нусхаси; - юк хати ёки бошқа ортиш хужжатининг асл нусхаси; - инвойс (хисоб-фактура); - фалокат (авария) сертификати, суѓурта ҳодисасини тасдиқловчи экспертиза далолатномаси ёки бошқа хужжатлар.

Манба: Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007. – 49 с.; Как страховать экспортный груз? Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014. www.nbu-export.uz асосида тузилган

Ўзбекистонда экспорт юкларини суѓурталаш билан шугулланувчи “Ўзбекинвест” ЭИСМК, “Ўзагросуѓурта”, “Кафолат”,

“Мадад” ОАЖ каби бир қатор сұғурта компаниялари экспорт юкларини сұғурталаш хизматларини күрсатади.

Юкларни сұғурталаш учун экспортчи қуидаги ишларни амалга ошириши талаб этилади:

- сұғурта компанияларидан бирига юкни сұғурталаш учун ариза бериш;
- сұғурталаш учун аризанинг стандарт шақлдаги анкетасини шартнома маълумотларини күрсатиб түлдириб тақдим этиш;
- сұғурта компаниясининг сұғурта химоясини тақдим этиш тұғрисидаги қарорини кутиш (қисқа муддатда қабул қилинади);
- ижобий қарор бўлган тақдирда сұғурта компанияси билан шартнома имзолаш;
- тегишли сұғурта мукофотини тўлаш;
- сұғурта полисини (сертификатини) олиш.

Ниҳоят экспортни амалга ошириш ва расмийлаштириш билан боғлиқ барча жараёнлар ниҳоясида юк ташиладиган транспорт турини танлаш ва транспорт компанияси билан шартнома тузиш. Юкни ортиши ва жұнатыш ишлари амалга оширилади. Маҳсулотни жұнатыш учун, харидор билан келишилган ҳолда, қуидаги транспорт турларидан фойдаланиш мумкин:

- автотранспорт (автомашина, фура, рефрижератор) - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 аугустдаги “Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солишин механизмини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 249-сонли Қарорига асосан 2015 йил 1 сентябрдан бошлаб мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни (ТИФ ТН коди 07-08) экспорт қилиш фақат темир йўл ва ҳаво транспортида амалга оширилади;
- темир йўл контейнери;
- темир йўл вагони;
- авиатранспорт.

Транспорт тури танланғандан сўнг кейин экспедитор (транспорт компанияси) билан шартнома тузилади. Юк сотишига тайёр бўлиши билан транспорт беришлари учун буюртма йўлланади.

Авто. Юк (мева-сабзавот ва узумдан ташқари) ортиш учун автотранспорт компанияси билан шартнома тузиш талаб қилинади. Юк ортишига тайёр бўлиши билан автотранспорт олиш учун

буортма юбориш лозим. Транспорт компаниясидан тўлдириш учун авто юк хати (CMR, TIR) бланкаси олинади.

Темир йўл. Товарни вагонга ортиш учун Темир йўл бошқармаси билан шартнома тузиш, тариф бўйича юк ташиш хизмати ҳақини тўлаш ва вагон ажратиш учун ташиш режасини олиш лозим. Юк ортищдан бир неча кун олдин станция бошлиғи номига вагон ажратиш учун буортма бериш керак бўлади. Станцияда тўлдириш учун темир йўл юк хати бланкаси олинади.

Авиа. Товарни самолёт орқали юбориш учун буортма билан авиакомпаниянинг юк ташиш бошқармасига мурожаат қилинади, юк ташиш бўйича шартнома тузилади. Авиакомпанияда тўлдириш учун авиа юк хати бланкаси олинади.

Транспорт тақдим этилгач, маҳсулотнинг мўлжалланган манзилгача бутлигини сақланишини таъминлаш учун, юклаш ўз вақтида ва тўғри ташкил этилиши керак бўлади. Маҳсулотни оптимал равишда юклаш учун транспорт ҳажми ва ўлчамларини ўрганиб чиқиши лозим.

Экспорт қилинаётган маҳсулотни ортиш божхона пости инспектори, кинолог, декларант ва фирма вакили иштироқида амалга оширилиши лозим. Бу бўйича маҳсулотнинг божхона кузатувидан ўтказиш далолатномаси тузилади. Бунинг учун олдиндан божхона постига ариза топширилиши керак.

Юк ортиш якунлангач, транспорт ишлаб чиқарувчи ва божхона органи (инспектори) сўргичлари билан сўргичланади (пломба). Умумий ва соф оғирлиги ҳамда ўринлар сони ҳақидаги маълумот тўловномага (хисоб-фактура) ва транспорт юк хатига киритилади.

Юк ташиш учун транспорт юк хати олингач (темир йўл юк хати, авто юк хати (CMR, TIR) авиа юк хати), белгиланган нуқтагача юкни етказиб бериш учун маҳсулотта илова қилинган хужжатларининг асли ёки нусхасини транспорт компаниясига топшириши керак:

1. Темир йўл транспорти билан экспорт қилинганда – темир йўл станциясининг товар-кассирига.

2. Автотранспорт билан экспорт қилинганда - автотранспорт ҳайдовчисига.

3. Ҳаво транспорти билан экспорт қилинганда – юк ташиш бўлимни нозимига.

Махсулот бешикаст етиб борганлиги тасдиқлангандан ва шартномада кўрсатилган ҳажмдаги маҳсулот тўлиқ жўнатилгандан кейин шартноманинг якунига етганлиги тўғрисида далолатнома тузилади.

Транспорт-экспедиторлик компанияси хизматларидан фойдаланишда юкларни ташишда кўлланиладиган асосий ҳужжатларга қўйидагилар киради:

- транспорт-экспедиция хизмати шартномаси;
- товарга ҳамроҳлик қилувчи ҳужжатлар;
- тижорат ҳужжатлари;
- божхона ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар.

1.6. Қишлоқ ҳўялиги маҳсулотларини экспортга чиқаришни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими

Қишлоқ ҳўялиги маҳсулотларини экспортга чиқаришда ташки савдони давлат томонидан тартибга солиш механизмларини чуқур ўрганиш ҳам катта аҳамият касб этади. Ташки савдони давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ўз ичига қўйидагиларни олади:

- давлатнинг ташки иқтисодий сиёсати ва ташки савдо режими;
- экспортни тартибга солишнинг тарифли ва нотариф механизмлари;
- товарларни сертификатлаш, квоталаш ва миқдорий чекловлар ўрнатиш тизими;
- валюта курслари ва валюта сиёсати;
- ички бозорни ҳимоялаш мақсадида протекционистик, компенсацион ва демпингга қарши чоралар қўллаш тизими;
- экспорт ҳамда импортни преференциялар ва имтиёзлар орқали қўллаб-қувватлаш;
- ташки савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан, миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;
- олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш;

- техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш;

- ташки иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

Ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари қўйидагилардан иборат:

- ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади;

- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини, иқтисодий мустақиллиги ва иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

- ташки иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларини тузади;

- Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини ишлаб чиқади;

- чет элдан олинадиган кредитлар учун Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг кафолатларини беради.

- Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги мулкига эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

- конун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш фақат уларни олиб кириш ёки олиб чиқиш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилади. Товарлар айрим турларининг экспорти ва импортини амалга ошириш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим товарлар турларини экспорт ва импорт қилишга нисбатан миқдорий чекловлар (квоталар) белгиласи мумкин. Квоталарни тақсимлаш, қоида тариқасида, танлов ёки кимошди савдоси асосида амалга оширилади.

Экспорт ва импорт қилиниши лицензияланиши ҳамда квоталаниши зарур бўлган товарлар айрим турларининг рўйхати, шунингдек лицензияларни бериш ва квоталарни тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

- ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат сиёсати олиб борилишини, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манбаатлари ҳимоя килинишига доир вазифалар бажарилишини тъминлайди;
- ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизи такомиллаштирилишига доир таклифларни ишлаб чиқади;
- қонун хужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солиб туради;
- ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарув органлари ишини мувофиқлаштиради ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида экспорт фаолиятини амалга оширувчи ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига кулай шартшароитлар яратиш мақсадида қонунчилик билан бир қатор кафолатлар тизими яратилган ҳамда улар давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида мувофиқ давлат “ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатлари тъминланишини кафолатлади. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонун хужжатларида мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашишга шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда улардан қонун хужжатларида назарда тутилмаган хужжатларни талаб қилиб олишга хақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузувчи хужжатлар қабул қилган тақдирда, уларга етказилган зарарнинг ўрни қонун хужжатларида мувофиқ қопланади”.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ экспорт фаолиятини амалга оширувчи корхоналарга қўйидаги имтиёзлар ва кулийликлар турлари тақдим этилади (26-жадвал):

**Экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналар учун яратилган
айрим имтиёзлар ва қулайликлар тизими**

Имтиёзлар түри	Имтиёзлар мазмуни	Имтиёзлар жорий этилган мөъёрий-хукукий хужжатлар
1	2	3
Акциз солигига	Акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга акциз солиги солинмайди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган товарларнинг айрим турлари бундан мустасно.	Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, 230-модда
Кўшилган қиймат солигига	Товарларни чет эл валпотасида экспортга реализация килиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича кўшилган қиймат солиги солинади	Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, 212-модда
Ягона солик тўлови бўйича	Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик тўлови ставкаси кўйидагича камайтирилади: <ul style="list-style-type: none"> - умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгacha бўлганида – 30 фоизга; - экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ бўлганида – 50 %га. 	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги “Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рагбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2613-сонли Фармони
Фойда солигига ва мулк солигига	Экспорт қилувчи корхоналар (хомапеे товарларидан ташқари) учун фойда солиги ва мулк солиги ставкаси умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарувчи ва эркин алмантириладиган валоттага сотилган товарлар (иш, хизмат) экспортидаги улушкига боғлиқ холда камайтирилади: <ul style="list-style-type: none"> - экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгacha микдорда бўлганида – 30 фоизга; - экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида – 50 %га. 	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги “Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рагбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2613-сонли Фармони

1	2	3
Мулк солигига	2016 йил 1 январга қадар (2018 йил 1 январгача узайтирилган) республика даги ўз маҳсулоти ҳажмининг, жумладан ярим тайёр маҳсулотларининг (калава, газлама, трикотаж газлама ва пахта йигирин чикиндилари) 80 фоизи ва ундан ортигини эркин алмаштириладиган валютага сотадиган тўқимачилик саноати корхоналари мулк солиги тўлашдан озод қилинган.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартағи “Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришини рагбатлантиришга оид кўшимишча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1512-сонли Қарори
Божхона божи ва экспортни лицензия-лаш бўйича	1997 йил 1 ноябрдан бошлаб бекор килинсин: - барча турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) учун экспорт божхона божи; - специфик товарлардан ташқари бошқа товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини лицензиялаш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли “Говарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рагбатлантиришга доир кўшимишча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони
Божхона йигимлари бўйича	Товарларни экспорт килипда тўланадиган божхона расмийлаштируви йигимларининг амалдаги ставкасига караганда ўргача 2 маротабага камайтирилган янги ставкалари тасдиқланган. Товарларни “экспорт”га расмийлаштириш учун божхона йигими ставкаси 0,2% дан 0,1% га туширилди.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсикларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1604-сонли Қарори
Валютани мажбурий сотишда	Микрофирма ва кичик корхоналар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда ёввойи ўсимликларни экспорт қилишдан тушадиган хорижий валютадаги тушумларнинг 25 фоизини мажбурий сотилиши белгилаб кўйилган (Микрофирмалар ва кичик корхоналар бошқа рухсат этилган маҳсулотлар экспортида валютанинг 50 %ини мажбурий сотишдан озод этилган).	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2455-сонли Қарори

Манба: Экспорт фаолиятига оид тегишли меъёрий-хукукий хужжатлар асосида муаллифлар томонидан тузилган.

- қўшимча қиймат солигига;
- акциз солигига;
- фойда солигига;
- мулк солигига;
- божхона божи ва божхона йигимлари бўйича;
- экспортни лицензиялаш бўйича;
- экспортдан олинган валюта маблағларининг бир қисмини мажбурий сотишда;
- экспортдан олинган валюта маблағларини корхонанинг валюта ҳисобварағига келиб тушиш муддатларини узайтиришда;
- экспортга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган рухсат берувчи хужжатларни олиш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати, декларация қилиш ва товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида.

Мазкур имтиёзлар экспорт фаолиятини амалга оширувчи дехқон ва фермер хўжаликлари учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энг аввало Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармонига асосан, республикамиизда 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб барча турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) учун экспорт божхона божи бекор қилинганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, мазкур фармон билан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) барча турларига (экспорт божхона божлари ва специфик товарлардан ташкари) товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини лицензиялаш тартиби бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 9 августдаги 189-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатларга экспорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектларига чет элда ташки бозорлардаги маркетинг тадқиқотларини ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларни реклама қилиш мақсадида савдо уйлари ва ваколатхоналар очиш рухсат берилган.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни савдо уйлари номига олиб чиқаётган экспорт қилувчи корхоналар товар консигнация шартларида олиб чиқилганда, банк кафолатномаси ёки сиёсий ва тижорат таваккалчилкларидан экспорт контрактларини суғуртлаш полисини тақдим этмасликлари мумкин.

Божхонада расмийлаштирилган кундан бошлиб 180 кун мобайнида экспортчи шартномалар (контрактлар) асосида чет элдаги корхоналар номига олиб чиқилган товарлар бўйича валюта тушуми тушишини ёхуд ушбу товарларнинг Ўзбекистон Республикаси худудига қайтишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 245-сонли Қарорининг 5-бандига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сонли Қарори билан ўзгартириш киритилди. Унга кўра, хорижий валюта тушуми тушишининг белгиланган муддатдан кечикканда экспорт қилувчи корхоналардан ундириладиган жарима санкцияларининг енгиллаштирилиши, шу жумладан:

- белгиланган муддатлари ўтгандан кейин хорижий валюта тушуми тушишининг 30 банк кунидан кўпроқ (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун - 60 банк куни) кечикишига йўл қўйган юридик шахс-резидентлар республика бюджети фойдасига жарима тўлайдилар:

- валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 180 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан 10 фоиз эквивалентда;

- валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 180 кундан 365 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан 20 фоиз эквивалентда;

- валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 365 кундан ортиқ муддатга кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан кўшимча равишда 70 фоиз эквивалентда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 марта даги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва ракобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беринши кенгайтириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сонли Қарорига асосан маҳаллий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналарга куйидаги хукуқлар берилган:

- халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар хукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси худудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда хорижий қатнашчилар

билин төңг шароитларда, жумладан ишлаб чиқарылган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга чет эл валютасида шартномалар тузган ҳолда иштирок этиш;

- Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарылган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга тўғридан-тўғри битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш.

Оддинлари тадбиркорлар экспорт операцияларини амалга оширишларида, яъни ташки савдо шартномасини тузишдан бошлаб, товарларни жўнатгунга ёки қабул қилгунга қадар тегишли руҳсатномалар олиш учун бир нечта давлат органларига мурожаат қилишлари ва ҳар бир идора учун алоҳида ҳужжатлар тўпламини тайёрлаб тақдим этишларига тўғри келарди. Бу эса муайян даражада ортиқча вақт сарфланишига ва молиявий харажатларнинг кўпайишига олиб келар эди. Ҳозирги кунда бу жарёйларни соддалаштириш ва қисқартириш орқали экспортчи корхоналарнинг ташки иктиносидий фаолиятдаги иштирокини енгиллаштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган (27-жадвал).

27-жадвал

Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куvvатлаш орқали экспортчи корхоналарнинг ташки иктиносидий фаолиятини кенгайтириш чора-тадбирлари

Чора-тадбирлар йўналишлари	Эришилган натижалар
1	2
1. Руҳсат бериш тартиботларини қисқартилиши йўналишида:	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий хисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-4453-сонли Фармони билан айрим хисобот турлари ва даврийлиги қисқартирилди, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 80 та (шундан 14 таси бевосита божхона соҳасига доир) руҳсат бериш тартиби ва 15 та фаолият турини лицензиялаш бекор килинди.	Руҳсат бериш тартибларинининг қисқартилиши натижасида божхона расмийлаштируви муддати 10 кундан 3 кунга тушрилди.

1	2
2. "Бир дарча" тамойилий йўналишида:	
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги “Экспорт операцияларини “бир дарча” тамойилий бўйича амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 305-сонли Қарорига мувофиқ 2012 йил 1 апрелдан боштаб Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг барча ташки иқтисодий фаолият божхона постларида онлайн режимидаги электрон шаклдаги хужжатларни (контрактларни ҳисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш) тақдим этган ҳолда “бир дарча” тамойилий бўйича экспортга етказиб берилшлар билан боғлик тартиботларни амалга ошириш механизми жорий этилди.</p>	<p>Мазкур механизм экспорт операцияларини амалга оширишда тегишли давлат органлари нинг ягона ахборот тизими орқали зарур сертификат ва рұксатномаларни “реал вақт” режимида узатиш орқали бу жараёнларни 15 кундан 3 кунга, божхона расмийлаштирувани 10 кундан 1 кунга кисқартириш имконини берди.</p>
3. Интерактив хизматларни жорий этиш йўналишида:	
<p>Хозирги кунда ДБҚ веб-сайтида ахборот хавфсизлиги кафолатланган “Тадбиркорнинг шахсий кабинети” интерактив хизмати доирасида 11 турдаги интерактив хизматлар жорий этилган:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Электрон нусхаларни қабул қилиш; 2. Электрон БЮДни тайёрлани; 3. Божхона тўловларини олдиндан хисоблаш; 4. БЮД мантиқий назорати; 5. Электрон БЮДни божхона тизимида жўнатиш; 6. Божхона органларига кузатув хужжатларини тақдим этиш; 7. Божхона кўриги вақти ва жойини белгилани; 8. Электрон БЮДни қабул қилиш муддатини назорат қилиш; 9. Божхона органларида расмийлаштириш муддатини назорат қилиш; 10. Республика худудига темир йўл транспорти орқали кирувчи юклар хақида маълумот олиш; 11. Республика худудига автотранспорт орқали кирувчи юклар хақида маълумот олиш. 	<p>Кўрсатилаётган интерактив хизматлар тадбиркорларга божхона расмийлаштируви жараёни устидан назорат ўрнатишга имкон беради.</p> <p>Ушбу интерактив хизматлар тадбиркорлар томонидан божхона юқ декларацияларини ДБҚ ахборот тизимида киритиш, рўйхатга олиш ва расмийлаштиришни реал вақт режимида кузатиб боришга имкон беради.</p>

Манба: Экспорт фаолиятига оид тегишли меъёрий-хукукий хужжатлар ва ДБҚ веб-сайти www.customs.uz асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришнинг амалдаги тартиби микрофирмалар ва кичик корхоналар учун татбик этилган:

- юридик шахсларнинг солиққа тортилувчи даромад (фойда) базасини сифатни бошқариш системасининг ривожланишига йўналтирилган инвестиция микдорида камайтириш;

- синов лабораториялари томонидан лаборатория тадқиқотлари ва тестлар ўтказиш мақсадида олиб кирилган технологик ускуналар бож ва қўшимча қўймат солигидан озод қилиш.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда қулагай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш орқали экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш борасида изчил ва тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга боскичмабоскич жорий этиб борилмоқда. Бу чора-тадбирлар истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ва дехқон хўжаликлари ҳамда бошқа экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарнинг ташки савдо фаолиятини янада ривожлантиришга мустаҳкам замин яратади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Жаҳон бозорларига Ўзбекистондан қандай турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни экспортга чиқариш истиқболли хисобланади?

2. Жаҳон озиқ-овқат бозорларида рақобатнинг кескин тус олиши қандай ҳолатлар билан изоҳланади?

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорларидағи рақобатбардошлилигига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

4. Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобат устунликлари нималардан иборат?

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариши тартиби ва кетма-кетлигини биласизми?
6. Экспорт операцияларини “бир дарча” тамоилии бўйича амалга оширишнинг зарурияти ва моҳиятини тушунтириб беринг?
7. Экспортга чиқарилаётган маҳсулот учун қандай сертификатлар олинади?
8. Экспорт каналлари ва унда фойдаланиладиган транспорт воситалари хусусида нималарни биласиз?
9. Экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни кўллаб-кувватлаш борасида қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда?
10. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ экспорт фаолиятини амалга оширувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қандай имтиёзлар ва кулагилклар тақдим этилади?
11. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-кувватлаш жамғармаси”нинг асосий вазифаси нималардан иборат?
12. “Ўзтадбиркорэкспорт” ихтисослаштирилган ташки савдо компаниясининг асосий вазифаси нималардан иборат?

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДАН ЖАҲОН БОЗОРЛАРИГА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

2.1. Жаҳон озиқ-овқат бозорларида Ўзбекистоннинг мева-сабзавотлар экспорти бўйича эгаллаган ўрни ва имкониятлари таҳлили

Мева-сабзавотчилик – Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Мева-сабзавотчилик Ўзбекистон учун жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида интеграциялашувни ва валюта тушумини таъминлаб берувчи тармоқлардан бири ҳисобланади.


Кейинги йилларда республикамизда мева-сабзавотчиликни кенг кўламда ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда боғдорчиликни ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилиб, бутунлай янги интенсив технологияга асосланган боғлар барпо этилмоқда. Мухтарам Президентимиз бу масалага ўз эътиборларини қаратиб, куйидагича фикр билдиради: “Янги бօғ ва узумзорлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди.

Бундай боғларнинг кўплаб афзалликларга эга экани бугунги кунда амалда намоён бўлмоқда. Мисол учун, оддий мевали дараҳт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунинг қадар одатда 4-5 йил ўтади. Интенсив боғдорчилиқда эса дараҳт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2014 йилнинг ўзида ўртача 300 центнердан ҳосил олингани ва ҳосилдорлик йил сайин кўпайиб бораётгани буни тасдиқлайди.

Замонавий агротехнологияларни жорий этиши ва фермерларни юқори унум билан ишлайдиган кишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ҳисобидан кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларга ўтиш ушбу соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришда энг муҳим йўналиш ҳисобланади⁴⁹.

Амалга оширилган ишлар натижасида йилдан-йилга мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги-нинг маълумотларига кўра 2011-2015 йиллар давомида боғдорчиликда янги агротехнологиялар асосида 23908 гектар юқори ҳосил берадиган пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар яратилган. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва сифатли меваларни экспорт қилиш имконини яратади. (9-чизма).



9-чизма. Республикаизда 2011-2015 йилларда пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар барпо этиши кўрсаткичлари

Қишлоқ хўжалигининг мевачилик ва узумчилик қуий тармоқларини модернизациялаш дастурларида нафакат янги интенсив боғлар ва токзорлар барпо этишига, балки мавжуд

⁴⁹ И.А.Каримов. 2015 йилда иктисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

маҳаллий боғлар ва токзорларни реконструкция қилишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Сўнгти 2009-2015 йиллар ичида жами 52250 гектар янги мевали боғлар, 36147 гектар янги токзорлар барпо этилган бўлса, яроқсиз ҳолга келган 57880 гектар боғлар ва 37362 минг гектар токзорлар қайта реконструкция қилинди (28-жадвал).

28-жадвал

Республикамизда 2009-2015 йилларда янги барпо этилган ҳамда реконструкция қилинган мевали боғлар ва узумзорлар, (гектарда)

Кўрсаткичлар	Жами 2009- 2015 йил- ларда	Шу жумладан йиллар бўйича						
		2009 йил	2010 Йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 Йил
Янги барпо этилган боғлар	52250	3217	4139	14627	7564	4920	7967	9816
Янги барпо этилган токзорлар	36147	1630	1752	5328	3764	4758	9035	9880
Реконструкция қилинган яроқсиз боғлар	57880	8712	6 317	12260	8526	5672	4138	12255
Реконструкция қилинган яроқсиз токзорлар	37362	4158	4473	5419	5970	3794	6086	7462
Жами	183639	17717	16681	37634	25824	19144	27226	39413

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Республикамизда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган қишлоқ хўжалиги тармокларини ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастурларига мувофиқ, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида мевазор боғлар яратиш ва эскиларини реконструкция қилиш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, интенсив боғлар барпо этиш, янги токзорлар яратиш ва эскиларини реконструкция қилиш, иссиқхоналар барпо этиш каби йирик инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра биргина 2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилган 19216 та амалга оширилган бўлиб, уларнинг 2365 таси интенсив боғлар, 2015 таси янги токзорлар, 2660 таси боғларни реконструкция қилиш, 558 таси иссиқхоналар яратиш, 181 таси музлаткичи омборхоналар қуриш ва 247 таси маҳсулотларни қайта ишлап соҳасида ташкил этилган (29-жадвал).

29-жадвал

Республикада 2014-2015 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури доирасида мева-сабзавотчиликда амалга оширилган лойиҳалар


Турлари	Лойиҳалар сони		Ўлчов бирлиги	Лойиҳаларни амалга ошириш		Жами талаб этилган маблағ, млн. сўм	
	2014 йил	2015 йил		2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил
Интенсив боғлар	607	2365	га	5580	9816	126645	248517
Янги токзорлар	1977	2015	га	9035	9880	57245	94217
Боғ реконструкция	1505	2660	га	4138	12255	16725,4	43658
Ток реконструкция	1663	1165	га	6086	7462	18133	23475
Иссиқхоналар (фермер хўжалик-ларида)	751	558	га	422	297	94431	88658
Иссиқхоналар (дехқон хўжалик-ларида)	10691	10025	га	218,1	154	29871	27208
Музлаткичи омборхоналар	216	181	тонна	103555	102970	109101	146224
Қайта ишлапни ташкил этиш	326	247	тонна	222112	318048	183080,3	235563
Жами	17736	19216				635231	907697

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши истиқболда республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган ички

эҳтиёжи ва қайта ишлаш саноати эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш билан бир қаторда, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини мунтазам ошириб бориш ва жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллашга замин яратади.

Аграр ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотларига караганда 2000-2015 йиллар давомида мамлакатимизда буғдой ишлаб чиқариш 2,1, картошка 3,7, сабзавотлар 3,8, полиз 4,1, мевалар 3,5 ва узум 2,5 мартаға ошган (10-чизма).



10-чизма. Республика бўйича асосий турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси, минг тоннада

Истиқболда мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотларининг ички истеъмолдан ортиқ қисмини тўғридан-тўғри ёки қайта ишланган ҳолда экспортга чиқариш Ўзбекистон учун жаҳон бозорларида катта имкониятлар очиши мумкин.

Махаллий корхоналарда қишлоқ хўжалиги хомашёсини янада чукур қайта ишлашни таъминлаш ҳамда шу асосда озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги “2012-2015 йилларда республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва бошкаришни ташкил этишини янада такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисида”ги ПҚ-1633-сонли Қарорига мувофиқ 2013–2015 йиллар оралиғида жами 298 бирлик мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарини янгидан куриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш кўзда тутилган бўлиб, уларнинг қайта ишлаш куввати 187 минг тоннани ташкил этиши белгиланган ва бу мақсадлар учун 81,3 млн. АҚШ доллари сарфлаш ҳамда 4136 та янги иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Кишлоп ҳўяжалиги хом ашёсини қайта ишлашни кенгайтириш борасида амалга оширилган мақсадли дастурлар натижасида 2005–2015 йиллар давомида қайта ишлаш ҳажми меваларда 201,7 мингдан 570,4 минг тоннага (2,8 марта), сабзавотларда 308,1 минг тоннадан 1 528,7 минг тоннага (5,0 марта) ва узумда 192,5 минг тоннадан 383,2 минг тоннага (2,0 марта) ошди (30-жадвал).

30-жадвал

2005-2015 йилларда республикада мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш ҳажми ва даражаси динамикаси


Кўрсаткичлар	2005 йил	2007 йил	2009 йил	2011 йил	2013 йил	2015 йил*
Мевалар:						
Қайта ишлаш ҳажми, минг тонна	201,7	165,9	293,5	333,1	445,8	570,4
Қайта ишлаш даражаси, %да	21,2	13,1	19,0	17,7	18,9	21,1
Сабзавотлар:						
Қайта ишланш ҳажми, минг тонна	308,1	634,0	679,6	778,6	1252,2	1528,7
Қайта ишланш даражаси, %да	8,8	13,6	11,9	11,2	14,5	16,0
Узум:						
Қайта ишланш ҳажми, минг тонна	192,5	191,1	231,2	252,2	305,1	383,2
Қайта ишлаш даражаси, %да	30,0	21,7	25,7	23,1	23,6	25,1

* 2015 йил маълумотлари прогноз кўрсаткичлар.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси маълумотлари асосида тузилган.

Республикада мева-узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини экспортга чиқариш соҳаси йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотларига қараганда 2015 йилда худудий экспорт дастурининг ижроси 2 887,2 млн. долларни ташкил этган бўлса, экспорт таркибининг 1 117,9 млн. доллари ёки 38,7 фоизини мева-сабзавотлар ҳамда 507,8 млн. доллари ёки 17,6 фоизини саноат маҳсулотлари ташкил этган (11-чизма).



11-чизма. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилдаги худудий экспорт дастури бажарилиши кўрсаткичлари.

Кейинги йилларда жаҳон бозорларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошиб бормоқда. Жумладан, 31-жадвалда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш Жамғармаси” томонидан ташқи бозорларни ўрганиш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар асосида дунёning айрим мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импортига талаб ҳажми келтирилган.

Жанубий Корея Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига йиллик талаб 33386,3 млн. АҚШ долларини, озиқ-овқат маҳсулотларига талаб эса 25285,1 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Худди шунингдек, Россия Федерациясида ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига йиллик талаб ҳажми юқори эканини кўриш мумкин.

Агар айрим мамлакатлар кесимида мева ва полиз маҳсулотларига талаб ҳажмини таҳдил этадиган бўлсак, Россия Федерациясида “Granny Smith” навли олмага йиллик талаб 1,38 млн. тоиннани ва унинг нархи бир кг учун 1,7 – 1,9 АҚШ долларини ташкил этишини кўриш мумкин.

Дунёнинг айрим мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импортига талаб, 2015 й.

Мамлакат	Жами импорт, млн. АҚШ доллари	Шу жумладан				
		Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Кимё маҳсулотлари	Тўқимачилик маҳсулотлари	Текстиль маҳсулотлари
Россия Федерацияси	342980,0	44725,0	41759,7	40165,6	9014,3	4365,0
Афғонистон	8724,0	1200,5	1200,5	131,1	8,7	132,4
Қозогистон	48872,5	4726,9	4462,4	5108,4	965,3	492,1
Жанубий Корея	515586,0	33386,3	25285,1	46665,0	7535,3	5217,6
Қиргизистон	6069,7	968,9	880,9	613,2	268,1	160,1
Латвия	17863,9	3323,4	2902,8	2096,8	455,9	295,8

Манба: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-куvvатлаш Жамғармаси” мъалумотлари - www.nbu-export.uz.

Германияда эса “Gala” (Франция), Golden (Италия) ва “Jonagold” (Германия) навли олмаларга талаб йилига 2,5 млн. тоннага тенг бўлган ва уларнинг нархлари 1,0 доллардан 1,95 долларгacha фарқланган (32-жадвал).

Японияда олманинг “Фуджи” нави ўртача нархи 2,5 доллар бўлганда унга йилилик талаб ҳажми 3,1 млн. долларни ташкил этмоқда. Бошқа мамлакатлар бўйича қараганда ҳам мева-сабзавот маҳсулотларига талаб ҳажми юқори эканлигига ишонч хосил қилиш мумкин. Бу холат мева-сабзавотлар етиштириш бўйича йирик салоҳиятга эга Ўзбекистон учун қулай имкониятлар очади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш стратегиясини ишлаб чиқишида Ўзбекистоннинг жаҳон озиқ-овқат бозорларида туттган ўрни ва эгаллаган улушини таҳлил этиши муҳам. Бу экспортчи корхоналарга жаҳон озиқ-овқат бозорлари конъюнктурасини ўрганиш орқали талабга мос маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга имкон беради.

32-жадвал

Дүнөннинг айрим мамлакатларрида мева ва полиз маҳсулотлари импортига талаб хажми

Импорт кинуви мамлакат	Махсулот тири	Махсулот нави	Нархи, АКПИ долл./кг	Сертификатлар, линенцизлар	Импорта йиллик талаф хажми
1	2	3	4	5	6
Россия Федерацияси	Хурмо	Коралёк Анжир, Ромапика	1,4 - 1,7 1,5 - 1,6	Келиб чикли сертификати Келиб чикли сертификати	х х
	Корун	Торпедо Гуркета	0,92	Келиб чикли сертификати	200 минг тонна
	Анор	Granny Smith	1,4 - 1,5 1,7 - 1,9	Келиб чикли сертификати Келиб чикли сертификати	480 минг тонна 1,38 млн. тонна
	Олма	Gala	1	Келиб чикли сертификати, Global GAP	1,0 млн. тонна
	Корун	Галия Пизэль де Санто	0,60 - 0,88 0,45 - 0,60	Келиб чикли сертификати, Global GAP	100 минг тонна
	Тарвуз	Кора тарвуз Йўл-йўл тарвуз	0,1 - 0,5 0,15 - 0,2	Келиб чикли сертификати, Global GAP	70 минг тонна
Германия	Олма	Gala (Франция)	1,75 - 1,95	Келиб чикли сертификати, Global GAP	70 минг тонна
		Golden (Италия)	1,55 - 1,65	Келиб чикли сертификати, Global GAP	1,0 млн. тонна
		Jonagold (Германия)	1,0 - 1,3	Келиб чикли сертификати, Global GAP	0,5 млн. тонна

1	2	3	4	5	6
Япония	Хурмо	Амагаки	3,5	Келиб чикиш сертификати	X
	Олма	Фуджи	2,5	Келиб чикиш сертификати	3,1 млн. тонна
Польша	Олма	Gala	0,30 - 0,45	Келиб чикиш сертификати, Global GAP	X
Испания	Олма	Gala	0,50 - 0,55	Келиб чикиш сертификати, Global GAP	1,1 млн. тонна
Венгрия	Олма	Gala	0,65 - 0,7	Келиб чикиш сертификати, Global GAP	0,25 млн. тонна
Голландия	Олма	Golden	1,45 - 1,55	Келиб чикиш сертификати, Global GAP	0,25 млн. тонна
		Granny Smith	1,55 - 1,65	Келиб чикиш сертификати, Global GAP	0,25 млн. тонна
Бүгүк Британия	Олма	Gala	1,0	Келиб чикиш сертификати, Global GAP	1,65 млн. тонна

Манба: “Кичик бизнес ва хуссий тадбиркорлик субъекттерининг экспортини кўллааб-кувватлам Жамғармаси”
мэйлумотлари - www.nbu-export.uz.

БМТнинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)” интернет сайтида келтирилган маълумотларга таяниб, Ўзбекистоннинг 2013 йилда жаҳон бозорларига экспорт қилинган энг асосий маҳсулотлари таркиби, ҳажми ва қиймати 33-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистондан 2013 йилда жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотлари ичida 2013 йилда узум экспортни салмоқли ўринни эгаллаган. Экспорт қилинган узум ҳажми 120 000,0 тоннани, қиймати эса 115 000,0 минг АҚШ долларини ташкил этиб, экспорт ҳажмида 2-ўринни банд этган.

Мева-сабзавотлар экспортида узумдан ташқари хўл сабзавотлар (83 933,0 тонна, қиймати 52 075,0 минг АҚШ доллари, ҳажм бўйича 3-чи), хўл мевалар (66 800,0 тонна, қиймати 66 000,0 минг АҚШ доллари, ҳажм бўйича 4-чи), карам (61 122,0 тонна, қиймати 16 166,0 минг АҚШ доллари, ҳажм бўйича 5-чи), ўрик (58 260,0 тонна, қиймати 54 277,0 минг АҚШ доллари, ҳажм бўйича 6-чи), бодринг (49 813,0 тонна, қиймати 26 262,0 минг АҚШ доллари, ҳажм бўйича 7-чи), олхўри ва тоголча (42 014,0 тонна, қиймати 27 862,0 минг АҚШ доллари, ҳажм бўйича 8-чи), қуритилган мевалар (40 494,0 тонна, қиймати 32 246,0 минг АҚШ доллари, ҳажм бўйича 9-чи), сабзи ва шолғом (31 760,0 тонна, қиймати 12 482,0 минг АҚШ доллари, ҳажм бўйича 10-чи) биринчи ўнликни эгаллаган.

Кейинги ўринларни майиз, помидор, шафтоли, бақлажон, куруқ пиёз, қайта ишланмаган тамаки, хўл қалампир, пўчоғи тозаланмаган ёнғоқ, дастлабки ишлов берилган мевалар, қуритилган қалампир, олма, саримсокпиёз, қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотлар банд этган.

2013 йилда экспортга чиқарилган маҳсулотлар нархларини таҳдил этиш шуни кўрсатадики, бир тонна маҳсулотнинг нархи бўйича пўчоғи тозаланган ёнғоқ (4 317,1 долл.), қайта ишланмаган тамаки (3 738,5 долл.), қуритилган қалампир (3 110,0 долл.), вақтингча консерваланган сабзавотлар (2 447,0 долл.), пўчоғи тозаланмаган ёнғоқ (1 688,7 долл.), қуритилган сабзавотлар (1 851,2 долл.), ёнғоқ (1 688,,7 долл.), қуритилган ўрик (1 630,0 долл.), помидор (1 239,5 долл.), майиз (1 155,2 долл.), олма (1 074,0 долл.), шафтоли (1 072,9 долл.), хўл мевалар (988,0 долл.), узум (958,3 долл.), ўрик (931,6 долл.) юқори ўринларни эгаллаган.

**Ўзбекистондан жаҳон бозорлариға экспортга қилинган
айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, (2013 й.)**

№	Маҳсулот турлари	Экспорт микдори, тонна	Экспорт қиймати, минг АҚШ доллари	Маҳсулот бирлигининг ўргача нархи, АҚШ долл./ тонни
1.	Буғдой	130 000,0	34 500,0	265,4
2.	Узум	120 000,0	115 000,0	958,3
3.	Хўл сабзавотлар	83 933,0	52 075,0	620,4
4.	Хўл мевалар	66 800,0	66 000,0	988,0
5.	Карам	61 122,0	16 166,0	264,5
6.	Ўрик	58 260,0	54 277,0	931,6
7.	Бодринг	49 813,0	26 262,0	527,2
8.	Олхўри ва тоғолча	42 014,0	27 862,0	663,1
9.	Қуритилган мевалар	40 494,0	32 246,0	796,3
10.	Сабзи ва шолғом	31 760,0	12 482,0	393,0
11.	Майиз	17 194,0	19 862,0	1 155,2
12.	Помидор	16 099,0	19 955,0	1 239,5
13.	Шафтоли	14 540,0	15 600,0	1 072,9
14.	Бақлажон	11 671,0	5 468,0	468,5
15.	Куруқ пиёз	11 615,0	3 771,0	324,7
16.	Қайта ишланмаган тамаки	4 979,0	18 614,0	3 738,5
17.	Хўл қалампир	4 089,0	3 188,0	779,6
18.	Ёнғоқ (пўчоги тозаланмаган)	3 424,0	5 782,0	1 688,7
19.	Дастлабки ишлов берилган мевалар	3 407,0	2 463,0	722,9
20.	Уксуслаб ёпилган сабзавот	2 997,0	1 845,0	615,6
21.	Вактинча консерваланган сабзавот	2 550,0	6 240,0	2 447,0
22.	Қуритилган сабзавотлар	2 224,0	4 117,0	1 851,2
23.	Қуритилган қалампир	1 865,0	5 801,0	3 110,0
24.	Қуритилган ўрйик	1 689,0	2 753,0	1 630,0
25.	Олма	1 653,0	1 756,0	1 062,3
26.	Саримсоқпиёз	1 346,0	1 255,0	932,4
27.	Пўчоги тозалантган ёнғоқ	1 312,0	5 664,0	4 317,1
28.	Қовун-тарвуз	1 107,0	348,0	314,4
29.	Пўчоги тозалантган ерёнғоқ	933,0	1 145,0	1 227,2

Манба: Food and Agriculture Organization of the United Nations, FAOSTAT.
[-http://faostat3.fao.org/download/T/TP/E](http://faostat3.fao.org/download/T/TP/E) маълумотлари асосида муаллифлар
 томонидан тузилган.

Ўзбекистондан 2009-2013 йилларда жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига экспортга чиқарилган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари динамикасини таҳдил этиш шуни кўрсатадики, шу йиллар давомида жаҳон бозорларидағи нархлар даражаси ўзгариб турган (34-жадвал).

34-жадвал

Ўзбекистондан жаҳон бозорларига экспортга чиқарилган энг асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача нархлари динамикаси, долл./тонна

№	Маҳсулот турлари	2009 Йил	2010 Йил	2011 Йил	2012 Йил	2013 Йил
1.	Узум	668	967	1 180	950,6	958,3
2.	Карам	313	366	371	348,3	264,5
3.	Хўй мевалар	698	720	985	986,5	988
4.	Хўй сабзавотлар	786	877	735	448,0	620,4
5.	Помидор	824	1 052	1 155	1 039,0	1 239,5
6.	Куруқ ниёз	290	290	290	293,3	324,7
7.	Куритилган мевалар	952	1 105	515	741,5	796,3
8.	Шафтоли	1 032	1 151	1 335	1 164,7	1 073
9.	Олхўри ва тоголча	796	1 245	784	544	663
10.	Майиз	930	1 055	1 024	1 017,7	1 155,2
11.	Ўрик	894,1	1 368	1 195	1 102,9	931,6
12.	Куритилган ўрик	1 179	1 472	866	948,6	1 630
13.	Сабзи ва шолғом	343	446,7	505,2	467,1	393
14.	Куритилган қалампир	1 214	1 931,7	1 570	1 786,8	3 110
15.	Олма	663,3	853,2	1 612,4	845,55	1 062,3

Манба: Food and Agriculture Organization of the United Nations, FAOSTAT. - <http://faostat3.fao.org/download/T/TP/E> маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Жумладан, узумнинг бир тоннасини ўртача экспорт нархи 2013 йилда 2009 йилга нисбатан 668 доллардан 958,3 долларгача ёки 43,5 %га ошган. Худди шунингдек, куритилган қалампир (1 214 доллардан 3 110 долларга ёки 156,1 %га), олма (663,3 доллардан 1 062,3 долларга ёки 60,1 %га), помидор (824 доллардан 1 239,5 долларга ёки 50,4 %га), хўй мевалар (698 доллардан 988 долларга ёки 41,5 %га), куритилган ўрик (1 179 доллардан 1 630 долларга ёки 38,2 %га), майиз (930 доллардан 1 155,2 долларга ёки 24,2 %га), сабзи ва шолғом (343 доллардан 393 долларга ёки 14,5 %га) ва

куруқ пиёз (290 доллардан 324,7 долларга ёки 12,0 %га) нархларида ўсиши кузатилган.

Хўл сабзавотлар (786 доллардан 620,4 долларга ёки 6,5 %га), карам (313 доллардан 371 долларга ёки 21,0 %га), куритилган мевалар (952 доллардан 796,3 долларга ёки 16,3 %га), карам (313 доллардан 264,5 долларга ёки 15,5 %га) ва нархларида эса пасайиш динамикаси кузатилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, экспортга чиқарилган маҳсулотлар нархлари динамикасида айрим маҳсулотлар бўйича нархлар тебраниши кузатилган. Масалан, узум нархи 2009 йилда 668 долларни, 2011 йилда 1 180 долларни ва 2013 йилда 958,3 долларни ташкил этиб, нотекис трендни намоён этган. Худди шундай кескин тебранишларни куритилган мевалар (2009 йилда 952 доллар, 2010 йилда 1 105 доллар ва 2013 йилда 796,3 доллар), олхўри ва тоголча (2009 йилда 796 доллар, 2010 йилда 1 245 доллар ва 2013 йилда 663 доллар), куритилган ўрик (2010 йилда 1 472 доллар, 2011 йилда 866 доллар ва 2013 йилда 1 630 доллар) нархларида ҳам кўриш мумкин.

Жаҳон озиқ-овқат бозорларида айнан бир маҳсулот тури нархларининг мамлакатлар кесимида турлича эканлигига ҳам эътиборни қаратиш мумкин. Тўғри, бир хил турдаги маҳсулотнинг турли мамлакатларда турли навлари етиштирилиши ва улар сифати ҳамда истеъмол хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Масалан, ҳўл мевалар деганда турли мамлакатларнинг табиий-иклим шароитлари ва жуғрофий жойлашувига қараб уларда етиштириладиган турли меваларни назарда тутиш мумкин. Шунга қарамай бир хил турга мансуб мева-сабзавотлар экспорт нархларининг мамлакатлар кесимида фарқ қилишига уларнинг сифат кўрсаткичлари, ҳалқаро сифат стандартлари ва техник регламентларга мос келиши, ўрами ва қадоқланиши, экологик хавфсизлиги ҳамда сотишдан олдинги ва кейинги сервис хизматлари каби бир қатор омиллар ҳам таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистондан жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига экспортга чиқарилган маҳсулотлар нархлари динамикасидаги бундай ўзгаришларга қуидагилар ўз таъсирини кўрсатмоқда:

- жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорлари конъюнктурасида ўзгаришлар юз бермоқда;
- жаҳонда юз бераётган молиявий-иктисодий инқирозлар озиқ-овқат бозорларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда;

- жаҳон бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол хусусиятлари, сифат стандартларига жавоб бериши ва экологик хавфсизлигига бўлган талаблар кучайиб бормоқда;
- жаҳон бозорларидаги нархларнинг шаклланишига маҳсулотларнинг маркетинг ва реклама билан таъминланиши кучли таъсир кўрсатади;
- нархлар шаклланиши жаҳон озиқ-овқат бозорларидаги кучли рақобат мухитига боғлик;

- маҳсулотларнинг ўрами ва қадоқланиши, дизайнни, сотишдан олдинги ва кейинги сервис кўрсатиш даражаси нархлар шаклланишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди;

- Ўзбекистонлик тадбиркорларда жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорлари конъюнктураси ва рақобат мухити тўғрисида зарур ахборотлар етишмаслиги, бу борада керакли тажриба ва кўнималар етишмаслиги ҳам нархлар даражасига ўз таъсирини кўрсатади.

Юкоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимиз озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилари олдида жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорлари талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг сифат кўрсаткичлари, халқаро сифат стандартларга мос келиши, дизайнни, ўрами ва қадоқланиши, маркетинг ва реклама, сервис, кафолат каби бир қатор дастаклар бўйича жиддий тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

Жаҳон озиқ-овқат бозорларида 2013 йилда энг юқори ўрин эгаллаган 20 та мамлакатларнинг (топ-20) товарлар гуруҳи бўйича экспорт ҳажми (тоннада) ва жами экспорт қилинган маҳсулот ҳажмига нисбатан ҳар бир мамлакатнинг жамига нисбатан дунёда эгаллаган улуши 35-а-б-в-жадвалларда келтирилган.

БМТнинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)” маълумотларига қараганда 2013 йилда жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига дунё бўйича 358 474,0 тонна ўрик экспортга чиқарилган. Ўрик экспорт қилиш бўйича биринчи “Топ-10лик”ка Испания (61 793 тонна, 17,24 %), Ўзбекистон (58 260 тонна, 16,25 %), Франция (45 304 тонна, 12,64 %), Туркия (41 583 тонна, 11,6 %), Арманистон (20 524 тонна, 5,72 %), Кирғизистон (17 600 тонна, 4,9 %), Греция (15 945 тонна, 4,45 %), Италия (15 643 тонна, 4,4 %), Афғонистон (8 728 тонна, 2,43 %) ва АҚШ (7 984 тонна, 2,23 %) мамлакатлари кирган. Ўрик экспортидаги топ-20ликка кирган мамлакатлар ичida Ўзбекистон 4-ўринни эгаллаб турибди.

Жаҳон бозорларида асосий ўрин эталлаган 20 та (топ-20) мамлакатлар экспортити, (2013 й.)

№	Мамлакатлар	Ўрик		Мамлакатлар	Куруқ меваидар	Мамлакатлар	Хўл меваидар
		Мик- дори, тонна	Жами- га нис., % да		Мик- дори, тонна	Жами- га нис., % да	тонни тонни
1.	Испания	61793,0	17,24	Тайланд	166260,0	29,77	Въетнам
2.	Ўзбекистон	58260,0	16,25	Испания	70800,0	12,7	Тайланд
3.	Франция	45504,0	12,64	Тоҷикистон	43872,0	7,86	Хитой
4.	Туркия	41583,0	11,6	Ўзбекистон	40494,0	7,25	Туркия
5.	Арманистон	20524,0	5,72	АҚШ	32111,0	5,75	Ўзбекистон
6.	Киргизистон	17600,0	4,9	Индонезия	16978,0	3,04	Хиндиистон
7.	Греция	15945,0	4,45	Қозогистон	16510,0	2,96	Миср
8.	Италия	15643,0	4,4	Хитой	16427,0	2,94	Испания
9.	Ағонистон	8728,0	2,43	Ҳиндистон	14469,0	2,59	АҚШ
10.	АҚШ	7984,0	2,23	Италия	14185,0	2,54	Нидерландия
11.	Сурия	5464,0	1,52	Германия	10505,0	1,88	Мексика
12.	Иордания	5020,0	1,4	Мянъма	96688,0	1,73	Исроил
13.	Венгрия	4860,0	1,36	Греция	8964,0	1,6	Яман
14.	Нидерландия	4571,0	1,27	Туркия	7606,0	1,36	Саудия Арабистони
15.	Австрия	4349,0	1,21	Покистон	7089,0	1,27	Мализия
16.	Жанубий Африка	3701,0	1,03	Чили	6485,0	1,16	Бельгия
17.	Тунис	3684,0	1,02	Саудия Арабистони	6391,0	1,14	Жанубий Африка
18.	Германия	3487,0	0,97	Филиппин	5592,0	1,0	Сурия
19.	Молдавия	3441,0	0,96	Польша	5490,0	0,98	Греция
20.	Ливан	3058,0	0,85	Нидерландия	4655,0	0,83	Ағонистон
	Болгария	23475,0	6,55	Болгарија	53876,0	9,65	Болгарија
	Дунё жами:	358474,0	100	Дунё жами:	558447,0	100	Дунё жами:
							2379246,0

35-а-жадвал

№	Мамлакаттар	Олхүри ва тоголча		Мамлакаттар	Күрүтилгөн ўрек	Мамлакаттар	Бодринг
		Мик- дори, тонна	Жами- га нис., % да			Мик- дори, тонна	Жами- га нис., % да
1.	Чили	115326,0	15,9	Туркия	112429,0	76,34	Мексика
2.	Испания	72056,0	9,94	Козогистон	9883,0	6,7	Испания
3.	Жанубий Африка	68010,0	9,4	Афгонистон	7001,0	4,75	Нидерландия
4.	АКШ	59213,0	8,17	Германия	2628,0	1,8	Канада
5.	Италия	57361,0	7,91	Испания	1695,0	1,15	Хитой
6.	Ўзбекистон	42014,0	5,8	Ўзбекистон	1689,0	1,15	Туркия
7.	Хитой	37040,0	5,11	Франция	1674,0	1,14	Эрон
8.	Сербия	33031,0	4,56	АКШ	1631,0	1,1	Ўзбекистон
9.	Нидерландия	30620,0	4,22	Нидерландия	1315,0	0,9	АКШ
10.	Молдавия	28541,0	3,94	Жанубий Африка	1236,0	0,84	Иордания
11.	Туркия	24311,0	3,35	Литва	975,0	0,66	Бельгия
12.	Эрон	23679,0	3,27	Покистон	680,0	0,46	Гондурас
13.	Франция	15041,0	2,08	Италия	455,0	0,3	Германия
14.	Босния ва Герцог.	11576,0	1,6	Греция	441,0	0,3	Гретия
15.	Венгрия	11529,0	1,6	Буок Британия	332,0	0,22	Беларусь
16.	Сурия	8727,0	1,2	Киргизистон	300,0	0,21	Руминия
17.	Македония	8675,0	1,2	Дания	291,0	0,2	Малайзия
18.	Полша	8193,0	1,13	Сурия	279,0	0,19	Македония
19.	Киргизистон	6700,0	0,92	Латвия	278,0	0,19	Литвна
20.	Ливан	6560,0	0,9	Бельгия	217,0	0,15	Озарбайжон
	Болшалар	56560,0	7,8	Болшалар	1844,0	1,25	Болшалар
	Дунё жами:	724763,0	100	Дунё жами:	147273,0	100	Дунё жами:
							2431875,0
							100

35-б-жадвал

№	Мамлакаттар	Карал		Хўл сабзавотлар	Мамлакатлар	Майиз	
		Микдори,	Жамига нис, тонна			Микдори, тонна	Жамига нис, % да
1.	Хитой	555570,0	27,49	Хитой	552785,0	19,17	Туркия
2.	АҚШ	240443,0	11,9	Мексика	360188,0	12,5	АҚШ
3.	Нидерландия	179159,0	8,86	Италия	230271,0	7,99	Эрон
4.	Польша	138797,0	6,87	АҚШ	207497,0	7,2	Чили
5.	Мексика	122930,0	6,08	Нидерландия	19954,0	6,93	Хитой
6.	Германия	87423,0	4,33	Испания	150896,0	5,23	Хиндустон
7.	Испания	68843,0	3,41	Покистон	133631,0	4,64	Жанубий Африка
8.	Ўзбекистон	61122,0	3,02	Эфиопия	104301,0	3,6	Аргентина
9.	Канада	61074,0	3,02	Хиндустон	99052,0	3,44	Греция
10.	Италия	58519,0	2,9	Ўзбекистон	83933,0	2,9	Афғонистон
11.	Индонезия	53672,0	2,66	Франция	71740,0	2,49	Ўзбекистон
12.	Македония	46065,0	2,28	Исроил	45939,0	1,59	Нидерландия
13.	Гватемала	40489,0	2,0	Бельгия	38494,0	1,33	Бельгия
14.	Белгия	366623,0	1,81	Германия	37407,0	1,3	Германия
15.	Эрон	36365,0	1,8	Коста Рика	36369,0	1,26	Саудия Арабистони
16.	Португалия	21202,0	1,05	Тайланд	34935,0	1,2	БАА
17.	Киргизистон	18284,0	0,9	Малайзия	336665,0	1,17	Буюк Британ.
18.	Малайзия	14472,0	0,72	Полша	334333,0	1,16	Австралия
19.	Саудия Арабистони	14227,0	0,7	Гватемала	30500,0	1,06	Мексика
20.	Жанубий Корея	12946,0	0,64	Афғонистон	27100,0	0,94	Латвия
	Болжалар	152735,0	7,56	Болжалар	370921,0	12,9	Болжалар
	Дунё жами:	202096,0	100	Дунё жами:	2883011,0	100	Дунё жами:
							787794,0 100

35-жадвал

№	Мамлакаттар	Узум		Мамлакатлар		Сабзи ва шолном		Мамлакатлар		Шафтоли	
		Микдори, тонна	Жами- га нис., % да	Мик- дори, тонна	Жами- га нис., % да						
1.	Чили	856713,0	20,0	Хитой	591522,0	24,95	Испания	749817,0	39,8		
2.	Италия	508018,0	11,87	Нидерландия	366534,0	15,46	Италия	295883,0	15,7		
3.	АКШ	474264,0	11,1	Ирландия	153978,0	6,5	Греция	112875,0	6,0		
4.	Нидерландия	287297,0	6,7	Бельгия	150947,0	6,37	АКП	105372,0	5,59		
5.	Жанубий Африка	28239,0	6,6	АКП	120381,0	5,08	Чили	87715,0	4,66		
6.	Хитой	231705,0	5,4	Франция	101555,0	4,28	Иордания	58435,0	3,1		
7.	Туркия	203286,0	4,75	Испания	98270,0	4,14	Франция	44284,0	2,35		
8.	Перу	176048,0	4,1	Мексика	84801,0	3,58	Бельгия	40429,0	2,15		
9.	Мексика	149647,0	3,5	Канада	78211,0	3,3	Хитой	37796,0	2,0		
10.	Хиндистон	148521,0	3,47	Австралия	73728,0	3,1	Эрон	34539,0	1,83		
11.	Испания	140535,0	3,3	Италия	71262,0	3,0	Туркия	34147,0	1,81		
12.	Ўзбекистон	1200000,0	2,8	Киргизистон	55791,0	2,35	Литвна	27270,0	1,45		
13.	Греция	93504,0	2,2	Туркия	52578,0	2,22	Нидерландия	23669,0	1,26		
14.	Маср	88144,0	2,06	Германия	35902,0	1,51	Полиния	20865,0	1,11		
15.	Австрия	78475,0	1,83	Польша	32216,0	1,36	Беларусь	18623,0	0,99		
16.	Бразилия	43181,0	1,0	Беларусь	31865,0	1,34	Ливан	16771,0	0,89		
17.	Молдавия	37492,0	0,87	Ўзбекистон	31760,0	1,34	Жанубий Африка	16112,0	0,86		
18.	Македония	36558,0	0,85	Португалия	23419,0	0,99	Сербия	15859,0	0,84		
19.	Германия	33981,0	0,8	Буюк Британия	22208,0	0,94	Германия	15407,0	0,82		
20.	Литва	32951,0	0,8	Сурия	20221,0	0,85	Ўзбекистон	14540,0	0,77		
	Болжалар	257706,0	6,0	Болжалар	173962,0	7,34	Болжалар	113485,0	6,02		
	Дунё жами:	4281265,0	100	Дунё жами:	2371111,0	100	Дунё жами:	18833898,0	100		

Манба: Food and Agriculture Organization of the United Nations, FAOSTAT. -<http://faostat3.fao.org/download/T/TP/E>
 маълумотлари асосида муалифнор томонидан тузилган.

Кейинги ўнликка Сурия (5 464 тонна, 1,52 %), Иордания (5 020 тонна, 1,4 %), Венгрия (4 860 тонна, 1,36 %), Нидерландия (4 571 тонна, 1,27 %), Австрия (4 349 тонна, 1,21 %), Жанубий Африка (3701 тонна, 1,21 %), Тунис (3 684 тонна, 1,02 %), Германия (3 487 тонна, 0,97 %), Молдавия (3 441 тонна, 0,96 %) ва Ливан (3 058 тонна, 0,85 %) мамлакатлари киради. Қолган мамлакатлар ҳиссасига 23 475 тонна ёки жами экспортнинг 6,55 %и тұғри келган.

Келгусида истиқболли ҳисобланған қутилған мевалар экспорті бүйіча 2013 йилда дунё бүйіча жами 558 447,0 тонна маҳсулот экспортта чиқарылған бўлиб, энг кўп экспорт қилған биринчи “Топ-10лик”ка Таиланд (166 260,0 тонна, 29,77 %), Испания (70 800,0 тонна, 12,7 %), Тожикистон (43872,0 тонна, 7,86 %), Ўзбекистон (40 494,0 тонна, 7,25 %), АҚШ (32 111,0 тонна, 5,75 %), Индонезия (16 978,0 тонна, 3,04 %), Қозоғистон (16 510,0 тонна, 2,96 %), Хитой (16 427,0 тонна, 2,94 %), Ҳиндистон (14469,0 тонна, 2,59 %), Италия (14 185,0 тонна, 2,54 %) мамлакатлари кирган. Қуруқ мевалар экспортидә “Топ-20лик”ка кирган мамлакатлар ичида Ўзбекистон 4-үринни эгаллаб турибди.

Кейинги ўнликка Германия (10 505 тонна, 1,88 %), Мьянма (9 688 тонна, 1,88 %), Греция (8 964 тонна, 1,6 %), Туркия (7 606 тонна, 1,36 %), Покистон (7 089 тонна, 1,27 %), Чили (6 485 тонна, 1,16 %), Саудия Арабистони (6 391 тонна, 1,14 %), Филиппин (5 592 тонна, 1,0 %), Польша (5 490 тонна, 0,98 %) ва Нидерландия (4 655 тонна, 0,83 %) мамлакатлари киради. Қолган мамлакатлар ҳиссасига 53 876,0 тонна ёки жами экспортнинг 9,65 %и тұғри келган.

Жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида харидоргир ҳисобланған хўл мевалар гурухи бүйіча 2013 йилда дунёдаги барча экспортчи мамлакатлар томонидан жами 2 379 246,0 тонна маҳсулот экспортта чиқарылған. Хўл мевалар экспорті бүйіча биринчи “Топ-10лик”ка Вьетнам (748 845,0 тонна, 31,47 %), Таиланд (482 847,0 тонна, 20,3 %), Хитой (342 297,0 тонна, 14,4 %), Туркия (135 804,0 тонна, 5,71 %), Ўзбекистон (66 800,0 тонна, 2,81 %), Ҳиндистон (62 389,0 тонна, 2,62 %), Миср (58 516,0 тонна, 2,46 %), Испания (57 182,0 тонна, 2,4 %), АҚШ (40 256,0 тонна, 1,7 %) ва Нидерландия (35 093,0 тонна, 1,47 %) мамлакатлари кирган. Топ-20 та мамлакатлардан экспорт қилинған жами хўл мевалар гурухида Ўзбекистон 5-үринни эгаллаб турибди.

Кейинги ўнликка Мексика (26 635,0 тонна, 1,12 %), Истроил (22 203,0 тонна, 0,93 %), Яман (21 497,0 тонна, 0,9 %), Саудия

Арабистони (21 294,0, 0,89 %), Малайзия (18 206,0 тонна, 0,76 %), Бельгия (17 063,0 тонна, 0,72 %), Жанубий Африка (16 196,0 тонна, 0,68 %), Сурия (13 218,0 тонна, 0,55 %), Греция (13 123,0 тонна, 0,55 %) ва Афғонистон (11 905,0 тонна, 0,5 %) мамлакатлари киради. Қолган мамлакатлар ҳиссасига 167 877,0 тонна ёки жами экспортнинг 7,05 %и тўғри келган (35-жадвал).

Сабзавотлар гурухида бодринг бўйича 2013 йилда дунёда жами 2 431 875,0 тонна маҳсулот экспортга чиқарилган бўлиб, энг юқори “Топ-10лик”ка Мексика (584 928,0 тонна, 24,05 %), Испания (545 342,0 тонна, 22,42 %), Нидерландия (409 785,0 тонна, 16,85 %), Канада (113 626,0 тонна, 4,67 %), Хитой (88 273,0 тонна, 3,63 %), Туркия (77 977,0 тонна, 3,62 %), Эрон (71 045,0 тонна, 2,92 %), Ўзбекистон (49 813,0 тонна, 2,04 %), АҚШ (49 352,0 тонна, 2,03 %) ва Йордания (45 385,0 тонна, 1,9 %) мамлакатлари кирган. Бодринг экспорти бўйича “Топ-20лик”ка кирган мамлакатлар ичиза Ўзбекистон 8-ўринни эгаллаб турибди.

Кейинги ўнликка Бельгия (44 286,0 тонна, 1,82 %), Гондурас (37 630,0 тонна, 1,55 %), Германия (36 423,0 тонна, 1,5 %), Греция (34 983,0 тонна, 1,44 %), Беларусь (21 489,0 тонна, 0,9 %), Руминия (20 479,0 тонна, 0,84 %), Малайзия (19 540,0 тонна, 0,8 %), Македония (15 122,0 тонна, 0,62 %), Литва (15 119,0 тонна, 0,6 %) ва Озарбайжон (13 690,0 тонна, 0,56 %) мамлакатлари киради. Қолган мамлакатлар ҳиссасига 137 588,0 тонна ёки жами экспортнинг 5,66 %и тўғри келган.

Хўл сабзавотлар гурухи бўйича дунёда жами 2 883 011,0 тонна маҳсулот экспортга чиқарилган. Хўл сабзавотлар экспорти бўйича биринчи “Топ-10лик”ка Хитой (552785,0 тонна, 19,17 %), Мексика (360 188,0 тонна, 12,5 %), Италия (230 271,0 тонна, 7,99 %), АҚШ (207 497,0 тонна, 7,2 %), Нидерландия (199 954,0 тонна, 6,93 %), Испания (150 896,0 тонна, 5,23 %), Покистон (133 631,0 тонна, 4,64 %), Эфиопия (104 301,0 тонна, 3,6 %), Ҳиндистон (99 052,0 тонна, 3,44 %) ва Ўзбекистон (83 933,0 тонна, 2,9 %) мамлакатлари кирган.

Кейинги ўнликка Франция (71 740,0 тонна, 2,49 %), Истроил (45939,0 тонна, 1,59 %), Бельгия (38 494,0 тонна, 1,33 %), Германия (37 407,0 тонна, 1,3 %), Коста-Рика (36 369,0 тонна, 1,26 %), Таиланд (34 935,0 тонна, 1,2 %), Малайзия (33 665,0 тонна, 1,17 %), Польша (33 433,0 тонна, 1,16 %), Гватемала (30 500,0 тонна, 1,06 %) ва Афғонистон (27 100,0 тонна, 0,94 %) мамлакатлари киради.

Колган мамлакатлар ҳиссасига 370 921,0 тонна ёки жами экспортнинг 12,9 %и тўғри келган.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида ҳўйлашсан мева-сабзавотлар экспорт қилинадиган АҚШ, Нидерландия, Хитой, Испания, Италия, Туркия, Франция, Германия, Эрон, Бельгия, Мексика, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Польша, Жанубий Африка, Чили, Канада, Аргентина, Грекия, Миср, Таиланд, Малайзия, Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг туттган ўрни ва позицияси юқоридир. Бу мамлакатлар жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига экспортта чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажми ва экспорт қиймати бўйича хисоблаганда аксарият қисмини етказиб беради.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон 12 хил маҳсулот турлари бўйича жаҳон озиқ-овқат бозорларида энг юқори “Топ-20 лик”дан жой олган мамлакатлар қаторига киради (36-жадвал).

36-жадвал

Жаҳон озиқ-овқат бозорларида Ўзбекистоннинг айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича дунёда эгаллаган ўрни ва салмоғи, (2013 й.)

№	Маҳсулот турлари	Экспорт ҳажми		Экспорт ҳажмидаги эгаллаган ўрни	Экспорт қиймати, минг АҚШ доллари	Экспорт қийматида эгаллаган ўрни
		тонна	жамига нисбатан, %да			
1.	Ўрик	58 260,0	16,25	2	54 277,0	3
2.	Куритилган мева	40 494,0	7,25	4	32 246,0	10
3.	Хўл мевалар	66 800,0	2,81	5	66 000,0	11
4.	Олхўри ва тоголча	42 014,0	5,8	6	27 862,0	10
5.	Куритилган ўрик	1 689,0	1,15	6	2 753,0	11
6.	Бодринг	49 813,0	2,04	8	26 262,0	13
7.	Карам	61 122,0	3,02	8	16 166,0	12
8.	Хўл сабзавотлар	83 933,0	2,9	10	52 075,0	14
9.	Майиз	17 194,0	2,18	11	19 862,0	14
10.	Узум	120 000,0	2,8	12	115 000,0	16
11.	Сабзи ва шолғом	31 760,0	1,34	17	12 482,0	14
12.	Шафтоли	14 540,0	0,77	20	15 600,0	19

Манба: Food and Agriculture Organization of the United Nations, FAOSTAT. -<http://faostat3.fao.org/download/T/TP/E> маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича энг юқори 20 лик мамлакатлари орасида тутган ўрни кўйидагича:

- ўрик бўйича – экспорт ҳажмида 2-ўрин, экспорт қийматида 3-ўрин;
- қурилилган мевалар бўйича – экспорт ҳажмида 4-ўрин, экспорт қийматида 10-ўрин;
- ҳўл мевалар бўйича – экспорт ҳажмида 5-ўрин, экспорт қийматида 11-ўрин;
- олхўри ва тоголча бўйича – экспорт ҳажмида 6-ўрин, экспорт қийматида 10-ўрин;
- қурилилган ўрик бўйича – экспорт ҳажмида 6-ўрин, экспорт қийматида 11-ўрин;
- бодринг бўйича – экспорт ҳажмида 8-ўрин, экспорт қийматида 13-ўрин;
- карам бўйича – экспорт ҳажмида 8-ўрин, экспорт қийматида 12-ўрин;
- ҳўл сабзавотлар бўйича – экспорт ҳажмида 10-ўрин, экспорт қийматида 14-ўрин;
- майиз бўйича – экспорт ҳажмида 11-ўрин, экспорт қийматида 14-ўрин;
- узум бўйича – экспорт ҳажмида 12-ўрин, экспорт қийматида 16-ўрин;
- сабзи ва шолғом бўйича – экспорт ҳажмида 17-ўрин, экспорт қийматида 14-ўрин;
- шафтоли бўйича – экспорт ҳажмида 20-ўрин, экспорт қийматида 19-ўрин.

Жаҳон аграр ва озик-овқат бозорларида катта мавқега эга мамлакатлар тажрибасини ўргансак, уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг диверсификациялашганлигини кўриш мумкин. Яъни, бир ёки икки маҳсулот турини эмас, балки кўп турдаги маҳсулотларни экспорт қилишга ихтисослашиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташки талаб қисқарган холатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб кўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайишига, ташки савдо балансининг

ёмонлашувига ва корхоналар молиявий ахволининг танглика юз тутишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорларидағи рақобатбардошлигини оширишда экспорт географиясини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Негаки, экспорт ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши қалтис холат хисобланади. Масалан, мамлакатлар ўртасида турли келишмовчиликлар келиб чиқканда, маҳсулот экспортга чиқарилётган мамлакатда сиёсий ёки бошқа вазиятлар ўзгарганда, техник, экологик, санитария ва фитосанитария талаблари ёки иқтисодий санкциялар туфайли чекловлар кўлланилган шароитларда экспорт географияси кенг бўлган мамлакатлар ютукка эга бўлади. Буни Россия Федерациясининг Европа Иттифоқи мамлакатлари, Украина ва Туркия каби мамлакатлардан, ўз навбатида уларниң Россия Федерациясидан озиқ-овқатлар импорт қилишга киритган таъкидлари ва чекловлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай шароитларда озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчилар анъанавий бозорларини йўқотиб кўйишлари натижасида энг кўп зарар кўради.

Экспорт қилинаётган товарлар ва мамлакатлар географиясини диверсификация қилиш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл кўймаслик имконини беради.

Кейинги йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш географияси кенгайиб бормоқда. Авваллари Ўзбекистон мева-сабзавотларни анъанавий тарзда МДХ, устувор равишида Россия ва Қозогистонга экспорт килган бўлса, сўнгги пайтларда “Европа ва Осиё бозорларида унга талабнинг ошганлиги кишини кувонтиради. Кейинги 2 йил ичида етказиб бериш географияси Норвегия, Таиланд, Вьетнам, Малайзия, Индонезия, Бразилия, Кипр, Македония, Чили, Япония, Руминия, Словакия, Канада, Болгария ва АҚШ хисобига кенгайди. Мисол учун, ўзбек голоси ва қовуни Бельгия, Норвегия, Болтиқбўйи мамлакатлари бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаган⁵⁰.

Ҳар йили ҳўл мева-сабзавотлар “1,3-1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида дунёning 40 дан зиёд мамлакатига экспорт

⁵⁰ www.gazeta.norma.uz/publish/doc/text117489_serquesh_uzbekistonning_dunega_inomlari

қилинади. Биргина 2014 йилнинг ўзида улар сафига Италия (ўрик магизи), Чехия (куритилган ўрик ва ерёнғоқ), Малайзия (мош), Вьетнам (мош), Сингапур (гиюс ва ўрик) ва Ливан (ёнғоқ) сингари мева-сабзавотлар экспорт қилинадиган янги давлатлар кўшилди⁵¹.

Хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари анъанавий истеъмол бозорларининг қайта тикланиши ва кенгайиши МДҲ мамлакатлари ичida хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлган Ўзбекистонда мазкур соҳада улкан, етарли даражада фойдаланилмаётган салоҳият мавжуд. Кейинги йилларда Россия бозорларига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми кенгайиб бормоқда. Жумладан, foodnewsweek.ru интернет-сайтиниң Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига таяниб берган маълумотларига қараганда Ўзбекистондан 2015 йилда Россия Федерациясига 400,0 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш кўзда тутилган⁵².

Сўнгги йилларда республикамиз ҳуқуматининг хўл, курилган ва чуқур қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш борасида олиб бораётган мақсадли дастурлари доирасида ЕИга экспорт ҳажмини ошириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ва Европада ўtkазилаётган ҳалқаро кўргазмалар, ярмаркалар, анжуман ва форумларда ўзбек мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобат устунликларини намойиш этиш орқали экспорт шартномалари тузишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан:

- 2015 йилнинг 15-25 январ кунлари Германия пойтахти Берлинда ҳар йили ўтказиладиган дунёдаги энг йирик “Green Week – 2015” ҳалқаро қишлоқ хўжалиги ярмаркасида Ўзбекистондан 1600 дан ортиқ компаниялар қатнашган. Дунёнинг 70 мамлакатидан қишлоқ хўжалиги вазирлари ва 500 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноати компаниялари раҳбарлари иштирик этган, 400 мингдан зиёд киши ташриф буюрган ушбу нуфузли ярмаркада Ўзбекистон 200 м² майдонда ўзининг озиқ-овқат экспорти салоҳиятини намойиш этган. Ярмарка якунларига кўра Ўзбекистондан ЕИ мамлакатларига 130 млн. доллардан ортиқ қийматдаги мева-сабзавот ва текстил маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилган;

⁵¹ www.uzlidep.uz/uzc/news/

⁵² www.foodnewsweek.ru/world/uzbekistan-gotov-uvelichit-eksport-produktov-v-rf.html

- 2015 йили Германиянинг “Messe Berlin” кўргазма мажмуасида дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакати иштирокида бўлиб ўтган анъанавий “Fruit Logistica – 2015” халқаро ярмаркасида Ўзбекистондан хўл ва куритилган мева-сабзавотлар, қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари намойиш этилган⁵³;

- 2015 йили Латвия пойтахти Ригада ўтказилган “Riga Food – 2015” халқаро ярмаркасида Ўзбекистон вакиллари дунёнинг 20 дан ортиқ компанияси билан мева-сабзавотлар ва озиқ-овқат етказиб беришга шартномалар имзолашган⁵⁴.

Кейинги йилларда ўзбек маҳсулотларига Европа мамлакатларида ҳам талаб кучайиб бормоқда. Мисол учун, Ўзбекистон мева-сабзавотлари Австриянинг “REWA” гипермаркетлари тармоғида сотилмоқда ва элита шоколадлар ишлаб чиқарувчи “Zotter” шоколад фабрикасининг хомашёси таркибига кўшилмоқда. Шунингдек, Германиянинг “Magap Handels GmbH” каби йирик гипермаркетлари тармоғи аъло таъм ва юқори экологик стандартларга жавоб бергани учун ўзбек мева-сабзавотларини афзал кўрмоқда. Жорий йилда экспорт географияси Норвегия, Польша, Афғонистон, Бельгия, Эрон, Таиланд, Туркманистан ва Беларусга экспорт қилиш ҳисобига кенгайди⁵⁵.

Экспортчи корхоналар, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашда қўйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашувини рагбатлантиришга қаратилган зарурий шарт-шароитларни яратиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибиға солиш ва қўллаб-куватлаш механизmlарини янада ривожлантириш;

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқот натижалари билан таништириш;

⁵³www.beta.review.uz/index.php/novosti-main/7-biznes/730-uzbekistan-prinjal-uchastie-v-yarmarke-fruit-logistica-2015

⁵⁴www.anons.uz/article/economics/16329/

⁵⁵www.12uz.com/news/show/economy/7409

- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш;
 - экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
 - иқтисодиётнинг барча жабҳаларида рақобатдош ва илм талаб инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;
 - хорижий мамлакатлар билан замонавий технологияларни стандартлаштириш, метрология ва сифатни сертификация килиш соҳасида ҳамкорлик қилиш кўламини янада кенгайтириш;
 - халқаро стандарт талабларига мос равищда сифат устидан назоратни жорий этиш;
 - тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатнинг турли худудларида кўшма корхоналар яратилишини таъминлаш;
 - Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар ва бошқа халқаро хукуқ субъектлари билан савдо – иқтисодий ва молиявий ҳамкорликларни янада қучайтириш;
 - кичик бизнес субъектлари ташки иқтисодий фаолиятни ривожланишига ҳамкорлик қилиш;
 - халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш орқали экспорт товарларнинг транспортда ташиш харажатларини камайтириш.
- Ташки иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ва янада ривожлантиришга тўскинлик қилаётган бундай масалаларнинг ўз вақтида бартараф этилиши ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида самарали иштирок этиш имконини беради.

2.2. Россия Федерациясига мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш шарт-шароитлари ва имкониятлари

Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш географиясини кенгайтиришда энг аввало МДХ мамлакатлари доирасида интеграциялашувни қучайтириш, айниқса Россия Федерацияси (РФ), Қозогистон ва Украина каби улкан сиғимга эга

бозорларга катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу мамлакатлар бозорлари географик жиҳатдан яқинлиги туфайли транспорт харажатларининг арzonга тушиши, бизнинг маҳсулотларимизга уларда талабнинг юқорилиги ва бошқа жиҳатлари билан Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт килувчи корхоналари учун истиқболли ҳисобланади.

Россия Федерациясига импорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг товар ва географик таркиби ҳамда нархлари тўғрисида интернет ва бошқа манбаларда муфассал ахборотлар етишмайди. Россия Федерациясининг Статистика қўмитаси сайти (http://www.gks.ru/free_doc/doc_2013/torg.rar) ҳам 2012 йилгача бўлган маълумотлар билан чекланган. Шунга қарамай мавжуд бўлган маълумотларни таҳлил этиш Россия Федерацияси озиқовқат бозорлари хусусида етарлича тасаввур ҳосил қилиш имконини беради деган умиддамиз. Маълумотларга қараганда Россия Федерациясида 2011 йилда 4,1 млн. тонна (ялпи йигимнинг 28 %) сабзавот импорт қилган, унинг пулдаги қиймати 3,1 млрд. долларни ташкил этди⁵⁶.

Россия Федерациясига 07-гурухга киравчи сабзавотлар, бошқа ейишга яроқли илдизмевалар ва туганакмеваларни 2008-2012 йилларда импорт қилиш кўрсаткичлари 37-жадвалда берилган. Бу гурухга помидор, хўл ва совитилган бодринг, хўл ва совитилган қалампир, пиёз ва саримсоқпиёз, сабзи, шолғом, лавлаги, редиска, қарам, қуритилган сабзавотлар, хўл, совитилган ва қуритилгани дуккакли сабзавотлар, музлатилган сабзавот ва қисқа саклаш учун консерваланган сабзавотлар киради.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Россия Федерациясига 2012 йилда 07-гурухга киравчи жами сабзавотлар, бошқа ейишга яроқли илдизмевалар ва туганакмевалар импорт қилиш қиймати 2477,0 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, маҳсулот турлари бўйича қараганда помидор 885,0, хўл ва совитилган бодринг ва корнишон 265,0, хўл ва совитилган қалампир 231,0, картошка 227,0, пиёз ва саримсоқпиёз 171,0, сабзи, шолғом, лавлаги, редиска ва бошқа ейиладиган илдизмевалар 142,0, хўл ёки совитилган бошқа сабзавотлар 141,0, хўл ёки совитилган қарам 107,0, музлатилган сабзавотлар 91,0, қуритилган сабзавотлар 45,9, млн. АҚШ долларини ташкил этган (37-жадвал).

⁵⁶ <http://alto-group.ru/analitika/96-rossij-rupok-sverhix-ovoshej.html>.

37-жадвал


Россияга импорт қилингандык сабзаводтардың маңыздылығының күйімдегі түрлери бойынша, (түрлардың мөнде анықталғанда),

Коди	Маңыздылық түрлери	2008 йил	2009 Йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 й. 2008 й.га нисб., %да
07-түрлігіне кириллицада сабзаводтар, бішкін ейишиңде яроқтылар да тұганакмевалар							
702	Помидор	629	649	774	818	885	140,7
707	Хүл ва совитилгандык бодринг ва корнишон	113	125	184	221	265	234,5
70960	Хүл ва совитилгандык қалампир	147	147	164	186	231	157,1
701	Картошка	224	148	273	729	227	101,3
703	Пиёз ва саримсоқпіәз	180	148	237	287	171	95,0
706	Сабзи, шолпом, лавлаги, редиска ва бішкін ейиляндиган илдизмевалар	113	94	143	185	142	125,7
70999	Хүл ёки совитилгандык бішкін сабзазаттар	74	73	104	129	141	190,5
704	Хүл ёки совитилгандык карам	99	73	113	171	107	108,1
710	Музлатилгандык сабзазат	77	80	109	122	91	118,2
70951	Хүл ёки совитилгандык күйзикоринлар	37,7	49,6	65,8	70,6	88,6	235,0
712	Куритилгандык сабзазаттар	26,4	26,5	41,3	50,5	45,9	173,9
705	Хүл ёки совитилгандык пиёз ва хандаб	7,2	10,7	22,8	33,4	41,5	576,4
713	Куритилгандык дуккакли сабзазаттар	25,8	29,0	37,5	38,3	30,4	117,8
711	Кисқа сақлаш учун консервленген сабзазаттар	6,1	7,2	6,1	7,0	9,7	159,0
708	Хүл ва совитилгандык дуккакли сабзазаттар	0,2	0,2	0,3	0,5	0,7	350,0
714	Маниок ва бішкіналар	0,7	0,4	0,6	0,1	0,2	28,6
	Жами:	1 760	1 661	2 275	3 048	2 477	140,9

Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. -М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. cspes.net/userfiles/File/issledovanie_ryntka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -60-61 с.

2012 йилда 2010 йилга нисбатан Россия Федерациисига хўл ёки совитилган салат пиёз ва хандаб импорт қилиш қиймати 476,4, хўл ва совитилган дуккакли сабзавотлар 250,0, хўл ва совитилган бодринг ва корнишон 134,5, хўл ёки совитилган бошқа сабзавотлар 90,5, куритилган сабзавотлар 73,9, қисқа сақлаш учун консерваланган сабзавотлар 59,0, хўл ва совитилган қалампир 57,1, помидор 40,7, сабзи, шолғом, лавлаги, редиска ва бошқа ейиладиган илдизмевалар 25,7, музлатилган сабзабот 18,2, куритилгани дуккакли сабзавотлар 17,8, хўл ёки музлатилган карам 8,1, жами 07-гурухга кирувчи сабзавотлар ва бошқа сийишга яроқли илдизмевалар ва туганакмевалар 40,9 %га ошган. Факат пиёз ва саримсоқпиёз импорти 5,0 %га камайган.

Ушбу маълумотлар Россия бозорларида сабзавотлар истеъмол қилишга талаб деярли барча сабзабот турлари бўйича барқарор ўсиб бораёттанини курсатади. Шуни эътиборга олиш жоизки, РФда сабзавотларга талабнинг ошиши фақат аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига юз бермаган. 1990 йилдан бошлаб токи 2010 йилгача Россия аҳолиси сони камайиб бориш тенденциясини намоён этди. Жумладан, 1990 йилда аҳоли сони 147 665,1 минг кишини ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб 142 856,5 минг кишига тушиб қолди ёки 3,26 %га камайди (12-чизма).



12-чизма. Россия аҳолисининг йиллар бўйича ўзгарини динамикаси⁵⁷, минг киши ҳисобида.

⁵⁷ <http://www.statdata.ru/russia>.

Крим Республикаси ва Севастополь шаҳрининг кўшилишини ҳисобга олмагандо Россия Федерацияси ахолиси 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 305 469 кишига ёки 0,21 %га ошган. Крим ва Севастополни ҳисобга олган ҳолда Россия Федерацияси ахолиси сони 2015 йил 1 январ ҳолатига 146 267 288 кишини ташкил этди ва 2014 йил 1 январга нисбатан (143 666 931 киши) 2 600 357 кишига ёки 1,8 %га ошди. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, РФ ахолисининг йиллик ўсиш суръатлари жуда паст даражада бўлиб, мева-сабзавотларга бўлган талабнинг ўсиши ундан бир неча баробар юқоридир.

Россияга импорт қилинган сабзавот турларининг жами сабзавот импортидаги улушкини таҳдил этадиган бўлсақ, 2012 йилда бу категорияда энг асосий ўринни помидор (35,73 %), хўл ва совитилган бодринг ва корнишон (10,7 %), хўл ва совитилган қалампир (9,33 %), картошка (9,16 %), пиёз ва саримсоқпиёз (6,9 %), сабзи, шолғом, лавлаги, редиска бошқа ейиладиган илдиз-мевалар (5,73 %) эгаллаганини кўриш мумкин. Кейинги ўринларда хўл ёки совитилган бошқа сабзавотлар (5,7 %), хўл ёки совитилган карам (4,32 %), музлатилган сабзавот (3,67 %), хўл ёки совитилган кўзиқоринлар (3,58 %), куритилган сабзавотлар (1,85 %), хўл ёки совитилган пиёз ва хандаб (цикорий) (1,67 %), куритилган дуккакли сабзавотлар (1,23 %), қисқа муддатга саклаш учун консерваланган сабзавотлар (0,39 %), хўл ва совитилган дуккакли сабзавотлар (0,03 %) банд этган.

Жами сабзавотлар импортига нисбатан уларнинг турлари бўйича импорт улушкини йиллар давомида ўзгариши динамикасига назар ташласак, 2008-2012 йилларда хўл ва совитилган бодринг ҳамда корнишонга талаб 4,28, хўл ёки совитилган бошқа сабзавотларга 1,5, хўл ёки совитилган кўзиқоринларга 1,44, хўл ёки совитилган пиёз ва хандабга (цикорий) 1,27, хўл ва совитилган қалампирга 0,98, куритилган сабзавотларга 0,35, қисқа саклаш учун консерваланган сабзавотларга 0,04, хўл ва совитилган дуккакли сабзавотларга 0,02 пунктта ошган бўлса, картошкага талаб 3,56, пиёз ва саримсоқпиёзга 3,32, хўл ёки совитилган карамга 1,3, музлатилган сабзавотга 0,73, сабзи, шолғом, лавлаги, редиска бошқа ейиладиган илдизмеваларга 0,69, куритилгани дуккакли сабзавотларга 0,23, помидорларга 0,01 пунктта камайган (38-жадвал).

**Россияга импорт қилинган сабзавот турларининг жами
сабзавот импортидаги улуси, (жамига нисбатан %да)**

Коди	Маҳсулот турлари	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 Йил	2012 й. нис., пунктда
07-гурухга кирувчи сабзавотлар, бошқа ейишга яроқли илдизмевалар ва туганакмевалар							
702	Помидорлар	35,74	39,1	34	26,8	35,73	- 0,01
707	Хўл ва совитилган бодринг ва корнишон	6,42	7,53	8,09	7,25	10,7	+ 4,28
70960	Хўл ва совитилган калампир	8,35	8,85	7,2	6,1	9,33	+ 0,98
701	Картошка	12,72	8,9	12	24	9,16	- 3,56
703	Пиёз ва саримсоқниёз	10,22	8,9	10,42	9,4	6,9	- 3,32
706	Сабзи, шолғом, лавлаги, редиска ва бошқа ейиладиган илдизмевалар	6,42	5,66	6,3	6,1	5,73	- 0,69
70999	Хўл ёки совитилган бошқа сабзавотлар	4,2	4,4	4,57	4,2	5,7	+ 1,5
704	Хўл ёки совитилган карам	5,62	4,4	4,97	5,6	4,32	- 1,3
710	Музлатилган сабзавот	4,4	4,82	4,79	4	3,67	- 0,73
70951	Хўл ёки совитилган кўзи- коринилар	2,14	2,99	2,89	2,3	3,58	+ 1,44
712	Куритилган сабзавотлар	1,5	1,6	1,82	1,66	1,85	+ 0,35
705	Хўл ёки совитилган пиёз ва хандаб	0,4	0,64	1	1,1	1,67	+ 1,27
713	Куритилгани дуккакли сабзавотлар	1,46	1,75	1,65	1,26	1,23	- 0,23
711	Қисқа сақлаш учун консер- валанган сабзавотлар	0,35	0,43	0,27	0,2	0,39	+ 0,04
708	Хўл ва совитилган дуккакли сабзавотлар	0,01	0,01	0,01	0,02	0,03	+ 0,02
714	Маниока ва болқалар	0,04	0,02	0,02	0	0,01	- 0,03
	Жами:	100	100	100	100	100	

Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. -М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. cartes.net/userfiles/File/issledovanie_rynka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -60-61 с. асосида мувалифлар томонидан ҳисобланган.

Юқорида келтирилған маълумотлар асосида шундай хулоса чиқариш мүмкінки, Россия Федерацияси бозорларыда таҳлил этилаётган даврда хўл ёки совитилган бодринг, хўл сабзавотлар, қалампир ва қуритилган сабзавотларга талаб ошиб боргани ҳолда картошка, пиёз ва саримсоқпиёзга талаб камайган.

Россияга импорт қилинадиган айрим сабзавотларнинг нархлари ва ҳажми 39-жадвалда келтирилган.

39-жадвал

Россияга импорт қилинадиган айрим сабзавотларнинг нархи ва ҳажми

№	Номлари	Нархи АҚШ долл./кг		Импорт ҳажми, 2012 й.			
		2011 Йил	2012 йил	млн. АҚШ долл.	% да	минг тонна	% да
1.	Хўл ва совитилган помидорлар	1,12	1,11	885	36	798	29
2.	Хўл ёки совитилган бошқа сабзавотлар	147	1,46	461	19	316	12
3.	Бодринг ва корнишон	1,20	1,25	265	11	212	8
4.	Картошка	0,50	0,49	227	9	460	17
5.	Пиёз ва саримсоқпиёз	0,55	0,61	171	7	280	10
6.	Сабзи, шолғом, лавлаги, редиска ва бошқалар	0,52	0,57	142	6	248	9
7.	Хўл ёки совитилган карам	0,52	0,60	107	4	179	7
8.	Музлатилган сабзавотлар	0,88	0,74	91	4	123	5
9.	Куритилган сабзавотлар	1,75	1,91	46	2	24	1
10.	Хўл пиёз ва хандаб	1,51	1,51	42	2	28	1
11.	Куритилган дуккакли сабзавотлар	0,91	1,04	30	1	29	1
12.	Консервалантган сабзавотлар	0,47	0,53	10	0	18	1
13.	Хўл ва совитилган дуккакли сабзавотлар	1,10	0,90	1	0	1	0
14.	Маниока ва бошқалар	1,15	0,99	0,2	0	0,2	0
Жами:				2 477	100	2 715	100

Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. -М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. car tec.net/userfiles/File/issledovanie_ryntka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -16 с.

Сабзавотлар гурухида импортта бўлган талабнинг товар таркибидағи бу ўзгаришлар мамлакатимиз экспортчилари учун муҳим маълумот бўлиб хизмат қилиши керак. Аммо, талаб хусусиятлари ва ички ишлаб чиқариш имкониятларидан келиб чиқиб бу ҳолат ўзгариб туриши ҳам мумкин.

Россия озиқ-овқат бозорларига 2012 йилда физик ҳажмда жами 2 715,0 минг тонна сабзавотлар импорт қилинган бўлиб, унинг 29,0 %ини помидорлар (798 минг тонна), 17,0 %ини картошка (460 минг тонна), 10,0 %ини пиёз ва саримсоқпиёз (280 минг тонна), 9,0 %ини сабзи, шолғом, лавлаги, редиска ва бошқалар (248 минг тонна), 8,0 %ини бодринг ва корнишон (212 минг тонна), 7 %ини ҳўл ёки совитилган карам (179 минг тонна), 5,0 %ини музлатилган сабзавотлар (123 минг тонна) ва 12,0 %ини ҳўл ёки совитилган бошқа сабзавотлар (316 минг тонна) ташкил этган.

Сабзавотлар нархлари даражаси уларнинг турларига қараб ҳар хил. Жумладан, 2011-2012 йилларда 1 кг помидор нархи 1,12-1,11, бодринг ва корнишон нархлари 1,2-1,25, картошка нархи 0,5-0,49, пиёз ва саримсоқпиёз нархлари 0,55-0,61, сабзи, шолғом, лавлаги, редиска ва бошқалар нархи 0,52-0,57, ҳўл ёки совитилган карам нархи 0,52-0,60, куритилган сабзавотлар нархи 1,71-1,91 АҚШ доллари атрофида тебраниб турган.

2012 йилда РФга жами қиймати 6 274,0 млн. АҚШ долларига тенг мевалар импорт қилинган бўлиб, бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 40,6 %га ошган. ТИФ ТН кодларининг 08-гурухга кирувчи ейишга яроқли мевалар ва ёнғоқ, цитрус мевалар қобиғи ва қовун пӯчоғи импортини уларнинг турлари бўйича таҳлил этадиган бўлсақ, 2012 йилда қиймати 1 499,0 млн. долларлик цитрус мевалар (жамига нисбатан 24,0 %), 924,0 млн. долларлик банан (14,7 %), 796,0 млн. долларлик ҳўл олмалар (12,7 %), 606,0 млн. долларлик ҳўл ва куритилган узум (9,66 %), 461,0 млн. долларлик ҳўл нок (7,35 %), 376,0 млн. долларлик ҳўл шафтоли (6,0 %), 346,0 млн. долларлик ёнғоқ (5,5 %), 137,0 млн. долларлик хурмо (2,2 %), 122,0 млн. долларлик гиолос (1,94 %), 89,7 млн. долларлик ҳўл олхўри (1,4 %), 73,8 млн. долларлик ҳўл ўрик (1,2 %), 65,5 млн. долларлик музлатилган мевалар (1,0 %), 57,0 млн. долларлик куритилган олхўри (0,9 %), 37,1 млн. долларлик куритилган ўрик (0,6 %), 26,5 млн. долларлик қовун-тарвуз ва папайя (0,4 %), 13,3 млн. долларлик бошқа куритилган мевалар (0,2 %) импорт қилинган (40-41-жадваллар).

Россияга импорт қилингандык мевалар киймати,
(турлари бўйича, млн. АҚШ долларида)

Коди	Махсулот турлари	2008 Йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 Йил	2012 й. нис., %да
08-гурухга кирувчи ейишга яроқли мевалар ва ёнгоқ; цитрус мевалар қобиги ва қовун пўчоги							
805	Цитрус мевалар	951	1018	1280	1579	1499	157,62
803	Бананлар	670	630	704	950	924	137,9
80810	Хўл олмалар	520	548	668	757	796	153,0
806	Хўл ёки куритилган узум	592	543	673	599	606	102,3
810	Бошқа хўл мевалар	255	285	405	455	558	218,8
80820	Хўл нок	328	266	382	452	461	140,5
80930	Хўл шафтоли	135	141	242	361	376	278,5
802	Бошқа ёнгоқлар	328	245	281	311	346	105,4
804	Хурмо	63	75	115	127	137	217,5
80920	Хўл гилюс	99	132	154	137	122	123,2
80940	Хўл олхўри	51,9	51,4	78,4	84,7	89,7	172,8
801	Бразилия ёнгоги, кешью, кокос	59,1	54	69,7	83,5	84,7	143,3
80910	Хўл ўрик	60,4	53,6	72,3	74,5	73,8	122,2
811	Музлатилган мевалар	47,3	42,4	66,4	74,3	65,5	138,5
81320	Куритилган олхўри	43	47,1	74,4	54,9	57	132,6
81310	Куритилган ўрик	55,9	77,6	83,5	43,9	37,1	66,4
807	Қовун-тарвуз ва папайя	164	127	85	50,9	26,5	16,1
81340	Бошқа қуритилган мевалар	38,9	56,7	56	20,2	13,3	34,2
814	Цитрус мевалар қобиги ва қовун пўчоги	0,3	0,6	0,9	0,9	0,7	233,3
812	Қисқа сақлаш учун консерваланган мевалар ва ёнгоқлар	0,1	0,4	0,2	0,2	0,2	200,0
	Жами:	4 462	4 394	5 491	6 216	6 274	140,6

Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. -М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. cattes.net/userfiles/File/issledovanie_ryntka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -61 с.

Россия озиқ-овқат бозорларида меваларга талаб юқори. Маълумотларга қараганда “хозирги вақтда Россия Федерацияси аҳолисининг меваларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун зарур бўлган мевалар миқдори йиллига 11 млн. тонна деб баҳоланади. Россиянинг ўзида ишлаб чиқариладиган меваларнинг ўртача йиллик миқдори эса 4 млн. тоннага тенг. Россия мева бозоридаги талабнинг учдан икки қисми импорт ҳисобидан таъминланади⁵⁸”.

Ўтган 2008-2012 йиллар давомида мевалар импортига талаб хўл шафтолига 178,5, бошқа хўл меваларга 119,8, хурмога 117,5, қисқа вақтда сақлаш учун мўлжалланган консерваланган мевалар ва ёнғоқларга 100,0, хўл олхўрига 72,8, цитрус меваларга 57,6, хўл олмаларга 53,0, нокка 40,5, музлатилган меваларга 38,5, бананларга 37,9, қуритилган олхўрига 32,6, хўл гилосга 23,2, хурмога 117,5, ёнғоққа 5,4, хўл ва қуритилган узумга 2,3 %га ошган бўлса, қуритилган ўрикка талаб 33,6, қовун-тарвуз ва папайяга 83,9 ва бошқа қуритилган меваларга 65,8 %га камайган.

Алоҳида мева турлари импортига бўлган талабнинг жами мевалар импортига нисбатан салмоғининг йиллар давомида ўзгаришини кузатсан, асосан хўл олма, шафтоли, хурмо, олхўри ва бошқа хўл мевалар салмоғи ўсиш тенденциясини намойиш этганини кўриш мумкин (28-жадвал).

Жумладан, бу кўрсаткич 2008-2012 йилларда хўл олмаларда 11,65 дан 12,7 %га (+ 1,05 п.), хўл шафтолида 3,02 дан 6,0 %га (+ 2,98 п.), хурмода 1,41 дан 2,2 %га (+ 0,79 п.), хўл олхўрида 1,16 дан 1,4 %га (+ 0,24 п.) ва бошқа хўл меваларда 5,71 дан 8,9 %га (+ 3,19 п.) ошган бўлса, хўл ёки қуритилган узумда 13,3 дан 9,66 %га (- 3,64 п.), хўл гилосда 2,22 дан 1,94 %га (- 0,28 п.), қуритилган ўрикда 1,25 дан 0,6 %га (- 0,65 п.), қовун-тарвуз ва папайядা 3,68 дан 0,4 %га (- 3,28 п.) пасайиш юз берган.

Ўзбекистоннинг иқлим шароитига мос келадиган ва Россияда катта талабга эга меваларни экспортга чиқаришда Россия Федерацияси мева бозорларидағи бу хусусиятларни хисобга олиш мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларининг валюта маблағларини ишлаб топиши учун жуда катта имкониятлар яратади.


⁵⁸ Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. -М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. cartec.net/userfiles/File/issledovanie_rynska_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -17 с.

Россияга импорт қилинганди мева турларининг жами мева импортидаги улуши, (турлари бўйича, жамига нисбатан %да)

Коди	Махсулот турлари	2008 йил	2009 Йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 й. 2008 й.га нис., п.да
08-гурухга кирувчи ейинига яроқли мевалар ва ёнғоқ; цитрус мевалар қобиги ва қовун пӯчоги							
805	Цитрус мевалар	21,3	23,17	23,3	25,4	24,0	+ 2,7
803	Бананлар	15	14,34	12,82	15,3	14,7	- 0,3
80810	Хўл олмалар	11,65	12,47	12,16	12,2	12,7	+ 1,05
806	Хўл ёки қурилган узум	13,3	12,36	12,26	9,64	9,66	- 3,64
810	Бошқа хўл мевалар	5,71	6,5	7,38	7,32	8,9	+ 3,19
80820	Хўл нок	7,35	6,05	7	7,27	7,35	-
80930	Хўл шафтоли	3,02	3,2	4,4	5,8	6,0	+ 2,98
802	Бошқа ёнгоқлар	7,35	5,58	5,1	5	5,5	- 1,85
804	Хурмо	1,41	1,7	2,1	2,04	2,2	+ 0,79
80920	Хўл гилос	2,22	3	2,8	2,2	1,94	- 0,28
80940	Хўл олхўри	1,16	1,17	1,42	1,36	1,4	+ 0,24
801	Бразилия ёнгоғи, кешью, кокос	1,32	1,23	1,27	1,34	1,35	+ 0,03
80910	Хўл ўрик	1,35	1,22	1,32	1,2	1,2	- 0,15
811	Музлатилган мевалар	1,06	0,96	1,21	1,2	1	- 0,06
81320	Қурилган олхўри	0,96	1,07	1,35	0,9	0,9	- 0,06
81310	Қурилган ўрик	1,25	1,77	1,52	0,7	0,6	- 0,65
807	Қовун-тарвуз ва папайя	3,68	2,89	1,55	0,8	0,4	- 3,28
81340	Бошқа қурилган мевалар	0,9	1,29	1,02	0,32	0,2	- 0,7
814	Цитрус мевалар қобиги ва қовун пӯчоги	0,01	0,02	0,02	0,01	0,01	-
812	Қисқа саклашпа консерваланган мева ва ёнғоқ	0	0,01	0	0	0	-
Жами:		100	100	100	100	100	

Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. -М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. car tec.net/userfiles/File/issledovanie_ryntka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -61 с. асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган

Россияда меваларнинг жами истеъмоли ва импорт ҳисобидан копланадиган кисми 13-чизмада келтирилган.



13-чизма. Россияда меваларнинг жами истеъмоли ҳајсми ва импортиning ўзгариши динамикаси⁵⁹, минг тоннада.

13-чизмада келтирилган маълумотлар шундан дарак берадики, Россия ўзининг меваларга бўлган талабини асосан импорт ҳисобига таъминлаб келади. Жумладан, 2011 йилда истеъмол қилинган 8 537,0 минг тонна меванинг 6 173,0 минг тоннаси ёки 72,3 %и импорт ҳисобига таъминланган.

Россияга 2012 йилда импорт қилинган айрим турдаги меваларнинг физик ҳажми, нархлари ва асосий йирик экспортчи давлатлар 42-жадвалда келтирилган. Россия Федерациясига импорт қилинган асосий турдаги меваларнинг импорт нархлари 2011-2012 йилларда мева турларига қараб турлича бўлган. Хусусан, 1 кг.га нисбатан хўл олма нархи 0,65-0,62, хўл узум нархи 1,34-1,4, хўл нок нархи 1,07-1,05, хўл шафтоли нархи 1,44-1,41, гилос нархи 1,71-1,59, хўл олхўри нархи 1,21-1,15, куритилган узум (майиз) нархи 1,41-1,69, хўл ўрик нархи 1,20-1,10, куритилган олхўри нархи 2,01-1,98, қуритилган ўрик нархи 2,39-2,48 АҚШ доллари атрофида ўзгариб турган.

2012 йилда энг кўп импорт қилинган мевалар қуийдагилар:

⁵⁹ Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. –М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. cartec.net/userfiles/File/issledovanie_rynka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -18 с.


43-жадвал

**Россияга импорт қилингандык мева ва сабзавотларнинг
мамлакатлар кесимидаги қиймати, (млн. АҚШ долларда)**

№	Давлатлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 й. 2008 й.га нисб., да
07-гурухга киругичи сабзавотлар, бончык ейиштеги яроқли илдизмевалар ва туганакмевалар							
1.	Туркия	319,7	371,8	476,0	523,5	470,2	147,1
2.	Хитой	258,3	222,2	276,2	405,4	334,6	129,5
3.	Нидерландия	204,2	169,4	281,2	342,0	240,7	117,9
4.	Польша	127,9	145,0	180,8	195,2	234,2	183,1
5.	Исройл	79,1	97,2	139,5	241,7	232,9	294,4
6.	Испания	80,0	66,0	79,9	133,9	175,9	219,9
7.	Эрон	33,7	45,3	68,2	104,7	99,5	295,2
8.	Марокко	50,1	36,7	32,3	63,9	96,1	191,8
9.	Украина	43,3	79,6	80,4	71,2	91,4	211,1
10.	Озарбайжан	62,1	52,8	54,1	96,9	80,2	129,1
11.	Ўзбекистан	55,7	75,2	139,3	93,9	26,2	47,0
12.	Кирғизистон	63,9	52,9	50,0	26,7	7,6	11,9
13.	Тожикистон	28,3	24,0	48,8	18,0	7,1	25,1
14.	Бошқалар	352,7	222,0	368,6	729,9	381,0	108,0
Жами:		1 759	1 660	2 275	3 047	2 471	140,5
08-гурухга киругичи ейиштеги яроқли мевалар ва ёнғоқ; цитрус мевалар қобиги ва қовун пүчоғи							
1.	Эквадор	599,8	588,6	650,8	878,5	830,5	138,5
2.	Туркия	481,4	595,7	832,6	855,4	805,7	167,4
3.	Польша	123,8	255,5	271,6	240,5	431,4	348,5
4.	Испания	139,5	130,0	230,0	406,2	429,9	308,2
5.	Хитой	292,7	262,1	261,6	251,8	293,2	100,2
6.	Аргентина	283,9	209,3	225,8	278,6	248,1	87,4
7.	Марокко	234,4	191,4	210,4	259,2	232,6	99,2
8.	Греция	59,7	59,7	112,2	165,4	227,6	381,2
9.	Италия	110,2	109,3	160,0	229,9	217,8	197,6
10.	Озарбайжон	144,1	129,0	137,9	148,6	217,7	151,1
11.	Ўзбекистан	181,0	199,9	288,6	254,9	104,1	57,5
12.	Кирғизистон	199,0	145,3	95,8	11,4	3,7	1,86
13.	Тожикистон	88,3	121,2	99,0	17,8	3,5	4,0
14.	Бошқалар	1 524,9	1 396,8	1 914,6	2 217,9	2 211,2	145,0
Жами:		4 463	4 394	5 491	6 216	6 257	140,2

Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. –М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. cartec.net/userfiles/File/issledovanie_ryntka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiv_v1.pdf -64 с.

Россияда меваларнинг жами истеъмоли ва импорт ҳисобидан қопланадиган қисми 13-чизмада келтирилган.



13-чизма. Россияда меваларнинг жами истеъмоли ҳажми ва импортининг ўзгариши динамикаси⁵⁹, минг тоннада.

13-чизмада келтирилган маълумотлар шундан дарак берадики, Россия ўзининг меваларга бўлган талабини асосан импорт ҳисобига таъминлаб келади. Жумладан, 2011 йилда истеъмол қилинган 8 537,0 минг тонна меванинг 6 173,0 минг тоннаси ёки 72,3 %и импорт ҳисобига таъминланган.

Россияга 2012 йилда импорт қилинган айрим турдаги меваларнинг физик ҳажми, нархлари ва асосий иирик экспортчи давлатлар 42-жадвалда келтирилган. Россия Федерациясига импорт қилинган асосий турдаги меваларнинг импорт нархлари 2011-2012 йилларда мева турларига қараб турлича бўлган. Хусусан, 1 кг.га нисбатан хўл олма нархи 0,65-0,62, хўл узум нархи 1,34-1,4, хўл нок нархи 1,07-1,05, хўл шафтоли нархи 1,44-1,41, гилос нархи 1,71-1,59, хўл олхўри нархи 1,21-1,15, қуритилган узум (майиз) нархи 1,41-1,69, хўл ўрик нархи 1,20-1,10, қуритилган олхўри нархи 2,01-1,98, қуритилган ўрик нархи 2,39-2,48 АҚШ доллари атрофида ўзгариб турган.

2012 йилда энг кўп импорт қилинган мевалар қуйидагилар:

⁵⁹ Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. -М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. cartec.net/userfiles/File/issledovanie_rynka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -18 с.

- хўл олма – 1 278,0 минг тонна, қиймати 796,0 минг АҚШ долларига тенг, энг йирик экспортер – Польша, жами импортнинг 47 %и;
- хўл узум – 378,0 минг тонна, қиймати 528,0 минг АҚШ долларига тенг, энг йирик экспортер – Туркия, жами имортнинг 38 %и;
- хўл нок – 410,0 минг тонна, қиймати 461,0 минг АҚШ долларига тенг, энг йирик экспортер – Бельгия, жами имортнинг 28 %и;
- хўл шафтоли – 266,0 минг тонна, қиймати 376,0 минг АҚШ долларига тенг, энг йирик экспортер – Испания, жами имортнинг 46 %и;
- хўл гилос – 76,0 минг тонна, қиймати 122,0 минг АҚШ долларига тенг, энг йирик экспортер – Туркия, жами имортнинг 33 %и;
- хўл олхўри – 78,0 минг тонна, қиймати 90,0 минг АҚШ долларига тенг, энг йирик экспортер – Молдавия, жами имортнинг 27 %и;
- куритилган узум – 46,0 минг тонна, қиймати 77,0 минг АҚШ долларига тенг, энг йирик экспортер – Эрон, жами имортнинг 54 %и;
- хўл ўрик – 67,0 минг тонна, қиймати 74,0 минг АҚШ долларига тенг, энг йирик экспортер – Туркия, жами имортнинг 42 %и;
- куритилган олхўри – 29,0 минг тонна, қиймати 57,0 минг АҚШ долларига тенг, энг йирик экспортер – Чили, жами имортнинг 60 %и;
- куритилган ўрик – 15,0 минг тонна, қиймати 37,0 минг АҚШ долларига тенг, энг йирик экспортер – Туркия, жами имортнинг 89 %и.

Мева-сабзавотлар бозорини тадқиқ этишда товар таркиби билан бирга импорт географиясини, яъни Россияга ушбу маҳсулотларни экспортга чиқарган асосий мамлакатларнинг экспорт кўрсаткичларини таҳлил этиш муҳим. Чунки, экспорт ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишида асосий омиллардан бири сифатида рақобатчиларни ўрганишга эътибор каратилади.

Россияга мева-сабзавотлар экспорт килган мамлакатлар кесимида Россиянинг импорт географиясини 42-жадвал маълумотлари асосида таҳлил этиш мумкин. Хусусан, 07-гурухга кирувчи сабзавотлар, бошқа ейишга яроқли илдизмевалар ҳамда туганакмевалар категориясида энг асосий экспортер-мамлакатлар қаторига 14 та мамлакат кирган бўлиб, улар импорт қилинган маҳсулотнинг асосий қисмини етказиб берган.

**Россияга импорт килингган айрим меваларнинг нархи
ва ҳажми**

№	Номи	Нархи АҚШ долл./кг		Импорт ҳажми, 2012 й.		Энг йирик экспортер	
		2011	2012	млн. АҚШ долл.	минг тонна	мамлакат- лар	улу- ши
1.	Ҳўл олма	0,65	0,62	796	1 278	Польша	47%
2.	Ҳўл узум	1,34	1,40	528	378	Туркия	38%
3.	Ҳўл нок	1,07	1,05	461	410	Бельгия	28%
4.	Ҳўл шафтоли	1,44	1,41	376	266	Испания	46%
5.	Ҳўл гилюс	1,71	1,59	122	76	Туркия	33%
6.	Ҳўл олхўри	1,21	1,15	90	78	Молдавия	27%
7.	Қуритилган узум	1,41	1,69	77	46	Эрон	54%
8.	Ҳўл ўрик	1,20	1,10	74	67	Туркия	42%
9.	Қуритилган олхўри	2,01	1,98	57	29	Чили	60%
10.	Қуритилган ўрик	2,39	2,48	37	15	Туркия	89%

Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. -М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. cattes.net/userfiles/File/issledovanie_rynka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -19 с.

Жумладан, 2012 йилда сабзавотлар категориясида энг йирик экспортчи-мамлакатларнинг Россияга амалга оширган экспорт қўрсаткичлари қўйидагича бўлган (43-44-жадваллар):

1. Туркия – 470,2 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами импортининг 19 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 47,1 %га ошган.

2. Хитой – 334,6 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами импортининг 13,5 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 29,5 %га ошган.

3. Нидерландия – 240,7 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами импортининг 9,7 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 17,9 %га ошган.

**Россияга импорт қилингандык мева да сабзавотларнинг
мамлакатлар кесимидаги қиймати, (млн. АҚШ долларыда)**

№	Давлатлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 й. 2008 й.га нисб., да
07-гурухга киругчи сабзавотлар, бошқа ейиншілдік мева да тұганак мева							
1.	Түркія	319,7	371,8	476,0	523,5	470,2	147,1
2.	Хитой	258,3	222,2	276,2	405,4	334,6	129,5
3.	Нидерландия	204,2	169,4	281,2	342,0	240,7	117,9
4.	Польша	127,9	145,0	180,8	195,2	234,2	183,1
5.	Испания	79,1	97,2	139,5	241,7	232,9	294,4
6.	Италия	80,0	66,0	79,9	133,9	175,9	219,9
7.	Эрон	33,7	45,3	68,2	104,7	99,5	295,2
8.	Марокко	50,1	36,7	32,3	63,9	96,1	191,8
9.	Украина	43,3	79,6	80,4	71,2	91,4	211,1
10.	Озарбайжан	62,1	52,8	54,1	96,9	80,2	129,1
11.	Ўзбекистон	55,7	75,2	139,3	93,9	26,2	47,0
12.	Кирғизистон	63,9	52,9	50,0	26,7	7,6	11,9
13.	Тожикистон	28,3	24,0	48,8	18,0	7,1	25,1
14.	Бошқалар	352,7	222,0	368,6	729,9	381,0	108,0
Жами:		1 759	1 660	2 275	3 047	2 471	140,5
08-гурухга киругчи ейиншілдік мева да тұганак мева							
қобиғи да қовун пүчоги							
1.	Эквадор	599,8	588,6	650,8	878,5	830,5	138,5
2.	Түркія	481,4	595,7	832,6	855,4	805,7	167,4
3.	Польша	123,8	255,5	271,6	240,5	431,4	348,5
4.	Испания	139,5	130,0	230,0	406,2	429,9	308,2
5.	Хитой	292,7	262,1	261,6	251,8	293,2	100,2
6.	Аргентина	283,9	209,3	225,8	278,6	248,1	87,4
7.	Марокко	234,4	191,4	210,4	259,2	232,6	99,2
8.	Греция	59,7	59,7	112,2	165,4	227,6	381,2
9.	Италия	110,2	109,3	160,0	229,9	217,8	197,6
10.	Озарбайжан	144,1	129,0	137,9	148,6	217,7	151,1
11.	Ўзбекистон	181,0	199,9	288,6	254,9	104,1	57,5
12.	Кирғизистон	199,0	145,3	95,8	11,4	3,7	1,86
13.	Тожикистон	88,3	121,2	99,0	17,8	3,5	4,0
14.	Бошқалар	1 524,9	1 396,8	1 914,6	2 217,9	2 211,2	145,0
Жами:		4 463	4 394	5 491	6 216	6 257	140,2

Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. -М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. cartec.net/userfiles/File/issledovanie_ryntka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -64 с.

4. Польша – 234,2 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 9,5 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 83,1 %га ошган.

5. Испания – 232,9 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 9,4 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 2,94 мартага ошган.

6. Испания – 175,9 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 7,1 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 2,19 мартага ошган.

7. Эрон – 99,5 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 4 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 2,95 мартага ошган.

8. Марокко – 96,1 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 3,9 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 91,8 %га ошган.

9. Украина – 91,4 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 3,7 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 2,11 мартага ошган.

10. Озарбайжон – 80,2 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 3,2 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 29,1 %га ошган.

11. Ўзбекистон – 26,2 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 1,06 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 53,0 %га камайган.

12. Киргизистон – 7,6 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 0,3 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 88,1 %га камайган.

13. Тожикистон – 7,1 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 0,3 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 74,9 %га камайган.

14. Қозогистон – 1,4 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 0,06 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 98,8 %га камайган.

15. Бишкә мамлакатлар – 379,6 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 15,3 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 61,4 %га ошган.

Юқорида келтирилганлар асосида шундай хуносага келиш мүмкинки, Россия сабзавотлар бозорида 2012 йилда энг асосий ўринни Турция (19 %), Хитой (13,5 %), Нидерландия (9,7 %),

Польша (9,5 %), Испания (9,4 %), Испания (7,1 %), Эрон (4,0 %), Марокко (3,9 %), Украина (3,7 %), Озарбайжон (3,2 %) ва Ўзбекистон (1,06 %) эгаллаган.

2008-2012 йиллар оралиғида Россиянинг сабзавот бозорида ўзининг эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаганлар сифатида Туркия (18,2 дан 19,0 %га), Польша (7,27 дан 9,5 %га), Испания (4,5 дан 9,4 %га), Испания (4,55 дан 7,1 %га), Эрон (1,92 дан 4,0 %га), Марокко (2,85 дан 3,9 %га) каби мамлакатларни келтириш мумкин бўлса, ўз позициясини қисман йўқотганлар сафига Хитой (14,7 дан 13,5 %га), Нидерландия (11,6 дан 9,7 %га), Озарбайжон (3,5 дан 3,2 %га), Ўзбекистон (3,17 дан 1,06 %га), Киргизистон 3,63 дан 0,3 %га), Тожикистон (1,6 дан 0,3 %га) ва Қозоғистонни 6,68 дан 0,06 %га) кўшиш мумкин.

Аммо, юқорида келтирилган бу маълумотлар Россиянинг Европа мамлакатларига қарама-қарши озиқ-овқат эмбаргоси киритилишидан олдинги ҳолатни акс эттиради. Ҳозирги кунда Россия сабзавот бозорида Европанинг юқорида келтирилган Нидерландия, Польша, Испания ва Украина давлатлари ўзининг позициясини кескин йўқотган бўлиб, бу Ўзбекистон учун қулай имкониятлар очиши мумкин.

Россия озиқ-овқатлар бозорини ТИФ ТН кодларининг 08-гурухига кирувчи ейишга яроқли мевалар ва ёнғоқ, цитрус мевалар қобиги ва қовун пўчоги бўйича таҳлил этадиган бўлсак, бу категорияда ҳам энг асосий экспортчи мамлакатлар қаторига дунёнинг 14 та мамлакати кирган бўлиб, улар Россия Федерациясига импорт қилинган мева маҳсулотларининг асосий қисмини етказиб берган.

Жумладан, 2012 йилда мевалар категориясида энг йирик экспортчи-мамлакатларнинг Россиянга амалга оширган экспорт кўрсаткичлари қуйидагича бўлган (43-44-жадваллар):

1. Эквадор – 830,5 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами импортининг 13,27 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 38,5 %га ошган.

2. Туркия – 805,7 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортининг 12,9 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 67,4 %га ошган.

3. Польша – 431,4 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортининг 6,9 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 3,48 мартаға ошган.

**Россияга импорт қилинган мева ва сабзавотларнинг
импортдаги улуши, (мамлакатлар кесимида, жамига нисб. %да)**

№	Давлатлар	2008 йил	2009 Йил	2010 йил	2011 Йил	2012 йил	2012 й. 2008 й.га нисб., %
---	-----------	-------------	-------------	-------------	-------------	-------------	----------------------------------

**07-гурухга кириувчи сабзавотлар, бошқа ейишга яроқли илдиzmевалар
ва туганакмевалар**

1.	Туркия	18,2	22,4	20,9	17,2	19	+ 1,8
2.	Хитой	14,7	13,4	12,14	13,3	13,5	- 1,2
3.	Нидерландия	11,6	10,2	12,36	11,2	9,7	- 1,9
4.	Польша	7,27	8,7	7,95	6,4	9,5	+ 2,23
5.	Исройл	4,5	5,85	6,13	7,9	9,4	+ 4,9
6.	Испания	4,55	4	3,5	4,4	7,1	+ 2,55
7.	Эрон	1,92	2,7	3	3,44	4	+ 2,08
8.	Марокко	2,85	2,2	1,4	2,1	3,9	+ 1,05
9.	Украина	2,46	4,8	3,53	2,3	3,7	+ 1,24
10.	Озарбайжон	3,5	3,2	2,4	3,2	3,2	- 0,3
11.	Ўзбекистан	3,17	4,5	6,12	3,1	1,06	- 2,11
12.	Қирғизистон	3,63	3,2	2,2	0,9	0,3	- 3,33
13.	Тоҷикистон	1,6	1,45	2,14	0,6	0,3	- 1,3
14.	Бошқалар	20,05	13,4	16,23	23,95	15,36	- 4,69
	Жами:	100	100	100	100	100	

**08-гурухга кириувчи ейишга яроқли мевалар ва ёнгок; цитрус мевалар
кобиги ва ковун ѕуточи**

1.	Эквадор	13,44	13,4	11,85	14,1	13,27	- 0,17
2.	Туркия	10,8	13,56	15,2	13,76	12,9	+ 2,1
3.	Польша	2,77	5,82	4,95	3,9	6,9	+ 4,13
4.	Испания	3,12	2,96	4,2	6,5	6,87	+ 3,75
5.	Хитой	6,56	5,97	4,8	4,05	4,7	- 1,86
6.	Аргентина	6,36	4,76	4,1	4,48	3,96	- 2,4
7.	Марокко	5,25	4,36	3,8	4,17	3,7	- 1,55
8.	Греция	1,34	1,36	2	2,66	3,6	+ 2,26
9.	Италия	2,47	2,49	2,9	3,7	3,5	+ 1,03
10.	Озарбайжон	3,23	2,93	2,5	2,4	3,5	+ 0,27
11.	Ўзбекистон	4,05	4,55	5,25	4,1	1,66	- 2,39
12.	Қирғизистон	4,46	3,3	1,74	0,2	0,06	- 4,4
13.	Тоҷикистон	1,98	2,76	1,8	0,3	0,05	- 1,93
14.	Бошқалар	34,17	31,78	34,9	35,68	35,33	+ 1,16
	Жами:	100	100	100	100	100	

Манба: Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукций из стран Центральной Азии. Отчет. -М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013. cartec.net/userfiles/File/issledovanie_tynka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf. -64 с. асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

4. Испания – 429,9 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 6,87 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 3,08 мартага ошган.
5. Хитой – 293,2 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 4,7 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 0,2 %га ошган.
6. Аргентина – 248,1 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 3,96 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 12,6 %га камайган.
7. Марокко – 232,6 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 3,7 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 0,8 %га камайган.
8. Греция – 227,6 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 3,6 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 3,81 мартага ошган.
9. Италия – 217,8 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 3,5 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 97,6 %га ошган.
10. Озарбайжон – 217,7 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 3,5 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 51,1 %га ошган.
11. Ўзбекистон – 104,1 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 1,66 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 42,5 %га камайган.
12. Қирғизистон – 3,7 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 0,06 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 98,14 %га камайган.
13. Тожикистон – 3,5 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 0,05 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 96,0 %га камайган.
14. Бошқа мамлакатлар – 2 211,2 млн. АҚШ долларига тенг, РФ жами жами импортнинг 35,33 %ини ташкил этади. 2008-2012 йилларда экспорт қиймати 56,5 %га ошган.
- Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Россия мевалар бозорида 2012 йилда энг асосий ўринни Эквадор (13,27 %), Туркия (12,9 %), Польша (6,9 %), Испания (6,87 %), Хитой (4,7 %), Аргентина (3,96 %), Марокко (3,7 %), Греция (3,6 %), Италия (3,5 %), Озарбайжон (3,5 %) ва Ўзбекистон (1,66 %) эгаллаган.

2008-2012 оралиғида Россиянинг мева бозорида ўзининг эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаганлар сифатида Туркия (10,8 дан 12,9 %га), Польша (2,77 дан 6,9 %га), Испания (3,12 дан 6,87 %га), Греция (1,34 дан 3,6 %га), Италия (2,47 дан 3,5 %га), Озарбайжон (3,23 дан 3,5 %га) каби мамлакатларни көлтириш мумкин бўлса, ўз позициясини қисман йўқотганлар сафига Эквадор (13,44 дан 13,27 %га), Хитой (6,56 дан 4,7 %га), Аргентина (6,36 дан 3,96 %га), Марокко (5,25 дан 3,7 %га), Ўзбекистон (4,05 дан 1,66 %га), Қирғизистон 4,46 дан 0,06 %га), Тожикистонни (1,98 дан 0,05 %га) кўшиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавот экспорт қилиш борасидаги салоҳиятини таҳлил қилиш асосида шундай хуносага келиш мумкинки, истиқболда республикамиз Россия учун айло таъм, юқори сифат ва рақобатбардошлиқ кўрсаткичларига эга бўлган мева-сабзавотлар етказиб берувчи йирик экспортёр давлатга айланиши мумкин.

Хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари анъанавий истеъмол бозорларининг қайта тикланиши ва кентайиши Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошишида асосий омиллардан ҳисобланади. МДҲ мамлакатлари ичida хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлган Ўзбекистонда мазкур соҳада улкан, етарли даражада фойдаланилмаётган салоҳият мавжуд.

МДҲ фаолият юритаёган муддат давомида собиқ Иттифоқ худудидаги иқтисодий муштараклик сезиларли даражада кучсизланди, кўплаб давлатлар анъанавий бўлиб қолган бозорларни эмас, кўпроқ узоқ хориж мамлакатларини мўлжаллай бошлашди. Оқибатда МДҲ бозорларидағи улкан улуш бой берилди. Аслида ушбу давлатларнинг, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларининг маҳсулотлари рақобатбардошлиқ даражаси Европа бозорлари учун анча паст. Бунга сабаб транспорт харажатларининг жуда юқорилиги ва ривожланган давлатлар бозоридаги юксак техник стандартлар шароитида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларимиз сифатининг настлигидир.

Россия, Қозғистон ва Беларусь томонидан ташкил этилган ягона Божхона Иттифоқи худуди туфайли 2011-2014 йилларда мева-сабзавотларни Россияга тўғридан-тўғри экспорт қилиш ишлари анча мураккаблашган. Хусусан, Божхона иттифоқи мамлакатлари орқали транзит юк ташиш тарифларининг ошириб

юборилгани, чегарадан ўтиш чоғидаги карантин ва санитария талабларининг мураккаблиги ва РФнинг чакана савдо тармоқларига кичик партиядаги товарларни етказиб беришнинг норентабеллиги каби муаммолар бунга тўсиқ бўлмоқда.

Ўзбекистон учун РФ каби бир томондан улкан бозор сигимига эга, иккинчи томондан қўшни бўлгани учун транспорт ва коммуникация кулагилкларига эга мамлакат бозорларини эгаллаш стратегик муҳим аҳамиятга эга. Гарчи айрим муаммолар мавжуд бўлса-да, кейинги йилларда Россия бозорларига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми кенгайиб бормоқда. Айниқса, РФ томонидан қарама-қарши санкция сифатида Европанинг айрим мамлакатларидан озиқ-овқат импортига имбарго кўйилиши Ўзбекистон учун янги имкониятлар очиши мумкин. Жумладан, foodnewsweek.ru интернет-сайтининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига таяниб берган маълумотларига қараганда Ўзбекистондан 2015 йилда Россия Федерациясига 400,0 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш кўзда тутилмоқда. Ўтган 2014 йилда бу кўрасаткич 250,0 минг тоннани ташкил этган эди. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтиришга Россия Федерацияси Президенти В.Путиннинг 2014 йил 10 декабрда Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида асос солинган эди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланган 2015 йилги мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти прогноз-параметрларида умумий экспорт ҳажмини 600 минг тоннага етказиш кўзда тутилган. Ўсиш биринчи навбатда умумий экспортнинг 80%дан ортиғи тўғри келадиган Россияга экспортни ошириш ҳисобига таъминланishi лозим.⁶⁰

Ўзбекистондан РФга мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар биринчи навбатда бу улкан бозорнинг ҳусусиятларини, конъюнктурасини, РФда озиқ-овқат маҳсулотлари импортига кўйиладиган техник, экологик ва санитария талабларини, логистика ва божхонада расмийлаштирув тартиб-коидаларини яхши ўрганишлари мақсадга мувофиқ.

Россия озиқ-овқат бозори Марказий Осиё ишлаб чиқарувчиларига худудий жиҳатдан яқин жойлашгани транспорт харажатларини камайишига олиб келади ва бу Марказий Осиё

⁶⁰ www.foodnewsweek.ru/world/uzbekistan-gotov-uvelichit-eksport-produktov-v-rf.html

товарларининг рақобатбардошлигини оширади. Бошқа томондан Марказий Осиё давлатларидан Россияга кириб келадиган товарлар учун имтиёзли режимни яратилиши товарларнинг рақобатбардошлигини оширувчи иккинчи омил деб қарашиб мумкин.

Маълумотларга қараганда Марказий Осиё давлатларидан Россияга кириб келадиган “кўпчилик товарлар учун божхона тўловлари ва йиғимлар умуман йўқ. Маҳсулот етказиб берувчилар товарларни божхонадан ўтказганда факат қўшимча қиймат солиғи ставкасини тўлайди холос. Шундай яхши божхона имтиёзлари яратилишига қарамай Россия бозорида Марказий Осиё ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг улуши анча паст. Бунинг асосий сабаби – Марказий Осиё товарларининг бирламчи қиймати жуда юқори бўлгани учун улар Хитойдан, Жанубий-Фарбий Осиёдан, Лотин Америкасидан ва ҳатто Европадан олиб келинадиган шунга ўхшаш товарлар билан рақобатлашиши маълум даражада қийин. Юқорида келтирилган давлатлар маҳсулотининг сифати юқори бўлишига қарамасдан таннархи бир қатор позициялар бўйича Марказий Осиё товарларининг таннархидан паст. Россия бозорида истеъмолчилар Марказий Осиё маҳсулотларини сотиб олишга тайёр лекин бунга глобал иқтисодиёт ва глобал рақобатнинг таъсири катта. Истемолчилар асосан арzon ва сифатли маҳсулотларни сотиб олишади. Марказий Осиё ишлаб чиқарувчилари маълум даражада рақобатчилардан орқада қолмоқда. Россия бозорига киришда яна бир муҳим омил - бу Россия компанияларининг сифатли, катта ҳажмда маҳсулот етказиб берувчилар билан ишлашни хоҳлашидидир.

Таъкидлаш керакки, Россия Федерациясида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДҲ) кирувчи давлатлардан ташқари барча давлатлар учун озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан юқори тарифлар ўрнатилган ва божхонадан ўтказиш жараёнида бюрократик тўсиқлар мавжуд. Ўзбекистон, Қозогистон ва Тожикистон экспортчилари учун МДҲ давлатлари тариф келишувига кўра, факат қўшимча қиймат солиғи ўрнатилган⁶¹.

Ўзбекистон Марказий Осиё ва қўшни минтақалар орасида мева-сабзавот етиштириш ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт қилишда етакчи давлат ҳисобланади. Бу эса, мазкур минтақада рақобат афзаллигини

⁶¹ car-rec.net/userfiles/File/issledovanie_ryntka_sfo_dlya_produkcii_iz_ca_russkiy_v1.pdf

вужудга келтиради. Ўзбекистон ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатларга мазкур турдаги маҳсулотларни экспорт килишда сарфлаётган транспорт харажатлари ушбу ҳудудларга индустрисал мамлакатларнинг экспортда транспорт харажатларига нисбатан паст. Дарҳақиқат, Ўзбекистон мева-сабзавотчилик мажмуаси маҳсулотларининг ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатлар бозорларида рақобатбардошлиқ даражасини оширишнинг улкан имкониятлари мавжуд. Бу айниқса, нисбатан паст транспорт харажатлари шароитида ишлаб чиқаришдан юқори самара олиш мумкин бўлган юқори талабга эга маҳсулотларга тегиши.

Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятиининг ошишига хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари анъанавий истеъмол бозорларининг қайта тикланиши ва кенгайиши яна бир омил бўлиб ҳисобланади. Бирок ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини таққослаганда, сотиш бозорлари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги аниқ бўлади. Анъанавий ва жўғрофий яқинлиги, ўзбек маҳсулотларининг юқори сифатлилиги ва истеъмолчиларга танишилиги (мисол учун, “ўзбек қовуни” бозорларда бренд сифатида ишлатилади ва шу ном остида Россия ёки бошқа мамлакатлар бозорида сотилади) каби омиллар Россия ва Қозогистон бозорларида ўзбек экспортчиларининг иштирокини кенгайтириши мумкин.

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, логистика ва маркетинг тизимларини тубдан такомиллаштиришга муҳтоҷ. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Улардан бири – гилос. Дунёда сифатли гилос етиштириш мумкин бўлган мамлакатлар сони унчалик кўп эмас ва Ўзбекистон улар қаторига киради. Гилоснинг энг яхши навлари Наманган ва Андижон вилоятларида етиштирилади. Лекин гилос ишлаб чиқаришда ягона бизнес тизими мавжуд эмас, етиштиришдан бошлаб токи экспортгача бўлган жараёнда ягона технологик занжир (агросаноат интеграцияси) ташкил килингандигига деярли мисол келтириб бўлмайди. Бу энг аввало мақсадли бозорлар билан барқарор алоқалар ва улар ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслигига намоён бўлади. Москвада сифатли гилоснинг ҳар бир килограммини 2-3 доллардан сотиш мумкин. Лекин бу гилос қандай кўринишга эга бўлиши, уни қандай қилиб қадоқлаш ва ташиш лозимлиги энг асосий муаммони ташкил этади. Бунинг натижасида, одатда, жараён қуидагича кечади: гилос дехқон ва фермерлардан қандай

узилган бўлса (ювилмаган, бандлари билан, сараланмаган), шундай ҳолича улгуржи сотиб олинади, яшикларга солиниб, транспортга юкланиди ва шундай ҳолатда Россия бозорларига етказиб борилади.

Агар 2015 йил 1 сентябрдан бошлаб мева-сабзавотларни Ўзбекистондан фақат темир йўл ёки авиа транспортда ташиш мумкинлигини эътиборга оладиган бўлсак, маҳсулотни сақлаш учун зарурий ҳароратни ушлаб туриладиган маҳсус рефрижератор-вагонлар эмас, балки оддий вагондан фойдаланилса ва юк чегараларда туриб қолишлар билан бирга Москвагача қанча кунда етиб борилиши хисобга олинса, гилоснинг сифати Москвада сотилгунга қадар анча пасайиб бўлади, маҳсулотнинг бузилиш натижасидаги тўғридан-тўғри йўқотишлар бўлади. Бунинг устига Москва бозорларида бошқа мамлакатлар, масалан, Истроидан олиб келинган ювилган, бандлари тозалангандан ва целлофан пакетларга чироили қадоқланган гилос сотилади.

Ўзбекистоннинг гилоси яхшироқ, йирикроқ ва мазали эканлиги ҳақида истаганча гапириш мумкин. Лекин гилосни яхшилаб чироили қутиларда қадоқлаш, зарурий сифат ва санитария сертификатлари олиш, идишни маркировкалаш ва дизайнини харидорбоп қилмасдан туриб, харидорларни бунга ишонтириб бўлмайди. Умуман бу нафақат гилосга, балки узум ва бошқа меваларга ҳам тегишли.

Жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш учун қаттиқ ракобат қураши олиб борилади. Бунинг учун маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, талабни ўрганиш, реклама қилиш, маҳсулотни силжитишнинг илғор воситаларидан фойдаланиш, етказиб бериш учун шартномалар тузиш ва агар лозим бўлса, ўз манфаатларини судда ҳимоя қилишни талаб этади.

2.3. Европа Иттифоки (ЕИ) мамлакатларининг озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув шарт-шароитлари ва имкониятлари

Ўзбекистон агросаноат мажмуаси улкан экспорт салоҳиятига эга бўлиб, бу серкүёш заминда етиштирилаётган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳамда уларни қайта ишлаш натижасида олинган озиқ-овқат маҳсулотлари дунё бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин. Мамлакатимизнинг табиий-иқлим шароити жаҳон бозорларида ракобатбардош бўлган мева ва сабзавотларни

етиширишга имкон яратади. Бугунги кунда «биз дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қўлмоқдамиз. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киради»⁶².

www.ite-uzbekistan.uz интернет-сайтида Иқтисодиёт вазирлигининг матбуот маркази хабарига таяниб зълон қилинган маълумотларга қараганда кейинги 10 йилликда мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш натурал ҳажмда 400 минг тоннадан 700 минг тоннага етган. Шунингдек, натурал ҳажмда ошиш билан бирга маҳсулот турларини кенгайиши ҳисобига экспорт қиймати 18 баробарга ошган. Шу йиллар оралиғида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 4,2 мартаға ошиб, 2004 йилдаги 557 минг тоннадан 2014 йилда 2 320 минг тоннага етган⁶³.

Ўзбекистон учун мева-сабзавот ва бошқа турдаги озик-овқат маҳсулотларини экспорт қилишнинг истиқболли йўналишларидан бири – бу улкан сифимга эга бўлган Европа Иттифоки (ЕИ) бозорларидир. ЕИ жаҳондаги энг ўрик, ягона умумий бозор ҳисобланади. ЕИга экспорт қилувчилар бу ўрик бозордан жуда ҳам унумли фойдаланиш имкониятига эга, чунки 28 та мамлакатда қарийб 500 миллионга яқин киши истиқомат қиласди. ЕИга қуидаги мамлакатлар альзо ҳисобланади: Бельгия, Болгария, Чехия Республикаси, Дания, Германия, Эстония, Ирландия, Греция, Испания, Франция, Италия, Кипр, Латвия, Литва, Люксембург, Хорватия, Венгрия, Малъта, Нидерландия, Австрия Польша, Португалия, Руминия, Словения, Словакия Республикаси, Финландия, Швеция, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон учун ЕИ бозорларини эгаллаш деярли янги йўналиш ҳисобланниб, бу борадаги ишлар эндиғина бошланмоқда. Жумладан, 2011 йилда Ўзбекистондан жами хорижга экспортга чиқарилган ҳўл мева-сабзавотлар ҳажмида ЕИ мамлакатларидан Латвиянинг улуши 0,26 ва

⁶² Каримов И.А. “Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 7 июня.

⁶³ www.ite-uzbekistan.uz/vi/uzprint/rus/press/news.php?ELEMENT_ID=14009

Нидерландиянинг улуши 0,17 %ни ташкил этган бўлса⁶⁴, 2013 йилга келиб Латвиянинг улуши 0,54 %га ошгани⁶⁵ ҳолда ЕИга кирувчи бошқа мамлакатларнинг улуши сезиларли даражада бўлмаган ҳам.

Сўнгги йилларда республикамиз ҳукуматининг ҳўл, қутилилган ва чукур қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш борасида олиб борилаётган мақсадли дастурлари доирасида ЕИга экспорт ҳажмини ошириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ва Европада ўтказилаётган халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, анжуман ва форумларда ўзбек мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобат устунликларини намойиш этиш орқали экспорт шартномалари тузишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЕИ мамлакатларига мева-сабзавотлар ва озик-овқатлар экспорт қилишда Ўзбекистоннинг ЕИдаги энг асосий савдо ҳамкорларидан бири бўлган Латвиянинг денгиз портлари ва транспорт-логистика инфратузилмаларидан унумли фойдаланиш бўйича ҳукуматлараро келишувлар амалга оширилмоқда.

ЕИ бозорларига кириб бориш ва мустаҳкам ўрин эгаллаш энг аввало ўзбек маҳсулотларининг рақобат устунликлари ва имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳамда заиф томонлари ва мавжуд хатарларни бартараф этиш билан мустаҳкам боғланган. Биз ушбу қўлланманинг 1.2.-параграфида Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобат устунликлари, заиф томонлари, имкониятлари ва хатарларини SWOT-таҳлили асосида ёритганмиз. Аммо, ЕИ бозорлари хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилган SWOT-таҳлили масаланинг илмий-амалий ечимларини аниқлашда муҳим ўрин тутиши мумкин.

СРСПС лойиҳаси эксперти Франсуа Теоле томонидан 2004 йилда тайёрланган тақдимотда мамлакатимиз мева-сабзавот ва бошқа озик-овқат маҳсулотларининг ЕИ бозорларидаги рақобат устунликлари сифатида қуидагилар келтирилган:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хомашё базасининг қатта салоҳиятга эгалиги;
- йил давомидаги кулай иқлим ва нисбатан арzon ишчи кучи;

⁶⁴ Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Юсупов А.С. Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг жаҳон аграр ва озик-овқат бозорларига интеграциялашуви. Илмий монография. –Т.: Иккисодиёт, 2013. -74 б.

⁶⁵ “Ўзмарказимпекс”ДАТСК маълумотлари

- ишга солинмаган резервларга эга қайта ишлаш саноати мавжудлиги;
- маҳсулотларни қадоқлашнинг замонавий технологияларини қўллаш, экспортни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш пакети мавжудлиги ва бошқалар.

Ўзбек мева-сабзавот маҳсулотларининг ЕИ бозорларида рақобатлаша олишига тўсқинлик қилувчи заиф томонлари сифатида кўйидаги омиллар кўрсатиб ўтилган: маҳсулот таннархининг нисбатан юқорилиги; ердан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ижара тизими; маҳсулотларни тўхтосиз мунгазам етказиб бериш имконияти пастлиги; маҳсулотларни европалик шериклар билан ҳамкорликда сотиш тизимини йўлга кўйилмаганлиги; денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиши имконияти мавжуд эмаслиги; форвард шартномаларининг мавжуд эмаслиги; ЕС бозорлари шарт-шароитларини тушуниш ва билиш бўйича кўникмаларнинг етишмаслиги.

Мавжуд хатарлар сифатида: бирламчи қайта ишлаш даражасининг пастлиги; ишлаб чиқариш кувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик; юқори сифат учун қўп ҳақ тўлашга тайёр бўлмаган кўшни бозорларга боғлиқлик каби хусусиятлар келтирилади.

Шу билан бирга, ўзбек маҳсулотларини Европа бозорларига силжитишнинг истиқболдаги имкониятларини оширишда қўйидаги имкониятлардан фойдаланиш тавсия этилган: маҳсулотларни ишлаб чиқариш – сақлаш – қайта ишлаш – сотиш технологик занжирни бўйича ривожлантириш; маҳсулотлар сифатини ошириш; табиий устунликдан фойдаланган ҳолда Европа бозорларига кириб боришини мақсад қилиб қўйиш; Европа бозорлари шарт-шароитларини яхши ўрганиш ва кузатиб бориш учун замонавий ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш.

Франсуа Теоленинг ушбу тақдимотида кейинги йилларда ЕИ бозорларининг ривожланиши тенденциялари ва конъюнктурасидан келиб чиқиб, озиқ-овқатларга талабнинг кўйидаги хусусиятлари очиб берилган:

- куритилган меваларга талабнинг ортиб бораётганлиги;
- Еининг шарқий бозорларида помидорлар, полиз ва ошқовоқ маҳсулотларига талабнинг ортиб бораётганлиги;
- бодринг ва шафтоли бозорларига кириш имкониятларининг чекланганлиги, олма ва олхўри бозорларига кириш имкониятининг йўқлиги.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувига талабнинг ортиши билан бу соҳада илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришга ва тавсиялар ишлаб чиқишига интилишлар кучайиб бормокда. Бу йўналишда БМТ тараққиёт дастури, USAID, Германия ҳамкорлик ташкилоти, Ўзбекистон Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Ўзтадбиркорэкспорт” ИТСК, “Ўзстандарт” агентлигининг маҳсулот экспортига кўмаклашни буюроси, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-куватлаш жамғармаси” каби экспортга кўмаклашувчи тузилмалар томонидан амалий қўлланмалар, тавсияномалар ва брошюралар тайёрланмокда. Аммо, бу қўлланмалар, брошюралар ва тавсияларда асосан маҳсулотларни экспортга тайёрлаш, музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш, тури сертификатлар олиш, божхона расмийлаштирувидан ўтказиш, юкларни суғурталаш ва транспортда ташиш каби масалаларга эътибор қаратилган.

ЕИ озиқ-овқат бозорлари конъюнктурасини, бу бозорларда маҳсулот сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган техник, санитария, фитосанитария ва экологик талабларни, уларга кириб боришнинг ташкилий-иктисодий шарт-шароитларини илмий асосда, аналитик жиҳатдан чуқур тадқиқ этишига қаратилган тадқиқотлар жуда кам. Аммо, бу талабларни чуқур ўрганмасдан туриб, юқори даражадаги истеъмол ва хавфсизлик талаблари билан яхши ҳимояланган ЕИ бозорларига кириб бориш мушкул. Щу сабабли бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

2015 йилда USAIDнинг “Худудий иқтисодий ҳамкорлик” лойиҳаси томонидан тайёрланган “Ҳўл мевалар, сабзавотлар, қуруқ мевалар ва бошқа маҳсулотларни Ўзбекистондан Латвияга ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишни ривожлантириш имкониятлари таҳлили ва амалий тавсиялар” номли ҳисоботида бу масалага оид жиддий таҳлилий-ахборот маълумотлари ҳамда тавсиялар келтирилган. Ушбу ҳисоботда келтирилган маълумотларга қараганда, ЕИга экспорт килиш учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан энг истиқболли ва манфаатлilари ҳўл мевалар, куритилган мевалар, ёнғоқ ва қовун ҳисобланади. Кейинги 5 йилда ушбу маҳсулотларга ЕИ бозорларида талаб 26,5 %га ошиб, 2010 йилда 38 675,184 млн. доллардан 2014 йилда 48 913,813 млн. долларга етган (14-чизма).



14-чизма. ЕИ мамлакатларига ташқаридан хўл мевалар, қуристилган мевалар, ёнгоқ ва қовун-тарвуз импорт қилиши динамикаси, млн. АҚШ долларида⁶⁶

Еида хўл ва қуристилган мевалар, ёнгоқ ва қовун-тарвуз импорт қилиш ҳажми ўсиб бориш динамикасига эга бўлмоқда. Маълумотларга қараганда, ЕИ га кирувчи 28 мамлакатлар бўйича 2014 йилда жами 48 913,81 млн. АҚШ долларига тенг HS-08 гурӯхига кирувчи хўл ва қуристилган мевалар, ёнгоқ ва қовун-тарвуз импорт қилинган. Бу кўрсаткич 2010 йилда 38 675,18 млн. АҚШ долларига тенг бўлган эди ва шу вақт оралиғида абсолют ўсиш 10 238,63 млн. АҚШ долларини ёки 26,5 %ни ташкил этди. Шу йиллар оралиғида ўсиш кўрсаткичи Руминияда 96,4, Латвияда 50,6, Нидерландияда 50,6, Литвада 43,5, Испанияда 37,8, Хорватияда 33,3, Болгарияда 32,1, Австрияда 30,5, Польшада 28,5, Италияда 26,8, Финландияда 26,2, Буюк Британияда 25,5, Словенияда 24,5, Германияда 23,03, Францияда 21,0 ва Чехияда 6,0 %га тенг бўлган бўлса, ЕИ мамлакатларидан фақат Мальта (23,8 %), Грецияда (4,0 %), Кипр (3,3 %) ва Португалияда (1,9 %) импорт ҳажми қисқариши кузатилган (45-жадвал).

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда HS-08 гурӯхига кирувчи хўл ва қуристилган мевалар, ёнгоқ ва қовун-тарвуз импорт қилиш ҳажмининг ўсиш тенденцияси фақат аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига юз берастгани йўқ.

⁶⁶ Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net

**ЕИ мамлакатлари кесимида хўл ва қуритилган мевалар, ёнғок
ва қовун-тарвуз импорт қилиш ҳажми, млн. АҚШ долларида**

ЕИ-28 импортер мамлакатлари	2010 йил	2011 Йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 й. 2010 й.га нис., %да
Европа Иттифоки (ЕИ-28) жами	38675,18	42649,36	41048,57	46790,22	48913,81	126,5
Германия	8264,65	9077,16	8364,12	10063,3	10168,69	123,03
Нидерландия	4483,74	5401,12	5278,54	5950,82	6754,02	150,6
Буюк Британия	4918,42	5482,61	5365,61	5787,56	6174,11	125,5
Франция	4367,72	4523,12	4717,81	5306,73	5285,34	121,0
Бельгия	3411,09	3698,76	3513,71	4041,12	3850,84	112,9
Италия	2762,49	3075,44	2822,35	3269,11	3504,29	126,8
Испания	1968,34	2103,16	2023,38	2402,52	2714,31	137,8
Польша	1229,97	1376,22	1258,68	1473,81	1580,03	128,5
Австрия	933,37	1 008,14	976,21	1091,1	1217,68	130,5
Швеция	945,69	1 050,87	1073,94	1161,48	1196,6	126,5
Дания	703,54	730,09	710,02	739,26	774,02	110,0
Литва	459,15	575,88	648,95	720,29	658,88	143,5
Португалия	675,89	650,44	580,92	710,76	663,31	98,1
Чехия	648,56	682,14	641,35	698,36	687,5	106,0
Финляндия	403,73	475,76	454,09	497,68	509,44	126,2
Ирландия	361,75	395,8	426,83	440,9	465,53	128,7
Руминия	230,45	251,23	301,38	390,63	452,62	196,4
Греция	395,0	377,5	318,63	345,17	379,31	96,0
Словакия	274,76	296,74	294,57	323,38	346,23	126,0
Венгрия	238,29	291,85	237,71	242,47	279,63	117,3
Люксембург	249,21	223,49	182,05	203,55	256,0	102,7
Словения	186,68	195,58	178,17	202,55	232,35	124,5
Латвия	139,89	172,67	177,87	185,6	210,63	150,6
Хорватия	146,0	164,0	164,77	182,18	194,65	133,3
Болгария	117,94	150,82	139,56	149,77	155,86	132,1
Эстония	94,68	118,22	117,11	113,68	113,33	119,7
Кипр	59,57	60,49	47,76	51,94	57,63	96,7
Мальта	40,62	40,06	32,45	44,5	30,97	76,2

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспортну свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net, -9 с. асосида тузилган.

Википедиянинг Евростат маълумотларига таяниб берган маълумотларига қараганда ЕИ-28 бўйича аҳоли сонининг йиллик ўсиши суръати 2014 йил 1 январда 2013 йил 1 январга нисбатан 0,35, 2015 йил 1 январда эса 2014 йил 1 январга нисбатан 0,21 %ни ташкил этган. Шу даврга нисбатан аҳоли сонининг ўсиш кўрсаткичлар мос равищда Германияда +0,5 ва +0,3 %ни, Буюк Британияда +0,7 ва +0,65 %ни, Францияда +0,42 ва +0,44 %ни, Италияда +1,84 ва +0,02 %ни, Нидерландияда +0,3 ва +0,42 %ни, Бельгияда +0,38 ва +0,49 %ни, Швецияда +0,93 ва +1,06 %ни, Австрияда +0,65 ва 0,92 %ни, Данияда +0,26 ва +0,75 %ни, Финландияда +0,45 ва +0,38 %ни, Словакияда +0,09 ва +0,1 %ни, Ирландияда +0,31 ва +0,44 %ни, Словенияда +0,11 ва +0,09 %ни, Люксембургда +2,35 ва +2,42 %ни, Мальтада +0,95 ва +0,93 %ни ташкил этган бўлса, аҳоли сонининг камайиш суръатлари мос равищда Испанияда -0,46 ва -0,16 %ни, Польшада -0,12 ва -0,03 %ни, Руминияда -0,36 ва -0,43 %ни, Грецияда -0,59 ва -1,05 %ни, Португалияда -0,57 ва -0,5 %ни, Венгрияда -0,32 ва -0,29 %ни, Болгарияда -0,53 ва -0,60 %ни, Хорватияда -0,36 ва -0,51 %ни, Литвада -0,96 ва -0,75 %ни, Латвияда -1,10 ва -0,77 %ни, Эстонияда -0,33 ва -0,19 %ни, Кипрда -0,91 ва -1,28 %ни ташкил этган (46-жадвал). Кўриниб турибдики, ЕИнинг 12 та мамлакатида аҳоли сонининг камайиш тенденцияси кузатилаётган бўлса, қолган 16 тасида ҳам йиллик ўсиши суръатлари 1 %га ҳам етмайди (Швеция - 1,06 % ва Люксембургдан - 2,42 % ташқари).

Юқорида келтирилган маълумотларни таҳдил этиш шуни кўрсатадики, ЕИ бўйича аҳолининг ўртача йиллик ўсиши суръати +0,35 ва +0,21 % атрофида бўлган шароитда 2010-2014 йиллар оралиғида HS-08 гурухига кирувчи хўл ва қутилган мевалар, ёнгоқ ва қовун-тарвуз импортига талабнинг 26,5 %га ошиши ЕИ бозорларининг талаб барқарор ўсаётган, истиқболли бозорлардан эканини кўрсатади.

ЕИ мамлакатларига Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқаришда унга аъзо мамлакатлардаги аҳоли сонидан келиб чиқиб қўйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ; озиқ-овқат бозорлари сифими; бозор конъюнктураси ва ундаги ракобат муҳити; озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва ҳавфсизлигига қўйиладиган талаблар; ҳар бир мамлакатда яшовчи аҳолининг даромадлари, турмуш тарзи ва истеъмол хусусиятлари; солиқлар ва божхона тўловлари миқдори ва бошқалар

**Европа Иттифоқига азсо мамлакатларда аҳоли сонининг
ўсиши динамикаси**

№	Мамлакатлар	Аҳоли сони (01.01.2015 й.га)	Йиллик ўсиш (+), камайиш (-), %да	Аҳоли сони (01.01.2014 й.га)	Йиллик ўсиш (+), камайиш (-), %да	Аҳоли сони (01.01.2013 й.га)
1.	Германия	81 174 000	+ 0,50	80 767 463	+ 0,30	80 523 746
2.	Буюк Британия	64 767 115	+ 0,65	64 351 155	+ 0,70	63 905 297
3.	Франция	64 204 247	+ 0,44	63 920 247	+ 0,42	63 652 034
4.	Италия	60 795 612	+ 0,02	60 782 668	+ 1,84	59 685 227
5.	Испания	46 439 864	- 0,16	46 512 199	- 0,46	46 727 890
6.	Польша	38 005 614	- 0,03	38 017 856	- 0,12	38 062 535
7.	Руминия	19 861 408	- 0,43	19 947 311	- 0,36	20 020 074
8.	Нидерландия	16 900 726	+ 0,42	16 829 289	+ 0,30	16 779 575
9.	Бельгия	11 258 434	+ 0,49	11 203 992	+ 0,38	11 161 642
10.	Греция	10 812 467	- 1,05	10 926 807	- 0,59	10 991 400
11.	Чехия	10 538 275	+ 0,25	10 512 419	- 0,04	10 516 125
12.	Португалия	10374822	- 0,5	10 427 301	- 0,57	10487289
13.	Венгрия	9 849 000	- 0,29	9 877 365	- 0,32	9 908 798
14.	Швеция	9 747 355	+ 1,06	9 644 864	+ 0,93	9 555 893
15.	Австрия	8 584 926	+ 0,92	8 506 889	+ 0,65	8 451 860
16.	Болгария	7 202 198	- 0,60	7 245 677	- 0,53	7 284 552
17.	Дания	5 659 715	+ 0,75	5 617 345	+ 0,26	5 602 628
18.	Финляндия	5 471 753	+ 0,38	5 451 270	+ 0,45	5 426 674
19.	Словакия	5 421 349	+ 0,10	5 415 949	+ 0,09	5 410 836
20.	Ирландия	4 625 885	+ 0,44	4 605 501	+ 0,31	4 591 087
21.	Хорватия	4 225 316	- 0,51	4 246 809	- 0,36	4 262 140
22.	Литва	2921262	- 0,75	2 943 472	- 0,96	2 971 905
23.	Словения	2 062 874	+ 0,09	2 061 085	+ 0,11	2 058 821
24.	Латвия	1 986 096	- 0,77	2 001 468	- 1,10	2 023 825
25.	Эстония	1 313 271	- 0,19	1 315 819	- 0,33	1 320 174
26.	Кипр	847 008	- 1,28	858 000	- 0,91	865 878
27.	Люксембург	562 958	+ 2,42	549 680	+ 2,35	537 039
28.	Мальта	429 344	+ 0,93	425 384	+ 0,95	421 364
	ЕИ-28 жами	506 042 894	+ 0,21	504 965 284	+ 0,35	503 206 308

Манба: www.wikipedia.org/wiki/Список_государств_членов_Европейского_союза_по_численности_населения

Айниқса, мамлакатлар кесимида уларнинг ЕИ бозорларига умумий импортдаги улушини таҳлил этиш мухимдир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики. ЕИ мамлакатлари ичидаги HS-08 гурӯхига кирувчи хўл ва қутилилган мевалар, ёнғоқ ва қовун-тарвуз импорти бўйича энг йирик импортер-мамлакатлар сафига Германия (10 168,69 млн. АҚШ доллари), Нидерландия (6 754,02 млн. АҚШ доллари), Буюк Британия (6 174,11 млн. АҚШ доллари), Франция (5 285,34 млн. АҚШ доллари), Бельгия (3 850,84 млн. АҚШ доллари), Италия (3 504,29 млн. АҚШ доллари), Испания (2 714,31 млн. АҚШ доллари), Польша (1 580,03 млн. АҚШ доллари), Австрия (1 217,68 млн. АҚШ доллари) ва Швецияни (1 196,6 млн. АҚШ доллари) киритиш мумкин. 2014 йилда шу маҳсулотлар тури бўйича ЕИ жами импортида Германиянинг улуси 20,8 %ни ташкил этган бўлса, кейинги ўринларда Нидерландия (13,8 %), Буюк Британия (12,6 %), Франция (10,8 %), Бельгия (7,9 %), Италия (7,16 %), Испания (5,55 %), Польша (3,23 %), Австрия (2,5 %), Швеция (2,45 %), Дания (1,6 %), Чехия (1,4 %), Португалия (1,36 %), Литва (1,35 %) ва Финландия (1,04 %) мамлакатлари ЕИ мева бозорининг нисбатан юқори улушини эгаллаб турибди. Колган ЕИ мамлакатларининг импортдаги улуси 1 %дан камни ташкил этади (47-жадвал).

Шу нарсага эътиборни қаратиш жоизки, 2010-2014 йиллар оралигидаги кўрсатиб ўтилган маҳсулот турларини импорт қилинча мамлакатларнинг ЕИда эгаллаган улуси унчалик кўп ўзгармаган. Хусусан, шу давр оралигидаги Нидерландиянинг эгаллаган улуси 11,6 дан 13,8 %га (+2,2 п.), Италияники 7,14 дан 7,16 %га (+ 0,02 п.), Испанияники 5,08 дан 5,55 %га (+ 0,47 п.), Польшаники 3,18 дан 3,23 %га (+ 0,05 п.), Австрияники 2,4 дан 2,5 %га (+ 0,1 п.), Швецияники 2,44 дан 2,45 %га (+ 0,01 п.), Литваники 1,18 дан 1,35 %га (+ 0,17 п.) ошган бўлса, Германиянинг эгаллаган улуси 21,37 %дан 20,8 %га (- 0,57 п.), Буюк Британияники 12,7 дан 12,6 %га (-0,1 п.), Францияники 11,3 дан 10,8 %га (- 0,5 п.), Бельгияники 8,8 %дан 7,9 %га (- 0,9 п.), Данияники 1,8 дан 1,6 %га (- 0,2 п.), Чехияники 1,68 дан 1,4 %га (- 0,28 п.), Португалияники 1,74 дан 1,36 %га (- 0,38 п.) камайган. Бу кўрсаткичлар бошқа мамлакатлар бўйича ҳам унчалик ўзгармаган.

ЕИ озиқ-овқат бозорларини таҳлил этишда лозим бўлган яна бир жиҳат-бу импорт таркибини маҳсулот турлари бўйича ўрганиб чиққандир.

ЕИга хўл ва қуритилган мевалар, ёнғок ва қовун-тарвуз импорт қилиш ҳажмининг аъзо мамлакатлар кесимида улуши, жамига нисбатан %да

ЕИ-28 импортер мамлакатлари	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 й. 2010 й.га нис. ўсиш (+), камайиш (-), пунктда
Европа Иттифоқи (ЕИ-28) жами	100	100	100	100	100	
Германия	21,37	21,28	20,37	21,5	20,8	- 0,57
Нидерландия	11,6	12,7	12,86	12,7	13,8	+ 2,2
Буюк Британия	12,7	12,85	13,07	12,37	12,6	- 0,1
Франция	11,3	10,6	11,5	11,34	10,8	- 0,5
Бельгия	8,8	8,7	8,56	8,64	7,9	- 0,9
Италия	7,14	7,2	6,87	7,0	7,16	+ 0,02
Испания	5,08	4,93	4,93	5,13	5,55	+ 0,47
Польша	3,18	3,22	3,07	3,15	3,23	+ 0,05
Австрия	2,4	2,36	2,38	2,33	2,5	+ 0,1
Швеция	2,44	2,46	2,6	2,48	2,45	+ 0,01
Дания	1,8	1,7	1,73	1,6	1,6	- 0,2
Чехия	1,68	1,6	1,56	1,5	1,4	- 0,28
Португалия	1,74	1,52	1,4	1,52	1,36	- 0,38
Литва	1,18	1,35	1,58	1,54	1,35	+ 0,17
Финляндия	1,04	1,1	1,1	1,06	1,04	-
Ирландия	0,93	0,92	1,04	0,94	0,95	+ 0,02
Руминия	0,6	0,6	0,73	0,83	0,9	+ 0,3
Греция	0,9	0,9	0,8	0,73	0,8	- 0,1
Словакия	0,7	0,7	0,72	0,7	0,7	-
Венгрия	0,6	0,68	0,6	0,52	0,57	- 0,03
Люксембург	0,64	0,52	0,44	0,43	0,5	- 0,14
Словения	0,5	0,46	0,43	0,43	0,5	-
Латвия	0,36	0,4	0,43	0,4	0,43	+ 0,07
Хорватия	0,37	0,38	0,4	0,4	0,4	+ 0,03
Болгария	0,3	0,35	0,33	0,32	0,3	-
Эстония	0,24	0,28	0,28	0,24	0,23	- 0,01
Кипр	0,15	0,14	0,12	0,1	0,12	- 0,03
Мальта	0,1	0,1	0,1	0,1	0,06	- 0,04

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.cag-rec.net, -9 с. асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Бу ўзбек экспортчиларига ЕИ бозорларида қандай турдаги маҳсулотларга талаб кўп эканлигини билишга имкон беради (48-жадвал).

48-жадвал

ЕИ мамлакатларига ҳўл ва қуритилган мевалар, ёнғоқ ва қовун-тарвузнинг HS-08* гурӯҳи кесимида импорт қилиш ҳажми, млн. АҚШ долларида

Маҳсулот коди	Маҳсулот тури	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 й. 2012 й.га нис.,%да
	ЕИга умумий импорт	40697,32	46267,21	47472,53	116,6
'0802	Бошқа жойда кўрсатилмаган ёнғоқ	5 170,48	6298,24	7352,05	142,2
'0805	Ҳўл ва қуритилган цитрус мевалар	6120,11	7060,21	6741,8	110,2
'0803	Ҳўл ва қуритилган бананлар	5836,68	6528,37	6698,2	114,8
'0806	Ҳўл ёки қуритилган узум	4176,38	4500,24	4602,15	110,2
'0810	Бошқа жойда кўрсатилмаган ҳўл мевалар	3881,58	4266,0	4532,21	116,8
'0804	Хурмо, анжир, ананас, манго, авокадо, гуава	2990,19	3421,62	3946,26	131,9
'0808	Ҳўл олма, нок ва беҳи	3823,58	4661,51	3787,72	99,1
'0809	Ҳўл ўрик, гилюс, шафтоли, нектарлар, олхўри ва тоғолча	2500,35	2878,6	2614,54	104,6
'0811	Музлатилган мева ва ёнғоқ	2399,22	2539,0	2400,83	100,1
'0807	Ҳўл қовун-тарвуз ва папайя	1587,06	1813,35	1880,1	118,5
'0801	Бразилия ёнғоги, кешью ва кокос ёнғоги	1270,73	1221,79	1629,55	128,2
'0813	Куруқ мевалар	833,97	962,53	1171,44	140,5
'0812	Бирламчи консерваланган мева ва ёнғоклар (бевосита ишлатишга яроқсиз)	73,6	75,27	73,07	99,3
'0814	Цитрус мевалар ва қовун-тарвуз пўстлоги	33,4	40,47	42,6	127,5

* товарларни кодлаштиришнинг ягона халқаро уйгуналаштирилган тизими бўйича.

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net, -10 с. асосида тузилган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2012-2014 йилларда ЕИ озиқ-овқат бозорларида ёнғоққа талаб 42,2, хўл ёки қуритилган узумга (майиз) 10,2, хўл меваларга 16,8, хўл ўрик, гилос, шафтоли, нектарлар, олхўри ва тоғолчага 4,6, хўл қовун-тарвуз ва папайяга 18,5, қуруқ меваларга 40,5 %га ошган.

ЕИ озиқ-овқат бозорларида HS-08 гурӯхига кирувчи маҳсулот турларининг жами импортдаги улуши 49-жадвалда келтирилган.

49-жадвал

ЕИ мамлакатларига импорт қилинган хўл ва қуритилган мевалар, ёнғоқ ва қовун-тарвузнинг HS-08* гурӯхи кесими бўйича улуши, %да

Махсулот коди	Махсулот тuri	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 й. 2012 й.га нисб. ўсиш (+), камайиш (-), пунктда
	ЕИга умумий импорт	100	100	100	
'0802	Бошқа жойда кўрсатилмаган ёнғоқ	12,7	13,6	15,5	+ 2,8
'0805	Хўл ва қуритилган цитрус мевалар	15,03	15,25	14,2	- 0,83
'0803	Хўл ва қуритилган бананлар	14,34	14,1	14,1	- 0,24
'0806	Хўл ва қуритилган узум	10,26	9,73	9,7	- 0,56
'0810	Бошқа жойда кўрсатилмаган хўл мевалар	9,54	9,22	9,55	+ 0,01
'0804	Хурмо, анжир, аنانас, манго, авокадо, гуава	7,34	7,4	8,3	+ 0,96
'0808	Хўл олма, ишқ ва бехи	9,4	10,1	8	- 1,4
'0809	Хўл ўрик, гилос, шафтоли, нектарлар, олхўри ва тоғолча	6,14	6,22	5,5	
'0811	Музлатилган мевалар ва ёнғоқ	5,9	5,49	5,05	- 0,85
'0807	Хўл қовун-тарвуз ва папайя	3,9	3,92	3,96	+ 0,06
'0813	Куруқ мевалар	2,05	2,08	2,47	+ 0,42


* товарларни кодлаштиришнинг ягона ҳалқаро ўйгунлаштирилган тизими бўйича.

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-tec.net, -10 с. асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

2014 йилда жами импортда ёнғоқнинг улуши 15,5, хўл ва қуритилган бананлар 14,1, хўл ва қуритилган узум (майиз) 9,7, хўл мевалар 9,55, хурмо, анжир, ананас, манго, авокадо, гуавадалар 8,3, хўл олма, нок ва беҳилар 8,0, хўл ўрик, гилюс, шафтоли, олхўри ва тоғолчалар 5,5, қуруқ мевалар 2,47 %ни ташкил этган.

Бу маълумотлар шундан дарак берадики, ЕИ озиқ-овқат бозорларида ёнғоқ, хурмо, анжир, хўл қовун-тарвуз, хўл ва қуритилган узум (майиз), айниқса қуруқ меваларга талаб барқарор суръатлар билан ўсиб бормоқда. Шунингдек, хўл олма, нок, беҳи, ўрик, гилюс, шафтоли, олхўри ва тоғолчалар ҳам ЕИ бозорининг нисбатан йирик сегментини ташкил этмоқда.

Ўтган 2010-2014 йилларда ЕИ озиқ-овқат бозорларида айниқса ёнғоқ (4 611,5 млн.дан 7 352,05 млн. АҚШ долларига), хўл ва қуритилган узум (3 865,45 млн.дан 4 602,15 млн. АҚШ долларига), қовун-тарвуз ва папайя (1516,39 млн.дан 1 880,1 млн. АҚШ долларига) ва қуруқ меваларга (816,02 млн.дан 1 171,44 млн. АҚШ долларига) талаб ўсиб бориши тенденциясига эга (15-чизма).




15-чизма. ЕИ мамлакатларига хўл ва қуритилган мевалар, ёнғоқ ва тарвуз-қовун импорт қилиши динамикаси⁶⁷,
млн. АҚШ долларида

⁶⁷ Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net, -11-12 с. асосида тузилган

Европа Иттифоқи озик-овқат бозорларини умумий тарзда таҳдил этиш билан бирга, айнан Ўзбекистондан бу бозорларда экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва таркиби, экспорт географиясининг ЕИга аъзо мамлакатлар кесимида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистондан ЕИ мамлакатларига HS-08 гурӯхига кирувчи ҳўл ва қурилған мевалар, ёнғок ва қовун-тарвуз экспорт қилиш ҳажми ўсиб бориш динамикасига эга бўлмоқда. Жумладан, агар 2012 йилда бу кўрсаткич 10 974,0 млн АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2014 йил якунидаги 18 315,0 млн. АҚШ долларига етган ёки абсолют ўшиш 7 341,0 млн. АҚШ долларини ёки 66,9 %ни ташкил этган (16-чизма).



16-чизма. Ўзбекистондан ЕИ мамлакатларига ҳўл мевалар, қурилған мевалар, ёнғок ва қовун-тарвуз экспорт қилиш динамикаси⁶⁸, минг АҚШ долларидан

Афсуски, ЕИга килинган HS-08 гурӯхига кирувчи маҳсулотлар жами импортида Ўзбекистоннинг улуши жуда паст кўрсаткични ташкил этмоқда. Қуйида келтирилган 50-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2012-2014 йиллар давомида ЕИ-28 га Ўзбекистондан ушбу маҳсулот турларини умумий импорт килиш киймати 66,9 %га ошган бўлса-да, шу давр оралигига ЕИга ташқаридан килинган жами импортда Ўзбекистоннинг улуши 0,03 дан 0,04 %га ошган. Аммо, бу кўрсаткич мева-сабзавотчилик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакатимиз учун етарли эмас.

⁶⁸ Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспортта и практические рекомендации по экспортту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net, -13 с. асосида тузилган

HS-08 гурхига киравчи маҳсулотлар турлари бўйича қарайдиган бўлсақ, 2012-2014 йиллар оралиғида Ўзбекистондан ЕИга ҳўл ва қуритилган узум (майиз) экспорти қиймати 9,0 %га, қуруқ мевалар 296,3 %га, ёнғоқ 225,1 %га, ҳўл қовун-тарвуз 41,5 %га, ҳўл ўрик, гилос, шафтоли, нектарлар, олхўри ва тоголча 450,0 %га ошгандилиги ижобий натижадир (50-жадвал).

50-жадвал

ЕИ мамлакатларига Ўзбекистондан импорт қилинган ҳўл ва қуритилган мевалар, ёнғоқ ва қовун-тарвузнинг HS-08* гурхига кесимида қиймати, млн. АҚШ долларида

Маҳсулот коди	Маҳсулот тури	ЕИ-28 га Ўзбекистондан импорт қиймати			
		2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 й. 2012 й.га нис., %да
	ЕИ-28 га ташқаридан умумий импорт қиймати	40 697,3	46 267,2	47 472,5	116,7
	ЕИ-28 га Ўзбекистондан умумий импорт қиймати	10,974	12,266	18,315	166,9
	Жами импорт қийматида Ўзбекистоннинг улуши, %да	0,03	0,03	0,04	

Шу жумладан, Ўзбекистондан ЕИ-28 га маҳсулот турлари бўйича импорт

'0806	Ҳўл ва қуритилган узум	7,884	8,126	8,597	109,0
'0813	Куруқ мевалар	1,507	1,024	5,973	396,3
'0802	Бошқа жойда кўрсатилмаган ёнғоқ	0,836	2,363	2,718	325,1
'0807	Ҳўл қовун-тарвуз	0,718	0,750	1,016	141,5
'0809	Ҳўл ўрик, гилос, шафтоли, олхўри ва тоголча	0,002	0,002	0,011	550,0
'0810	Бошқа жойда кўрсатилмаган ҳўл мевалар	0,027	0,001	-	

* товарларни кодлаштирипнинг ягона халқаро уйғунлаштирилган тизими бўйича.

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-tec.net, -13-14 с. асосида тузилган.

Ўзбекистондан ЕИ мамлакатларига жами экспорт таркибида хўл ва қурилилган узум (46,94 %), қуруқ мевалар (32,6 %), ёнғоқ (14,84 %) ва хўл қовун-тарвуз (5,55 %) ташкил этган. Кейинги йилларда мамлакатимиздан БИга экспорт қилинаётган маҳсулот турлари таркиби ўзгариб бормокда. Жумладан, 2012-2014 йилларда жами экспорт қийматида хўл ва қурилилган узум (майиз) улуши 71,84 %дан 46,94 %га (- 24,9 п.) ва хўл қовун-тарвузлар улуши 6,54 %дан 5,55 %га (- 0,99 % п.) камайгани ҳолда, қуруқ мевалар улуши 13,73 %дан 32,6 %га (+ 18,87 п.), ёнғоқ 7,62 %дан 14,84 %га (+ 7,22 п.) ошган (51-жадвал).

51-жадвал

Ўзбекистондан ЕИ мамлакатларига хўл ва қурилилган мевалар, ёнғоқ ва қовун-тарвузнинг HS-08* гурухи кесимида экспортдаги улуши, жамига нисбатан %да

Маҳ-су-лот коди	Маҳсулот тури	Ўзбекистондан ЕИ-28 га қилинган жами экспортдаги улуши			
		2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 й. 2012 й.га нисб. ўсиш (+), камайиш (-), пунктда
	Ўзбекистондан ЕИ-28га умумий импорт ҳажми	100	100	100	
'0806	Хўл ва қурилилган узум (майиз)	71,84	66,25	46,94	- 24,9
'0813	Қуруқ мевалар	13,73	8,35	32,6	+ 18,87
'0802	Бошқа жойда кўрсатилмаган ёнғоқ	7,62	19,26	14,84	+ 7,22
'0807	Хўл қовун-тарвуз	6,54	6,1	5,55	- 0,99
'0809	Хўл ўрик, гилюс, шафтоли, нектарлар, олхўри ва тоголча	0,02	0,02	0,06	+ 0,04
'0810	Бошқа жойда кўрсатилмаган хўл мевалар	0,25	0,01	-	

* товарларни кодлаштиришининг ягона халқаро уйғунлаптирилган тизими бўйича.

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net, -13-14 с. асосида муаллифлар томонидан хисобланган.

Ўзбекистондан HS-08 гурухига киравчи маҳсулотларни дунёнинг барча мамлакатларига экспорт қилиш қиймати 2010-2014 йиллар давомида 339 291,0 мингдан 320 952,0 минг АҚШ доллариға камайгани ҳолида шу маҳсулотларни ЕИ мамлакатлариға экспорт қилиш 4974,0 мингдан 18 316,0 минг АҚШ долларига ёки 3,68 мартага ошган. Шуниси диккатта сазоворки, Ўзбекистоннинг шу турдаги маҳсулотлар жами экспортида ЕИга қилинган экспорт салмоғи шу давр оралиғида 1,46 %дан 5,7 %га, яъни деярли 4 мартага ошган, аммо бу кўрсаткич улкан сифимга эга ЕИ бозори учун етарли эмас. Фикримизча биз учун истиқболли бўлган бу бозорни эгаллаш учун чукур маркетинг тадқиқотлари олиб бориш вақти етди.

ЕИ мамлакатларидан асосий савдо ҳамкорларимиз сифатида Латвия, Германия, Австрия, Италия, Нидерландия, Польша, Франция, Буюк Британия ва бошқаларни келтириш мумкин. 2010-2014 йиллар оралиғида HS-08 гурухига киравчи маҳсулотлар экспорти Латвияга 9,53, Германияга 8,62, Австрияга 1,96, Польшага 1,63, Францияга 1,31, Буюк Британияга 4,59, Эстонияга 2,19 ва Литвага 11,75 мартага ошган.

Бу маълумотлар шуни кўрсатадики, HS-08 гурухига киравчи маҳсулотлар экспорти бўйича ЕИ мамлакатлари ичида Латвия, Германия, Австрия, Польша, Франция, Эстония, Литва, Финландия ва Буюк Британия билан савдо алоқаларимиз кенгайиб бораётган бўлса, Нидерландия билан экспорт қийматида пасайиш юз берган. Аммо, маҳсулот турлари бўйича экспорт қиймати йиллар давомида барқарор тенденцияга эга эмас ва у ўзгариб турган.

Ўзбекистондан HS-08 гурухига киравчи ҳўл ва куритилган мевалар, ёнгоқ ва қовун-тарвуз экспорт қилинган ЕИ мамлакатларининг улуши 53-жадвалда келтирилган. Шу йиллар ичида экспорт қийматини ЕИ мамлакатлари кесимида таҳлил этадиган бўлсақ, жами экспортда Латвиянинг улуши 16,24 дан 42,1 %га (+ 25,86 п.), Германия улуши 10,27 дан 24,1 %га (+ 13,83 п.), Италия улуши 0,26 дан (2011 й.) 5,45 %га (+ 5,45 п.), Буюк Британия улуши 1,33 дан 1,6 %га (+ 0,27 п.), Литва улуши 0,24 %дан 0,8 %га (+0,56 п.) ошгани ҳолда, Австрия улуши 23,42 дан 12,5 %га (- 10,92 п.), Нидерландия улуши 28,83 дан 4,0 %га (- 24,83 п.), Польша улуши 8,64 дан 3,8 %га (-4,84 п.), Франция улуши 5,6 дан 2,0 %га (- 3,6 п.), Эстония улуши 1,83 %дан 1,1 %га (-0,73 п.) камайганини кўриш мумкин.

Ўзбекистондан HS-08* гурухига киругчи хўл ва қуритилган мевалар, ёнғоқ ва қовун-тарвузни ЕИ мамлакатлари кесимида экспорт қилиш қиймати, минг АҚШ долларида

ЕИ-28 импортер мамлакатлари	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 Йил	2014 й. 2010 й.га нис., %да
Дунёга жами экспорт	339291	504443	353723	348778	320952	94,6
ш.ж. ЕИ-28 га жами	4974	11340	11149	12324	18316	368,2
ЕИ-28 га экспортнинг жамига нис. улуси, %	1,46	2,25	3,15	3,53	5,7	
Латвия	808	3 309	4526	5716	7705	953,6
Германия	511	1067	1781	1639	4408	862,6
Австрия	1165	2083	1130	1545	2290	196,5
Италия	-	30	-	126	999	
Нидерландия	1434	2672	1180	397	737	51,4
Польша	430	522	1 152	830	701	163,0
Франция	277	355	12	385	364	131,4
Буюк Британия	66	85	131	-	303	459,1
Руминия	-	92	-	-	267	
Эстония	91	342	561	758	200	219,8
Испания	-	149	164	411	166	
Литва	12	171	93	203	141	11,75 м.
Финляндия	8	-	69	34	25	312,5
Чехия	-	46	2	41	9	
Люксембург	-	-	-	-	1	
Бельгия	-	-	25	-	-	
Болгария	-	288	167	-	-	
Греция	4	-	29	-	-	
Португалия	140	126	126	74	-	
Словакия	27	-	-	161	-	
Бошқалар	1	3	1	4	-	

* товарларни кодлантиришнинг ягона ҳалқаро уйгуналаштирилган тизими бўйича.

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net, -14 с. асосида тузилган.

ЕИдаги энг йирик савдо ҳамкорларимиз Латвия (42,1 %) ва Германия (24,1 %) эканлиги шубҳасиз. Аммо, пасайишларга қарамай Италия (5,45 %), Нидерландия (4,0 %), Польша (3,8 %), Франция (2,0 %) ва Эстония (1,1 %) мамлакатимиз экспортининг ЕИдаги нисбатан салмоқли улушини эгаллаб турибди (53-жадвал).

53-жадвал

Ўзбекистондан HS-08* гурухига кирувчи ҳўл ва қуритилган мевалар, ёнғоқ ва қовун-тарвуз экспорт қилинча ЕИ мамлакатларининг улуши, жамига нисбатан %да

ЕИ-28 импортер мамлакатлари	2010 йил	2011 йил	2012 Йил	2013 йил	2014 йил	2014 й. 2010 й.га нис. ўсиш (+), камайиш (-), пунктда
ЕИ-28 га жами	100	100	100	100	100	
Латвия	16,24	29,2	40,6	46,4	42,1	+ 25,86
Германия	10,27	9,4	15,9	13,3	24,1	+ 13,83
Австрия	23,42	18,4	10,1	12,54	12,5	- 10,92
Италия	-	0,26	-	1,02	5,45	+ 5,45
Нидерландия	28,83	23,56	10,5	3,22	4,0	- 24,83
Польша	8,64	4,6	10,3	6,73	3,8	- 4,84
Франция	5,6	3,13	0,1	3,12	2,0	- 3,6
Буюк Британия	1,33	0,75	1,1	-	1,6	+ 0,27
Руминия	-	0,8	-	-	1,45	+ 1,45
Эстония	1,83	3,02	5	6,15	1,1	- 0,73
Испания	-	1,3	1,4	3,33	0,9	+ 0,9
Литва	0,24	1,5	0,8	1,64	0,8	+ 0,56
Финляндия	0,16		0,6	0,3	0,14	- 0,02
Чехия	-	0,4	0,02	0,33	0,05	+ 0,05
Болгария	-	2,54	2	-	-	
Хорватия	-	0,01	-	-	-	
Греция	0,1	-	0,26	-	-	
Португалия	2,8	1,11	1,1	0,6	-	
Бошқалар	0,54	0,02	0,21	0,03	0,01	

* товарларни кодлаштиришнинг ягона халқаро уйгуланштирилган тизими бўйича.

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспортта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net, -14 с. асосида мувалифлар томонидан хисобланган.

ЕИнинг қолган бошқа мамлакатларига экспорт қилиш барқарор тенденцияга эга эмас ва республикамиз бу бўшлиқдан унумли фойдаланиш чораларини кўриши ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш ва уни диверсификациялаш устида иш олиб бориши мақсадга мувофиқ. Чунки экспортда муайян бир давлатларга боғланиб қолиш конъюктуравий ўзгаришлар нуқтаи-назаридан қалтис ҳисобланади.

Экспортни ЕИ мамлакатлари географияси бўйлаб кенгроқ ёйиш, узок муддатли, барқарор трендга эга ва истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга кўйишга ҳаракат қилиш жоиз.

ЕИга экспорт қилинаётган HS-08 гурӯхига кирувчи маҳсулотлар таркибида энг асосий ўринни ҳўл ва қутилган узум (46,94 %), қурук мевалар (32,6) %, ёнғок (14,84 %) ва қовунтарвузлар (5,55 %) эгаллаганини кўрган эдик. ЕИга жами ҳўл ва қутилган узум экспорти 2010-2014 йиллар оралиғида 3 077,0 мингдан 8 597,0 минг АҚШ долларига ёки 2,79 мартаға ошган. Шу маҳсулотни ЕИ мамлакатлари кесимида таҳлил этадиган бўлсак, экспорт қиймати Латвияга 650,0 мингдан 5 572,0 минг АҚШ долларига (8, 57 марта), Германияга 191,0 мингдан 1 195,0 минг АҚШ долларига (6, 25 марта), Австрияга 82,0 мингдан 724,0 минг АҚШ долларига (8, 82 марта), Буюк Британияга 66,0 мингдан 193,0 минг АҚШ долларига (2, 92 марта), Эстонияга 34,0 мингдан 148,0 минг АҚШ долларига (4,35 марта), Литвага 12,0 мингдан 138,0 минг АҚШ долларига (11,5 марта) ошганини кўриш мумкин. Бу категорияда Польшага экспорт 12,6 %га, Нидерландияга 88,4 %га пасайган бўлса, ЕИнинг қолган мамлакатларига экспорт барқарор бўлмай йиллар бўйича турлича ўзгариб турган ҳамда 2014 йилга келиб батамом тўхтаган (54-жадвал).

Умуман олганда ҳўл ва қутилган узум (майиз) категориясида ҳам энг йирик савдо ҳамкорларимиз сифатида Латвия (жамига нисбатан 65,0 %), Германия (13,9 %), Австрия (8,4 %) ва Польшани (4,3 %) келтириш мумкин. Қолган ЕИ мамлакатларидан Буюк Британия (2,2 %), Нидерландия (1,9 %), Эстония (1,7 %), Литва (1,6 %) ва Испания (1,0 %) ҳам Ўзбекистондан бу маҳсулотни импорт қиласди.

Кутилган мевалар категориясида Европа Иттифоқи мамлакатларига Ўзбекистондан жами экспорт қиймати 2010-2014 йиллар оралиғида 1 296,0 мингдан 5 973,0 минг АҚШ долларига ёки 4,56 мартаға ошган.

**Ўзбекистондан узум, қуруқ мева ва қовун-тарвуз харид қилган
ЕИ мамлакатлари импорти ҳажми, минг АҚШ долларида**

ЕИ-28 га кириувчи импортер мамлакатлар	2010 Йил	2011 Йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 й. 2010 й.га нис., %да
Хўл ва қуруқ узум ('0806-гурухи)						
ЕИ-28 жами	3 077	7 573	7 884	8 126	8 597	279,4
Латвия	650	2 767	4 197	5 362	5 572	857,2
Германия	191	574	813	275	1 195	625,6
Австрия	82	160	19	381	724	882,9
Польша	429	522	865	748	375	87,4
Буюк Британия	66	85	131	-	193	292,4
Нидерландия	1 434	2 540	1 089	397	167	11,6
Эстония	34	179	164	442	148	435,2
Литва	12	168	75	165	138	11,5 м.
Испания	-	149	164	35	84	
Болгария	-	288	167	-	-	
Португалия	140	126	126	74	-	
Словакия	27	-	-	161	-	
Бошқалар	11	15	74	86	-	
Қуритилган мевалар ('0813-гурухи)						
ЕИ-28 жами	1 296	1 170	1 507	1 024	5 973	455,9
Германия	254	357	650	591	3 010	11,85 м.
Латвия	101	45	-	11	1 247	12,34 м.
Австрия	940	759	629	310	779	82,8
Франция	4	-	4	11	364	91 м.
Нидерландия	-	-	41	-	300	
Польша	-	-	163	82	224	
Финляндия	6	-	12	16	25	416,7
Бошқалар	4	8	6	3	24	600,0
Хўл қовун ва тарвузлар ('0807-гурухи)						
ЕИ-28 жами	119	546	718	750	1 016	853,8
Латвия	56	389	309	313	771	13,76 м.
Германия	11	-	-	102	199	18,1 м.
Эстония	51	157	394	298	31	60,8
Бошқалар	1	-	15	37	15	15 м.

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.eaf-rec.net, -15-16 с. асосида тузилаган.

Кейинги йилларда ЕИ бозорида қуритилган меваларга талаб ўсиб бориш тенденциясини намойиш этаётгандыгини эътиборга олиш мухимдир. Маълумотларга қараганда Ўзбекистондан жаҳон бозорларига жами қуритилган мевалар экспортида ЕИнинг улуши 21,3 %ни⁶⁹ ташкил этади. ЕИ бозорларига Ўзбекистондан қуритилган мевалар экспорт қилишни мамлакатлар кесимида кўрадиган бўлсак, 2010-2014 йиллар давомида экспорт қиймати Германияга 254,0 мингдан 3 010,0 минг АҚШ долларига (11,85 марта), Латвияга 101,0 мингдан 1 247,0 минг АҚШ долларига (12,34 марта), Францияга 4,0 мингдан 364,0 минг АҚШ долларига (91 марта) Финландияга 6,0 мингдан 25,0 минг АҚШ долларига (4,16 марта) ва Эстонияга 4,0 мингдан 12,0 минг АҚШ долларига (3 марта) ошган бўлса, Австрияга экспорт 17,2 %га камайган. Бошқа ЕИ мамлакатларига эса бу маҳсулот турини экспорт қилиш умуман амалга оширилмаганлиги афсусланарли ҳолдир. Қуритилган мевалар категориясида ҳам энг йирик савдо ҳамкорларимиз сифатида Германия (жамига нисбатан 50,4 %), Латвия (20,88 %), Австрия (13,04 %), Франция (6,9 %), Нидерландия (5,02 %) ва Польшани (3,75 %) келтириш мумкин. Қолган ЕИ мамлакатларидан Финландия (0,42 %), Эстония (0,2 %), Чехия (0,15 %) ва Литва (0,05 %) ҳам Ўзбекистондан бу маҳсулотни импорт қиласди.

Хўл қовун-тарвузлар категорияси бўйича ЕИга умумий экспорт қиймати 2010-2014 йиллар оралиғида 119,0 мингдан 1 016,0 минг АҚШ долларига ёки 8,53 марта ошган. Мамлакатлар кесимида қарайдиган бўлсак, экспорт қиймати Латвияга 56,0 мингдан 771,0 минг АҚШ долларига (13,76 марта), Германияга 11,0 мингдан 199,0 минг АҚШ долларига (18,1 марта), Эстонияга 39,2 %га камайган. ЕИнинг қолган мамлакатларига маҳсулотнинг бу тури умуман экспорт қилинмаган. Хўл қовун-тарвузлар категориясида энг йирик савдо ҳамкорларимиз сифатида Латвия (жамига нисбатан 75,88 %), Германия (19,6 %), Эстония (3,05 %) ва Польшани (1,47 %) келтириш мумкин (55-жадвал). Бу маълумотлар шуни қўрсатадики, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иктисодий алоқалари кун сайин ривожланиб бормоқда.

⁶⁹ Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net. -15 с.

**Ўзбекистондан узум, қуруқ мева ва қовун-тарвуз харид қилган
ЕИ мамлакатларининг импортдаги улуши, жамига нисб. %да**

ЕИ-28 импортер мамлакатлари	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 й. 2010 й.га нисб. ўсиш (+), камайиш (-), пунктда
Хўл ва қуруқ узум ('0806-гурухи)						
ЕИ-28 жами	100	100	100	100	100	
Латвия	21,1	36,5	53,2	66,0	65,0	+ 43,9
Германия	6,2	7,6	10,3	3,4	13,9	+ 7,7
Австрия	2,7	2,1	0,2	4,7	8,4	+ 5,7
Польша	13,94	6,9	11	9,2	4,3	- 9,64
Буюк Британия	2,14	1,1	1,7	-	2,2	+ 0,06
Нидерландия	46,6	33,5	13,8	4,9	1,9	- 44,7
Эстония	1,1	2,4	2,1	5,44	1,7	+ 0,6
Литва	0,4	2,2	0,96	2	1,6	+ 1,2
Испания	-	2	2,1	0,4	1,0	
Португалия	4,55	1,7	1,6	0,9	-	
Бошқалар	2,16	4,01	3,03	3,07	-	
Қуритилган мевалар ('0813-гурухи)						
ЕИ-28 жами	100	100	100	100	100	
Германия	19,0	30,5	43,16	57,7	50,4	+ 31,4
Латвия	7,7	3,8	-	1,07	20,88	+ 13,18
Австрия	72,5	65,0	41,77	30,27	13,04	- 69,46
Франция	0,3	-	0,26	1,07	6,09	+ 6,06
Нидерландия	-	-	2,72	-	5,02	
Польша	-	-	10,82	8	3,75	
Бошқалар	0,7	0,7	1,26	1,89	0,82	+ 0,12
Хўл қовун ва тарвузлар ('0807-гурухи)						
ЕИ-28 жами	100	100	100	100	100	
Латвия	47,06	71,25	43,04	41,73	75,88	+ 28,82
Германия	9,24	-	-	13,6	19,6	+ 10,36
Эстония	42,86	28,75	54,88	39,74	3,05	- 39,81
Польша	0,84	-	-	-	1,47	+ 0,63
Литва	-	-	2,08	4,93	-	

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству:
Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по
экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из
Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net, -15-
16 с. асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Юқорида келтирилган таҳлилий рақамлар шуни кўрсатадики, HS-08 гурухига кирувчи барча маҳсулот турлари бўйича Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкори сифатида Латвия ва Германияни алоҳида ажратиб кўрсатиш жоиз.

Кейинги йилларда Латвия билан ташқи савдо ҳамкорлиги икки томонлама музокаралар ва ўзаро ишонч асосида ривожланиб бормоқда. Бунга Латвияга ташқаридан импорт қилинган HS-08 гурухига кирувчи жами меваларда Ўзбекистоннинг эгаллаган улушкини таҳлил этиш асосида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, 2012-2014 йилларда Латвия томонидан импорт қилинган HS-08 гурухига кирувчи жами ейиладиган мевалар, ёнгоқлар ва қовун-тарвузда Ўзбекистоннинг эгаллаган улуси 2,7 %дан 4,0 %га ошган. Маҳсулот турлари бўйича қаралганда хўл ва куритилган узум (майиз) улуси 25,9 дан 30,8 %га, куритилган мевалар 0 дан 15,6 %га, хўл қовун-тарвуз 2,74 дан 6,4 %га, ёнгоқ 0,01 дан 0,8 %га ошганини кўриш мумкин.

Ўзбекистондан Латвияга 2014 йилда 7 705,0 минг АҚШ долларига тенг қийматдаги HS-08 гурухига кирувчи хўл ва куритилган мевалар, ёнгоқлар ва қовун-тарвуз экспорт қилинган бўлиб, унинг 5 572,0 минг долларини хўл ва куритилган узум (майиз), 1 247,0 минг долларини куритилган мевалар, 771,0 минг долларини хўл қовун-тарвузлар, 104,0 минг долларини ёнгоқ ва 11,0 минг долларини хўл ўрик, гилос, шафтоли, нектарлар, олхўри ва тоғолча ташкил этган.

Бугунги кунда мамлакатимиз олдида Европа Иттифоқи мамлакатларининг озиқ-овқат бозорларига кириб бориш ва мустаҳкам ўрин эгаллаш вазифаси қўйилган экан, экспортнинг товар таркиби ва географиясини тубдан кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва сифатини кескин яхшилаш, жами экспортда Ейнинг улушкини ҳар томонлама ошириш, фақат айрим мамлакатларга боғланиб қолиш эмас, балки ЕИга аъзо кўпчилик давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантириш масалаларига жиддий ёндошув талаб қилинади.

Негаки, экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушкининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир ахволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши ва корхоналар молиявий ахволининг танглиска юз тутишига олиб келиши мумкин.

56-жадвал

Латвияга Ўзбекистондан ва бошقا мамлакатлардан HS-08* гурухидаги хўл ва курилилган мевалар, ёнгок ва ковун-тарвуз импорт килини хажми, минт АКШ долларида

Махсулот коди	Махсулот тuri	Латвияга		Латвияга хорижий		Ўзбекистондан импорт хажмининг жами имортга нисбатан саломоги, %				
		Ўзбекистондан импорт хажми	Мамлакатлардан жами иморт хажми	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2013 йил	2014 йил	2012 йил	2013 йил
08	Ейшидиган мевалар, ёноклар, цитрус мевалар пўстлоги ва ковун-тарвуз	4 526	5 716	7 705	169 846	173 214	192 826	2,7	3,3	4,0
0806	Хўл ва курилилган узум (майиз)	4 197	5 362	5 572	16 207	17 461	18 119	25,9	30,7	30,8
0813	Курилилган мевалар	-	11	1 247	5 684	5 970	8 002	0	0,18	15,6
0807	Хўл ковун-тарвуз ва папайя	309	313	771	11 278	11 288	12 013	2,74	2,8	6,4
0802	Болика жойда кўрсатилмаган ёнок	8	28	104	10 505	10 845	13 700	0,01	0,2	0,8
0809	Хўл ўрик, гелос, шафтоли, нектарлар, олчўри ва тоголча	-	2	11	14 639	14 326	20 664	0	0,01	0,05
0810	Болика жойда кўрсатилмаган хўл мевалар	12	-	-	12 877	13 613	17 106	0,1	0	0


* Товариарни кодлантирипининг ягона халкаро уйғунлантирилган тизими бўйича

Манба: Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практическиеские рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net, -17 с. асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиси қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташки бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Республикамиз экспортиning товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларни белгилаб беради (17-чизма).



21-чизма. Ташки савдо айланмасининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш⁷⁰

⁷⁰ Б.Ю.Ходиев ва бошк. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятни барто этиш – устувор маждидиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз таракқиети ва халқимиз фаронолитини янада юксалтиришдир” номли маътузулаарни ўрганиш бўйича Ўкув-услубий мажмуя – Т.. Йқтисодиёт. - 2010. – 132 б.

Экспорт қилинаётган товарлар таркибини диверсификация қилиш, уларни импорт килувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гурӯҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Хорижий мамлакатларда республикамизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни чукур ўрганиш, бундай маҳсулотлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиши экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистондан ЕИ мамлакатларига озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишда ЕИ бозорларига киришда озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган экологик хавфсизлик, фитосанитария ва техник талаблар, божхона расмийлаштируви тартиби, импорт божи ва бошқа солиқлар тўғрисида етарли ахборот тўплаш ҳамда чукур таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ЕИ бозорларига экспорт қилишни ривожлантиришни секинлаштираётган муаммолар қўйидаги омиллар билан характерланади:

- экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар билан ўз вактида ҳисоб-китобларни таъминловчи ва ташки бозорга ишлайдиган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватловчи молия-кредит тизимининг етарли ривожланмаганлиги;

- экспорт қилинадиган маҳсулотлар нархининг қимматлашишига сабаб бўлаётган ҳамда уни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз қилиб қўяётган юқори тарифларга эга бўлган мавжуд юқ ташиши тизими;

- кўпгина корхоналарнинг фаол ташки иқтисодий сиёсатга эга эмаслиги, бу маркетинг тадқиқотлари ва реклама ишларини жуда заиф равиша ташкил этилганлигида кўзда ташланмоқда;

- қадоқлаш моллари бозорининг яхши ривожланмаганлиги;

- экспорт қилишга мўлжалланган маҳсулотларни кўпайтириш учун яхши имкониятларга эга корхоналарда зарур айланма маблағлар ва сармоялар етишмаслиги;

- экспортчиларни хорижий бозорларда ҳимоя қилиш механизмининг етарлича ривожланмаганлиги, экспорт қилинаётган маҳсулотта доир хужжатларни расмийлаштиришдаги қийинчиликлар;

- экспортчиларни кредит ва маркетинг жиҳатидан қўллаб-куватлаш механизмининг номукаммаллиги;
- экспорт қўлувчиларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш ва қўмаклашиш тизимининг етарли ривожланмаганинги ва бошқалар.

Ушбу санаб ўтилган, экспортнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни тартибга солишида ва бартараф этишида, шубҳасиз, давлатнинг асосий роли иктисадиётни эркинлаштиришни жадаллаштириш ҳамда экспортни тартибга соловчи, рағбатлантирувчи ягона давлат тизимини ва экспортга қўмаклашиш чора-тадбирлари механизмини барпо этишида намоён бўлиши керак.

Мамлакат иктисадиётини барқарор ривожлантиришида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар экспорт салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўплаб турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт килишида ийрик салоҳиятга эга.

Экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг жаҳон бозорларидаги ракобатбардошлигини ошириш борасида тез суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўргансак, ривожланаётган мамлакатларда мева-сабзавотчилик мажмуаси экспортининг диверсификациялашганинги, бир ёки икки маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашув эмас, балки кўп маҳсулот турларини экспорт қилишга ўтиш, шунингдек кучли ракобат шароитида энг паст харажатлар билан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланниш мақсадга мувофиқлигини кўриш мумкин.

Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, улар ривожланган мамлакатлар билан харажатлар бўйича ҳам, сифат бўйича ҳам ракобатлаша олишлари мумкин. Муваффақият, энг аввало, илгор технологияларни жорий этиш, миллий таълим тизимини тўғри йўлга қўйиш, илмий-тадқиқотлар ва инновацион технологияларни ривожлантириш имкониятларига кенг йўл очиш ҳамда рағбатлантиришга асосланади. Улар жаҳон бозорига кирганларидан сўнг яқин ўн йил давомида муваффақиятга эришганликларини кўрамиз.

Иккинчиidan, ички бозорни бутунлай ёки босқичма-босқич ривожлантириш экспортни диверсификациялашда муваффақиятни

таъминлайди. Бирор бир мамлакат фақат экспортбол маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиб, экспортга йўналтирилган тармокни ривожлантирунганини асосида диверсификациялаш, балки бозор ривожланишини қўллаб-кувватлаш ва унга инвестициялар киритиш лозим.

Учинчидан, давлат донор ташкилотлар, хорижий инвесторлар ва халқаро институтларни бевосига маҳсулот этишириш ва қайта ишлаш жараёнларида иштирок этишлари учун қулай шартшароитлар яратиб бериши лозим. Бу, энг аввало, ургучилик-селекция, ирригация ва мелиорация тадбирларига, замонавий агротехнологияларни жорий этишга ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлашга хорижий инвестициялар жалб этиш жараёнини жадаллаштиришни, юкори технологияли машинаускуналар импорти учун тариф ва тўсиқларни максимал даражада қисқартиришни кўзда тутиши жоиз.

Фикримизча, ЕИ озиқ-овқат бозорларида мамлакатимиз ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда муносиб ўрин эгаллашимиз учун кўйидаги тадбирларни амалга ошириш мухим ҳисобланади:

- тармоқнинг экспорт салоҳиятини барқарор ошириб бориш, биринчи навбатда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда диверсификациялаш имкониятларини кенгайтириш;

- ЕИ озиқ овқат бозорлари конъюнктурасини (талаб, таклиф, нархлар, бозорларнинг сифими, сотиш каналлари, рақобатчилар ва бошк.) чукур ўрганиш;

- ЕИ бозорлари конъюнктурасини тизимли равишда ўрганиш ва экспортчиларни ахборот-маслаҳат билан мунтазам таъминлаб туриш учун маркетинг тадқиқотлари хизматларини йўлга кўшиш;

- маҳсулотларни халқаро бозорларга олиб киришнинг маркетинг стратегияси ва нарх белгилаш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- ЕИ мамлакатларнинг озиқ-овқат бозорларида Ўзбекистоннинг позициясини ҳар томонлама мустахкамлаш;

- ЕИ озиқ-овқат бозорларида юкори талабга эга бўлган маҳсулотлар номенклатурасини аниқлаш ва уларнинг рақобатбардошлик салоҳиятига баҳо бериш;

- ЕИ бозорларида нархлар тебраниши шароитгида нормал фойда олиш ёки зарап кўриш рискини пасайтириш учун маҳсулот таннархини пасайтириш;
- маҳсулотларни экспортта чиқаришда реклама, дизайн, брендинг, маркировкалаш ва қадоқлашнинг замонавий усулларидан унумли фойдаланиш;
- Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) доирасида ISO 9001:2000 – сифат менежменти тизими бўйича маҳсулотлар сифатига кўйиладиган талаблар ва халқаро стандартларни чукур ўрганиш ва уларни мамлакатимиз шароитларига мослаб жорий этиш;
- ISO 22000:2005 – озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти бўйича маҳсулот хавфсизлигига кўйиладиган фитосанитария ва экологик талабларни чукур ўрганиш ҳамда уларни жорий этиш;
- мунтазам равишда маҳсулотлар сифатини ошириб бориш, уларнинг экологик хавфсизлиги ва таъм хусусиятларини яхшилаб бориш;
- экспорт соҳасида катта имкониятларга эга бўлган озиқ-овқат саноатини, бунда биринчи навбатда консерваланган ва қутилган мевалар, томат пастаси, мева шарбатлари экспортини ривожлантириш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш;
- дехқон ва фермер хўжаликлари ҳамда қайта ишлаш корхоналарининг кооперациясига асосланган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга ихтисослашган совутиш камералари, мева-сабзавотларни саралаш ва қадоқлаш пунктлари ҳамда уларни ташиш билан шуғулланувчи маҳсус транспорт-коммуникация тармоғини кенгайтириш;
- ишлаб чиқаришни мунтазам равишда модернизациялаш ва диверсификациялаш стратегиясидан фойдаланиш;
- хорижий инвестицияларни жалб этиш кўламини мунтазам ошириб бориш, улар иштирокидаги қўйша лойиҳалар ва корхоналар сонини ошириш;
- хорижлик бизнес ҳамкорлар билан шартномалар тузиш, “Инкомтермс” халқаро қоидалари асосида товарларни етказиб

бериш шартлари билан экспортчиларни таништириш учун консалтинг хизматлари тармогини кенгайтириш;

- экспортта чиқариладиган маҳсулотларни божхона органларида расмийлаштириш тартибини енгиллаштириш, юкларнинг божхона постларида узоқ туриб қолишининг олдини олиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш-сақлашқайта ишлаш-экспортта чиқариш технологик тизимида горизонтал ва вертикаль интеграцион тузилмалар фаолиятини кучайтириш;

- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи субъектлар учун солиқ, кредит ва божхона имтиёзларини кенгайтириш;

- маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқаришнинг ишончли логистика тизими ва транспорт коридорларини йўлга кўйиш;

- мамлакатимизнинг экспорт ва импорт борасидаги меъёрий-хукуқий қонунчилиги базасини жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорлари талабларига мослаштириш;

- экспорт қилувчи субъектларни ташки бозорларда давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг кенг қамровли тизимини ишлаб чиқиш;

- экспортчи корхоналар ҳамда жисмоний шахсларни жаҳон озиқ-овқат бозорлари коньюктураси ва нархлари, транспорт коридорлари ва транспорт търифлари, божхонада расмийлаштириш шартлари билан доимий равишда таништириб туриш ва бу борага ихтисослашган консалтинг хизматларини кенгайтириш.

Бу тадбирларни амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасининг ошишига, қишлоқ жойларда саноатнинг ривожланишига ва янги иш ўринларини яратилишига, хомашёга асосланган иқтисодиётдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришига асосланган иқтисодиётга ўтишга, ялпи ички маҳсулот таркибида кўшилган киймат салмоғининг ортишига, тайёр маҳсулотлар ассортиментининг кенгайиши ва сифатининг ошишига, қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг ички ва ташки бозорларда рақобатбардошлигини ошишига, тармоқнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши ва экспорт салоҳиятининг юқалишига замин яратади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини мунтазам ошириб бориши, унинг товар ва географик таркибини кенгайтириб бориши орқали диверсификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардош-

лигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қиласди.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

Чиёзчиаси бозорларига Ўзбекистондан қандай
хусулотларни экспортга чиқариши

даги қишлоқ

229

ГЛОССАРИЙ

Агрофирма – дехқон ва фермер хўжаликлари томонидан этиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш ҳамда сотиш асосий фаолияти бўлган юридик шахс.

Диверсификация – (лотинчадан *diversus*- ҳар хил ва *facere*-
қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини
ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини
кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини
кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини
кўпайтириш. Диверсификация жараёни иктиносидёт тармокларида
олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан
бевосита уйғунлашган.

Диверсификация стратегияси – корхона фаолиятини мавжуд
маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш
стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг
ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг
етакчи замонавий тенденциялардан бири хисобланиб, у орқали
корхоналарни бозор шароитида вужулга кепалган

киймати

Ташқи савдо – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларини йўлга кўйиши.

Ташқи савдо сиёсати – бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсати. Бунга тенг хукуқлилик ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

Ташқи савдо айланмаси – мамлакат, мамлакатлар гурухи ташқи савдо фаолияти ҳажмининг пул кўринишидаги ифодаси бўлиб, муайян вақт оралиғидаги (масалан, йил давомидаги) экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндинсига тенг бўлади.

Ташқи савдо баланси сальдоси – мамлакат экспорти ва импорти ҳажми ўртасидаги фарқ, тафовут.

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш – Ўзбекистон Республикасидан экспорт ва реэкспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни бериш, гувоҳлантириш орқали товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаши мақсадида экспертиза ўтказиш жараёни.

Тўлов баланси – муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар миқдори ўртасидаги нисбатни билдиради. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товар ва хизматлар ҳақи, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқаролар ва кўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва бошқалар киради.

Экспорт – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

Экспорт салоҳияти – миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни жаҳон нархлари бўйича етарли ҳажмларда экспорт килиш қобилияти.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сонли Конуни билан тасдиқланган “Солиқ Кодекси”. www.Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-548-1-сонли Конуни билан тасдиқланган “Божхона Кодекси”. www.Lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги 77-Псонли “Ташки иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Конуни// «Ўзбекистон овози» газетаси, 2000 йил 27 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги 470-1-сонли “Бож тарифлари тўғрисида”ги Конуни. www.Lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ-319-сонли “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. www.Lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 августдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4747-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбидармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги “Гадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2164-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-куватлани борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2022-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартағи “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни

кучайтириш ва ракобатбардош маҳсулотларни экспортта етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 авгуустдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1604-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 авгуустдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулаг ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3631-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги “Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2613-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чоралар тўғрисида”ги ПҚ-1871-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 20 июлдаги “Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда Давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган хужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 197-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 28 авгуустдаги “Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 249-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 21 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 199-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сонли қарори билан тасдиқланган

“Товарларнинг электрон шаклдаги божхона декларацияланиши тартиби тұғрисидаги Низом”.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Товарларни электрон шаклда божхона расмий-лаштируви процедураси тұғрисида”ги 370-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлик тартиботларни либераллаштиришга доир құшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ги 379-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги “Сертификатлаштириш жараёнларини такомил-лаштириш ва сифат менежменти тизимини жорий этишга оид құшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ги 122-сонли Қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги “Экспорт операцияларини “бир дарча” тамойили бүйіча амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 305-сонли Қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 245-сонли Қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлігидан 1999 йил 15 қарандыра 832-ракам билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга кўйиш Тартиби”.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

27. И.А.Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлікке кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 21 январ.

28. И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 18 январ.

29. И.А.Каримов. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишининг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутки. “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 7 июнь.

III. Асосий адабиётлар

30. Д.Ботирова, Г.Каххарова, Д.Акбаров. Как экспортировать на рынки стран Европейского Союза на примере плодоовощной продукции. –Т.: Baktria press, 2014.
31. Е.В.Вавилова ва Л.П.Бородулина. Международная торговля. Учебное пособие. –М.: Гардарики, 2006.
32. Р.Гулямов, А.Салимов, Ш.Шукurov и др. Потенциал и перспектива развития плодоовощеводства и виноградарства в Узбекистане. -Т.: Ўзбекистон, 2014.
33. Д.Дэниэлс, Л.Х. Радеба. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. Пер. с англ., 6-изд. – М.: Дело ЛТД, 1994.
34. Н.А. Миклашевская, А.В.Хлопов. Международная экономика. Учебник. – М.: Дело и сервис, 2004.
35. М.Портер. Конкуренция. Пер. с англ. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2005.
36. Ф.Котлер. Основы маркетинга. Пер. с англ. –М.: Ростинтэр, 1996.
37. И.В.Кокушкина, М.С.Воронин. Международная торговля и мировые рынки. Учебное пособие. –СПб.: Техническая книга, 2007.
38. Е.Ю.Сидорова. Международная торговля: курс лекций. Учебное пособие. –М.: Экзамен, 2006.
39. А.О.Олимхонов, Ж.М.Имамназаров. Маҳсулот қандай экспорт қилинади? Ўз маҳсулотини экспорт қилишни режалаштираётган тадбиркорлар учун амалий кўлланма. –Т.: Бақтрия-пресс, 2013.
40. Б.Т.Салимов, М.С.Юсупов, А.С.Юсупов. Жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув шароитида мева-сабзавот маҳсулотлари ракобатбардошлигини ошириш. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2014.
41. Исследование рынка Сибирского Федерального Округа на доступ продукции из стран Центральной Азии. Отчет. –М.: М-Вектор Центральная Азия, 2013.
42. Пособие по экспортной деятельности (для начинающих экспортёров Узбекистана). ПРООН, Торгово-промышленная палата Узбекистана. –Ташкент, 2007.
- ### **IV. Қўшимча адабиётлар.**
43. С.Ғуломов ва бошқ. Микроиктисодиёт. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2001.

44. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Убайдуллаев. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Иқтисод–Молия, 2010.
45. А.Үлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: Иқтисод–Молия, 2014.
46. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўлида. Ўкув кўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Банк–молия академиясининг “Молия” нашриёти, 2014.
47. М.Исамиддинов. Махсулотларни совуқхонада сақлаш. Кўлланма/БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Та什ки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги. –Т.: Бақтрия пресс, 2013.
48. А.Рафиев, Ж.Абдурахимов. Ўзбекистонда бизнес юритиш харажатлари. –Т.: Ўзбекистон Савдо–саноат палатаси, Ўзинвест, БМТ ТД, 2012.
49. Выбор транспорта при экспорте товаров в Российскую Федерацию и Республику Казахстан. Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014.
50. Как правильно составлять экспортный контракт? Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014.
51. Виды расчетов по экспортным контрактам. Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014.
52. Как страховать экспортный груз? Буклет. Фонд поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. –Ташкент, 2014.
- V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва хисоботлар**
53. Ч. Муродов, Р. Саттаров. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни давлат томонидан кўллаб-кувватлаш. Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. –Т.: ТДИУ, 2014. – 279 б.
54. Ю.Шишков. Регионализация и глобализация мировой экономики: алтернатива или взаимодополнение? //МЭ и МО, 2008, № 8, с. 7.

55. Институт прогнозирования и макроэкономических исследований. Предложения по увеличению уровня переработки плодовоощной продукции и винограда. –Ташкент, 2011.

VII. Интернет сайлар

56. Е.Н.Киселева и др.. Рынок продовольственных товаров. Учебное пособие. http://www.plam.ru/uсebnik/rynek_prodrovolstvennyh_tovarov/p2.php.

57. Е.А. Кандрашина. Теория конкуренции М.Портера как методологическая основа управления конкурентоспособностью бизнеса. www.vestnik.sseu.ru/view_pdf.php?pdf=2321

58. М. Исамиддинов. Маҳсулотларни совуқхонада сақлаш. Қўйланма/ БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги. –Т.: Бақтрия пресс, 2013. www.undp.uz/ru/download/index.php?type=publication&id

59. Проект USAID по региональному экономическому сотрудничеству: Анализ возможностей развития экспорта и практические рекомендации по экспорту свежих фруктов, овощей, сухофруктов и другой продукции из Узбекистана в Латвию и страны Европейского Союза. www.car-rec.net

60.www.wikipedia.org/wiki/Список_государств_членов_Европейского_союза_по_численности_населения.

61. www.faostat3.fao.org/download/T/TP/E.

62. www.customs.uz

63. www.foodnewsweek.ru/world/uzbekistan-gotov-uvelichit-export-produktov-v-rf.html.

64. www.ite-uzbekistan.uz/vis/uzprint/rus/press/news.

65. www.nbu-export.uz.

66. www.mfer.uz/uz/export/transportation.

67. www.gazeta.norma.uz/publish/doc/text117489.

68. www.ullidep.uz/uzc/news/.

69. www.xabardor.uz/meva-va-sabzavotlarda-foydali-moddalar.

70. www.uzmed.zn.uz.

71. www.soglom.uz.

72. www.wikipedia.org/wiki.

73. www.wto.org.

74. www.oziq-ovqat.uz/all_modules/korhona.

75. www.anons.uz/article/economics/16329/.

76. www.12uz.com/news/show/economy/7409.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Экспорт тушунчасининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва зарурияти.....	5
1.2. Экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш ва маҳсулотларни экспортга тайёрлаш.....	13
1.3. Экспорт каналлари ва уларнинг хусусиятлари.....	45
1.4. Транспорт турлари ва коридорларини танлаш.....	65
1.5. Экспортни амалга ошириш тартиби ва босқичлари.....	88
1.6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқаришни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-куvvatлаш тизими.....	137
Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.....	146
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДАН ЖАҲОН БОЗОРЛАРИГА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИШ ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ	
2.1. Жаҳон озиқ-овқат бозорларида Ўзбекистоннинг мева-сабзвотлар экспорти бўйича эгаллаган ўрни ва имкониятлари тахлили.....	148
2.2. Россия Федерациясига мева-сабзвот маҳсулотларини экспортга чиқариш шарт-шароитлари ва имкониятлари.....	174
2.3. Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларининг аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув шарт-шароитлари ва имкониятлари.....	197
Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.....	229
Глоссарий.....	230
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	232

**БАХТИЁР ТАДЖИЕВИЧ САЛИМОВ,
МУХИДДИН СОАТОВИЧ ЮСУПОВ,
АСОМИДДИН СОАТОВИЧ ЮСУПОВ**

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ЭКСПОРТ ҚИЛИШ**

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2015

Муҳаррир:	Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир:	М.Холмуҳамедов
Мусаввир:	Д.Азизов
Мусаххиха:	Н.Хасанова
Компьютерда саҳифаловчи:	Н.Рахматуллаева

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.
Нашр. лиц. АИ№149, 14.08.09. Босишига рухсат этилди 26.12.2015.
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 14,75. Нашр босма табоги 15,0.
Тиражи 100. Буюртма №264.

